

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**



**МАХСУС ФАНЛАР ЦИКЛИ**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ХОДИМЛАР  
БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БОШЛАНҒИЧ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК  
ЎҚУВ КУРС УЧУН “ИЖТИМОИЙ - ГУМАНИТАР” БЛОКИ БҮЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**ТОШКЕНТ**

Мазкур ўкув-услубий мажмуа “Ички ишлар органларининг офицер ва сафдорлик лавозимлариiga хизматга қабул қилинган ходим билан ташкил этилган бошланғич касбий тайёргарлик ўкув йиғини”нинг ўкув дастури асосида тайёрланган.

## Тузувчи:

## Тақризчилар:

- А.С. Юнусов** - Республика Малнавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи

**З.Р. Умаров** - Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Махсус касбий фанлар кафедраси доценти, т.ф.н., доцент

Үқув-услубий мажмуа ички ишлар органларининг офицер ва сафдорлик лавозимларига хизматга қабул қилинган ходим билан ташкил этилган бошланғич касбий тайёргарлик үқув йигини тингловчилари учун “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми Кодекси”, “Маънавий-маърифий тайёргарлик”, “Коррупция – ички маънавий таҳдид” ва “Геосиёсий манфаатлар тўқнашуви ва мафкуравий кураш” модуллари қамровидаги мавзулар ёритиб берилган.

Ўкув-услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси ИИВ таълим муассасалари тингловчи, курсант, докторант ва мустақил изланувчилари, профессор-ўқитувчилари, шунингдек ички ишлар органларининг амалиёт ходимлари учун мўлжалланган.

Үқув-услубий мажмуа Малака ошириш институти Илмий Кенгашининг  
2023 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги “\_\_\_”-сонли йиғилишида муҳокама  
қилинганд ва маъқулланган.

УДК \_\_\_\_\_

---

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2023.

## Мундарижа

Кириш.....	6
Модул бўйича дарслар тақсимоти.....	12
<b>Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми Кодекси-модулидан мавзулар</b>	
1-мавзу: Ички ишлар органларида касбий маданият қоидалари.....	14
2-мавзу: Ички ишлар органларида хизмат интизомига оид талаблар.....	27
3-мавзу: Ички ишлар органларида бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари .....	36
4-мавзу: Ички ишлар органларида касбий маданият ва хизмат интизомини таъминлаш .....	48
5-мавзу: Бошлиқнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш.....	66
<b>Маънавий-маърифий тайёргарлик-модулидан мавзулар</b>	
1-мавзу: “Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш Концепцияси”нинг аҳамияти .....	73
2-мавзу: Маънавий таҳдид – инсонпарварлик кушандаси.....	91
3-мавзу: Экстремизм ва терроризм тушунчаси, моҳияти .....	109
4-мавзу: ИИО ходимларининг мантиқий фикрлашини ривожлантириш усуллари .....	125
5-мавзу: ИИО ходимларининг нутқ маданиятини ривожлантириш усуллари.....	139
<b>Коррупция – ички маънавий таҳдид-модулидан мавзулар</b>	
1-мавзу: Коррупциянинг мазмун-моҳияти .....	158
2-мавзу: ИИО ходимларида коррупцияга қарши хулқ атворни шакллантириш.....	173
3-мавзу: Коррупцияга қарши курашда жаҳон тажрибаси.....	188
<b>Геосиёсий манфаатлар тўқнашуви ва мафкуравий кураш-модулидан мавзулар</b>	
1-мавзу: XXI аср ва янги геосиёсий вазият.....	204
2-мавзу: Мафкуравий курашнинг замонавий кўринишлари.....	220
3-мавзу: ИИО ходимларида мафкуравий иммунитетни юксалтириш.....	240
Мавзулар бўйича тахминий тест саволлари.....	248
Глоссарий.....	257
Адабиётлар.....	264

**Жамият ҳаётиниң танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир.**

**Шавкат Мирзиёев**

## **КИРИШ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, ички ишлар органлари ходимларини “Инсон қадри учун” тамойили асосида давлатнинг **юксак маънавий-ахлоқий** фазилатларга эга, ўз бурчига содик, **ватанпарвар** ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали **аҳолининг чинакам розилигига** эришиш, ички ишлар органлари ходимларида хизмат вазифаларига ҳалол, вижданан, **Ватан ва халқ олдидаги бурчини чинди**лдан ҳис этган ҳолда, юксак **масъулият билан** ёндашиш, жамиятда умумэътироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига сўзсиз амал қилиш **туйғусини** шакллантириш, хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, қадр-қиммати, хукуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми Кодекси ички ишлар органлари ходимларини ички ишлар органларининг ҳар бир ходими Кодексда белгиланган қоида ва талабларни билиши, уларга қатъий ва сўзсиз амал қилиши мажбурий ҳисобланади.

Кодексда белгиланган қоида ва талабларга амал қилиш ходимнинг хизмат фаолияти самарадорлиги ва хизмат интизомини баҳолашнинг асосий мезони ҳисобланади.

Бугунги қунда инсон онги ва қалбини эгаллашга қаратилган мафкуравий таҳдидларга қарши курашиш ички ишлар органлари ходимининг ҳам касбий, ҳам фуқаролик бурчи ҳисобланади.

Бугунги қунда муайян кучлар томонидан турли ғаразли ғоя ва мафкуралар турли-туман усул ва воситаларни қўллаган ҳолда, “ниқобланган” тарзда тарғиб қилинмоқда ва бир қарашда уларнинг заарли таъсирини англаб этиш анча мушкул. Масаланинг мураккаблиги шундаки, бугунги глобаллашув даврида бу жараённи бутунлай тақиқлаб, тўхтатиб бўлмайди. Фақатгина аниқ мақсадли таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишлари орқали ёш авлоднинг маънавий-маърифий, сиёсий-хукуқий билимларини, ҳаётий тажрибаси ошириш, уларда ватанпарварлик, огоҳлик, хушёрлик фазилатларини, чин фуқаролик позициясини шакллантириш билан ушбу иллатларга қарши курашиш мумкин.

**“Ижтимоий-гуманитар” блокининг асосий мақсади** ходимларни ҳар қандай шароитда давлат ва халқ манфаатларига хизмат қиласиган, ёт ва бузғунчи ғояларга муросасиз курашувчи, иймон-эътиқоди ва иродаси мустаҳкам, маънавиятли ва фидойи, ходимларнинг хизмат вазифалариға ҳалол, вижданан, Ватан ва халқ олдиғаги бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, чуқур масъулият ва ташаббускорлик ҳисси билан ёндашиш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар, ватанпарварлик ва ўз касбиға садоқат туйғусини шакллантириш, содир этилиши мумкин бўлган ножӯя хатти-ҳаракатлар, коррупция ички маънавий таҳдид, суистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олиш, геосиёсий манфаатлар тўқнашуви ва мафкуравий кураш ҳақида касбий билимларни беришдан иборат.

**“Ижтимоий-гуманитар” блокининг асосий вазифалари:**

tinglovchilarda Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати ва Ички ишлар вазирлиги томонидан ички ишлар органлари ходимларига қўйилаётган бугунги кун талаблариға жавоб берадиган юксак касбий маҳоратни ривожлантириш;

tinglovchilarни ички ишлар органларида касбий маданият қоидлари, ички ишлар органларида хизмат интизомига оид талаблар, ички ишлар органларида бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари, ички ишлар органларида касбий маданият ва хизмат интизомини таъминлаш, бошлиқнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш талабларини танишитириш;

tinglovchilarни XXI аср ва янги геосиёсий вазият, мафкуравий курашнинг замонавий кўринишлари ҳақидағи биламлар билан мафкуравий иммунитетни юксалтириш;

tinglovchilarни юксак даражадаги ватанпарварлик, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш;

юқори даражада маънавий-ахлоқий тайёргарликни ҳар томонлама таъминлаш ва такомиллаштириб бориш;

ўқитишининг замонавий шакл ва усулларини, инновацион технологияларини, шу жумладан аниқ вазиятлар таҳлили машғулотларида ахборот-хуқуқий ва таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

хизмат вазифаларини бажаришда, назария ва амалиётда учраётган барча ўзгаришларга етарли даражада аниқ баҳо бера олиш, мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва тўғри қарорлар қабул қилиш қобилиятини ривожлантиришни ўргатишдан иборат.

**Блок бўйича тингловчilarning билим, кўникма ва малакалариға қўйиладиган талаблар:**

Тингловчilarning билим, кўникма ва малакалариға қўйиладиган талаблар касбий тайёрлаш мазмuni, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

### **Тингловчи:**

“Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни, яъни ўз хизмат бурчини сўзсиз бажарадиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмада эканлигини;

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми Кодекси талаб ва қоидаларини;

Маънавий-маърифий билимларини;

коррупциянинг мазмун-моҳиятини;

геосиёсий манфаатлар тўқнашуви ва мафкуравий курашни;

ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда фуқаролар ва бошқа шахсларни камситмаслик, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳисобга олишни;

ўз хизмат вазифаларини вижданан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш, расмиятчилик, сохтакорлик ва суиистеъмолчиликка йўл қўймасликни;

ички тартиб қоидаларга, шунингдек, телефонда сўзлашиш ва кийиниш маданиятига қатъий риоя этишни;

мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар, қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳиятини;

ходимлар ўртасида ўзаро муносабатлар қоидаларига амал қилиш, бошлиқлар ва ҳамкасларни ҳурмат қилишни **билиши** керак.

### **Тингловчи:**

руҳан ҳамда жисмонан соғлом, бардам, ҳушёр ва доимо огоҳ бўлиш, иродасини чиниқтириб бориш;

Кодекс талаб ва қоидаларига риоя қилиш, ростгуй бўлиш, амалпарастлик, иғво, тухмат, хасадгўйлик, тамагирлик, майший бузуқлик каби иллатлардан ҳоли бўлиш;

замон талабларига мувофиқ равища ўз устида мунтазам изланиш ҳамда қўшимча билимларни эгаллаш, маънавий-маърифий савиясини доимий равища ошириб бориш, мустаҳкам ва ҳолисона сиёсий, ижтимоий, иқтисодий қарашларни шакллантириб бориш;

суиистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларига қарши иммунитетини кучайтириш;

маънавий ва мафкуравий таҳдидларга қарши курашиш иммунитетини шакллантириш;

доимий равища ўз билим ва касбий кўникмаларини такомиллаштириб бориш, малака ва ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича **кўникмаларга** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига амал қилиш, ИИВнинг норматив ҳужжатлари талабларини

қатый бажариш;

ички ишлар органи ходимининг қасамёдига содик бўлиш, фақат ва фақат халқ ва давлат манфаатларига хизмат қилишдан иборат бўлган ўз хизмат бурчини сўзсиз бажариш;

ўзига юклатилган хизмат вазифалари ва функционал мажбуриятларини самарали амалга ошириш;

хушёр бўлиш, давлат ва хизмат сирини қатый сақлаш;

мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасларига кўмаклашиш;

ходимлар ўртасида ўзаро муносабатларга оид қоидаларга амал қилиш, бошлиқлар ва ҳамкасларни ҳурмат қилиш;

доимий равища ўз билим ва касбий кўникмаларини такомиллаштириб бориш, малака ва ҳуқукий маданиятини ошириш;

хизматдан ташқари ҳолатларда ўзини муносаб равища тутиш, жамоат тартиби ва одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилишда намуна бўлиш;

Мард, жасур ва ватанпарвар ички ишлар органи бўлишга астойдил интилиш;

Ўзбекистонда ва хорижда содир бўлаётган воқеа-ходисаларни таҳлил қила олиш;

янги инновацион ғояларни хизмат фаолиятига жорий этиш;

коррупция ҳолатларига қарши курашиб ва уларнинг профилактикасига фаол кумаклашиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

**Модул бўйича дарслар тақсимоти:**

**Мавзуйй режа**

Т/р	Блок ва модуллар номи	Ўқув юкламаси (соатларда)						
		Умумий юклама хажми	Аудитория соати	Маъруза	Семинар	Амалий машузот	Мустакил таблицим	Назорат
I.	<b>ИЖТИМОЙ – ГУМАНИТАР</b>	<b>154</b>	<b>98</b>	48	36	14	<b>48</b>	<b>8</b>
	<b>1.1. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси - ўқув модули</b>	<b>38</b>	<b>24</b>	12	12	-	<b>12</b>	<b>2</b>
1.1	Ички ишлар органларида касбий маданият қоидалари	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2	-	<b>2</b>	-
1.2	Ички ишлар органларида хизмат интизомига оид талаблар	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2	-	<b>2</b>	-
1.3	Ички ишлар органларида бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2	-	<b>2</b>	-
1.4	Ички ишлар органларида касбий маданият ва хизмат интизомини таъминлаш	<b>12</b>	<b>8</b>	4	4	-	<b>4</b>	-
1.5	Бошлиқнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2	-	<b>2</b>	-
	<b>Якуний синов</b>	<b>2</b>	-	-	-	-	-	<b>2</b>
	<b>2. Маънавий-маърифий тайёргарлик – ўқув модули</b>	<b>30</b>	<b>20</b>	10	8	2	<b>10</b>	-
2.1	“Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш Концепцияси”нинг аҳамияти	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2	-	<b>2</b>	-
2.2	Маънавий таҳдид – инсонпарварлик кушандаси	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2	-	<b>2</b>	-
2.3	Экстремизм ва терроризм тушунчаси, моҳияти	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2	-	<b>2</b>	-
2.4	ИИО ходимларининг мантиқий фикрлашини ривожлантириш усуллари	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2	-	<b>2</b>	-
2.5	ИИО ходимларининг нутқ маданиятини ривожлантириш усуллари	<b>6</b>	<b>4</b>	2	-	2	<b>2</b>	-
	<b>3. Коррупция – ички маънавий таҳдид – ўқув модули</b>	<b>18</b>	<b>12</b>	6	6	-	<b>6</b>	-
3.1	Коррупциянинг мазмун-моҳияти	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2	-	<b>2</b>	-

3.2	ИИО ходимларида коррупцияга қарши хулқ атворни шакллантириш	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2	-	<b>2</b>	-
3.3	Коррупцияга қарши курашда жаҳон тажрибаси	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2	-	<b>2</b>	-
<b>4. Геосиёсий манфаатлар түқнашуви ва мафкуравий кураш – ўқув модули</b>		<b>20</b>	<b>12</b>	6	6	-	<b>6</b>	<b>2</b>
4.1	XXI аср ва янги геосиёсий вазият	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2	-	<b>2</b>	
4.2	Мафкуравий курашнинг замонавий кўринишлари	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2	-	<b>2</b>	
4.3	ИИО ходимларида мафкуравий иммунитетни юксалтириш	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2	-	<b>2</b>	
<b>2-4-модуллардан якуний назорат</b>		<b>2</b>	-	-	-	-	-	<b>2</b>

## 1-МАВЗУ: Ички ишлар органларида касбий маданият қоидалари

РЕЖА:

Маъруза машғулоти (2-соат)

1-савол. “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон Қарорнинг мазмун-моҳияти

2-савол. Ички ишлар органлари ходимлари касбий маданият қоидаларининг асосий талаблари.

**1-савол: “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон Қарорнинг мазмун-моҳияти**

**Аудиторияга савол:** “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон Қарор ҳақида нималарни биласиз?

**Мазкур қарор 4 та иловадан ташкил топган**

1	ИИОлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси
2	Ички ишлар вазирлиги Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти тўғрисида низом
3	ИИОларида кадрлар салоҳияти даражасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар «йўл харитаси»
4	Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

**ИИОлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми  
Кодексининг мақсадлари:**

1. ИИОлари ходимларини «**Инсон қадри учун**» тамоили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содик, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш;

2. ИИОлари ходимларида хизмат вазифаларига ҳалол, вижданан, Ватан



ва халқ олдидағи бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, юксак масъулият билан ёндашиш, жамиятда умум эътироф этилган одоб-аҳлоқ нормаларига сўзсиз амал қилиш туйғусини шакллантириш;

3. ИИОларида содир этилиши мумкин бўлган ножўя хатти-ҳаракатлар, суиистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олиш, хукуқтарни тизими обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслик.

### Қарор билан белгиланди:

1) ИИОларининг ҳар бир ходими Кодексда белгиланган қоида ва талабларни билиши, уларга қатъий ва сўзсиз амал қилиши мажбурий ҳисобланади.



2) Кодексда белгиланган қоида ва талабларга амал қилиш ходимнинг хизмат фаолияти самарадорлиги ва хизмат интизомини баҳолашнинг асосий мезони ҳисобланади.

3) Кодексдаги қоида ва талабларга амал қиласлик ёки уларни қўпол равища бузиш ходимни ИИОларидан хизматдан бўшатишгача бўлган интизомий жазо чорасини кўллаш учун асос бўлади.



### Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари

- номзодларни танлашнинг адолатли, холис ва шаффофт тизимини яратиш;
- ёш раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришнинг янги тизимини жорий этиш;
- шахсий таркибнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш;
- ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини замон талабларига мос равища тўлиқ рақамлаштириш;
- маънавий-маърифий ишларни “**таълим муассасасидан - хизматнинг охирига қадар**” тамойили асосида тизимли ва узлуксиз ташкил этиш орқали уларнинг самарадорлиги ҳамда таъсирчанлигини ошириш;
- манзилли психологик тадбирларнинг замонавий усулларини татбиқ этиш, лавозимга тайинлаш ва аттестация ўtkазиш жараёнларида мутахассис-психологларнинг ролини ошириш.

### РОЗИЛИК БЕРИЛДИ

1. ИИОда хизматга биринчи марта қабул қилинган ходимларга нисбатан тайинланадиган **дастлабки синов муддатини бир йил этиб**

**белгилди.**

**2. ИИВнинг академик лицейлари битирувчилари учун ИИВ Академиясида бакалавриатнинг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти” ва “Тезкор-қидирув фаолияти” таълим йўналишларига, тўлов-контракт асосида 200 нафаргача қўшимча ҳар йиллик қабул квотасини киритилади.**

**Шунингдек:**

**1. Интизомий жазо тариқасида лавозимидан озод этилаётган ходимларни бошқа соҳавий тузилмаларга ўтказиш амалиётига чек қўйиб, ўз йўналиши бўйича қуи бўлинмаларга йўналтириш ёки малакасига баҳо берган ҳолда хизматга лойиқлигини аниқлаш мақсадида аттестациядан ўтказиш тартибини йўлга қўйилади;**

**2. 2023 йил яқунига қадар мансаб лавозимларини юқори маънавий-ахлоқий, ишчанлик ва касбий сифатларга эга бўлган номзодлар билан тўлдиришни назарда тутган ҳолда, ички ишлар органларида хизматга қабул қилишнинг сифат жиҳатидан янги, соддалаштирилган тартибини ўрнатиш ҳамда “**E-nomzod**” электрон ахборот тизимини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни кўрилади;**

**3. Ички ишлар органлари ходимларида мулоқот психологияси ва муомала маданияти ҳамда ностандарт вазиятларда руҳий барқарорликни сақлаш бўйича зарур кўникмаларни шакллантириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилади;**

**4. Ички ишлар органларида малака тоифасини бериш тартиби ва мезонлари ходимларни касбий билимлари, жанговар ва жисмоний тайёргарлик даражаси, ахборот технологияларидан фойдалана олиши ҳамда Кодекс қоида ва талабларини ўзлаштирганилиги бўйича синовдан ўтказиш тизимини жорий этилади.**

ИИОга хизматга биринчи марта қабул қилинган ходимлар ИИВ Малака ошириш институтида **уч ойлик бошланғич касбий тайёргарлик** курсларини муваффақиятли тамомлаганидан сўнг тегишли лавозимга тайинланади;

ИИОга хизматга биринчи марта қабул қилинган ходимлар **дастлабки синов муддати даврида** Кодекс қоида ва талабларини бузган ҳолатларда уларга бириктирилган мураббийлар, айбдорлик даражасидан келиб чиқиб, эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жазога тортилади;

ИИВ академик лицейларининг фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD), шунингдек, фан доктори ёхуд фан доктори (DSc) илмий даражаларига, профессор ёки доцент илмий унвонларига эга бўлган кафедра бошликлари меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига кўра, олий таълим муассасасининг кафедра бошлифи (мудири)га тенглаштирилди;

ИИВ Малака ошириш институтида давомийлиги **144 соатдан кам бўлмаган** дастур асосида ходимлар ҳар уч йилда бир марта ўқитилиб, маҳсус синовдан ўтказилади ҳамда синовларни муваффақиятли топширган

ходимларга келгусида ушбу соҳада **хизмат қилиш хуқуқини таъминлайдиган сертификат берилади.**

2023 йил 1 сентябрдан бошлаб хуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати бўлинмалари ходимларини “Фуқаролар билан ишлаш модули” бўйича узлуксиз ўқитиш амалиётини йўлга қўйилади.



### **Ички ишлар органларида кадрлар салоҳияти даражасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар “йўл харитаси” бўйича**

Ички ишлар органлари фаолияти устидан **жамоатчилик назорати** тизимини яратиш мақсадида доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланган, соҳа олимлари, фахрийлари ва журналистлардан иборат **жамоатчилик кенгашлари** тузилди.

Қўйидагилар жамоатчилик кенгашларининг асосий вазифалари этиб белгиланди:

❖ ички ишлар органлари фаолиятида қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан **жамоатчилик назоратини** амалга ошириш, соҳа бўйича ижтимоий фикрни ўрганиш ва тизимли **мониторинг олиб бориш**;

❖ ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиши жараёнида **ижтимоий фикр ва жамият манфаатлари** ҳисобга олинишини таъминлаш чораларини кўриш;

❖ ички ишлар органлари фаолиятидаги **коррупция ҳолатлари** бўйича интернет ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинган хабарларни батафсил ўрганиш ва унинг натижасини **кенг жамоатчиликка етказиш**.

### **Педагок кадрларни тайёрлаш бўйича**

**а) ИИВ Академияси** - ички ишлар органлари таълим ва ўқув муассасаларининг педагог кадрларини, шу жумладан шартнома асосида қайта тайёрлаш ва малакасини оширади.

**б) ИИВ академик лицейлари** - ўқув-тайёрлов марказларини ташкил этган ҳолда, иш вақтидан ташқари пайтда академик лицей ўқитувчилари томонидан ўқувчи ва фуқаролар учун ихтиёрийлик асосида қўшимча ўқув машғулотларини ўтказиш бўйича пулли таълим хизматларини кўрсатиш хуқуқи берилди.

Бунда, қўшимча ўқув машғулотларидан тушган маблағлар академик лицей жамғармасида жамланиб, унинг 50 фоизи машғулот ўтказган ўқитувчининг ойлик маошига, 50 фоизи академик лицейнинг моддий- техник ва ўқув базасини ривожлантириш ҳамда бошқарув-ёрдамчи ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилди.

Академияда ички ишлар органлари таълим ва ўқув муассасаларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тартибини белгиланади;

ИИВ академик лицейларида пулли таълим хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқилади;

ИИОда жисмоний ва жанговар тайёргарликни ташкил этиш концепцияси тасдиқланади;

барча даражадаги ҳудудий, соҳавий ва тармоқ ички ишлар органлари ходимлари учун **спортнинг якка кураш турлари** (қўл жанги, самбо ва кураш) бўйича ҳудудий терма жамоалар ва спорт секцияларини ташкил этилади;

ички ишлар органларида **психологик хизмат қўрсатиш бўйича янги тизим жорий этилади.**

## **2-савол: Ички ишлар органлари ходимлари қасбий маданият қоидаларининг асосий талаблари**

Касбий маданият қоидалари қайси лавозимни эгаллашидан қатъи назар, ходимларнинг одоб-ахлоқи ва хизматда ўзини тутишнинг асосий талаб ва мезонларни ўз ичига олади.

**Аудиторияга савол: Ички ишлар органлари ходимларининг қасбий маданият ва хизмат интизоми Кодекси ҳақида нималарни биласиз?**

**Ходимлар қасбий маданият қоидаларининг қўйидаги асосий талабларига амал қилишга мажбурдир:**

➤ фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала, камтар ва босиқ бўлиш, ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қатъи назар, ҳеч бир шахс, гурӯҳ ёки ташкилотнинг камситилиши ёки афзал кўрилишига йўл қўймаслик;

➤ Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урфодат ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гурӯҳ ҳамда конфессияларнинг маданий ва бошқа хусусиятларини инобатга олиш, ижтимоий барқарорлик, миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатликка кўмаклашиш;

➤ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тўлиқ, холисона ва ўз вақтида қонуний кўриб чиқиш;

➤ ўз хизмат бурчини вижданан бажаришига нисбатан фуқароларда шубҳа уйғотувчи хатти-ҳаракатдан тийилиш, шунингдек, ички ишлар органлари обрўсига салбий таъсир қўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслик;

➤ ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда фуқаролар ва бошқа шахсларни камситмаслик, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳисобга олиш;

➤ хизмат мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қиласиган ёки уларни бажаришда бирон-бир шахсий, мулкий ёки бошқа манфаатларга дахлдор бўлиши мумкин бўлган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)дан ўзини тийиш;

➤ гурӯхбозлик, маҳаллийчилик, таниш-билишчилик кўринишларига, шунингдек, ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий

холатларга йўл қўймаслик ва қатъий равишида уларнинг олдини олиш;

➤ ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишда расмий оммавий ахборот воситалари вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, шунингдек, уларнинг белгиланган тартибда ишончли маълумотларни олишига кўмаклашиш;

➤ ўз хизмат вазифаларини вижданан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш, расмиятчилик, сохтакорлик ва суиистеъмолчиликка йўл қўймаслик;

➤ ички тартиб қоидаларга, шунингдек, телефонда сўзлашиш ва **кийиниш маданиятига қатъий риоя этиш**;

➤ ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини мухокама қилмаслик, ахлоққа зид ибораларни ишлатмаслик, мамлакатда, шу



жумладан, ички ишлар органларида амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан одамларда ишончсизлик кайфиятини юзага келтириши мумкин бўлган нохолис, субъектив материалларни жойлаштирмаслик;

➤ ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда хизмат хоналари, давлат мулки, моддий-техника базасидан ҳамда ички ишлар органларининг бошка мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиш.

**1. Ходимлар коррупциянинг ҳар қандай кўринишига** қарши курашиши ва унинг профилактикасига фаоллик билан кўмаклашиши шарт.



**2. Ходимлар ўз бошлиги ёки ваколатли органларга ўзларини бошка шахслар ҳуқуқбузарлик содир этишга ундан мурожаат қилган ҳар бир ҳолат, шунингдек, бошка ходимлар томонидан содир этилган ҳар қандай ўзига маълум бўлган ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериши зарур.**

**3. Ходимлар хайрихоҳ, хушмуомала ва эътиборли**, фуқаролар ва ҳамкасларига сабр-тоқат ва ҳурмат билан муносабатда бўлиши лозим.

**4. Ходимлар фуқароларга нисбатан қўполлик қилмаслиги**, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситиши, **асоссиз руҳий ва жисмоний таъсир ўtkазиш** ҳолатларига йўл қўймаслиги лозим.

**5. Хизмат вазифаларини бажариш вақтида ходимларнинг ташки кўриниши** иш шароити ва хизмат тадбири хусусиятини инобатга олган ҳолда, ахолида ички ишлар органларига нисбатан ҳурмат уйғотиши, улар тоза ва ораста кийинган бўлиши зарур.



**6.** Ходимларга хизмат мажбуриятларини бажариш ва хизмат вақтида ёхуд хизмат кийимида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш тақиқланади.

**7.** Ходимлар мансаб ваколатларини сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг органлари манфаатлари йўлида амалга ошириши тақиқланади.



**8.** Ходимларга тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида ёки унинг номидан бу соҳада қонунчилик хужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган фаолият билан шуғулланиши тақиқланади.

**9.** Ходимларга тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишга, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга, тадбиркорлик фаолияти субъектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажаришга рухсат берилмайди, бундан акциядорлик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларига қонунчиликда белгиланган талаблар доирасида эгалик қилиш ҳоллари мустасно.

**10.** Ходимлар ўз мансаб ваколатини сунистеъмол қилган ҳолда, фуқаролар, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказиши орқали шахсий фойда олиши мумкин эмас.

**11.** Ходимлар ўз мансаб ваколатларидан ноқонуний фойдаланиб, фуқаролар, жамият ёки давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказган тақдирда қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

**12.** Ходимларга хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан ҳар қандай совғалар ҳамда ҳар қандай кўринишдаги моддий бойликларни олиш ёхуд уларнинг хизматларидан фойдаланиш тақиқланади.

#### **Бундан ходим томонидан**

**1) алоҳида хизматлари учун давлат органининг тегишли қарори асосида олинган совғалар,**

**2) шунингдек, мусобақалар ва танловларда эришган ютуқлари,**

**3) умумхалқ байрамлари, расмий равишда нишонланадиган саналар ҳамда бошқа расмий тадбирлар муносабати билан мукофотлаш натижасида олинган совғалар мустасно.**

Ходимлар фуқаролар билан муносабатда ўзларининг холислиги, мустақиллиги ва беғаразлигини шубҳа остига қўядиган, шунингдек, ҳар қандай афзалликлар, ғароз ва коррупцияни келтириб чиқарувчи вазиятлардан ўзини тийиши шарт.



## Хизматдан ташқари вақтда ходимлар:

- ❖ жамиятда умумэтироф этилган одоб-ахлоқ нормалариға амал қилиши, миллий урф-одат, қадрият ва анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиши;
- ❖ ички ишлар органларининг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиши;
- ❖ дабдабозлик, шуҳратпарастлик, гуруҳбозлик, майшатбозлик, ичкиликбозлик ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймаслиги;
- ❖ хизмат фаолияти билан боғлиқ маълумотларни оила аъзолари, таниш-билишлари ёки хизматга алоқадор бўлмаган бошқа шахслар иштирокида муҳокама қилмаслиги;
- ❖ ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этмаслиги шарт.

Ходимлар четэл ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудлариға хизмат сафарлари давомида қонунчилик хужжатлари ва ИИВнинг норматив хужжатларида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилган ҳолда зиммасига юқлатилган вазифаларни бажариши лозим.

### Ўзингизни синанг!

ПҚ-10-сон Қарор-...  
Кодекс-...

“Е-номзод”-...  
“Фуқаролар билан ишлаш модули”-...



### Мустақил таълим учун топшириқ:

1. “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва ахоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон Қарорини ўқиб конспектлаштириш.
2. Ички ишлар органлари ходимлари касбий маданият қоидаларининг асосий талабларини ўқиб ўрганиш.
3. Хизматдан ташқари вақтда ходимлар ўзини тутиш қоидаларини ўқиб конспектлаштириш.

### Назорат саволлари:

1. ПҚ-10-сонли Қарорнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?
2. Кодексни қабул қилишдан асосий мақсад нимада?
3. Ички ишлар органлари ходимлари касбий маданият қоидаларининг асосий талаблари нималардан иборат?

## 1-МАВЗУ: Ички ишлар органларида касбий маданият қоидалари

Семинар машғулоти (2-соат)

Хар қайси давлат, ҳар қайси халқ интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир.

Шавкат Мирзиёев

### БЛИЦ-СҮРОВ” МЕТОДИ

“Блиц-сўров” (инглизча “бліц” – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гурухли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчиларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

Машғулотларда методни қўллаш қуйидагича кечади:

Ўқитувчи ўрганилган мавзу, муайян таркибий қисмлар  
моҳиятининг очиб берилишини талаб этадиган саволларни  
ишлаб чиқиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола қиласди

Ўқувчи (tinglovchi)лар берилган саволга қисқа муддатда лўнда, аниқ  
жавоб беради

Гурӯҳ (жуфтлик)да ишлашда бир нафар ўқувчи берилган саволга жавоб  
қайтаради (унинг гуруҳдошлари жавобни тўлдиради, (бироқ, фикрлар  
такрорланмаслиги лозим)

Методни қўллашда мавзуга доир таянч тушунчалар, асосий ғояларнинг  
моҳияти тингловчилар томонидан оғзаки, ёзма ёки тасвир (жадвал,  
диаграмма) тарзида ёритилиши мумкин.

Ўқитувчи “Блиц-сўров” методини турли кўринишда машғулотларда  
қўллаши мумкин. Бу ўқитувчининг касбий маҳоратига боғлиқ. Қуйида “Ички  
ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли  
билин янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-  
тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон Қарорнинг моҳиятини ўрганиш” ўқув  
саволи асосида жадвал келтирилади:

<b>Т.Р</b>	<b>Саволлар</b>	<b>Жавоблар</b>
<b>1</b>	ПҚ-10-сон Қарор қачон қабул қилинган?	
<b>2</b>	ПҚ-10-сон Қарор нечта илова-дан иборат?	
<b>3</b>	ИИО ходимларини қандай тамойил асосида тарбиялаш орқали аҳолининг чинаккам розилигига эришилади?	
<b>4</b>	Ҳар бир ходим Кодекс талабларини билиши ва амал қилиши мажбурийми?	
<b>5</b>	Маънавий-маърифий ишлар қандай тамойил асосида тизимли ва узлуксиз ташкил этилади?	
<b>6</b>	Хизматга биринчи марта қабул қилинган ходимларга дастлабки синов муддати қанча вақт этиб белгиланди?	
<b>7</b>	ИИВ академик лицей битирувчилари Академиянинг қайси таълим йўналишларига қабул қилинади?	
<b>8</b>	ИИВ академик лицей битирувчилари учун тўлов –контракт асосида Академияда қанча қўшимча ҳар йиллик қабул квотаси киритилади?	
<b>9</b>	ИИОга биринчи марта қабул қилинган ходимлар қандай тартибда лавозимга тайинланади?	
<b>10</b>	“Фуқаролар билан ишлаш модули” бўйича узлуксиз ўқитиш амалиётида қайси хизматлар ўқитилади?	
<b>11</b>	“Фуқаролар билан ишлаш модули” бўйича профилактика, ППХ ва ЙПХ хизматлари неча йилда ўқитилади?	
<b>12</b>	“Фуқаролар билан ишлаш модули” бўйича профилактика, ППХ ва ЙПХ хизматлари давомийлиги неча соатдан кам бўлмаган дастур асосида ўқитилади?	
<b>13</b>	ИИО таълим ва ўқув муассасаларини педагог кадрларини малакасини ким оширади?	

## **2-МАВЗУ: Ички ишлар органларида хизмат интизомига оид талаблар**

**РЕЖА:**

**Маъруза машғулоти (2-соат)**

**1-савол.** Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодексининг қабул қилиниши ва аҳамияти

**2-савол.** Хизмат интизоми бўйича ҳар бир ходим зиммасига юклатиладиган мажбуриятлар

**1-савол: Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодексининг қабул қилиниши ва аҳамияти.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январь куни “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10 сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми Кодекси” тасдиқланди.

**Аудиторияга савол: “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми Кодекси”нинг тузилиши хақида тушунчангиз?**

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми Кодекси 7 боб, 74 та банддан иборат.

**Кодекснинг 1-бобида умумий қоидалар белгиланган.**



Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми Кодекси Ўзбекистон Республикаси **ички ишлар органлари ходимлари**, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таълим муассасалари курсантлари ва тингловчиларининг хизмат ҳамда хизматдан ташқари фаолиятида одоб-ахлоқи ва интизомига қўйиладиган талабларни белгилайди, бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатларини, шунингдек, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш масалаларини тартибга солади.

**Ички ишлар органлари ҳарбий тузилмалари бошлиқлари** ва ҳарбий хизматчиларининг ҳарбий хизмат ҳамда ҳарбий хизматдан ташқари фаолиятида одоб-ахлоқи ва интизомига қўйиладиган талаблар, бошлиқлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ўзаро муносабатлари, шунингдек, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг Интизом устави билан ҳам тартибга солинади.



**Ички ишлар органлари ишчи ва хизматчиларининг** меҳнат ҳамда меҳнатдан ташқари фаолиятида одоб-ахлоқи ва интизомига қўйиладиган талаблар, бошлиқлар ҳамда ишчи ва хизматчиларнинг ўзаро муносабатлари, шунингдек, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш Ўзбекистон Республикасининг меҳнат муносабатларига доир қонунчилик хужжатлари билан тартибга солинади.

Кодексда белгиланган қоида ва талаблар ходимларнинг хизмат вазифаларига ҳалол, вижданан, Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, чукур масъулият ва ташаббускорлик ҳисси билан ёндашиш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар, ватанпарварлик ва ўз касбига садоқат туйғусини шакллантириш, содир этилиши мумкин бўлган ножўя хатти-ҳаракатлар, суиистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олишга йўналтирилган.



Ҳар бир ходим ички ишлар органларида хизматга қабул қилинган кундан эътиборан Кодекс қоида ва талабларини билиши, уларга қатъий ва сўзсиз риоя қилиши мажбурий ҳисобланиб, эгаллаб турган лавозими ва бажарадиган ишининг хусусиятидан қатъи назар, уларнинг барчасига бирдек татбиқ этилади.

Кодекс қоидаларига амал қилиш ходимнинг хизмат фаолияти самарадорлиги ва хизмат интизомини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Шахсий важ ва бошқа субъектив сабаблар ходимлар томонидан қонунчилик талаблари ва Кодекс қоидалари бузилишига асос бўла олмайди.

## **2-савол. Хизмат интизоми бўйича ҳар бир ходим зиммасига юклатиладиган мажбуриятлар**

**Ички ишлар органларида хизмат интизомига оид талаблар**  
Кодекснинг 3-бобида белгиланган.



Ички ишлар органларида хизмат интизоми ходимлар томонидан ушбу Кодекс талабларига қатъий ва сўзсиз риоя этишдан иборат.

Хизмат интизоми ҳар бир ходимнинг хизмат бурчини юксак даражада англашига ва қўйилган вазифалар учун шахсий жавобгарлигини чуқур тушунишига асосланади.

### **Аудиторияга савол: Хизмат интизоми ҳар бир ходим зиммасига қандай мажбуриятларни юклайди?**



#### **Хизмат интизоми ҳар бир ходим зиммасига қўйидаги мажбуриятларни юклайди:**

➤ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига амал қилиш, ИИВнинг норматив ҳужжатлари талабларини қатъий бажариш



➤ ички ишлар органи ходимининг қасамёдига содик бўлиш, фақат ва фақат ҳалқ ва давлат манфаатларига хизмат қилишдан иборат бўлган ўз хизмат бурчини сўзсиз бажариш;

- фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манбаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси йўлида фидойилик билан хизмат қилиш;
- ўзига юклатилган хизмат вазифалари ва функционал мажбуриятларини самарали амалга ошириш;
- ишониб топширилган табель қуроли, мол-мулк ва техникани асраб-авайлаш;
- ҳушёр бўлиш, давлат ва хизмат сирини қатъий сақлаш;
- мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасларига қўмаклашиш;
- ходимлар ўртасида ўзаро муносабатларга оид қоидаларга амал қилиш, бошлиқлар ва ҳамкасларни ҳурмат қилиш;
- хизмат гувоҳномаларини сақлаш ва фойдаланиш тартибига қатъий риоя этиш, улардан хизматга алоқадор бўлмаган ҳолатларда фойдаланмаслик, шу жумладан, хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, мавқеини сунистехнологияни қилмаслик;
- доимий равища ўз билим ва касбий қўнимларини такомиллаштириб бориш, малака ва ҳуқуқий маданиятини ошириш;
- хизматдан ташқари ҳолатларда ўзини муносиб равища тутиш, жамоат тартиби ва одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилишда намуна бўлиш.

## **Ўзингизни синанг!**

**Хизмат интизоми-...**

**Ходимнинг зиммасидаги мажбуриятлар-...**

**Хизмат интизомига оид талаблар-...**

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

1. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми Кодексини ўқиб ўрганиш.
2. “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон Қарорини ўқиб ўрганиш.

### **Назорат саволлари:**

1. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми Кодекси қандай масалаларни тартибга солади?
2. Хизмат интизоми ҳар бир ходим зиммасига қандай мажбуриятларни юклайди?

## 2-МАВЗУ: Ички ишлар органларида хизмат интизомига оид талаблар

### Семинар машғулоти (2-соат)

**Таълим сифатини ошириш – Янги  
Ўзбекистон тараққиётининг яккаю  
ягона тўғри йўлидир.**

**Шавкат Мирзиёев**

### “САВОЛ-ЖАВОБ” МЕТОДИ

Метод мавзунинг ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар томонидан ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Уни қўллашнинг самарадорлиги савол-жавобларнинг аниқ, қисқа ва тушунарли тарзда ифода этилиши, айнан мавзуга доир бўлишига боғлиқ.

Таълим жараёнида методни қўллаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўқитувчи моҳияти ёритилган мавзуу  
юзасидан саволлар тайёрлайди

Ўқитувчи саволларни тингловчиларнинг  
эътиборларига ҳавола этади

Тингловчилар берилган саволларга жавоб қайтариш  
орқали мавзуни ўзлаштирганлик даражасини намойиш этади

Ўқитувчи тингловчиларнинг савол-жавобдаги иштирокларини таҳлил қилиб,  
баҳолайди ва машғулотга якун ясайди

### САВОЛЛАР:

1. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми Кодекси нечта боб ва банддан иборат?
2. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми Кодексининг 1-боби қандай номланади?
3. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми Кодексининг 2-боби қандай номланади?
4. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми Кодексининг 3-боби қандай номланади?

**5.** Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси қандай масалаларни тартибга солади?

**6.** Ички ишлар органлари ҳарбий тузилмалари бошлиқлари ва ҳарбий хизматчиларининг ҳарбий хизмат ҳамда ҳарбий хизматдан ташқари фаолияти одоб-ахлоқи ва интизомига қўйиладиган талаблар яна қандай меъёрий ҳужжат билан тартибга солинади?

**7.** Ички ишлар органлари ишчи ва хизматчиларининг меҳнат ҳамда меҳнатдан ташқари фаолиятида одоб-ахлоқи ва интизомига қўйиладиган талаблар қандай ҳужжатлар билан тартибга солинади?

**8.** Кодексда белгиланган қоида ва талаблар ходимларнинг ..... йўналтирилган?

**9.** Ҳар бир ходим қачондан бошлаб Кодекс қоида ва талабларини билиши лозим?

**10.** Кодекс қоидаларига амал қилиш қандай асосий мезонларидан бири хисобланади?

**11.** Ўз хизмат бурчини сўзсиз бажариш деганда тушунчангиз?

**12.** Конституциявий тузумни ҳимоя қилиш деганда тушунчангиз?

**13.** Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси йўлида фидойилик билан хизмат қилиш деганда тушунчангиз?

**14.** Ўзига юклатилган хизмат вазифалари ва функционал мажбуриятларини самарали амалга ошириш деганда тушунчангиз?

**15.** Ходимлар ўртасида ўзаро муносабатларга оид қоидаларга амал қилиш, бошлиқлар ва ҳамкасларни ҳурмат қилиш ҳақида фикр билдиринг.

**16.** Хизмат гувоҳномаларини сақлаш ва фойдаланиш тартибига қатъий риоя этиш, улардан хизматга алоқадор бўлмаган ҳолатларда фойдаланмаслик, хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, мавқеини суиистеъмол қиласлик бўйича қандай кўunikмага эгасиз?

**17.** Хизматдан ташқари ҳолатларда ўзини муносаб равишда тутиш, жамоат тартиби ва одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилишда ходим қандай намуна бўлиши мумкин?

### 3-МАВЗУ: Ички ишлар органларида бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари

Режа:

Маъруза машғулоти (2-соат)

**1-савол.** Ходимлар хизмат бўйича раҳбарларга бўйсуниш тартиби.

**2-савол.** Ички ишлар органлари бошлиқлар таркибининг ходимлар билан ўзаро муносабатларида мажбуриятлари.

#### 1-савол: Ходимлар хизмат бўйича раҳбарларга бўйсуниш

Ходим хизмат вазифасини бажариш пайтида бевосита ва тўғридан-тўғри бошлиқка бўйсунади.




Ходимлар хизмат бўйича бўйсунадиган, шу жумладан, **вақтинча бўйсунадиган раҳбарлар тўғридан-тўғри бошлиқлар** бўлиб ҳисобланади.

Ходимга энг яқин бўлган тўғридан-тўғри раҳбар бевосита бошлиқ ҳисобланади.

**Бошлиқ** ўзи раҳбарлик қилаётган ички ишлар органи бўлинмасида хизмат интизомига риоя этилиши, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарали амалга оширилиши учун **шахсан жавобгар** ҳисобланади.

Бошлиқ унга бўйсунувчи ходимлар томонидан Кодексга амал қилинишида талабчан бўлиши, юксак касбий маҳорат, қонунийлик талаблари ҳамда қасамёдга риоя этиш борасида доимий равишда уларга намуна кўрсатиши, хизмат бурчи ҳиссини кучайтириши ва қўллаб-қувватлаши, **ташаббус, интилиш ва хизматларини рағбатлантириши, шунингдек, хизмат интизоми бузилган ҳолатларда таъсир чоралари қўлланилишини таъминлаши** зарур.



Буйрук ва топшириқлар бўйсуниш тартибида берилади. Юқори турувчи бошлиқ зарур ҳолларда ходимга бевосита бошлиғини хабардор қилмасдан буйрук ёки топшириқ беришга ҳақли. Мазкур ҳолларда ходим ўзининг бевосита бошлиғини бундан хабардор қилиши зарур.

**Ноқонунийлиги яққол күриниб турған ва хизмат фаолиятига алоқаси бўлмаган буйруқ ва топшириқлар берилишига йўл қўйилмайди.**

Бошлиқ қўл остидаги ходимлардан уларнинг хизмат мажбуриятлари доирасидан чиқувчи топшириқларни бажаришни, шунингдек, қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этишни талаб қилишга ҳақли эмас.

**Аудиторияга савол: Ходим қонунга яққол зид бўлган хизмат фаолиятига алоқадор бўлмаган буйруқ ёки топшириқ олганда ходимнинг ҳаракати нимадан иборат?**



Ходим қонунга яққол зид бўлган (хизмат фаолиятига алоқадор бўлмаган) буйруқ ёки топшириқ олганда зудлик билан **юқори турувчи раҳбарга** ёки хизматни ўташ жойидаги шахсий хавфсизлик бўлинмасига хабар беради.

Ходим юқори турувчи раҳбар ёки шахсий хавфсизлик бўлинмасига хабар бериш имконияти бўлмаган тақдирда қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда ғайриқонуй буйруқ ва топшириқларни бажаришдан бош тортишга ҳақли, имкон пайдо бўлиши билан уларни хабардор қилиши лозим.



**Бошлиқнинг буйруқ ва топшириқлари** (қонунга зид буйруқ ва топшириқлардан ташқари) **сўзсиз, аниқ ва ўз вақтида бажарилиши шарт.** Буйруқ ва топшириқларни мухокама этишга, шунингдек, уларни танқид қилишга йўл қўйилмайди.

Ходим буйруқ ёки топшириқнинг бажарилгани тўғрисида буйруқ ёки топшириқ берган бошлиққа, шунингдек, бевосита бошлиғига ахборот беради.

Буйруқ ёки топшириқни бажариш имконияти бўлмаган тақдирда, ходим зудлик билан бу ҳақда буйруқ ёки топшириқ берган бошлиқни хабардор этиши шарт.

**Бошлиқ ходимларни қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги лозим.** У ўз хизмат бурчини ўташ пайтида маҳаллийчилик ва таниш-билишчилик, шунингдек, бошқа салбий омилларнинг намоён этилишига барҳам бериши керак.

**2-савол: Ички ишлар органлари бошлиқлар таркибининг ходимлар билан ўзаро муносабатларида мажбуриятлари**

**Аудиторияга савол: Сизнингча бошлиқ қандай фазилат ва сифатларга эга бўлиши керак?**

**Бошлиқ;**



- Бўйсунувидаги ходимларга професионализм, ҳалоллик, холислик ва адолатлиликда ўрнак бўлиш;
- жамоада соғлом маънавий-руҳий муҳит ва ишchan кайфиятни шакллантириш;
- ходимларни қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) содир этишга ундумаслик ҳамда улардан бундай ҳаракатларни бажаришни талаб қилмаслик;

- манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ҳал қилиш, ходимлар учун қулай ва муносиб хизмат шароитларини яратиш бўйича ўз вақтида чоралар қўриш;
- жамоада гурӯхбозлик ва фаворитизм (айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-қувватлаш) қўринишларига йўл қўймаслик;



- коррупция ва ўз ваколатларини суистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш чораларини қўриш, ходимларни ҳурмат қилиш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик;

- шахсий таркибни самарали бошқариш, ходимларнинг хизмат фаoliyatiini холисона баҳолаш;
- ўзига бириктирилган мол-мулк ва молиявий маблағларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;



➤ ходимларнинг индивидуал хусусиятларини ўрганиш, улар билан ўзаро яқин муносабат ўрнатиш, жамоани бирлаштириш, ходимлар томонидан содир этилган ножўя хатти-ҳаракатларнинг сабабини ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, хизмат интизоми бузилишига муросасиз муносабатда бўлиш;



➤ ходимларнинг, улар оила аъзоларининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, уларни ижтимоий ва хуқуқий ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат принципларига амал қилиш, юқори турувчи раҳбарга қўл остидаги ходимларнинг хуқуқларини таъминлаш бўйича таклифлар киритиш;



➤ ходимлар олдига қўйилаётган вазифа ва берилаётган топшириқларни аниқ ва тушунарли ифодалаш.

## Ўзингизни синанг!

Бевосита бошлиқ-...

Тўғридан-тўғри бошлиқ-...

Бошлиқнинг мажбуриятлари-...

Ходимнинг мажбуриятлари-...



### Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми Кодексини ўқиб ўрганиш.
2. “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон Қарорини ўқиб ўрганиш.

### Назорат саволлари:

1. Ходим хизмат вазифасини бажариш пайтида кимга бўйсунади?
2. Кимлар тўғридан-тўғри бошлиқлар ҳисобланади?
3. Бошлиқ хизмат фаолиятида нималарга мажбур?

## **З-МАВЗУ: Ички ишлар органларида бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари**

### **Семинар машғулоти (2-соат)**

**Билимнинг шундайки, у яланғоч бўлганингда ҳам ўзинг билан қолади уни ҳаммомга кирганингда сув ҳам йўқота олмайди.**

**Абу Райхон Беруний**

### **“МУАММОЛИ ВАЗИЯТ” СТРАТЕГИЯСИ**

Муаммоли вазият стратегиясининг моҳияти машғулотлар жараёнида муаммоли вазиятларни яратиш ва ечишдан иборат бўлиб унинг асосида дидактик зиддиятлар ётади. Муаммоли таълим концепциясининг асосий тушунчалари «муаммоли вазият» «муаммо», «муаммони топиш» кабилар ҳисобланади. Чизмадан англанадики муаммоли вазият бу методнинг дастлабки кўриниши ҳисобланиб ўзида субъектнинг аниқ ёки қисман тушуниб етилган муаммони ифодалайди уни бартараф этиш янги билимлар усуллар ва ҳаракат кўникмаларини ўзлаштиришни тақозо этади. Агар ўқувчида қийинчиликларни йўқотиш йўлларини излаб топиш учун бошланғич маълумотлар бўлмаса шубҳасиз муаммоли вазият ечимини у қабул қиласиди яъни муаммонинг ечими унинг онгига акс этмайди. Фикрлаш муаммо моҳиятини тушуниб етилиши ифодаланиши мавжуд билим ва кўникмалар мажмуаси ва изланиш тажрибаси асосида муаммоли вазиятни қабул қилиш биланоқ бошланади. Бу ҳолда муаммоли вазият муаммога айланади. Ҳар бир муаммо муаммоли вазиятни ўзида намоён этади бироқ барча муаммоли вазият муаммога айланавермайди.

Зиддиятларни бартараф этиш нафақат илмий билиш йўли шу билан бирга ўқув йўли ҳамdir. Бу методни қуйидаги чизма ёрдамида ифодалаш мумкин:

## Муаммоли ўқитиш методининг тузилмаси



Мазкур методдан фойдаланиш жараёнида муаммо ечимини топишга ёрдам берувчи йўналишлар кўрсатилмайди ва чегараланмайди. Бу хусусият муаммоли масалага хосдир. Муаммода ечимнинг қандайdir параметрлари кўрсатилса у муаммоли масала ҳисобланади. Ҳар қандай муаммоли топшириқ маълум муаммони демак муаммоли вазиятни ҳам қамраб олади. Бироқ юқорида таъкидланганидек барча муаммоли вазият муаммо бўла олмайди. Инсон ҳар доим муаммоли масалаларни ҳал этади. Агар унинг олдида муаммо пайдо бўлса уни муаммоли масалага айлантиради яъни унинг ечими учун оъзидаги билимлар тизимиға таянади ва маълум кўрсатишларни белгилаб олади. Муваффақиятсизликка учраган тақдирда у бошқа кўрсаткичларни қидиради ва шу муаммо бўйича янги вариантлардаги масалаларни лойиҳалайди.

**Таълим жараёнида муаммоли методни қўллашда ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қўйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:**

<b>Ўқитувчи фаолиятининг тузилмаси</b>	<b>Ўқувчи фаолиятининг тузилмаси</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- Ўқув материалига оид тафовутларни таклиф этилиши;</li> <li>- муаммоли вазиятларни тузиш;</li> <li>- муаммонинг мавжудлигини аниқлаб бериш;</li> <li>-муаммоли топшириқларни лойиҳалаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Ўқув материали моҳиятининг англаб этилиши;</li> <li>- муаммоли вазият юзасидан фикрлаш;</li> <li>- мавжуд билимлар ва тажрибани қайта тиклаш;</li> <li>- муаммоли масалага ўтказиш;</li> <li>- топшириқни бажариш.</li> </ul>

## **Муаммоли вазият методини амалга ошириш босқичлари.**

### **Ўқитувчи:**

1. Муаммоли вазият методи асосида ишлаш йўлларини тушунтиради ва тарқатма материалларни тарқатади.
2. Муаммоли вазиятнинг фойдали ва муаммоли томонлари қўриб чиқилади.
3. Ҳақиқий муаммоли вазият танлаб олиниб ва ўқитувчи кўрсатмаси билан кичик гуруҳларга бўлинишлари илтимос қилинади.
4. Ҳар бир гурухга маълум бир муаммони белгилаб беради.
5. Гуруҳлар ўз фикрларини ёзма равишда баён этишлари тушунтирилади.
6. Ўқитувчи ўқувчи-тингловчиларнинг фикр мулоҳазаларини таҳлил этади, натижани белгилайди.

### **Ўқувчи-тингловчилар:**

1. Муаммоли вазият методи асосида ишлаш йўлларини тушуниб оладилар.
2. Муаммоли вазиятнинг фойдали ва муаммоли томонларини таҳлил этадилар.
3. Ҳақиқий муаммони танлаб олиб ва ўқитувчи кўрсатмаси билан кичик гуруҳларга бўлинадилар.
4. Ҳар бир гурух маълум бир муаммони танлаб олади.
5. Гуруҳлар ўз фикрларини ёзма равишда баён этадилар ва ҳимояга чиқадилар.
6. Фикр-мулоҳазаларни таҳлил этадилар ва натижани қўлга киритадилар.

**Кутиладиган натижа:** Тингловчилар “Муаммоли вазият” методини амалиётга татбиқ этадилар.

ИИОда машғулотларда “Муаммоли вазият” методидан фойдаланиш учун тингловчиларга ўқитувчи ўз фанида ўтиладиган мавзулардан келиб чиқиб муаммоли вазият ишлаб чиқади ва машғулотларнинг ўтказилишида қўллайди.

Масалан: «**Ички ишлар органлари ходимларининг қасбий маданият ва хизмат интизоми Кодекси**» модули учун З-мавзу: «**Ички ишлар органларида бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари**» мавзуси мавзусига қуйидагича муаммоли вазиятларни машғулотларда қўлласак мақсадга эришилади:

**1-савол:** Бевосита бошлифингиз сизга қўнғироқ қилиб, унга таниш бўлган А.А. исмли шахс 200 АҚШ доллари бериб кетишини, олиб қолишингизни айтди.

Бу вазиятда қандай йўл тутар эдингиз?

**2-савол:** Хизмат кийимида йўлда юриб кетаётган вақтингизда сизга номаълум иккита шахс жамоат жойда бир-бири билан ўзаро бақир-чақир қилиб жанжаллашмоқчи бўлаётганда, сиз уларни хизмат хонангизга олиб келиб уларга нисбатан ҳужжатлар расмийлаштироқчи бўлаётганингизда бевосита бошлифингиз қўнғироқ қилиб, қўйиб юборишингизни талаб қилди.

Бу вазиятда сизнинг ҳаракатингиз?

**3-савол:** Мехнат таътилига чиқмоқчи эканлигингизни бевосита бошлифингизга айтиб рухсат сўраганингизда, ишлар кўплигини айтиб жавоб бермади, лекин “озгина хизмат” борлигини айтди.

Бу вазиятда қандай йўл тутар эдингиз?

### САВОЛЛАР:

1. Ички ишлар органларида бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари Кодекснинг қайси бобида белгиланган?
2. Ходим хизмат вазифасини бажариш пайтида кимга бўйсинади?
3. Ходимга энг яқин бўлган раҳбар бу-
4. Ходимлар хизмат бўйича бўйсунадиган, шу жумладан, вақтинча бўйсунадиган раҳбарлар бу-
5. Бошлиқ ўзи раҳбарлик қилаётган ички ишлар органи бўлинмасида нималарга шахсан жавобгар ҳисобланади?
6. Ходим қонунга яққол зид бўлган (хизмат фаолиятига алоқадор бўлмаган) буйруқ ёки топшириқ олганда кимга хабар бериши шарт?
7. Ходим буйруқ ёки топшириқнинг бажарилгани тўғрисида кимга хабар беради?
8. Ходим буйруқ ёки топшириқни бажариш имконияти бўлмаган тақдирда кимга хабар беради?
9. Бошлиқ хизмат фаолияти давомида нималарга мажбур?

#### **4-МАВЗУ: Ички ишлар органларида касбий маданият ва хизмат интизомини таъминлаш**

**Режа:**

**Маъруза машғулоти (2-соат)**

**1-савол.** Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан рағбатлантириш чоралари

**2-савол.** Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан интизомий жазо чоралари

**1-савол: Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан рағбатлантириш чоралари**

Ички ишлар органларида касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларига риоя этиш ходимларда юксак онгу тафаккурни шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни изчил олиб бориш, шунингдек, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш орқали таъминланади.

**Аудиторияга савол: Ходимларга нисбатан қандай рағбатлантириш чоралари қўлланилади?**

**30. Ходимларга нисбатан қуйидаги рағбатлантириш чоралари қўлланилади:**



- а) миннатдорлик эълон қилиш;
- б) қимматбаҳо ёки эсадалик совғаси ёхуд пул мукофоти билан тақдирлаш;
- в) фахрий ёрлиқ билан тақдирлаш;
- г) идоравий кўкрак нишони билан тақдирлаш;
- д) муддатидан олдин навбатдаги маҳсус унвон бериш;
- е) эгаллаб турган лавозими билан назарда тутилгандан бир поғона юқори маҳсус унвон бериш.

Шунингдек, рағбатлантириш тариқасида Кодекснинг **34-банди «а», «б»** ва **«в»** ҳамда **35-банди «а»** ва **«б»** кичик бандларида назарда тутилган муқаддам қўлланилган интизомий жазо муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

**Аудиторияга савол: ИИВ таълим муассасаларида курсантлар (тингловчилар)га нисбатан қандай рағбатлантириш чоралари қўлланилади?**

**31. ИИВ таълим муассасаларида Кодекснинг 30-бандида назарда тутилган рағбатлантириш чораларидан ташқари курсантлар (тингловчилар)га нисбатан қуидаги рағбатлантириш чоралари ҳам қўлланилади:**

- а) таълим муассасаси ҳудудидан навбатдан ташқари чиқиб келишга рухсат бериш;
- б) «Хурмат тахтаси»га киритиш;
- в) курсант (тингловчи)нинг ота-онаси ёки турар жойига миннатдорлик хати юбориш;
- г) Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ёки «Жалолиддин Мангуберди» стипендиясини тайинлаш.

32. Алоҳида хизматлари учун ходимлар Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари ва давлат мукофотлариiga тавсия этилиши мумкин.

### **Ёдда туинг!**

33. Ойлик иш ҳақи, даврий мукофотлар, қўшимча тўловлар, устама ҳақлари ва ходимларнинг пул таъминотида назарда тутилган бошқа тўловлар рағбатлантириш чораларига кирмайди.

**34. Ходимларга нисбатан қуидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:**



- а) танбех;
- б) ҳайфсан;
- в) қаттиқ ҳайфсан;
- г) лавозим маошининг эллик фоизидан кўп бўлмаган микдорда жарима;
- д) маҳсус унвонини бир погона пасайтириш;
- е) эгаллаб турган лавозимидан озод этиш;
- ж) гауптваҳтада хибсда ушлаб туриш;
- з) ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш.

**35. ИИВ таълим муассасаларида Кодекснинг 34-бандида кўзда тутилган интизомий жазо чораларидан ташқари таълим муассасаларининг белгиланган ички тартиб-қоидаларини бузган, ўқув дастурини қониқарсиз ўзлаштирган курсантлар (тингловчилар)га нисбатан қуидаги интизомий жазо чоралари ҳам қўлланилиши мумкин:**

- а) навбатдан ташқари нарядда хизмат ўташга ёки беш суткагача хўжалик ишларига жалб этиш;
- б) бир ой муддатгача таълим муассасаси ҳудудидан навбатдаги чиқиш хуқуқидан маҳрум этиш;
- в) курсантлар (тингловчилар) рўйхатидан ўчириш.

Ушбу банднинг «а» ва «б» кичик бандларида назарда тутилган интизомий жазо чоралари ИИВ таълим муассасалари магистратура босқичи тингловчиларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари бошликлар томонидан

ўзига берилган ваколатлар доирасида қўлланилади.

**БИРИНЧИ:** Туман (шаҳар) ички ишлар органлари, транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармалари, жазони ижро этиш муассасалари, тергов ҳибсоналари бошлиқлари, бригада ва батальон командирлари, минтақавий мувофиқлаштириш марказлари раҳбарлари, шунингдек, уларга тенглаштирилган раҳбарлар қуидаги ҳуқуқларга эга:

Кодекснинг **30-банди «а», «б» ва «в»** кичик бандларида назарда тутилган рағбатлантириш чораларини қўллаш;

Кодекснинг **34-банди «а» ва «б»** кичик бандларида назарда тутилган интизомий жазо чораларини қўллаш.

**ИККИНЧИ:** Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосарлари — департамент бошлиқлари (ўз йўналишлари бўйича худудий ва тармоқ ички ишлар органлари ходимларига нисбатан), Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, ИИВ хузуридаги Жазони ижро этиш департаменти ҳамда таълим муассасалари бошлиқлари, шунингдек, уларга тенглаштирилган раҳбарлар қуидаги ҳуқуқларга эга:

Кодекснинг **30-банди «а», «б» ва «в»** кичик бандлари ҳамда **31-бандида («г» кичик бандидан ташқари)** назарда тутилган рағбатлантириш чораларини қўллаш;

Кодекснинг **34-банди «а», «б», «в» ва «г»** кичик бандлари ҳамда **35-бандида** назарда тутилган интизомий жазо чораларини қўллаш.

**УЧИНЧИ:** Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари — Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошлиғи ички ишлар ходимларига нисбатан:

Кодекснинг **30-банди «а», «б» ва «в»** кичик бандларида назарда тутилган рағбатлантириш чораларини қўллаш;

Кодекснинг **34-бандида назарда тутилган («д» ва «з» кичик бандидан ташқари)** интизомий жазо чораларини қўллаш ҳуқуқига эга.

**ТЎРТИНЧИ:** Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Кодексда назарда тутилган **барча рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллайди**, қўлланилган интизомий жазоларни бекор қилиш орқали рағбатлантиради, шунингдек, ходимларни Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари ва давлат мукофотларига тавсия этади.

Ички ишлар органлари хизматига қабул қилиш ва хизматдан бўшатиш ваколатига эга бошлиқлар ходимларга нисбатан Кодекснинг **34-банди «е»**, **«ж» ва «з»** кичик бандларида назарда тутилган интизомий жазо чораларини қўллаш ҳуқуқига эга.

Қўл остидаги ходимларига нисбатан ўз ваколатларига кирмайдиган рағбатлантириш чораларини қўллаш зарурияти туғилган ҳолатда бошлиқ юкори турувчи раҳбарга бу ҳақда илтимоснома киритади.

Бошлиқ қўл остидаги ходим томонидан содир этилган ножӯя хатти-харакатнинг ўта жиддийлиги сабабли уни лозим даражада жазолаш учун

ўзига берилган ваколатларни етарли эмас деб ҳисобласа, юқори турувчи раҳбарга ходимга нисбатан оғирроқ интизомий жазо қўллаш тўғрисида илтимоснома киритади.

Интизомий жазо чорасини қўллашда ўз ваколатини оширган ёки Кодексда назарда тутилмаган интизомий жазо чорасини қўллаган бошлиқ интизомий жавобгарликка тортилади, қўлланилган интизомий жазо эса юқори турувчи раҳбар томонидан бекор қилинади.

Ходим хизмат сафари ёки даволанишда бўлган вақтда хизмат интизомини бузган тақдирда мазкур хатти-ҳаракатдан хабар топган бошлиқ ушбу ҳолатни бартараф этиш чораларини кўради ва бу ҳақда ходимнинг хизмат жойига хабар беради.

### **Рағбатлантириш чоралари алоҳида ходимга нисбатан ҳам, бир гурух ходимларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.**

Ходимга нисбатан бир ютуғи (натижаси) учун фақат битта рағбатлантириш чораси қўлланилиши мумкин.


Рағбатлантириш чорасини белгилашда ходимнинг хизмат кўрсаткичлари хусусияти, шунингдек, унинг аввалдан хизматга бўлган муносабати эътиборга олинади.

Кодекснинг **34-банди «а», «б» ва «в»** кичик бандларида назарда тутилган интизомий жазо қўлланилган ходим мазкур жазони бекор қилиш орқали рағбатлантирилади. Интизомий жазони бекор қилиш ҳуқуқи уни қўллаган бошлиққа ёки унга teng ваколатга эга, шунингдек, юқори турувчи ваколатли раҳбарга берилади.

### **Рағбатлантириш чоралари, қоида тариқасида, қўйидагича қўлланилади:**



**миннатдорлик эълон қилиш** —  
касбий маданият қоидаларига риоя этиб,  
юклатилган вазифани, бошлиқнинг буйруги  
ёки топширигини муваффақиятли бажарган  
ходим (ходимлар гурухи)га нисбатан;



**қимматбаҳо ёки эсадлик совға ёхуд пул**  
**мукофоти билан тақдирлаш** —  
касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми  
талабларига риоя этган ходим (ходимлар  
гурухи)га нисбатан хизмат фаолияти  
давомида юқори натижаларга эришгани,  
хизмат вазифасини намунали бажаргани ва  
бенуқсон хизмати учун, шунингдек,  
захирага (истеъфога) чиқиши муносабати  
билан ёки мусобақа (беллашув)нинг якуний  
натижаларига қўра;



**фаҳрий ёрлиқ билан тақдирлаш** — касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларига риоя этган ходим (ходимлар гурухы)га нисбатан хизмат фаолияти давомида юқори натижаларга эришгани, хизмат вазифасини намунали бажаргани учун, шунингдек, мусобақа (беллашув)нинг якуний натижаларига кўра ва ўқишни (ўқув йилини) муваффақиятли якунлагандা;



**идоравий кўкрак нишони билан тақдирлаш** — ходимга нисбатан юқори хизмат интизоми, касбий маданияти ва кўп йиллик бенуқсон хизмати, ички ишлар органлари тизимини такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшгани, хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва жасорат кўрсатгани, шунингдек, ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшгани учун;



**муддатидан олдин навбатдаги маҳсус унвон бериш ёки эгаллаб турган лавозими билан кўзда тутилгандан бир поғона юқори маҳсус унвон бериш** — ходимга нисбатан юқори хизмат интизоми, касбий маданияти, хизмат бурчини бажариш чоғида қўрсатган қаҳрамонлиги, жасорати ва фидойилиги, ички ишлар органлари амалий фаолиятига салмоқли илмий ҳисса қўшгани (илмий даражани олганда), хизмат вазифаларини юксак даражада бажаришда намуна бўлгани учун (ички ишлар органларида хизмат ўташ масалаларини тартибга солувчи қонун хужжатлари талабларига мувофик);

**таълим муассасаси ҳудудидан навбатдан ташқари чиқиб келиш** — юқлатилган вазифаларни, командирларнинг буйруқ ёки топшириқларини вижданан бажарган ИИВ таълим муассасаларининг курсантлари (тингловчилари)га нисбатан;

**Хурмат тахтасига киритиш** — ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирок этган, ўқув дастурларини аъло баҳоларга ўзлаштирган ИИВтаълим муассасаларининг курсантлари (тингловчилари)га нисбатан;



**ота-онасига ёки турар жойига миннатдорлик хати юбориш** — ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирок этган, ўқув мавсумини аъло баҳолар билан якунлаган ИИВ таълим муассасаларининг курсантлари (тингловчилари)га нисбатан;



**Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ёки Жалолиддин Мангуберди стипендиясини тайинлаш** — ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирок этган, ўқув ва хизмат интизомига риоя қилишда намуна бўлган, ўқув йилини аъло баҳолар билан якунлаган ИИВ таълим муассасаларининг курсантларига нисбатан.

Қўлланилган рағбатлантириш чораси **буйруқ билан** эълон қилинади. **Миннатдорлик эълон қилиш ва таълим муассасаси худудидан навбатдан ташқари чиқиб келиш** буйруқ орқали ҳам, оғзаки ҳам эълон қилиниши мумкин.

Рағбатлантирилганлиги ҳақида ходимга шахсан, саф олдида ёки кенгайтирилган мажлис (йигилиш)да тантанали тарзда эълон қилинади.

Рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқ эълон қилинган вақтда, қоида тариқасида, ходимларга фахрий ёрлик, қимматбаҳо ёки эсадлик совға ёхуд пул мукофотлари, кўкрак нишонлари топширилади.

Буйруқ билан эълон қилинган рағбатлантириш чораси ходимнинг шахсий ҳужжатлар йигма жилдига киритиш орқали ҳисобга олиниши лозим.

Рағбатлантириш чораларини ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

**2-савол: Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан жазо чоралари**

**Аудиторияга савол: Ходимларига нисбатан қандай жазо чоралари қўлланиллади?**

**34. Ходимларга нисбатан қўйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:**

- а) танбех;
- б) ҳайфсан;
- в) қаттиқ ҳайфсан;
- г) лавозим маошининг эллик фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима;
- д) маҳсус унвонини бир пофона пасайтириш;
- е) эгаллаб турган лавозимидан озод этиш;

- ж) гауптвахтада ҳибсда ушлаб туриш;
- з) ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш.

**35. ИИВ таълим муассасаларида Кодекснинг 34-бандида кўзда тутилган интизомий жазо чораларидан ташқари таълим муассасаларининг белгиланган ички тартиб-қоидаларини бузган, ўқув дастурини қониқарсиз ўзлаштирган курсантлар (tinglovchilar)га нисбатан қуийдаги интизомий жазо чоралари ҳам қўлланилиши мумкин:**

- а)** навбатдан ташқари нарядда хизмат ўташга ёки беш суткагача хўжалик ишларига жалб этиш;
- б)** бир ой муддатгача таълим муассасаси худудидан навбатдаги чиқиш хуқуқидан маҳрум этиш;
- в)** курсантлар (tinglovchilar) рўйхатидан ўчириш.

**Ушбу банднинг «а» ва «б» кичик бандларида назарда тутилган интизомий жазо чоралари ИИВ таълим муассасалари **магистратура босқичи тингловчилариға нисбатан татбиқ этилмайди.****

Рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари бошлиқлар томонидан ўзига берилган ваколатлар доирасида қўлланилади.



### **Эслаб қолинг!**

**Кодексда назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўллаш тақиқланади.**

**Содир этилган ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо тайинланади.**

Хизмат интизоми бир неча ходимлар томонидан бузилганда, интизомий жазо уларнинг ҳар бирига нисбатан алоҳида қўлланилади.

**Содир этилганлиги маъмурий жазо тайинлашга олиб келган хатти-ҳаракатлар учун интизомий жазо қўллашга йўл қўйилмайди.**

Интизомий жазо чоралари қўлланган ходимлар, агарда уларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлса, жиноий жавобгарликдан озод этилмайди.

Интизомий жазо чораларининг қўлланилиши асосли бўлиши ва содир этилган ножўя хатти-ҳаракат оғирлиги ҳамда айб даражасига мувофиқ келиши зарур. Интизомий жазо чораларини белгилаш чоғида ножўя хатти-ҳаракат хусусияти, содир этиш ҳолати, унинг оқибатлари, айборнинг аввалги хулқ-автори, ички ишлар органларида хизмат ўтаган муддати, шунингдек, юклатилган хизмат вазифаларини бажаришга бўлган муносабати эътиборга олинади.

Ходим томонидан **садир этилган ножўя хатти-ҳаракат кам аҳамиятли бўлса, бошлиқ унга нисбатан интизомий жазо чорасини қўлламаслиги ва бошқа бундай ҳолатларга йўл қўймаслик борасида оғзаки огоҳлантириш бериш билан кифояланиши мумкин.**

Жамоада юзага келган низоли вазиятларни ҳал этиш, ножўя хатти-ҳаракатлар содир этган ходимларга жамоатчилик таъсирини ўtkазиш мақсадида ички ишлар органларида сайлов асосида интизомий кенгашлар

ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланган тартибда фаолият кўрсатади.

### **Интизомий жазо чоралари, қоида тариқасида, қуидагича қўлланилади:**



**танбех** — юклатилган вазифаларни, бошлиқнинг топшириқлари ва услугубий кўрсатмаларни бажармаган, хизмат кийимини кийиш қоидаларини бузган ходимларга нисбатан;

**ҳайфсан** — норматив-хукуқий ҳужжатлар ва Кодекс талабларини, хизмат гувоҳномасидан фойдаланиш, фуқаролар ҳамда ҳамкаслари билан муомала маданияти қоидаларини бузган, белгиланган кун тартибига мунтазам равища амал қилмаган ва хизмат мажбуриятларини бажармаган, жамоадаги маънавий-руҳий муҳитга салбий таъсир кўрсатган ходимларга нисбатан;

**қаттиқ ҳайфсан** — амалдаги ҳайфсан интизомий жазоси бўлган ходимларга нисбатан, касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларини, норматив-хукуқий ҳужжатлар ва Кодекс нормаларини қўпол равища бузган, хизмат бурчига масъулиятсиз ёндашган, иш самарадорлиги паст бўлган ходимларга нисбатан;

**лавозим маошининг эллик фоиздан кўп бўлмаган миқдорда жарима** — амалдаги интизомий жазоси бор-йўклигидан қатъи назар, касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларини, норматив-хукуқий ҳужжатлар ва Кодекс нормаларини қўпол равища бузган, хизматни ўташга лоқайдлик билан муносабатда бўлган, юклатилган хизмат мажбуриятларини бажармаган ходимларга нисбатан;

**махсус унвонини бир поғона пасайтириш ёки эгаллаб турган лавозимидан озод этиш** — амалдаги интизомий жазоси бўлган, касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларини, норматив-хукуқий ҳужжатлар ва Кодекс нормаларини қўпол равища бузган, хизматни ўташга лоқайдлик билан муносабатда бўлган, юклатилган хизмат мажбуриятларини бажармаган ходимларга нисбатан;



**гауптвахтада ҳибсда ушлаб туриш** — интизомий жазонинг қатъий чораси сифатида ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш учун асос бўладиган ножӯя хатти-харакатни содир этган ходимларга нисбатан;

**ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш** — хизмат интизомини қўпол равища бузган, ички ишлар органи ходими шаънига путур етказувчи хатти-харакат содир этган, интизомий жазо чораси мавжуд бўлган тақдирда, мунтазам равища хизмат интизомини бузган, қонун ҳужжатларида белгиланган чеклов ва тақиқларга риоя этмаган ходимларга нисбатан;

**навбатдан ташқари нарядда хизматтуташга ёки беш суткагача хўжалик ишларига жалб этиш, бир ой муддатгача таълим ташкилоти худудидан навбатдаги чиқиш хукуқидан маҳрум қилиш — юклатилган вазифаларни ёки командир (бошлиқ)нинг топшириқларини бажармаган, таълим ташкилотининг ўрнатилган ички тартиб-қоидаларини бузган, ўқув дастурини қониқарсиз ўзлаштирган ИИВ таълим муассасалари курсантлари (тингловчилари)га нисбатан;**

**курсант (тингловчи)лар рўйхатидан ўчириш** — ИИВ таълим муассасалари курсант (тингловчи)ларига нисбатан касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларини бузганлиги, ўқув дастурини ўзлаштира олмаганлиги учун.

Амалдаги интизомий жазо бор-йўқлигидан қатъи назар, хизмат интизомини қўпол равища бузган ходимга нисбатан ички ишлар органларидан бўшатиш интизомий жазоси ҳам қўлланилиши мумкин.

**Аудиторияга савол: Қандай интизом бузиш ҳолатлари хизмат интизомини қўпол равища бузиш деб эътироф этилади?**



**Қўйидагилар хизмат интизомини қўпол равища бузиш деб эътироф этилади:**

- ходимнинг сабабсиз равища узлуксиз уч кундан ортиқ муддатда хизмат жойида бўлмаслиги;



➤ хизмат жойида **алкоголь ичимлиқ, гиёҳвандлик воситаси ва (ёки) бошқа моддалар таъсирида маст ҳолатда бўлиш;**

➤ фуқароларнинг хукуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини бузишга, одамларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига хавф тугдиришга олиб келувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш (агар бу жиноий жавобгарликка сабаб бўлмаса);

➤ **махфийликка оид тартиб-қоидаларини бузиш** (агар бу жиноий жавобгарликка олиб келмаса);

➤ ходимга ишониб топширилган табель қуроли ва унинг ўқларини, мол- мулк ва (ёки) техникаларни қасдан йўқ қилиш, зарар етказиш ёки унинг (уларнинг) йўқолишига сабаб бўладиган тарзда эҳтиётсизлик билан сақлаш (агар бу жиноий жавобгарликка олиб келмаса);

➤ **махбуснинг ёки қўлга олинган шахснинг қочиб кетишига, пул**

маблағи ёки товар бойликларини ва ҳужжатларни йүқолишига сабаб бўлган тарзда пост ва конвой хизматини ўташ қоидаларини бузиш (агар бу жиноий жавобгарликка олиб келмаса).

Ходим хизмат жойида алкоголь ичимлик, гиёхвандлик воситаси ва (ёки) бошқа моддалар таъсирида маст бўлгани сабабли интизомий жавобгарликка тортиш учун ушбу ҳолатни исботлаш мақсадида тиббий текширув натижаларига, агар ходим текширувдан бош тортса, камида икки ходим ёки бошқа шахслар кўрсатмаларига асосланилади.

Касбий маданият қоидаларини, шунингдек, бошлиқ ва ходимлар ўртасидаги муносабат қоидаларини қўпол равишда бузиш ички ишлар органи ходими шаънига путур етказувчи хатти-ҳаракат содир этиш ҳисобланади.

### Ёдда тулинг!



**Жамиятдаги одоб-ахлоқ қоидаларини очиқдан-очиқ писанд қиласлиқ билан боғлиқ бўлмаган оиласи келишмовчиликлар, жанжаллар ва майший низолар ички ишлар органи ходими шаънига путур етказувчи хатти-ҳаракат сирасига кирмайди.**

Интизомий жазо чораси мавжуд бўлган тақдирда, **мунтазам равишда хизмат интизомини бузиш**, деганда буйруқ асосида эълон қилинган амалдаги интизомий жазоси бўлгани ҳолда, ходим томонидан хизмат интизомини бир неча бор бузиш тушунилади.

**Махсус унвонини бир погона пасайтириш ёки эгаллаб турган лавозимидан озод этиш тарзидаги интизомий жазо чоралари, қоида тариқасида, айборрга бошқа интизомий жазо турлари тегишлича таъсир кўрсатмаган ҳолларда қўлланилади.**

**Гауптвахтада ҳибсда ушлаб туриш тарзидаги интизомий жазо қўлланилганда, ходим ушбу ножўя хатти-ҳаракати учун (агар бу жиноий жавобгарликка олиб келмаса) ички ишлар органлари хизматидан бўшатилмайди.**

**Гауптвахтада ҳибсда сақлаш муддати сафдорлар, сержантлар ва кичик офицерлар таркиби ходимлари учун** — 10 суткагача, **катта офицерлар таркиби ходимлари учун** — 5 суткагача бўлиши мумкин.

Гауптвахтада ҳибсда ушлаб туриш тарзидаги интизомий жазо аёлларга нисбатан қўлланилмайди.

Интизомий жазо қўллашдан аввал ходимдан ёзма тушунтириш олиниши лозим. Агар ходим ушбу тушунтиришини беришдан бош тортса, тегишли равишда далолатнома расмийлаштирилади.

Тушунтиришни беришдан бош тортиш ҳолати содир этилган қиласлиқ учун интизомий жазо тайинлашга тўсқинлик қила олмайди ва жазонинг оғирроқ кўриниши ва чораларини қўллашга олиб келмайди.

Интизомий жазо чораларини қўллаш пайтида бошлиқ ходимнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслиги, у билан муносабатда қўполликка йўл қўймаслиги зарур.

Интизомий жазонинг қўлланилиши ходимни ножўя хатти-ҳаракат

оқибатида етказилган моддий заарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

Интизомий жазо ножӯя хатти-ҳаракат бошлиққа маълум бўлган кундан бошлаб **бир ой муддат ичида**, хизмат текшируви ўтказилганда эса — текширув тугаган кундан бошлаб **10 суткадан кечикмай қўлланилиши керак**, бунда айборнинг хасталик ва таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмайди.

**Интизомий жазо ножӯя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бир йилдан ортиқ муддат ўтгандан кейин қўлланилиши мумкин эмас.**

Маст ҳолатда бўлган айборрга нисбатан интизомий жазо қўллаш, шунингдек, ундан ҳар қандай тушунтириш олиш ходим хушёр ҳолга келгунча кечикирилади.

Қўлланилган интизомий жазо чораси буйруқ билан эълон қилинади. **Навбатдан ташқари нарядда хизмат ўташга ёки беш суткагача хўжалик ишларига жалб этиш, бир ой муддатгача таълим муассасаси худудидан навбатдаги чиқиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳам буйруқ орқали, ҳам оғзаки эълон қилиниши мумкин.**

Буйруқда эълон қилинган интизомий жазо қўллаш ҳақидаги қарор интизомий кенгаш хulosаси, шунингдек, ўтказилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланадиган хизмат, комплекс ёки инспекторлик текширувлари асосида қабул қилинади.

Интизомий жазо чораси қўлланилганлиги ҳақида ходимга шахсан, саф олдида ёки кенгайтирилган йиғилиш (мажлис)да эълон қилинади.

### **Эслаб қолинг!**



**Амалдаги интизомий жазоси мавжуд бўлган ходимнинг номзоди ушбу жазо бекор қилинунга қадар рағбатлантиришга, навбатдаги маҳсус унвон олишга ва юқори лавозимларга тайинланишга тақдим этилмайди.**

Шикоят билан арз қилинган ҳолларда тайинланган интизомий жазони ижро этиш тўхтатилмайди.

Ходим интизомий жазо эълон қилинган кундан эътиборан **бир ой муддат ичида** юқори турувчи бошлиққа ёки хизматни ўташ жойидаги шахсий хавфсизлик бўлинмасига шикоят билан мурожаат этиши мумкин.

Буйруқ асосида тайинланган интизомий жазо тайинланган вақтдан бошлаб **бир йил ўтгач бекор қилинади** (агар ходим шу муддат ичида янги интизомий жазога тортилмаса). Рағбатлантириш тартибида интизомий жазо бир йил ўтмасдан бекор қилиниши мумкин.

Агарда бир йил ичида ходимга нисбатан бир неча интизомий жазо тайинланса, уларни бекор қилиш муддати охирги тайинланган интизомий жазо чораси санаси бўйича ҳисобланади.

Буйруқда эълон қилинган интизомий жазо чораси ходимнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига киритиш орқали ҳисобга олиниши лозим.

Интизомий жазо чораларини ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

## **Ўзингизни синанг!**

**Рағбатлантириш чоралари бу -...  
Интизомий жазо чоралари бу -...  
Хизмат интизомини қўпол равишда бузиш бу -...**



### **Мустақил таълим учун топширик:**

1. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми Кодексини ўқиб ўрганиш.
2. “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон Қарорини ўқиб ўрганиш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Ички ишлар органларида рағбатлантириш чоралари.
2. Ички ишлар органларида интизомий жазо чоралари.
3. ИИВ таълим муассасаларида рағбатлантириш чоралари.
4. ИИВ таълим муассасаларида интизомий жазо чоралари.
5. Қандай интизом бузиш ҳолатлари хизмат интизомини қўпол равишда бузиш деб эътироф этилади?

#### **4-МАВЗУ: Ички ишлар органларида касбий маданият ва хизмат интизомини таъминлаш**

#### **Семинар машғулоти (2-соат)**

**Билим – бу муваффақият, билимсизлик эса мағлубиятдир.  
Савол билимнинг қалитидир.**

#### **“САВОЛ-ЖАВОБ” МЕТОДИ**

Метод мавзунинг ўқувчи (tinglovchi) ва курсантлар томонидан ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Уни қўллашнинг самарадорлиги савол-жавобларнинг аниқ, қисқа ва тушунарли тарзда ифода этилиши, айнан мавзуга доир бўлишига боғлиқ.

Таълим жараёнида методни қўллаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўқитувчи моҳияти ёритилган мавзу юзасидан саволлар тайёрлайди



Ўқитувчи саволларни тингловчиларнинг эътиборларига ҳавола этади



Тингловчилар берилган саволларга жавоб қайтариш орқали мавзуни ўзлаштирганлик даражасини намойиш этади



Ўқитувчи тингловчиларнинг савол-жавобдаги иштирокларини таҳлил қилиб, баҳолайди ва машғулотга якун ясади

#### **САВОЛЛАР:**

1. Миннатдорлик эълон қилиш рағбатлантириш чораси қандай тартибда қўлланилади?
2. Қимматбаҳо ёки эсдалик совға ёхуд пул мукофоти билан тақдирлаш рағбатлантириш чораси қандай тартибда қўлланилади?
3. Фахрий ёрлиқ билан тақдирлаш рағбатлантириш чораси қандай тартибда қўлланилади?

**4.** Идоравий қўқрак нишони билан тақдирлаш рағбатлантириш чораси қандай тартибда қўлланилади?

**5.** Муддатидан олдин навбатдаги маҳсус унвон бериш ёки эгаллаб турган лавозими билан кўзда тутилгандан бир поғона юқори маҳсус унвон бериш рағбатлантириш чораси қандай тартибда қўлланилади?

**6.** Таълим муассасаси ҳудудидан навбатдан ташқари чиқиб келиш рағбатлантириш чораси қандай тартибда қўлланилади?

**7.** Ҳурмат тахтасига киритиш рағбатлантириш чораси қандай тартибда қўлланилади?

**8.** Ота-онасига ёки турар жойига миннатдорлик хати юбориш рағбатлантириш чораси қандай тартибда қўлланилади?

**9.** Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ёки Жалолиддин Мангуберди стипендиясини тайинлаш рағбатлантириш чораси қандай тартибда қўлланилади?

**10.** ИИВ таълим муассасаларининг курсант (tinglovchilar)ларига нисбатан нечта рағбатлантириш чоралари қўлланилади?

**11.** Танбех интизомий жазо чораси қандай тартибда қўлланилади?

**12.** Хайфсан интизомий жазо чораси қандай тартибда қўлланилади?

**13.** Қаттиқ хайфсан интизомий жазо чораси қандай тартибда қўлланилади?

**14.** Лавозим маошининг эллик фоиздан кўп бўлмаган миқдорда жарима интизомий жазо чораси қандай тартибда қўлланилади?

**15.** Маҳсус унвонини бир поғона пасайтириш ёки эгаллаб турган лавозимидан озод этиш интизомий жазо чораси қандай тартибда қўлланилади?

**16.** Гауптвахтада ҳибсда ушлаб туриш интизомий жазо чораси қандай тартибда қўлланилади?

**17.** Танбех интизомий жазо чораси қандай тартибда қўлланилади?

**18.** Ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш интизомий жазо чораси қандай тартибда қўлланилади?

**19.** Навбатдан ташқари нарядда хизматуташга ёки беш суткагача хўжалик ишларига жалб этиш, бир ой муддатгача таълим ташкилоти ҳудудидан навбатдаги чиқиши ҳукуқидан маҳрум қилиш интизомий жазо чораси қандай тартибда қўлланилади?

**20.** Курсант (tinglovchi)лар рўйхатидан ўчириш интизомий жазо чораси қандай тартибда қўлланилади?

**21.** Қандай интизом бузиш ҳолатлари хизмат интизомини қўпол равища бузиш деб эътироф этилади?

**22.** Жамиятдаги одоб-ахлоқ қоидаларини очикдан-очиқ писанд

қилмаслик билан боғлиқ бўлмаган оиласвий келишмовчиликлар, жанжаллар ва миший низолар ...?

**23.** Махсус унвонини бир пофона пасайтириш ёки эгаллаб турган лавозимидан озод этиш тарзидаги интизомий жазо чоралари қандай ҳолларда қўлланилади?

**24.** Гауптвахтада ҳибсда ушлаб туриш тарзидаги интизомий жазо қўлланилганда, ходим ушбу ножўя хатти-ҳаракати учун (агар бу жиноий жавобгарликка олиб келмаса)...?

**25.** Гауптвахтада ҳибсда сақлаш муддати сафдорлар, сержантлар ва кичик офицерлар таркиби ходимлари учун неча суткагача?

**26.** Гауптвахтада ҳибсда сақлаш муддати катта офицерлар таркиби ходимлари учун неча суткагача?

**27.** Гауптвахтада ҳибсда ушлаб туриш тарзидаги интизомий жазо кимларга нисбатан қўлланилмайди?

**28.** Амалдаги интизомий жазоси мавжуд бўлган ходимнинг номзоди ушбу жазо бекор қилингунга қадар нималарга тақдим этилмайди?

## 5-МАВЗУ: Бошлиқнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш

Режа:

Маъруза машғулоти (2-соат)

1-савол. Бошлиқнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартиби

2-савол. Кодекснинг якуний қоидалари

### 1-савол: Бошлиқнинг устидан шикоят қилиш тартиби



Ҳар бир ходим бошлиқнинг унга нисбатан қонунга зид ёки ноҳақ ҳаракатлари устидан юқори турувчи раҳбар ёки хизмат жойидаги шахсий хавфсизлик бўлинмасига ёзма шикоят беришга ҳақли.

Ходимнинг шикоятида баён этилган масалаларни ҳал этиш ваколатига кирмайдиган юқори турувчи раҳбар ушбу мурожаатни **беш кун** муддатда ваколатли идорага юборади.

Юқори турувчи раҳбарга ёки хизмат жойидаги шахсий хавфсизлик бўлинмасига қонунчиликни бузиш фактлари ёхуд ўзига нисбатан ноҳақ муносабатда бўлинганилиги ҳақида мурожаат этганилиги учун **қўл остидаги ходимни таъқиб этган бошлиқ интизомий тартибда жавобгарликка тортилади** (агар унинг хатти-ҳаракатлари жиноий жавобгарликка олиб келмаса).

**Аудиторияга савол: Ходимларнинг шикояти қанча вақт ичida кўриб чиқилади?**



Ходимларнинг шикояти **бир ой** ичida ҳал этилади, қўшимча текширув талаб этмайдиганлари эса **зудлик билан**, бироқ келиб тушган кундан эътиборан **15 кундан кечиктирмаган ҳолда** кўриб чиқилади.

**Касдан ёлғон шикоят билан мурожаат этган ходимлар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.**

## 2-савол: Кодекснинг яқуний қоидалари

**Аудиторияга савол: Кодекс нормаларининг бажарилиши устидан назорат ким томонидан амалга оширилади?**

Кодекс нормаларининг бажарилиши устидан назорат ички ишлар органлари **маънавий-маърифий ишлар ва қадрлар билан таъминлаш бўлинмалари** томонидан амалга оширилади.

Кодекс нормаларининг бузилиши қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланади.

### Ўзингизни синанг!

Бошлиқнинг устидан шикоят қилиш-...

Шикоятнинг қўриб чиқиш муддатлари-...

Қасдан ёлғон шикоят билан мурожаат этган ходимлар-...



#### Мустақил таълим учун топширик:

- Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми Кодексини ўқиб ўрганиш.
- “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон Қарорини ўқиб ўрганиш.

#### Назорат саволлари:

- Бошлиқнинг устидан шикоят қилиш тартиби.
- Ходимлар шикоятининг қўриб чиқилиш муддати.
- Кодекс нормаларининг бажарилиши устидан назорат.
- Қасдан ёлғон шикоят билан мурожаат этган ходимларнинг жавобгарлик масаласи.

## 5-МАВЗУ: Бошлиқнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш

Семинар машғулоти (2-соат)

**Билдимки, илмдан ўзга нажот йўқ.  
Шайх Нажмиддин Кубро**

### “БЛИЦ-СЎРОВ” МЕТОДИ

“Блиц-сўров” (инглизча “бліц” – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гурӯхли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчиларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

Машғулотларда методни қўллаш қўйидагича кечади:

Ўқитувчи ўрганилган мавзу, муайян таркибий қисмлар  
моҳиятининг очиб берилшини талаб этадиган  
саволларни ишлаб чиқиб, ўқувчилар  
эътиборига ҳавола қиласди

Ўқувчи (tinglovchi)лар берилган  
саволга қисқа муддатда лўнда, аниқ жавоб беради

Гурух (жуфтлик)да ишлашда бир нафар ўқувчи берилган саволга  
жавоб қайтаради (унинг гуруҳдошлари жавобни  
тўлдиради, (бироқ, фикрлар такрорланмаслиги лозим)

Методни қўллашда мавзуга доир таянч тушунчалар, асосий ғояларнинг  
моҳияти тингловчилар томонидан оғзаки, ёзма ёки тасвир (жадвал,  
диаграмма) тарзида ёритилиши мумкин.

Ўқитувчи “Блиц-сўров” методини турли кўринишда машғулотларда  
қўллаши мумкин. Бу ўқитувчининг касбий маҳоратига боғлиқ. Қўйида  
**“Ходимнинг бошлиқнинг устидан шикоят қилиш тартиби”** ўқув саволи  
асосида жадвал келтирилади:

<b>Т.Р</b>	<b>Саволлар</b>	<b>Жавоблар</b>
<b>1</b>	Кодекснинг 6-боби нима деб номланган?	
<b>2</b>	Ходимнинг шикоятида баён этилган масалаларни ҳал этиш ваколатига кирмайдиган юқори турувчи раҳбар ушбу мурожаатни қанча муддатда ваколатли идорага юборади?	
<b>3</b>	Ҳар бир ходим бошлиқнинг унга нисбатан қандай ҳаракатлари устидан юқори турувчи раҳбар мурожаат қилишга ҳақли?	
<b>4</b>	Бошлиқнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш Кодекснинг нечанчи бобида кўрсатилаган?	
<b>5</b>	Ходимларнинг шикояти қанча вақт ичida ҳал этилади?	
<b>6</b>	Ходимларнинг шикояти қўшимча текширув талаб этмайдиганлари қанча вақт ичida ҳал этилади?	
<b>7</b>	Ходимларнинг шикояти келиб тушган қундан эътиборан неча кундан кечикитирмаган ҳолда кўриб чиқилади?	
<b>8</b>	Қасддан ёлғон шикоят билан мурожаат этган ходимлар қандай жавобгарликка тортилади?	
<b>9</b>	Кодекс нормаларининг бажарилиши устидан назорат ким томонидан амалга оширилади?	
<b>10</b>	Ходим бошлиқнинг унга нисбатан қонунга зид ёки ноҳақ ҳаракатлари устидан кимга мурожаат қиласди?	
<b>11</b>	Мурожаатлар шакли ва туридан қатти назар, қандай аҳамиятга эга?	
<b>12</b>	Мурожаатларнинг қандай шакллари мавжуд?	
<b>13</b>	Мурожаатларнинг қандай турлари мавжуд?	

## МАЬНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАЙЁРГАРЛИК МОДУЛИ

**1-МАВЗУ: Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш Концепциясининг аҳамияти**

Режа:

Маъруза машғулоти (2-соат)

**1-савол.** Концепциянинг асосий мақсади, вазифалари ва маънавий-маърифий ишларни амалиётга узлуксиз татбиқ этиш тизими

**2-савол.** Маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш йўналишлари

**3-савол.** Концепцияни амалга ошириш механизми ва ундан кутилаётган натижа

**1-ўқув савол. Концепциянинг асосий мақсади, вазифалари ва маънавий-маърифий ишларни амалиётга узлуксиз татбиқ этиш тизими.**

Миллий тарихни миллий рух билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишнимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур

Шавкат Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 02 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши қурашиб соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050 сон қарорида мувофиқ ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепциясида **“Ватанга ва халқقا садоқат билан хизмат қилиш-олий бурчимиз!”** концептуал ғояси асосида ташкил этилиши белгилаб берилди ва унда давлат мустақиллигини ҳимоя қилиш, хукуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг хукуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш устувор вазифа сифатида белгиланди.

## **Аудиторияга савол: Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш ҳақида тушунчангиз?**

Мазкур гоянинг **асосий мазмун-моҳияти** фуқароларнинг тинчлиги ва мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш учун ҳар қандай ҳуқуқбузарликка қарши курашища ўз жонини аямайдиган, ватанпарварлик, фидойилик, садоқат ва ҳалоллик фазилатларига эга ходимларни шакллантиришдан иборат.

**Концепция** (лотинча conception – ўзбекча тўплаш, бирлаштириш; тизим; ибора маъноларини англатади) тушунчасини қарашлар, фикрлар йўналиши тизими; фикр юритиш, дунёни тушуниш, англаш усули деб тушуниш мумкин.

### **Концепциянинг асосий мақсади ва вазифалари.**

Концепциянинг асосий мақсади:

- ходимларни ҳар қандай шароитда давлат ва халқ манфаатларига хизмат қиласиган;
- миллий қадриятларга содик;
- умуминсоний қадриятларга таянадиган;
- ёт ва бузғунчи гояларга муросасиз курашувчи;
- иймон-эътиқоди ва иродаси мустаҳкам;
- мъянавиятли ва фидойи;



- аждодларимиз ва мардлик кўрсатиб ҳалок бўлган ходимларнинг бебаҳо меросига таяниб яшайдиган баркамол шахс сифатида тарбиялаш;





➤ улар қалбida давлат ва халқимизнинг хавфсизлигини таъминлашда шахсий даҳлдорлик ва юқори масъулият ҳиссини шакллантиришдан иборат.

### **Концепциянинг асосий вазифалари:**

✓ ходимларнинг маънавияти ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳамда бой маданиятимиз, азалий қадриятлар ва анъаналаримизга асосланган дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган ягона тизимни яратиш;

✓ ходимларнинг онгу тафаккурига Ватан ва халқ манфаатларига хизмат қилиш шарафли ва муқаддас бурч эканини англатиш, давлатимиз ва ички ишлар органларининг тимсоллари билан фахрланиб, қасамёдига содик бўлиш ҳамда касбий бурчини бажаришда қонунийликка қатъий риоя этиш туйғусини чуқур сингдириш орқали халқнинг уларга бўлган ишончи ва хурмат ҳиссини юксалтириш;



✓ ходимларнинг онги ва қалбига «Янги Ўзбекистон — учинчи Ренессанс сари!» фоясининг мазмун-моҳиятини сингдириш асосида уларнинг Ватан ва халқ тақдирига, давлатимиз ҳамда ислоҳотлар талабларига даҳлдорлигини янада ошириш;

✓ шахсий таркибга мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳиятини тизимли тушунтириш ҳамда дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига нисбатан уларнинг онгли муносабати ҳамда фаол ҳаётий позициясини шакллантириш;

✓ миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш, Ватанимиз озодлиги ва тинчлиги йўлида қаҳрамонлик

кўрсатган буюк аждодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли ҳаётини кенг тарғиб этиш асосида ходимларда хизмат бурчини бажариш борасида қатъий ҳаётий эътиқодни қарор топтириш;

✓ ходимларнинг эстетик тарбиясини қучайтириш, уларнинг маданият ва санъатнинг турли соҳаларига бўлган қизиқишиларини ошириш, ушбу мақсадда адабиёт, кино, театр, тасвирий санъат имкониятларидан кенг фойдаланишини тизимли асосда йўлга қўйиш;

✓ ходимларнинг ички ва ташқи маънавий таҳдидлар ҳамда коррупцияга қарши мафкуравий иммунитетини қучайтириш, ички ишлар органларининг ижобий имижини шакллантириш ҳамда шу мақсадда фуқаролик жамияти институтлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш.

**Аудиторияга савол: Ренессанс деганда нимани тушунасиз?  
Марказий Осиё худудида биринчи ва иккинчи ренесанслар  
неченчи асрларда бўлиб ўтган?**



Ренессанс сўзи французча Renaissance – ўйғониш; қайтадан юзага келиш, тикланиш маъноларини англатади. Инсониятнинг маънавий ва ғоявий тараққиётидаги ўйғониш, кўтарилиш даври.

Марказий Осиё худудида **биринчи** ренессанс даври 9-12 асрларда бўлган. **Иккинчи** ренессанс даври эса Темурийлар даврида яъни 14-15 асрларда бўлган.

**Маънавий-маърифий ишларни амалиётга узлуксиз татбиқ этиш тизими**

**Маънавий-маърифий ишларни амалиётга  
узлуксиз татбиқ этиш бўйича ички ишлар  
органларининг асосий субъектлари:**



**1.** Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-интернати;

**2.** Ички ишлар вазирлигига қарашли «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи;

**3.** Ички ишлар вазирлигининг академик лицелари;

**4.** Ички ишлар вазирлиги Академияси;

**5.** Ички ишлар вазирлигининг соҳавий, таркибий ва худудий бўлинмалари;

**6.** Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти;

**7.** Ички ишлар вазирлиги тизимидағи жамоатчилик тузилмаларидан иборат.

**Ички ишлар органларининг таълим муассасалари ва қўйи тизимдаги ҳар бир ички ишлар органида қўйидаги кўргазмали воситалардан иборат алоҳида ватанпарварлик бурчаклари ташкил этилади:**



❖ Ички ишлар вазирлигининг байроби ва эмблемаси, вазирлик тарихидаги мухим саналар ва аҳамиятга молик анжуманлар рўйхати;

❖ туман (шаҳар) ички ишлар органининг ташкил этилиши тарихи, уни тасвирловчи фотосуратлар, фаолиятига оид лавҳалар ва алоҳида намунали белгилар;

❖ Амир Темурнинг «Темур тузуклари» асари ҳақидаги маълумотлар, унда баён этилган давлат хизмати ва хавфсизликни таъминлашга оид лавҳалар;

❖ хизмат вазифасини бажариш чоғида қаҳрамонлик кўрсатиб ҳалок бўлган ходимлар тўғрисидаги маълумотлар, фотосуратлар ва уларнинг ҳаётига оид лавҳалар;

❖ Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ходимларнинг фаолиятига оид лавҳалар ва фотосуратлар;

❖ жанговар вазифаларни бажаришга жалб этилган (Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлар қатнашчилари, Чернобиль АЭСдаги фожиани бартараф этишга жалб этилганлар, мустақиллик йилларида террорчи-жангариilar билан қуролли тўқнашувларда иштирок этганлар ва бошқа) ходимларнинг фаолиятига оид лавҳалар ва фотосуратлар;

❖ давлат мукофотларига сазовор бўлган ходимларнинг фотосурatlari ва уларнинг хизмат фаолиятига оид лавҳалар;


- ❖ хизмат вазифасини бажаришда алоҳида ўрнак қўрсатиб, юқори касбий маҳорат билан фаолият олиб бораётган ходимлар ҳақидаги маълумотлар, уларнинг фотосуратлари ва эришган ютуқлари намуналари;
- ❖ давлат мукофотлари ва идоравий қўкрак нишонлари тасвирлари акс эттирилган стендлар;
- ❖ жамоа ва алоҳида ходимлар томонидан спортда эришилган ютуқлар, спорт турлари бўйича мусобақа совриндорларининг кубоклари, медаллар каби ютуқлар ва фотоловҳалар;
- ❖ ўзбек халқининг буюк сиймолари, мутафаккир олимлари ва алломаларининг ҳаёти ва фаолиятига оид стендлар;
- ❖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ички ишлар органларига ташрифлари ва фаолиятига оид иқтибослари акс эттирилган стендлар.



Ички ишлар вазирлиги томонидан Иккинчи жаҳон уруши давридан айни пайтгача хизмат вазифасини бажариш чоғида қаҳрамонлик қўрсатиб ҳалок бўлган ходимлар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи **«Ички ишлар органларининг мард ўғлонлари»** номли китоб тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 30 йиллигига бағишланган санада нашр этилди.

Ички ишлар вазирлиги Академияси томонидан **«Ватанпарварлик асослари»**, **«Касб маданияти ва муомала одоби»** номли ўқув-методик қўлланмалар тайёрланиб, барча ички ишлар органларида маънавий-маърифий тарбияни ташкил этиш учун тарқатилди.

#### **Ички ишлар вазирлиги томонидан:**



ходимларда касбига нисбатан ғуур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш мақсадида **«Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 30 йиллиги»** идоравий қўкрак нишони таъсис этилди ва касб байрами — 2021 йил 25 октябрь арафасида рағбатлантириш тариқасида намунали ходимларга тантанали равишда топширилди;

ходимлар ўртасида соғлом рақобат ва ташаббускорлик муҳитини шакллантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш мақсадида **«Ёшлилар фидойиси»** идоравий қўкрак нишони таъсис этилди.

Ички ишлар органлари томонидан таълим муассасаларида маънавий-

маърифий ишларни қучайтиришга қаратилган қуйидаги тадбирлар тизими жорий этилади:

Ихтисослаштирилган мактаб-интернат ва «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи ўқувчилари онгига ватанпарварлик ҳиссини шакллантиришга қаратилган «Ички ишлар органлари тарихи» ва «Ватанпарварлик асослари» фанлари ўқитилади;

идоравий академик лицейлар ўқувчиларини миллий анъана ва қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида «Маънавият асослари» фани ўқитилади;

Ички ишлар вазирлиги Академиясида курсант ва тингловчиларни Ватан ва халқ манфаатларини шахсий манфаатлардан устун қўядиган, қонунларга қатъий бўйсунувчи, касбига садоқатли ходимлар сифатида тайёрлаш мақсадида «Ички ишлар органлари ходимининг муомала одоби ва эстетикаси», «Ватанпарварлик тарбияси» ва «Касбий маданият» каби фанларни ўқитиш назарда тутилади;



Малака ошириш институти тингловчиларида мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш мақсадида **«Геосиёсий манфаатлар тўқнашуви ва мафкуравий кураш»** ва **«Коррупция — ички маънавий таҳдид»** махсус курслари ўқитилади.

Ички ишлар органларининг аҳоли билан бевосита ишлайдиган хизматларида маънавий-маърифий фаолиятнинг **асосий йўналишлари** этиб қуйидагилар белгиланади:

#### **Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти бўйича:**

фуқароларнинг мурожаатларига холисона ва вижданан ёндашиш, айниқса, болалар, аёллар, кексалар ва нуронийларга алоҳида эътибор қаратиш;

хизмат вазифаларини бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек, ўз обрўсига ёки давлат органининг нуфузига зарар етказишга сабаб бўладиган вазиятларга йўл қўймаслик;

ҳар қандай вазиятда фуқароларга ҳурмат билан мурожаат қилиш, муносабатларда вазмин бўлиш, муомала маданияти ва қонунийликка қатъий риоя қилиш;

хизмат фаолияти мобайнида турли этник, ижтимоий гурухлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда ўзига хос жиҳатларини ҳурмат қилиш, ижтимоий барқарорликка, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка қўмаклашиш;

Ватан равнақи учун хизмат қилишдек улуғ ва олийжаноб мақсадга

интилиш, жасурлик ва фидойилик билан эл-юртга хизмат қилиш;

### **Тергов ва тезкор-қидириув фаолияти бўйича:**

фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш, уларни камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

ички ишлар органларига чақирилган (олиб келинган) фуқароларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ҳар бир инсон шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлигини чуқур англаған ҳолда, айбсизлик презумпцияси принципига ва процессуал қонунчиликка қатъий амал қилиш;

фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи хатти-харакатларга, қонунга хилоф равишда жисмоний куч ишлатишга, ҳақорат қилиш ёки қийноққа солишга йўл қўймаслик.

Ички ишлар органлари тизимида ҳар ҳафтада «**Ватанпарварлик куни**» тадбирлар комплекси ташкил этилади.

### **2-саволи: Маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш йўналишлари**



Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар мазкур Концепциянинг асосий мақсади ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда қуидаги йўналишларда олиб борилади:

- 1. Тарбиявий ишлар;**
- 2. Тарғибот-ташвиқот ишлари;**
- 3. Психологик фаолият;**
- 4. Ижтимоий-хуқуқий фаолият;**
- 5. Маданий тадбирлар.**



**Тарбиявий ишлар** ватанпарварлик, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, оиласиёй-маиший тарбия ҳамда якка тартибдаги тарбиявий чора-тадбирлардан иборат.

➤ Ходимларни ватанпарварлик рухида тарбиялаш доирасида уларда Ватанга садоқат, касбига нисбатан ғурур ҳиссини шакллантириш, жамоат хавфсизлиги ва қонун устуворлигини таъминлаш учун ҳар қандай ҳукуқбузарликка қарши курашишда шахсий масъулиятни оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ўтказиб борилади;

➤ ижтимоий-сиёсий тарбия доирасида ходимларга ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қонунчилик ҳужжатлари, давлат дастурларининг

мазмун-моҳияти тизимли равища етказиб борилади ҳамда уларда дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига нисбатан онгли муносабат ва фаол ҳаётий позиция шакллантирилади;

➤ маънавий-маърифий тарбия ўз ичига миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш, Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган буюк аждодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли умр йўлини кенг тарғиб этиш тадбирларини қамраб олиб, хизмат бурчини бажариш бўйича қатъий ҳаётий эътиқодни қарор топтиришга қаратилади;

➤ оиласвий-маиший тарбия доирасида ходимларнинг оила аъзолари билан узвий боғлиқлигини таъминлаш, улар томонидан ходимларга касбий бурчини бажаришга руҳий кўмаклашишга қаратилган тадбирлар ўтказилади;

➤ якка-тартибдаги тарбиявий ишлар ходимларда касб учун зарур бўлган шахсий фазилатларни шакллантиришга, уларни хизмат интизоми ва қонунчиликка қатъий риоя этишга йўналтиради.

Тарбиявий йўналишда ходимларнинг онги ва тафаккурига кучли таъсир кўрсатадиган, қалбига етиб борадиган, кайфиятини қўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган ҳамда замонавий ахборот ва тарғибот технологияларини қўллаган ҳолда таъсирchan руҳда ўтказиладиган тадбирлар ташкил этилади.



### **Тарғибот – ташвиқот ишлари**

ходимларга мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ишларнинг мазмун ва моҳиятини тушунтириш, ички ва ташқи сиёсатнинг тенденциялари ҳақидаги маълумотларни тизимли равища етказиб боришдан иборат.



**Психологик фаолият** ходимларнинг руҳий ҳолатини кузатиш ҳамда уларнинг шахсий фазилатлари ва жамоадаги муносабатларини касбий бурчини самарали бажаришга йўналтиришдан иборат.



**Ижтимоий – ҳуқуқий фаолият** ходимлар, фахрийлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларга ҳар томонлама моддий ва маънавий кўмаклашишга қаратилган тадбирлардан иборат.



**Маданий тадбирлар** ходимлар онгида миллий маданиятишимиз ва қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром хистайғуларини ошириш, юксак эстетик дид ва ахлоқий меъёрларни шакллантириш, Ўзбекистон халқининг бой тарихи, маданияти, анъаналари ва урф-одатларига ҳурмат, миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналарини оммавий тадбирлар (музей, театр, кино, истироҳат боғлари, концерт ва бошқа тадбирларга ташрифлар) орқали сингдиришдан иборат.

### **3-савол: Концепцияни амалга ошириш механизми ва ундан кутилаётган натижা.**

Концепцияни амалга оширишда олимлар, ёзувчи, шоир ва сиёsatчилар, ижодкор зиёлилар, давлат ва жамоат ташкилотлари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийлари иштирок этади.

**Жумладан, ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда:**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ички ишлар органларининг тарихи, тизимда хизмат қилиб, жанговар-хизмат фаолиятини амалга оширган, хизмат вазифаларини бажаришда қаҳрамонларча ҳалок бўлган, шунингдек, давлат ва идоравий мукофотларга сазовор бўлган ҳамда спорт мусобақаларининг совриндорлари, алоҳида намунали хизмат қилаётган ходимлар тўғрисидаги маълумотлар тайёрланади;



**вилоят (туман, шаҳар) ҳокимликлари билан ҳамкорликда** ҳар бир (туман, шаҳар, тармоқ) ички ишлар органида кўргазмали воситалардан иборат алоҳида ватанпарварлик бурчаклари (хоналари) ташкил этилади;



**Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда** буюк аждодларимиз ва алломалар фаолиятига оид театр спектакллари ва саҳна кўринишлари, концерт дастурлари, экспурсиялар ҳамда миллий ғурур, фахр ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлашга, нотиклиқ санъатини шакллантиришга қаратилган оммавий маданий тадбирлар ташкил этилади;



**Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда** халқимизнинг маънавий қадриятлари, маданияти ва урф-одатларини, бой меросимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳамда одоб-ахлоқ, ҳалоллик, поклик, садоқат ва фидойиликни чуқур сингдиришга қаратилган давра сұхбатлари ўтказилади;



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ  
ДИН ИШЛАРИ БҮЙИЧА ҚҮМИТА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан ҳамкорликда** ислом динининг асл мазмун-моҳиятини етказиш, диний саводхонликни ошириш, диний бағрикенглик, миллатлараро тутувлик ғояларини тарғиб қилиш ҳамда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш, ҳушёрлик ва огоҳлик каби туйғуларни мустаҳкамлашга қаратилган учрашувлар ўтказилади;



Маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш вазирлиги, «Оила» илмий-амалий тадқиқотлар маркази билан ҳамкорликда ходимлар оилаларини ижтимоий-хуқуқий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни яратиш, оила шаънини сақлашда ота-она ва фарзандлар масъулияти ҳамда бурчлари, ор-номус, қадр-қиммат, шарм-ҳаё каби ахлоқий меъёрларни етказиб бориш, оилаларнинг ижтимоий аҳволи, эҳтиёжлари ва муаммоларини тизимли ўрганиб боришга қаратилган тадбирлар ташкил этилади;



Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан ҳамкорликда спорт билан мунтазам шуғулланиш, жисмоний ва маънавий баркамолликка интилиш, жисмонан етук, кучли ва шиҷоатли, мутахассисларни тарбиялашга йўналтирилган машғулотлар, мусобақалар ва амалий тадбирлар ташкил этиб борилади.

**Аудиторияга савол: Ички ишлар органлари ходимлари ҳалқчил тузилмага айлантириш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш зарур?**

### Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижа

**Концепцияда** белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида юксак маънавиятли, ватанпарвар, ўз касбига садоқатли ва фидойи ходимлар шаклланади.

**Маънан етук**, касбий ихтисосликларни пухта эгаллаган, ҳар қандай шароитда хизмат вазифаларини вижданан бажарадиган, матонат ва жасоратда, ҳаётда ва касбий фаолиятида бошқаларга ўрнак бўлган ходимлар имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда Концепцияда белгиланган натижаларга эришилади.

**Мазкур Концепция** ички ишлар органларида ходимларнинг маънавий-маърифий савиясини тизимли ва босқичма-босқич юксалтириб бориш, улар қалбида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик, юқори масъулият, садоқат ҳамда ватанпарварлик ҳиссини мустаҳкамлаш учун услубий асос бўлиб хизмат қиласи.



**Концепциянинг амалга оширилиши** ҳар жиҳатдан содик, ҳалол, ватанпарвар, фидойи, мард ва жасур ходимларни тарбиялаш билан бирга, ҳалқимиз ўртасида ички ишлар органларига нисбатан фахр ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлаш, ёшларда хуқук устуворлигини таъминлаш, касбига бўлган ҳавас ва қизиқишлигини орттириш ҳамда шу орқали ички ишлар органлари сафини мустаҳкам иродали, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган, ҳалқ манфаатларини ҳар нарсадан устун қўядиган ёш ва истиқболли ходимлар билан тўлдириб бориш имконини беради.

### Ўзингизни синанг!

**Концепция-...**

**Концепцияни амалга оширувчи субъектлар-...**

**Маънавий-маърифий ишлар йўналишлари-...**

#### **Мустақил таълим учун топширик:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-5050-сонли қарорини ўқиб ўрганиш.
2. “Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси”ни ўқиб ўрганиш.

#### **Назорат саволлари:**

1. Концепция қабул қилишдан асосий мақсад нимада?
2. Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар қандай концептуал ғояси асосида ташкил этилади?
3. Концепциянинг асосий мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
4. Маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш йўналишлари нималардан иборат?

## **1-МАВЗУ: “Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш Концепцияси”нинг аҳамияти**

### **Семинар машғулоти (2-соат)**

**Ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир.**

**Шавкат Мирзиёев**

### **НИМА УЧУН СХЕМАСИ**

**Муаммони аниқлаш, уни ҳал этиш, таҳлил қилиш ва режалашибириш жараёнида қўллаш мумкин.**

Нима учун схемаси мавжуд муаммони келтириб чиқарган сабабларини аниқлашга ёрдам берувчи схемадир. Сабаб-оқибат қонунига асосан муаммони келтириб чиқарувчи сабабларни аниқламай туриб муаммони ҳал этиш қийин. Муаммони ечимини топиш учун уни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш ва йўқотиш талаб этилади. Тингловчиларда сабаб-оқибат қонунияти асосида фикр юритишни тарбиялаш мухим. Ушбу схема талабаларда айнан ана шу хусусиятни ривожлантиради. Тингловчиларда тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

#### **«Нима учун?» схемасига асосан талабалар фаолиятини ташкил этиш кетма-кетлиги**

##### **1-босқич**

Тингловчиларни «Нима учун?» схемасини тузиш қоидалари билан танишишибириш.

##### **2-босқич**

Якка тартибда (жуфтликда) муаммо шакллантирилади. Нима учун? Сўроғи билан стрелка чизилади ва саволга жавоб ёзилади. Қайта-қайта «нима учун» деган савол бериб борилади. Муаммони келтириб чиқарган илдиз яширган сабаби топилгунча давом эттирилади.


##### **3-босқич**

Тингловчилар мини гурӯхларга бирлашибирилади, ўз схемаларини таққослашга ва қўшимча киритишга имкон яратилади. Умумий схема жамланади.

##### **4-босқич**

Натижалар тақдимоти уюштирилади. Фаолият натижалари баҳоланади.

## «Нима учун?» техникасининг схемадаги кўриниши




## «Нима учун?» схемасини тузиш қоидалари

1. Қандай пиктограммадан фойдаланишни ўзингиз ҳал этасиз.
2. Мулоҳазаларнинг схематик кўриниши қандай бўлишини ўзингиз ҳал этасиз.
3. Ҳар бир стрелка фикр йўналишини кўрсатиши лозим.

Намуна

### ИИОни халқчил тузилмага айлантириш муаммоси



## **2-МАВЗУ: МАЬНАВИЙ ТАХДИД – ИНСОНПАРVARЛИК КУШАНДАСИ**

**Режа:**

**Маъруза машғулоти (2-соат)**

**1-савол.** “Маънавий таҳдид” тушунчаси ва унинг шакллари: ўтмиш ва бугун.

**2-савол.** “Оммавий маданият” тушунчаси, мақсади ва кўринишлари.

**3-савол.** Ички ишлар органлари ходимларининг маънавий таҳдидларга қарши кураш борасидаги вазифалари.

**1-савол: “Маънавий таҳдид” тушунчаси ва унинг шакллари: ўтмиш ва бугун**

**Мафкуравий курашлар тарихидан.** Инсоният тарихининг барча даврларида юксак маънавият жамият тараққиётининг бош омили, пойдевори бўлиб келган. Шу боис ҳам бирор бир миллатни ўзига тобе қилмоқчи бўлган босқинчилар, аввало, ўша миллатни она тилидан, тарихидан, маънавий қадриятларидан маҳрум этишга уринганлар. Халқ онгига ёт ғояларни сингдириш, мустамлакачилар манфаатларига хизмат қилувчи анъана ва тартибларни жорий қилиш орқали уни ўзлигидан жудо этишни, турмуш тарзини ўзгартириб юборишни мақсад қилиб қўйганлар.


Босиб олиниши режалаштирилган ёки буйсундирилган мамлакат халқларини турли гуруҳларга бўлиб ташлаш, уларнинг маданий-маънавий тараққиётини буғиб қўйиш истилочилар учун ўзларига маъқул тартибларни сақлаб туриш ва мустаҳкамлашга хизмат қилувчи тарих синовидан ўтган анъанавий усуллар ҳисобланган. Мустамлакачилар тобе этилган халқларни бора-бора ўзига сингдириб юбориш мақсадида ўз мафкураси ва ғояларини турли йўллар билан мажбуран жорий этишга, уларнинг маданиятига шикаст етказишига, миллий тили, урф-одат ва қадриятларини унуттиришга бор кучлари билан ҳаракат қилганлар.

Адабиётларда “мафкура” тушунчасига *муайян ижтимоий гуруҳ ё қатламнинг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамоилларини ифода этадиган гоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизими*, дея таъриф берилади. Мафкуралар, мазмун-моҳиятига кўра, фалсафий, дунёвий, диний ва бошқа турли таълимотлар асосида яратилади.

Аҳолини турли тоифа ва табақаларга ажратиш ёки бўйсундирилган ўлкаларга турли имтиёзлар бериш орқали уларни атайлаб бир-бирига қарши қўйиш сиёсатининг асосида ҳам босқинчиларнинг азалий шиори “**бўлиб ташла, хукмронлик қил**” деган ақида ётади.

Ўрта асрларда Католик черкови роҳиблари ва Европа монархлари томонидан Исо пайғамбар қабрини ғайридинлардан халос қилиш шиори

билин (аслида, Шарқдаги ўлкаларни талаш ва янги ерларни эгаллаш учун) олиб борилган “салиб юришлари” ёки Рим папалари тузган черков суди – Инквизициянинг дахрийларга (уларнинг кўпчилиги асосан, Рим папасининг хукмронлиги ва черковнинг серхарж расм-руsumларини маъқулламаганлар) қарши қурашлари ҳам муайян мафкура ва ғояларнинг одамлар онгига ва провардида жамият ҳаётига қанчалик катта таъсир қўрсатишидан далолат беради. Мутаассиб роҳиблар измидаги жоҳил оломон ҳалқ озодлиги учун қурашган қаҳрамон қиз Жанна Д’арк\*, файласуф олимлар – Жордано Бруно, Жулио Чезаре Ваниниларни\*\* гулханда куйдиради.



Хитой донишманди Конфуций бундан икки ярим минг йил олдин ўз ҳукмдорига шундай маслаҳат берган экан: **“Хоқоним, агар бирор мамлакатни босиб олиб, у ерда узоқ ҳукмронлик қилмоқчи бўлсангиз, даставвал ўша ерда яшаётган ҳалқни ўз тарихий маданиятидан маҳрум этинг, маънавий бухронни кучайтиринг. Ўз маданиятидан бебахра бўлиб, маънавий қашшоқлик ҳолатига учраган ҳалқ уюшмайди, ички низолар гирдобига ўралади, сизга қаршилик қўрсата олмайди. Бундай ҳолга келган ҳалқни, мамлакатни идора қилиш қийин бўлмайди”**.

Маънавият ва маърифат зарбага учраб, ҳалқнинг маънавий қадриятлари, урф-одатлари унутилса, одамлар ўз-ўзидан эътиқодсиз, маънавиятдан йироқ мўте оломонга айланади. Бундай ўлкада сиёсий манқуртлик, ахлоқсизлик, лоқайдлик авж олади, миллий ғуур ва эрк туйгуси, миллий қадриятлар астасекин заифлаша бошлайди. Натижада бундай мамлакатни ва унинг ҳалқини мустамлакачилик кишанларида ушлаб туриш, итоаткор қулга айлантириш осон бўлади.

Маълумки, аждодларимиз мустақил фикрлаш иқтидоридан маҳрум, жаҳолатга ботган инсонларни “манқурт” деб атаганлар. Манқурт ўзлигини ва

оламни унугтан кимсадир.



Ўзбек жадидчилик ҳаракатининг етакчиси Маҳмудхўжа Беҳбудий “**Қабиласининг номини, етти отасини танимаганларни қул-марқук дерлар**” деган эди.



Машҳур қирғиз адаби Чингиз Айтматов ўзининг “Асрға татигулик кун” романида қадимда босқинчи жужанг қабилалари кишиларни қандай қилиб манқуртга айлантирганлари ҳақида ҳикоя қиласиди. “**Манқурт** – деб ёзади адаб – ўзининг кимлигини, қайси уруғ-аймоқдан эканини, исмини, болалик кезларини, ота-онасининг кимлигини бутунлай ёддан

чиқарган бўлиб, ўзининг одамлигини ҳам унутиб юборади. У нотавон ва забонсиз бўлгани учун ҳам мутлақо итоаткордир. Манқурт худди ит каби фақат ўз эгасини танийди. Унинг фикри-зикри қорин тўйғазишда. Бошқа ташвиши йўқ. Аммо ўзига топширилган ишни ўйламай-нетмай, бажо келтиради. Хўжайниннинг амри манқурт учун ҳам қарз, ҳам фарз”. Асарда тасвирланишича, аввалига жунжанглар тутқуннинг сочини тақир қилиб қириб ташлашади. Сўнгра жунжангларнинг чапдаст қассоблари каттакон бир түяни сўйиб, унинг энг оғир ва қалин бўлган бўйин терисини ажратиб, ҳовури чиқиб турган ёпишқоқ терини тутқуннинг янги қирилган тақир бошига кийгазиб қўйишади. Кейин эса уларни жазира мағозаси офтоб тифига қўйиб тики куёш терини қиздириб, уларнинг мия чаноқларини сиқмагунича, азобдан эс-хуши, хотирасини йўқотмагунча занжирдан бўшатмас эдилар. Ана шундай усул билан манқуртга айлантирилган йигитлардан бирига ўз онасини ўлдириш буюрилганида, у ўйлаб ўтирмай, онасига қаратадан ўқ узади.

Бугунги кунда “манқурт” тушунчасига маъно жиҳатдан яқин бўлган “зомби”, “камикадзе” атамалари ҳам қўлланилади.



**“Камикадзе”** (японча – “худолар шамоли”) – атамаси дастлаб, иккинчи жаҳон уруши даврида душманнинг кема, танк ва бошқа стратегик обьектларига зарар етказиш мақсадида сафарбар қилинган ўзини қурбон қилувчи япон ҳарбий учувчиларига нисбатан қўлланилган.

Улар минган самолётга фақат мўлжаллга боришга етарли ёқилғи қўйилган. Япония ҳукумати камикадзелардан уруш даврида усталик билан фойдаланган. Ҳозирда айрим террористик ва экстремистик ёвуз кучлар иродасиз кишиларнинг онгига камикадзелар руҳини сингдириб, улардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқдалар.

Хозирги кунда террорчи ва экстремистлар томонидан асосан ёшлар, болалар ва аёллар террорчилар тайёрлайдиган лагерларда камекадзе бўлиб тайёрловдан ўтиб ўз Ватани, керак бўлса ўз ота-онасига қарши қурол кўтармоқда.

XIX асрда Британия империяси томонидан истило қилинган Ҳиндистонда инглиз мустамлакачиларининг “агар итни ўлдирмоқчи бўлсангиз, уни қутурган деб эълон қилиб кўйинг, шунда унга ҳеч ким ачинмайди” – деган “ғаройиб” шиори ҳаётга татбиқ этилади. Натижада ўз озодлиги учун курашган ҳинdlар “исёнчи”га айланади ва қурол кучи ёрдамида аёвсиз қирилади. Тарих тақозоси билан Британия империяси 1947 йилда Ҳиндистон мустақиллигини тан олишга мажбур бўлса-да, ўз сиёсатига содик қолиб, мамлакатни диний асосда ҳинdlар ва мусулмонлар яшайдиган қисмларга (Ҳиндистон ва Покистон) бўлиб ташлайди. Шу тариқа икки мамлакат ўртасида ҳозирга қадар давом этиб келаётган адоватта замин яратилади.

Ўзининг қарийб уч минг йиллик ўтмишида кўп бора босқинчилар зулмига учраган, ҳамиша озодлик ва эркка ташна бўлиб келган Ватанимиз тарихида ҳам бундай мисолларни кўплаб учратиш мумкин. Россия империясининг Ўрта Осиёдаги мустамлакачилик сиёсатини ваҳшийлик ва қилич билан жорий қилган генераллардан бири Скобелев “**Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, тилини, санъатини йўқ қилсанг бас, тез орада унинг ўзи таназзулга учрайди**”, – деб “башорат” қилган эди.

Унинг ана шу “доно” кўрсатмаси дастлаб Чор Россияси, сўнгра эса совет тоталитар тузуми даврида Ватанимизда маънавият, маърифат ва маданиятга нисбатан амалга оширилган жаҳолат ва ёвузылклар учун асос бўлди. Туркистон ўлкасини мустамлакага айлантиришда “бош-қош” бўлган Чор генерали М.Г.Черняевнинг подшога ёзган махфий хати ҳам бунинг далилидир: “**Бу ерда ҳар қандай қўшинни тўзғатиб юборадиган бир қудратли куч бор: бу туркистонликларнинг кечмиш хотираси... Демакки, уларнинг биргина ўзини енгиш кифоя эмас, хотираларини, тарихини ҳам енгмоқ керак**”.

Чоризм Туркистон халқларини саводсизлик, билимсизлик ҳолатида ушлаб туришдан манфаатдор эди. Унинг мақсади ғафлат уйқусида ётган, замонавий фан-техника ютуқларидан бехабар, миллий онги паст, миллий ғурури топталган халқни талаш ва эзишдан иборат эди. Туркистоннинг сўнгги генерал-губернатори Н.Куропаткин “**Биз эллик йил туб жой аҳолини тараққиётдан жиловладик, мактаблар ва рус ҳаётидан четда тутдик**” – дея эътироф этган.

Большевиклар “дохийси” Лениннинг “Агар социализм одамни ўз миллатидан ажратиб олиб, уни тўла ўз сафига оғдира олса, у ғалаба қилди, деяверинг... Лекин одамни миллат деган организм билан боғловчи қилдек бўлса-да, торлар сақланиб қолар экан, халқаро социализм ғалаба қила

олмайди”, деган машъум васияти бор эди<sup>1</sup>. Бу “васият”га амал қилган шүролар инсонларни ўз миллатидан ажратиб олиб, халқаро социализм ғалабасига эришишни ўзларининг ҳаёт-мамот масаласига айлантируди. Собиқ Иттифоқ таркибидаги халқларнинг миллий маданиятлариға қарши аёвсиз уруш очилди.

Бунга заррача шубҳа билан қараган, ўз миллати шаънини ҳимоя қилган, унинг кўзини очишга, миллий ғурурини кўтаришга уринган халқнинг асл фарзандлари – тадбиркор мулкдорлар, маърифатпарвар алломалар, шоири ёзувчилар, олимлар, давлат арбоблариға турли бухтонлар ёғдириб, уларни “**буржуа миллатчиси**”, “**халқ душмани**”, “**империализм жосуси**” деган уйдурмалар билан қатағон қилиш оддий ҳолга айланган эди.

Айниқса, 30-йилларнинг ўрталариға бориб, миллий маънавиятимизни тўлиқ синдириб, янчиб ташлашга қаратилган сиёsat изчил амалга оширила бошланди. Халқимизнинг минглаб асл фарзандлари аёвсиз қатағон қилинди. Булар қаторига Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Усмон Носир, Элбек, Боту, Тавалло, Зиё Саид каби халқимизнинг юзлаб асл ўғлонларини киритиши мумкин.

Инсон маънавий-ахлоқий дунёсини юксалтирувчи маънавий хазиналар – Қуръон ва ҳадислар, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Аз-Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари уламою фузалоларнинг асарлари халқдан яширилди, уларга ўт қўйилди. Ҳатто уйида араб (эски ўзбек) ёзувидағи китоб ва қўллўзмаларни сақлаган одамлар ҳам қаттиқ таъқиб остига олинди.

### **“Мафкуравий таҳдид” тушунчаси ва унинг кўринишлари.**

Маълумки, “таҳдид” деганда инсонлар учун моддий ёки маънавий зарар етказувчи, унинг ҳаётига, келажагига рахна солувчи омиллар, хавф-хатарлар тушунилади. Таҳдид алоҳида инсонга, бутун жамиятга ва ҳатто бутун инсониятга қарши қаратилиши ҳам мумкин. Жамият тараққиётига рахна солувчи таҳдидлар келиб чиқиши ва манбаига кўра ички ва ташки таҳдидларга бўлинади:



**Ички таҳдидлар** – бу жамият ичида юзага келувчи, жамиятдаги бирликка, давлат ва жамият ўртасидаги алоқаларга салбий таъсири кўрсатувчи, фуқароларда норозилик ва давлат ҳокимиятияга ишончсизлик уйғотувчи, давлат ва жамиятнинг нормал алоқаларини издан чиқарувчи хатарлардир.

Бунга мисол қилиб, *лоқайдлик, коррупция, давлат амалдорларининг ўз лавозимини суиштеъмол қилиши, миллатчилик, маҳаллийчилик, маънавий бузуқлик, гиёҳвандлик, иқтисодий жиноятлар* каби иллатларни келтириш

<sup>1</sup> Кишини ҳайратлантирадиган ўхшашиблик: бугунги кунда “демократия экспортчилари”нинг ҳам “оммавий маданият” тарғиботчиларининг ҳам, уларга ўзини қарши қўяётган диний ақидапарастларнинг ҳам ҳаракатлари замираша шу гоя ётади, яъни одамларни миллатидан, миллий ўзлигидан ва миллий қадриятларидан ажратиш.

мумкин.



**Ташқи таҳдидлар** деганда мамлакат ташқарисидан туриб, турли воситалар орқали унинг суверенитетига дахл қилиш, жамиятда нотинчлик, ишончсизлик келтириб чиқариш, халқаро майдонда давлатни ва ҳокимият органларинин обрўсизлантиришга қаратилган фитналар, ҳаракатлар тушунилади.

Хозирги кунда халқаро *терроризм, трансчегаравий жиноятлар, миссионерлик, “ахборот уруши”, “демократия экспорти”, “буюк давлатчилик шовинизми”, “оммавий маданият” ёки ғарбона турмуши тарзини тарғиб қилишини* шу каби ташқи таҳдидлар қаторига киритиш мумкин.

**“Маънавий таҳдид”** тушунчасининг моҳияти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият - енгилмас куч” номли китобида батафсил очиб берилган: **“Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим”.**

**Мафкуравий таҳдид** деганда, ҳукмронлик, тажовузкорлик, босқинчилик, экстремизм, ақидапарастлик ва бошқа шу каби вайронкор ғояларни аҳолининг муайян қатлами, айниқса, ёшлар онгига турли усул ва воситалардан фойдаланиб сингдириб бориш, уларда жамият ва унда умумқабул қилинган ижтимоий, ахлоқий ва ҳатто диний қоида-нормалар, давлат ҳокимияти ва унинг идора усуллари ҳақида нотўғри муносабат шакллантиришга, қисқа қилиб айтганда, жамиятнинг ижтимоий онгини заҳарлашга қаратилган хатти-ҳаракатлар тушунилади.

## 2-савол: “Оммавий маданият” тушунчаси, мақсади ва кўринишлари

**“Оммавий маданият” тушунчаси ва унинг шаклланиши.** XX асрнинг уч буюк техника кашфиёти – радио, кино ва телеведение санъатнинг юзи ва моҳиятини бутунлай ўзгартириб юборди. Фан-техника инқилоби натижасида маънавий, маданий “товарлар”ни ишлаб чиқариш индустряси пайдо бўлди.



**“Оммавий маданият”** инглизча “Popular culture” (“оммабоп, кенг тарқалған, ҳамма учун очиқ маданият”) атамасидан олинган бўлиб, дастлаб XX аср ўрталарида Ғарбий Европа ва АҚШда вужудга келган, анъанавий мумтоз маданият тамойиллари, мезонлари, ғояларидан ўзгача қараш, шакл ва услубларни ўз ичига олган, оддий одамлар аудиториясига мўлжалланган, кенг аҳоли маданий савиясига мослаб соддалаштирилган санъат (музиқа, кино, тасвирий санъат ва ҳ.к.) йўналишига нисбатан ишлатилган.

Вақт ўтиши билан Ғарб мамлакатлари аҳолиси, айниқса, ёшларга катта таъсир кўрсатиб, ижтимоий-маданий, маънавий ҳаётдан тортиб кундалик турмуш тарзига қадар сингиб кетган ижтимоий воқеликка айланди. Оммавий маданиятнинг асосий мақсади моддий даромад бўлганлиги сабаб, унинг тарғиботчилари кенг аҳоли қатламини жалб этиш мақсадида соддалик, ҳаммага тушунарлилик ва қўнгилочарликни асосий сифат мезони деб қараганлар. Айнан шу ҳолат аҳоли умумий маданий савиясининг сустлашиб, маданият ва санъатдаги азалий идеаллар, қадриятлардан ажралиб қолишига, охир-оқибатда ахлоқсизликни тарғиб қилувчи “оломон маданият”нинг вужудга келишига олиб келди.

Америка мусиқаси оҳангига (40-йилларда – “бугивуги”, 50-60-йилларда – “рок-н-ролл”) бутун Европа, Шарқни ҳам мустасно этмаганда, рақсга тушди. Мусиқа орқали тарғиб қилинган ғоялар Голливуд фильмлари, пластинка, кассета ва компакт-дискларнинг оммавий тиражи туфайли янада кенг тарқала бошлади.

Европада “АББА” (Швеция) ва “Биттлз” (Англия) ансамбллари “Оммавий маданият” юлдузларига айланди. “Биттлз” асосчиси Жон Леннон ҳақиқий афсонага айланди. Унинг туғилган ва вафот этган куни ҳозирга қадар бутун дунё ёшлари ва рок-музиқачилари томонидан нишонланади.

Шу тариқа “оммавий маданият” томошабоп тадбирларнинг улкан тижорат мажмуини яратдики, кейинчалик у америкача “шоу-бизнес” атамаси билан номланди.

70-80 йилларда Ўзбекистонда ҳам (1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейин Собиқ иттифоқнинг турли ўлкаларидан ишчилар оммавий кўчириб келтирила бошлаган) асосан шаҳарларда яшаётган европалик аҳоли, аксарият ёшлар таъсирида халқ маданиятнинг турли соҳаларида (музиқа, кино, кийиниш, ўзаро муомаладан тортиб тўй ва байрамларгача) “оммавий маданият” аломатлари кўзга ташлана бошлади. Албатта, бу ўзгаришларнинг ҳаммасини ҳам салбий деб бўлмайди (машхур “Ёр-ёр” фильмидаги кудаларнинг эскича ва янгича тўй борасидаги баҳсларини эсланг).

Бора-бора йигит ва қизларнинг бир даврада ўтириб, шампан виносини ичиши, танцага тушишлари, паркларда қўлтиқлашиб юришларига нафақат

одатий ҳол, балки маданиятлилик белгиси сифатида қарала бошланди. Ўша даврдаги мафкура ҳам қайсиdir маънода бу тенденцияни рағбатлантирар эди. Карабсизки, кўп ўтмай узун соч қўйиб, клёш шим кийган туғилган жойидан, ўзлигидан ажralган ўзбек “Жорж”лари (улар Бахтиёр Ихтиёров ва мархум Эргаш Каримовлар иштирокидаги телеминнатюраларда кулгу билан истеҳзо қилинган эди) пайдо бўла бошлади.

Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмаднинг “Қоракўз мажнун”, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Тоғай Муроднинг “Момо ер қўшиғи” (сержант Орзуқулов, шоир Паҳлавон Даҳо образлари) асаларида Ғарб маданияти таъсирига берилиб, ўз маданиятидан юз угирган кишиларнинг фожеаси нихоятда таъсирили ёритилган.

Дастлаб мустабид тузум даврининг турли қийинчиликлари шароитида ҳамма ҳам бу “маданият”нинг салбий таъсирини англаб етмади, англаганлар ҳам унга қарши бирор иш қилишга ожиз эди. Фақатгина, 80-йилларнинг иккинчи ярмида бошланган “Қайта қуриш” ва ошкоралик номини олган воқелик Ўзбекистонда ҳам миллий тил, миллий маданиятни тиклаш харакатларига тўртки берди.



### “Оммавий маданият”нинг заарли жиҳатлари

Бу айниқса, ғарбона турмуш тарзи ва қадриятларини бошқа миллатларга кўчиришга уринишда намоён бўлиб, бу борада реклама, мода, бадиий услублар, мусиқа, санъат асалари, кино катта роль ўйнамоқда.

Ёшлар ахлоқи ва маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётган “оммавий маданият”нинг баъзи кўринишлари қўйидагилардир:

✓ бугунги кунда жаҳон медиа бозорининг 3/4 қисмини Ғарб телевизион дастурлари эгаллаган. Уларнинг жазавага солувчи мусиқаси, маъносиз ва гайритабии қўшиқларига бутун дунё тақлид қилаётгани ачинарли ҳол. Бундай кўринишлар ёшларни маҳлиё қилиб, ўз домига тортмоқда. Оқибатда, айрим ёшлар уйда, мактабда ва ҳатто йўлда ҳам ўз мақсадидан чолгиб, ана шундай нарсалар билан банд бўлишияти.

✓ бугун Ғарбда аксарият ёшлар маънавияти таназзулга учраётгани аниқ. Шунга қарамай, айрим турли ОАВда уларнинг турмуши тарзи кенг тарғиб этилаётгани кишини доимо бўлишига ундаиди.

✓ хорижда ишлаб чиқарилаётган андозасиз кийимлар ва уларда акс эттирилган маъносиз сўзлар ёки ёвузликка чорловчи суратлар ёшлар онги ва феъл-авторига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, хорижда тайёрланган кийимлардаги «killer» (қотил) «danger» (даҳшат) каби сўзлар ва ҳаёсизликни ифода этувчи манзараларнинг туб моҳиятига эътибор бериши керак. Акс ҳолда, фарзандларда зўравонлик ва жонга қасд қилиши каби иллатлар оддий ҳолатга айланниб қолиши мумкин.

✓ *Farb ёшларида уюшган жиноятычилик ва зўравонликка берилиши ҳолатлари анча юқори. Бунга сабаб болаларга меъёридан ортиқ эркинлик берилганидир. Бунинг устига, “оммавий маданият” эр-хотин ва болаларнинг оиласидаги вазифалари, бурч ва масъулияtlаридан “озод” этиб, оиласий бирлик, меҳр-мурувватни йўққа чиқаряпти, бу эса оила институтини инқирозга олиб келмоқда.*

✓ *Farb турмуши тарзида гурур, ор-номус, эркаклик шаъни, аёллик иффати деган нозик тушунчалар емирила бошлаганига анча бўлди. Ваҳоланки, биз яшаётган жамиятда бу тушунчалар инсон қадр-қимматини белгиловчи фазилатлар сифатида асраб-авайлаб келинади. Бу тушунчаларнинг емирилиши инсонлар, оила, қон-қариндошлар ўртасидаги муносабатларнинг провардида эса жамиятнинг емирилишига олиб келади.*

Ер юзидаги ахборот алмашинуви шиддатли тус олган ҳозирги шароитда, Farbdagi “марказлар” бундан унумли фойдаланиб, бошқа давлатлар ва халқлар ўртасида Farb ҳаётининг бузғунчи “жозибалари”ни, жумладан, “оммавий маданият” таъсирини “эркинлик шабадалари” тарзида имкон қадар кенг ёйишга енг шимариб ҳаракат қиласайди. Ваҳоланки, Farb жамоатчилигининг илғор вакиллари аллақачон, “оммавий маданият”нинг салбий жиҳатларидан инсонларни огоҳ қилиб, бу иллатга қарши қатъий чоралар кўришга чақирмоқда. Бугун ОАВда тез-тез тилга олинаётган Farb жамиятидаги “оммавий маданият” туҳфа этган “чексиз эркинлик” таъсирида юз бераётган кўнгилсиз ҳолатлар, мактаб ўқувчилари томонидан содир этилаётган қуролли суиқасдлар, болаларнинг савдойи, васвос кимсалар қўлида қурбон бўлаётгани, ўз жонига қасд қилишлар, ахлоқий бузуқликлар, ёшлар феълида тажовузкорлик кучайиб бораётгани ҳар бир оқил инсонни ўйга толдиради.



### **Хўш “оммавий маданият”нинг хавфли томони нимада?**

Энг катта хавф шундаки у инсонни ўзлигидан, инсонийлигидан жудо қиласади, ҳеч қандай қонун-қоидаларни тан олмайдиган, фикрлашдан маҳрум, факат ўзи, ўз манфаати учун яшайдиган манқуртга айлантиради.

“Оммавий маданият” ёшлардан фикрлашни талаб қилмайди, аксинча, ҳар хил ҳаёт ташвишларидан, турмуш муаммоларидан, турли тақиқлардан гўё “халос” этади. Ўқишига, билим олишга эмас, балки бир марта бериладиган ҳаётда “яйраб қолиш”га чакиради. Ҳолбуки, бунинг натижасида инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибатнинг йўқолиб бораётгани, одоб-аҳлоқ мезонларига путур етаётгани, беҳаёлик, масъулияtsизлик ва зўравонликнинг авж олаётгани бутун дунё ахолисини ташвишга солмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, “Оммавий маданият” тарғиботчилари анъанавий маданиятни ўзгартириш ва бошқариш орқали ўзларининг бузғунчилик ахлоқларини сингдириб, мамлакатларни маънавий таназзулга

учратиши мақсадларини амалга оширмоқдалар.

Улар ота-боболаримиз “қора” деган нарсаларни “оқ”, “оқ” деган нарсаларни “қора” деб уқтирумокда. Уларнинг назоратидаги телевидение, газета, журналлар, интернет ва ижтимоий тармоқлар одамларда ана шундай қарашиб ва муносабатларни тарбиялашга қаратилади.

“Оммавий маданият” одамлар савиясини пасайтириб, ўз маҳсулотларига харидорларни кўпайтира боради. Маълумки, жамиятда пулни ўйламай, тез ишлатувчи тоифа – бу ёшлар ҳисобланади. Шу боис ҳам “Оммавий маданият” никоби остида иқтисодий фойда кўришга интилувчилар ёшларнинг кўзлари тушадиган, қулоқлари эшитадиган ҳамма нарсанни эгаллашга ҳаракат қиласди. ОАВ, интернет тармоғидан тортиб, мобил телефонлар учун яратилган турли илова дастурлар, уйинчоқ, мультфильм, дисклар, дафтар муқовалари, футболка суратлари, реклама, мусиқа, слэнглар ва ҳоказо.

“Оммавий маданият” халқ оммасига ҳеч бир халқнинг миллий қадрият ва урф-одатларига тўғри келмайдиган бузғунчи ғояларни сингдиришга ҳаракат қиласди. Мисол учун, **“ҳеч нарсани ўйламанг, фақат қандай йўл билан бўлса ҳам мулк топинг ва еб-ичинг”** шиорининг улар томонидан айтилиши. Бу вайронкор ғояларга берилиган ёшлар ҳаёт фақат еб-ичишдан иборат экан, деб ўйлаб ҳар қандай йўллар орқали пул топишга ҳаракат қиласдилар. Натижада жамиятда коррупция, ўғирлик, талончилик, босқинчилик ва бошқа жиноятлар кенг қулоч ёйишига олиб келади.

Барчамиз катта қизиқиши билан томоша қиласдиган “Суюнчи” фильмидаги бир лавҳада маҳалла кайвонилари ўз уйига қулф осиб қўйган, касал отасининг аҳволидан хабар олмаган маҳалладошларига қаттиқ танбех беради. Умуман фильmdа халқимизга хос бўлган ҳалоллик, меҳр-оқибат, катталарга хурмат каби инсоний фазилатлар жуда ажойиб тарзда ёритиб берилиган. Ҳақиқатдан ҳам халқимизда қадимдан бироннинг ҳаққига хиёнат қиласлиқ, маҳалладош, қўни-қўшниларнинг яхши-ёмон кунларда бирбирига ёрдам бериши, фарзандларнинг ўз ота-оналарига ғамхўрлик қилиши лозимлиги ҳақидаги ахлоқий қараашлар устувор бўлган.

Бугун жуда кам бўлса-да жамиятимизда учраётган қуйидаги каби ҳолатлар “оммавий маданият” таъсирининг ёшларимиз ҳаёти ва келажаги учун нақадар хавфли эканлигини кўрсатади:



**Ўғирлик қилгани учун қўлга олинган ўсмирдан бунинг сабаби сўралганида, “ўртоғимникидай телефон олмоқчи эдим”, дейди.**

Вояга етмаган қиз уйидан қочиб кетади, ота-она минг бир хаёл билан ички ишлар органларига мурожаат этади, қизни 3 кун деганда дугоналаридан бирининг уйидан топишади, маълум бўлишича, у шу йўл билан замонавий калта юбка кийишни тақиқлагани учун ота-онасидан “ўч олмоқчи” бўлади, дугонасининг уйидагиларга эса ота-онасининг хизмат сафарига кетганини

айтиб, ёлғон гапиради.



Яна бир ҳолат. 17 ёшли колледж ўқувчиши ўз жонига қасд қиласди, ота-онанинг фифони фалакни тутади. Маълум бўлишича, бир кун олдин ўсмир отасидан туғилган кунини дўстлари билан кафеда нишонлаш учун пул сўрайди, отаси эса ортиқча пули йўқлигини айтиб, яхшиси дўстларини уйга чақиришни таклиф қиласди. Йигит уйда эркин ўтира олмаслигини, кафеда хоҳлаган мусиқага мазза қилиб рақсга тушиш мумкинлигини айтиб, қўрслик қилиб туриб олади.

Жаҳли чиққан ота ўғлининг юзига тарсаки туширади. Шу тариқа оддий баҳсдан чиққан можаро ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган ўсмирнинг ўлими билан якун топади.

Яна бир ташвишли ҳолат. Бугун жамиятимизда Ғарб маданиятини қаттиқ ҳимоя қилувчи “ғарбпаст маданий элита”ни шакллантиришга уринишлар кузатилмоқда. Маълумки ҳар бир жамиятда инсонлар эргашадиган ва тақлид қиласидиган етакчилар, санъаткорлар, олимлар қатлами мавжуд бўлади. Машҳур кишилар, аникроғи, инсонлар ўртасида катта обрў ва мавқега эга кишиларни ўз тарафига оғдириб, уларни Ғарб маданияти, турмуш тарзининг ҳимоячиларига айлантириш, ўз навбатида, ғарбона турмуш тарзини ўзлаштирган, Ғарб андозалари асосида яшовчиларни жамиятнинг “олий қатлам”и сифатида кўрсатиш усулидан кенг фойдаланилмоқда.

Тадқиқотчи Б.Умаров ўзининг “Глобаллашув зиддиятлари” деб номланган рисоласида: “Ғарб оммавий маданияти, баъзан инсоннинг тубан иллатларини жунбушга келтирадиган поп ва рок-музиқага маҳлиё бўлган айrim ёш йигит-қизларимиз халқимизнинг бебаҳо маънавий дурдоналари, дунёда қиёси йўқ мумтоз қўшиқ санъатимиз, лапар ва айтишувлар, бетакрор мусиқавий оҳангларимизни тинглармикан? Бугун ёшларимиз Ғарб эстрадасининг “юлдуз”ларинигина эмас, ҳатто “юлдузча”ларининг ҳам исмишарифи, ҳаётий кечинмаларини беш қўлдай билади, аммо “Шошмақом”дан биргина куйнинг номини сўрасангиз ёхуд Беруний, ал-Фарғоний, Форобий, ал-Хоразмий, Алишер Навоий каби улуғ аждодларимиз жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига қандай ҳисса қўшганини билмоқчи бўлсангиз, ер чизиб тураверади. Афсуски, маданий ҳаётда айrim ноқисликлар, хусусан, театрларимизда қўйилаётган спектакллар савиясининг талаб даражасида эмаслиги, миллий эстрадамизда ғарбона андозаларга тақлиднинг кучайиб бораётгани, газета дўконларини қўплаб олди-қочди нашрлар босиб кетаётгани ҳам ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этади, деб бўлмайди”, - деб ҳақли равища эътироф этади.

Хулоса қилиб айтганда, “оммавий маданият” инсонларни, айниқса, ёшларни ўз йўлидан чалғитиш, уларнинг онгини заҳарлаш борасида катта

имкониятларга эга. Шу билан бирга, жамиятда лоқайдлик, бефарқлик хукм сурадиган бўлса, унинг янада гуллаб-яшнашига, инсонлар онги ва қалбини эгаллаб олишига энг катта имконият пайдо бўлади.

### **3-савол: Ички ишлар органлари ходимларининг маънавий таҳдидларга қарши кураш борасидаги вазифалари.**

Ўз навбатида бугунги кунда дунёда юз бераётган ўзгаришлар, глобаллашув жараёнларининг кучайиши бутун жаҳонда бўлгани каби, мамлакатимизда ҳам хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда турли таҳдидларга қарши курашиш зарурияти ички ишлар органлари олдига ҳам янгидан янги вазифаларни қўймоқда.

Ушбу талабларга жавоб бериш учун ички ишлар органлари ходимлари аввало, ўз соҳасида чуқур билимга, кенг дунёқарашга эга бўлиши, ўз вазифасини бажараётганда доимо хушёр ва огоҳлик билан, қонунга таяниб иш тутиши лозим, шунинг билан бирга ходим халқимиз тарихи ва маънавиятидан, миллий истиқлол мағкурасидан хабардор бўлиши, ён-атрофда юз бераётган воқеаларни давлат ва халқ манфаатларидан келиб чиқиб баҳолай олиши даркор.

**Ходим энг аввало ўзини, ўз оиласини ва ўзи мансуб бўлган ички ишлар органлари тизимини, бинобарин давлат манфаатларини турли таҳдидлардан ҳимоялаши лозим.**

Албатта давлат, халқ ва фуқароларнинг манфаатлари энг биринчи ўринда туради. Бу йўлда ходим керак бўлса, ўз жонини ҳам аямайди. Бу ерда гап бошқаларни ҳимоя қилмоқчи бўлган одам, аввало ўзи ҳимояланган бўлиши лозимлиги ҳақида кетмоқда.

Бунинг учун ходим:

Энг аввало ўз хизмат соҳасига оид қонунчилик ҳамда вазирликнинг меъёрий ҳужжатлари талабларини пухта ўзлаштириши ва хизмат фаолиятида уларга қатъий амал қилиши, шу билан бирга доимо хушёрлик ва огоҳлик билан, шахсий хавфсизлик ҳамда ички ишлар органлари ходимининг ахлоқ-одоб қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда ҳаракат қилиши лозим;

Сир эмаски, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш, давлат бошқарувини обруқизлантиришга уринувчи кучлар энг аввало, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ва уларнинг ходимларини нишонга олади, уларни ўз томонига оғдириш ёки уларга зарар беришга ҳаракат қиласди. Бу эса ходимларнинг доимо сезгир ва хушёр бўлишини, биринчи навбатда шахсий хавфсизликка, шунингдек, ўз оила-аъзолари ва яқинларининг хавфсизлигига эътибор қаратишни тақазо этади;

Ходим хизматдан ташқари пайтда бошқалар билан суҳбатда хизмат фаолиятига оид масалалар ҳақида гаплашмаслиги, зарурат бўлмаса, нотаниш шахсларга ўз касби, хизмат ва яшаш жойи ҳақида маълумот бермаслиги, чет эл фуқаролари билан муомалада меъёрий бўйруқлар талабларига қатъий риоя

қилиши лозим;

Давлат ва хизмат сирига оид ҳужжатлар билан ишлашда, уларни сақлаш ва юборишда ниҳоятда эҳтиёткор бўлиши, вазирликнинг бу борадаги бўйруқлари талабларига қатъий риоя қилиши лозим;

Хизматга оид ҳужжатлар сақланган флешка ва бошқа ахборот ташиш воситаларини заруратсиз кўчада ўзи билан олиб юрмаслик керак;

Интернет ва ижтимоий тармоқларга ўзи ва оила аъзоларига оид маълумотлар (фото ва видеолар)ни жойлаштириш мумкин эмас.



### **Ходимнинг фуқароларни, жамиятни мағкуравий таҳдидлардан огоҳ этиш ва ҳимоялаш борасидаги вазифалари:**

Ҳар бир ички ишлар ходими фидойилик, ватанпарварлик, юксак ҳукуқий маданиятлилик борасида атрофдагиларга ўрнак бўлиши, шахсий намуна кўрсатиши лозим.


Ходим фуқаролар, айниқса ёшларнинг ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш учун уларнинг заарларини – мамлакат осоийшталигига рапна солиши, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизни йўқотишга, одамларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга қаратилганлигини маданиятли тарзда, аниқ мисоллар орқали тушунтириши лозим.

Ўз маҳалласи, туманидаги вазиятдан, одамларнинг кайфиятидан хабардор бўлиши, имкон қадар маҳалладаги тўй-маъракалар ва бошқа тадбирларда фаол қатнашиши, қўни-қўшнилари, маҳалладошлари билан дўстона муомалада бўлиши лозим, токи улар ходимни ўз яқини, маслаҳатчиси деб билсин, ўз сирлари, муаммолари билан ўртоқлашсин. Унутмаслик керакки, ходимнинг уларга бўлган самимий муносабати ўз навбатида фуқароларнинг ички ишлар органларига, бинобарин давлат ҳокимиятига муносабатини белгилайди;

Сир эмаски, жамиятда, айниқса, ёшлар ўртасида маънавий иллатларнинг кучайиши, билимсизлик, худбинлик, бекорчилик, лоқайдлик, маҳаллалардаги оиласиий муаммоларга эътиборсизлик охир-оқибатда турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг ўсишига сабаб бўлади. Бинобарин, касални даволагандан кўра унинг олини олиш осонлиги маълум экан, ички ишлар органлари ходимлари (айниқса, профилактика инспекторлари) мана шу масалаларга доимий эътибор қаратиши, маҳалла, меҳнат жамоалари, фуқаролар орасида, айниқса, таълим муассасаларида доимий равища ҳуқуқий тарғибот, тушунтириш ишларини олиб бориши, олиб борганда ҳам юзаки тарзда, хўжакўрсинга эмас, бу масалага ўта катта масъулият билан ёндашиб, пухта тайёргарлик билан ташкил этиши, худудий ҳокимият вакиллари, маҳалла фаоллари, аҳоли ўртасида обрўли, кўпни кўрган кишиларни, таълим муассасаларининг раҳбарларини жалб этган ҳолда турли

кўргазмали воситалар, аниқ ҳаётий мисоллардан фойдаланиб масаланинг моҳиятини, муаммонинг сабаб-оқибатларини ёритиб беришлари, аниқ ечимларини таклиф этишлари лозим.

Шундан келиб чиқиб, ички ишлар органи ходимлари турар жойларда, маҳаллаларда, мактаб, коллеж, лицей ва институтларда ўтказиладиган барча учрашувлар, бевосита мулоқотлар, турли кечалар ва йифинларда «Оммавий маданият» нинг юқорида келтириб ўтилган салбий иллатлари ҳақида тушунчалар бериши, ўзбек халқининг ким эканлигини, кимларнинг авлодлари-ю, аждодлари ким эканлигини халқнинг онгиға сингдириши, мамлакатимиздаги фуқароларимизни «Оммавий маданият» таъсирига тушмаслиги учун ҳар-бир фуқаронинг билим савиясини, ҳушёрлигини ошириши, фарзандлар тарбиясига жиддий эътибор қаратишини, интернетдан тўғри фойдалана олишликни, бўш вақтларини самарали ташкил қилишликни мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот қилишлиги, компьютер ва интернет клубларни, дисклар сотилаётган жойларни, соат 22.00дан кейин ресторон, кафе, бар ва кўнгилочар жойларни мунтазам назорат қилиши, «Оммавий маданият» га қарши курашишда жамиятнинг ҳамма буғини бир бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, фидойилик кўрсатсанына, бу «Оммавий маданият» жамиятимиздан сиқиб чиқарилишига эришган бўламиз.



Мир Алишер Навоий бобомиз ахборотнинг шахс, жамият ҳаёти, тутган аҳамиятини юксак баҳолаб, бундан беш аср олдин **«Агар огоҳсен сен, Шоҳсен сен»**, деган бебаҳо сатрни бизлар учун ёзиб кетган.

Демак, жамият ҳаётида кечаётган жараёнларни таҳлил қилиш, турли гоявий-мафкуравий таҳдидлардан огоҳ бўлиш, хориждан кириб келаётган мамлакатимиз манфаатлари, миллий анъана ва қадриятларимизга ёт ғоя ва қарашлар қандай мақсадни кўзлаётганини англаб етиш ҳамда бу борада оммавий ахборат воситалари, радио телевидение каналлари орқали аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида изчил тарғибот ишларини йўлга қўйиш керак. Халқимиз иродаси билан танлаб олинган бу йўлдан ҳеч қандай куч ҳеч қайтара олмайди.



Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш борасида борасида биз қуйидаги самарали ишларни бажаришимиз зарур:

1. Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ижтимоий-иктисодий сиёсатнинг моҳияти ва бошқа мақсади фуқароларимизнинг тинчлиги ҳамда хотиржам турмуш тарзини таъминлашга қаратилганлигини, Президентимиз олиб

бораётган ички ва ташқи сиёсатнинг устивор йўналишларининг мазмунини, кундалик иқтисодий қийинчиликларнинг ўткинчи эканлигини халқимизга, айниқса ёшларга кенг тушунтириб беришимиз лозим.

2. Республикаизда қонун устиворлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш, миллати, дини, мансаби ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар қонун олдида барчанинг teng эканлигини ўқтириш.

3. Маҳалла қўмитаси раислари профилактика инспекторлари билан биргаликда барча мажлисларда учрашувлар ўтказиб, қарияларни ёшларга насиҳат қилишга ундаш. Мафкуравий таҳдидлар нима эканлигини оммага тушунтириш ишларини йўлга қўйиш.

4. Мафкуравий ва маънавий таҳдидларга қарши кураш борасида, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорлигимизни кучайтириб, уларнинг хушёrlигини оширишимиз, улуғ мутафаккирларимизнинг бебеҳо меъросини халқимизга, ёшларимизга тушунарли қилиб, етказиб беришимиз керак. Фуқароларимиз Ислом динининг асл моҳиятини англаb етсаларгина, уларнинг онгиdi ҳар хил зарарли гояларга ўрин қолмайди.

5. Республикаизда жиноятчиликнинг содир этилишига асосий омил бўлиб келаётган ишсизликни каматириш мақсадида ҳокимият идоралари томонидан ҳудудларда қўшимча иш жойларини ташкил қилиш асосий вазифалардан бири бўлиши керак.

### Ўзингизни синанг!

Таҳдид-...

Ички таҳдид-...

Ташқи таҳдид-...

Маънавий таҳдид-...

Мафкуравий таҳдид-...

“Оммавий маданият”-...

#### Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя китобини ўқиб ўрганиш.
2. “Оммавий маданият” китобини ўқиб ўрганиш.

#### Назорат саволлари:

1. “Маънавий таҳдид” тушунчаси ва унинг шакллари.
2. “Оммавий маданият” тушунчаси, мақсади ва кўринишлари.
3. Жамият хавфсизлигига рахна солувчи ижтимоий-ахлоқий иллатлар.
4. Ички ишлар органлари ходимларининг маънавий таҳдидларга қарши кураш борасидаги вазифалари.

## 2-МАВЗУ: МАЊНАВИЙ ТАХДИД – ИНСОНПАРVARЛИК КУШАНДАСИ.

Семинар машғулоти (2-соат)

### “САВОЛ-ЖАВОБ” МЕТОДИ

Метод мавзунинг ўқувчи (tinglovchi) ва курсант(lar) томонидан ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Уни қўллашнинг самарадорлиги савол-жавобларнинг аниқ, қисқа ва тушунарли тарзда ифода этилиши, айнан мавзуга доир бўлишига боғлик.

Таълим жараёнида методни қўллаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўқитувчи моҳияти ёритилган мавзу  
юзасидан саволлар тайёрлайди



Ўқитувчи саволларни тингловчиларнинг  
эътиборларига ҳавола этади



Тингловчилар берилган саволларга жавоб қайтариш  
орқали мавзуни ўзлаштирганлик даражасини намойиш этади



Ўқитувчи тингловчиларнинг савол-жавобдаги иштирокларини таҳлил қилиб,  
баҳолайди ва машғулотга якун ясайди

### САВОЛЛАР

1. Хитой донишманди Конфуций бундан икки ярим минг йил олдин ўз хукмдорига давлатларни ўзоқ вақт давомида бошқариш учун қандай маслаҳат берган?
2. Манқурт деганда нимани тушунасиз?
3. “Таҳдид” деганда нимани тушунасиз?
4. Ички таҳдидларни изоҳлаб беринг?
5. Ташқи таҳдидлар таҳдидларни изоҳлаб беринг?
6. Таҳдидлар орасида энг хавфлиси қайси таҳдидлар ҳисобланади?
7. “Оммавий маданият”га таъриф беринг?
8. Оммавий маданиятнинг асосий мақсади нималардан иборат?
9. Қандай қилиб “оммавий маданият” турли ирқ, миллат ва диндаги, ҳар хил ёш ва касбу-корга мансуб одамларнинг онгини эгаллаб олаётir?
10. Бизнинг хонадонларда эшик олди нега супурилади?
11. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ички ишлар органлари касб байрамида табрик нутқида қандай таҳдидлар ҳақида гапирган?
12. Мањнавий таҳдидларга қарши курашда ички ишлар органлари ходимларининг вазифалари нималардан иборат?

### 3-МАВЗУ: ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ ТУШУНЧАСИ, МОХИЯТИ

Режа:

Маъруза машғулоти (2-соат)

1. Экстремизм тушунчасининг мазмун-моҳияти.
2. Терроризм тушунчасининг мазмун-моҳияти.
3. Экстремизм ва терроризмга қарши курашда ички ишлар органларининг вазифалари.

#### 1-савол: Экстремизм тушунчасининг мазмун-моҳияти

Экстремизм ва терроризм инсоният билан бирга XXI асрга кириб келган энг хавфли ижтимоий иллатлардан бирига айланди. Экстремизм бағрикенглик, ранг-баранглик ва ҳамфиқрлиликни рад этиши билан мамлакат тараққиёти ва фуқаролараро ҳамжиҳатликка рахна солади.

Сиёсий экстремизм намояндалари ўзларининг ғаразли мақсадига эришиш учун куч ишлатиш усулларидан фойдаланиб, мавжуд сиёсий тузилмаларнинг барқарор фаолият юритишини бузиш ва йўқотишга ҳаракат қиласди. Бу йўлда экстремистлар ва экстремистик ташкилотлар «демократия» ниқоби остида баландпарвоз шиорлар, чақириқлар билан чиқиб, террорчилик ва партизанлик ҳаракатларини қўллаб-куватлайдилар, қонунга риоя этмаслик, иш ташлашлар, тартибсизликлар чиқаришга уринадилар, одамларни гиж-гижлайдилар, террор қилиш усулидан фойдаланадилар.

Экстремистик ташкилотларнинг раҳбарлари ҳар қандай муроса ва келишувни рад этадилар. Ўзига тобеларни ўз буйруқ ва кўрсатмаларини қўр-кўрона бажаришга мажбур этадилар. Сиёсий экстремизмнинг миллатчилик кўриниши турли миллат ва этник гурухлар ҳуқуқини инкор этишда намоён бўлади. Миллатчи экстремистлар фаолияти сепаратизм билан боғлиқ бўлиб, кўп миллатли давлатларни йўқотиш, туб миллат ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилади.

**Фундаментализм** сўзи лотинчадан келиб чиқсан бўлиб, асос, пойdevор маъносини билдиради. Фундаментализм барча динларга хос бўлиб, унда диннинг асли қандай бўлса, шундайлигича сақлаб қолишга ҳаракат қилинади.

«**Экстремизм**» лотинча «акл бовар қилмас даражада», «хаддан ошиш», кескин фикр ва чораларни ёқлаш, кескин чораларга тарафдорлик маъноларини билдиради. Жамиятда қабул қилинган қадриятлар ва меъёрларга зид қарашларни илгари суриш, кескин қарашлар ва чораларга мойиллик экстремизмнинг асосий хусусияти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши кураш тўғрисида”

қонуни 2018 йил 30 июлда қабул қилинган бўлиб, унда экстремизмга қуидагича таъриф берилган:

**экстремизм** — ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳокимиятни зўрлик ишлатиб эгаллашга ва унинг ваколатларини ўзлаштириб олишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатишга қаратилган харакатларнинг ашаддий шакллари ифодаси;

**экстремистик фаолият** — қуидагиларга:

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми асосларини зўрлик билан ўзгартиришга, худудий яхлитлиги ва суверенитетини бузишга;

ҳокимият ваколатларини эгаллашга ёки ўзлаштиришга;

қонунга хилоф қуролли тузилмалар тузишга ёки уларда иштирок этишга;

террорчилик фаолиятини амалга оширишга;

зўрлик ёки зўрлик ишлатишга ошкора даъват қилиш билан боғлиқ ҳолда миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатишга;

жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соловчи материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этишга, шунингдек экстремистик ташкилотларнинг атрибуутларини ёки рамзий белгиларини тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этишга;

бирор-бир ижтимоий гурӯхга нисбатан сиёсий, мафкуравий, ирқий, миллий, этник ёки диний адоват ёхуд душманлик сабабли оммавий тартибсизликларни амалга оширишга;

**экстремист** — экстремистик фаолиятни

амалга оширишда иштирок этаётган, шунингдек экстремистик фаолиятда иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёхуд Ўзбекистон Республикаси худуди орқали харакатланишни амалга оширган шахс;



**экстремистик гурӯх** — олдиндан тил

бириктириб экстремистик фаолиятни амалга ошираётган ёки уни содир этишга суиқасд қилаётган икки ёки ундан ортиқ шахс;

**экстремистик материал** — экстремистик фаолиятни амалга оширишга ошкора даъват қиласиган ёхуд шундай фаолиятни амалга ошириш зарурлигини асослаб берадиган ёки ошкора оқлайдиган, тарқатиш учун мўлжалланган ҳужжат ёки ҳар қандай воситадаги бошқа ахборот;

**экстремистик ташкилот** — экстремистик фаолиятни амалга оширганлиги туфайли ўзига нисбатан фаолиятини тугатиш ёки тақиқлаш тўғрисида суднинг қонунда назарда тутилган асослар бўйича қонуний кучга кирган қарори қабул қилинган ташкилот.

## **Экстремизмга қарши курашиш субъектлари**

### **Экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари**

Экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари ҳамда бошқа субъектлар фаолиятини мувофиқлаштиради.

**Фундаментализм.** «Фундаментализм» (лотинчада «асос», «пойдевор») тушунчаси илоҳиётшунослик тарихида, айниқса насронийликда анча олдин шаклланган. Аммо унинг расмий атама сифатида қўлланиши 1908 йили АҚШнинг Калифорния штатида радикал протестантларнинг «Христиан динининг фундаментал тушунчалари конференцияси» уюшмасининг вужудга келиши билан боғлиқдир. Уларнинг асосий мақсади Инжилни соф ҳолига қайтариш бўлган.

**Мутаассиблик.** Мутаассиблик (арабчада «ғулув кетиш», «чукур кетиш») муайян ғояларнинг тўғри эканига қаттиқ ишониш, уларга муккасидан берилиш, «ўзгалар»га, «ўзгача» қараш ва ғояларга муросасиз муносабатда бўлиш, бошқа фирмә ва мазҳабларни бутунлай рад этган ҳолда, уларни тан олмаслиқ.

**Ақидапарастлик.** Ақидапарастлик (арабчада «ишонч», «бирор нарсанни иккинчисига боғлаш») тушунчаси муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни ҳамда уларни шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўrona қўллаш ва уринишни англатади. У муайян қонун ва қоидалар таъсир доирасини сунъий равишда кенгайтиришга уринища ёрқин намоён бўлади.

Экстремистик ташкилотларга янги аъзоларнинг қўшилиши, қўпинча, динга киритиш, қабул қилишдек шаклу шамойил касб этади ҳамда бир қанча танлов ва синов босқичларини ўз ичига олади. Экстремистик ҳаракатларнинг энг қўйи табақаси қўпинча сиёсий тусга эга бўлмаган, майдада зўрлик ва жиноятлар содир этадиган унсурлар билан боғлиқ бўлади. Бундай зўрликнинг сиёсийлаштирилиши терроризм томон қўйилган биринчи қадам бўлади. Ўз доирасига янги кимсаларни тортар экан, экстремистик гурух ёки унинг раҳбарияти сўзсиз бўйсунишни ва «иш»га мутаассибона садоқатни талаб қиласди. Кейинроқ эса ёлланувчилар «ҳамма нарсани билувчи» ва

уларга йўлбошчилик қилувчи сарбонга дуч келадилар.

Экстремистик тузилмаларнинг асосий мақсади аслида жамиятни қўркув ва вахимада тутиб туриш ва шу йўл билан омма онгиде ноиложлик, эртанги кунга ишончсизлик туйғуларини шакллантиришга қаратилган эди. Бу эса ўз навбатида ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида барқарорликка эришишни ва жамият тараққиётини жиддий қийинлаштирар эди.

Шу билан бирга, маълум бир экстремистик ташкилотлар ва алоҳида давлатларнинг стратегик ҳамда тактик мақсадлари ўзаро бир бирига мос келганида, ўша давлатлар экстремистик ташкилотларга “ҳомий”лик қилиши ва бекарорликдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уринишлари мумкин.

**Экстремистик гурухларнинг асосий мақсади** – Конституциявий тузумни ағдариш, бизнинг атрофимиздаги айрим ислом давлатларининг раҳномалиги остида ўрта асрларда мавжуд бўлган ягона мусулмон халифалигини тиклашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам, ушбу диний экстремистик гуруҳлар қайси бир динда бўлмасин, у қандай номланмасин, жаҳоннинг қайси мамлакатида бўлмасин ҳамиша инсониятга жиддий хавф туғдириб келган ва ўзининг мудҳиш оқибатлари орқали намоён бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Жаҳолатга қарши маърифат» ғояси асосида зўравонлик мафкураси «вируси» тарқалишининг олдини олиш вазифасини қўйди. Хусусан, ёшларда диний-ахлоқий онгни шакллантириш ва маърифат асосида уларни мафкуравий тарбиялаш бу йўналишнинг асосий бўғинига айланди.

Мамлакатда диний таълимнинг беш босқичли тизими шакллантирилди. Тошкент ислом университети негизида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳамда Калом, Ҳадис, Ақида, Ислом хуқуқи, Тасаввуф илмий мактабларининг диний-маърифий таълим муассасалари сифатида фаолияти йўлга қўйилди. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий номидаги халқаро тадқиқот марказлари ташкил этилди. Ушбу муассасаларнинг асосий вазифаси сифатида ислом дини меросини ўрганиш ҳамда унга хос бўлган тинчлик, раҳм-شاфқат ва бағрикенглик каби ҳақиқий қадриятларни кенг тарғиб қилиш белгилаб қўйилди.

Сўнгти йилларда халқимизга хос инсонпарварлик ва кечиримлилик сиёсатини экстремистик ғояларга қарши йўналтиришга қаратилган ишлар кўламини кенгайтириш борасида бир қатор ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, мамлакатимизда экстремистик гуруҳларга алоқадор деб ҳисобланган 20 мингдан зиёд фуқаролар махсус ҳисобдан чиқарилди ва бундай рўйхатларни юритиш амалиётидан бутунлай воз кечилди. 2017 йилдан то бугунги кунгача экстремизм учун хукм қилинган 4 минг нафардан ортиқ шахслар афв этилди.

**Бундан кўзланган асосий мақсад** — мазкур тоифадаги инсонлар ўзларини давлат химояси ва ғамхўрлиги остида, тўлақонли фуқаролар сифатида ҳис қилиши учун шарт-шароитлар яратишдан иборатдир. Боиси давлат ҳамда жамият учун хавфлилик даражаси унча юқори бўлмаган фуқароларни маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш усулидан кенг фойдаланиш ўзининг акс таъсирини бериб, уларни янада ғазаблантиришга ҳамда давлатга қарши ҳаракат қилишга олиб келиши мумкин.

Экстремистик ғоялар таъсирига энг кўп тушувчи тоифа вакиллари, яъни аёллар ва ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда ижтимоий-иктисодий ҳолатни яхшилаш, жинси, миллати ҳамда келиб чиқишидан қатъи назар, teng имкониятлар яратиш, камситишга йўл қўймаслик каби йўналишларда ишлар олиб борилмоқда.

**Асосий мақсад** — экстремистик ғоялар таъсирига қайта тушишга мойил бўлган шахсларни ҳам мафкуравий, ҳам амалий қўллаб-қувватлаш ҳамда экстремистларнинг ижтимоий базасини қисқартириш. Энг муҳими, фуқароларни ушбу бузғунчи мафкурага мойил қиласиган сабаб ва шароитларга, жумладан, ижтимоий тенгсизлик, камситиш, инсон хуқуқ ҳамда эркинликларини бузишга қарши курашишдир.

Экстремистик ғояларга қарши профилактик чоралар нафақат мамлакат ичкарисида, балки ташқарисида ҳам фаол амалга оширилмоқда. 2019 йилда бошланган ҳамда Яқин Шарқ ва Афғонистон худудидан Ўзбекистон фуқароларини олиб чиқишига қаратилган «Мехр» инсонпарварлик операцияси бунга яққол мисол бўла олади.



Хусусан, 2019-2020 йиллар давомида 318 нафар Ўзбекистон фуқароси, асосан, аёллар ва болалар ўз Ватанига қайтарилиди. Мазкур шахсларни Ўзбекистонга қайтариш олдидан улар билан сұхбатлар ўtkазилди ва содир этган қилмишига пушаймон бўлган ҳамда тинч турмуш тарзига қайтиш ниятидаги фуқаролар саралаб олинди. Айни пайтда репатриация қилинган шахсларни реабилитация қилиш ва уларнинг жамиятга ижтимоий мослашуви учун доимий равишда индивидуал ҳамда мақсадли ишлар олиб борилмоқда.

Энг муҳими, Ўзбекистонда экстремизмга қарши курашда олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни халқаро ташкилотлар нафақат эътироф этмоқда, балки ўртага ташланадётган ташаббусларни ҳам қўллаб-

кувватламоқда. Хусусан, 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон ташаббуси асосида «**Маърифат ва диний бағрикенглик**» резолюцияси қабул қилинди. Мазкур резолюцияни БМТга аъзо давлатлар бир овоздан маъқуллади. Дунёда динлараро қарама-қаршиликлар кучаяётган, экстремизмдан келиб чиқаётган таҳдидлар ортаётган бир даврда «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюцияси ушбу замонавий чақириқларга ўзига хос жавоб, десак, муболага бўлмайди.

2020 йилнинг декабрь ойида АҚШ Давлат департаменти Ўзбекистонни диний эркинлик соҳасидаги **Махсус кузатув рўйхатидан** чиқарди. Мазкур жараённи баҳолар экан, АҚШ Давлат департаменти сабиқ котиби М. Помпео «**Ўзбекистон бошқа давлатлар учун ўrnak бўлиши мумкин**»лигини қайд этди.

## 2-савол: Терроризм тушунчасининг мазмун-моҳияти

Экстремизм ва терроризм XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI асрда жаҳон мамлакатлари, халқлари ҳаётига таҳдид солувчи, жамиятда беқарорлик ва қўркув уйғотиш усулига айланди. Терроризмни келтириб чиқарган турли ижтимоий-сиёсий асослар, сабаблар мавжуд бўлиб, улар: диний ақидапарастлик ва фундаментализм, сиёсий экстремизм, сепаратизмдир. Бугун кўпчилик уларнинг жамият ва халқлар ҳаёти учун ғоят зарарли эканлигини жуда яхши билади.



**Терроризм** (лотин. «қўркув», «даҳшат») – маълум ёвуз мақсадлар йўлида, куч ишлатиб, одамларни жисмоний йўқ қилишдан иборат бўлган ғояга асосланган зўравонлик усули. Кўрқитиш ва даҳшатга солиш орқали ўз ҳукмини ўтказишга уриниш террорчиликка хосдир. У иқтисодий, сиёсий, диний, ғоявий, ирқий, миллий, гуруҳий, индивидуал шаклларда намоён бўлиши мумкин. Терроризм кўрқитиш ва зўравонлик ишлатишни англатувчи ижтимоий феномендир.

Сиёсий терроризм муайян ижтимоий гурух манфаатлари йўлида зўравонлик (суиқасд, портлатиш, гаровга олиш, беқарорлик келтириб чиқариш, аҳолининг кенг қатламларида ваҳима, қўркув уйғотиш ва х.к.) ишлатиш билан боғлиқ ходиса.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунида терроризм тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «Терроризм — сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф

туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, худудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни қўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар».



**террорчи** — террорчилик фаолиятини

амалга оширишда иштирок этаётган, шунингдек террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёхуд Ўзбекистон Республикаси худуди орқали ҳаракатланишини амалга оширган шахс;

**террорчилик гурухи** —

олдиндан тил бириктириб террорчилик ҳаракатини содир этган, бундай ҳаракатга тайёргарлик кўрган ёки уни содир этишга суиқасд қилган шахслар гурухи;

**террорчилик ташкилоти** —

икки ёки ундан ортиқ шахснинг ёки террорчилик гурухларининг террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун барқарор бирлашуви;

**террорчилик фаолияти** — террорчилик ҳаракатини уюштириш, режалаштириш, тайёрлаш ва амалга оширишдан, террорчилик ҳаракатига ундашдан, террорчилик ташкилотини тузишдан, террорчиларни ёллаш, тайёрлаш ва қуроллантиришдан, уларни молиялаштириш ва моддий-техника жиҳатидан таъминлашдан иборат бўлган фаолият;

**террорчилик ҳаракати** — гаровда ушлаб туриш учун шахсларни кўлга олиш ёки ушлаб туриш, давлат ёки жамоат арбобининг, аҳолининг миллий, этник, диний, бошқа гурухлари, чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлар вакилларининг ҳаётига тажовуз қилиш, давлат ёки жамоат аҳамиятига молик объектларни шу жумладан континентал шельфда жойлашган стационар платформаларни босиб олиш, шикастлантириш, йўқ қилиш, портлатишлар, ўт қўйишлар, портлатиш қурилмаларини, радиоактив, биологик, портловчи, кимёвий, бошқа заҳарловчи моддаларни ишлатиш ёки ишлатиш билан қўрқитиш, ер усти, сув ва ҳаво транспорти воситаларини кўлга олиш, олиб қочиш, шикастлантириш, йўқ қилиш, аҳоли гавжум жойларда ва оммавий тадбирлар ўтказилаётганда ваҳима кўтариш ва

тартибсизликлар келтириб чиқариш, аҳоли ҳаётига, соғлиғига, жисмоний ёки юридик шахслар мол-мулкига авариялар, техноген хусусиятли ҳалокатлар содир этиш йўли билан зарап етказиш ёки хавф туғдириш, таҳдидни ҳар қандай воситалар ва усувлар билан ёйиш тарзида террорчилик тусидаги жиноятларни, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларида белгиланган террорчилик тусидаги бошқа ҳаракатларни содир этиш.



### **Терроризмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари куйидагилардан иборат:**

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси;

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иктисадий жиноятларга қарши курашиш департаменти.

**Терроризм сабаблари ва уни ривожлантирувчи омиллар.** БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноятчилар билан муомала бўйича VIII Халқаро конгрессида (Гавана, 1990 й.) камбағаллик, ишсизлик, саводсизлик, мақбул уй-жой этишмаслиги, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг номукаммаллиги, ҳаётий истиқболнинг йўқлиги, аҳолининг бегоналашуви ҳамда тубанлашуви (маргиналлашуви — лотинча Marginalis — ижтимоий ҳаётнинг тубида жойлашганлар — дайдилар, қашшоқлар), ижтимоий тенгсизликнинг кучайиши, оиласвий ва ижтимоий алоқаларнинг заифлашуви, тарбиядаги камчиликлар, миграциянинг салбий оқибатлари, маданий ўзига хосликнинг бузилиши, маданий-маиший обьектларнинг этишмаслиги, оммавий ахборот воситалари томонидан зўравонлик, тенгсизлик ва токатсизлик кучайишига олиб борадиган ғоялар ҳамда қарашларнинг тарқатилиши терроризмнинг туб сабаблари сифатида қайд этиб ўтилди.



Терроризмни юзага келтирадиган алоҳида сабаб — этносларнинг миллий-озодлик кураши. Мамлакатлар ҳукуматларининг ушбу халқларнииг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукуқини тан олиш имкони йўқлиги ёки буни истамаслиги охир-оқибатда терроризмни келтириб чиқариши мумкин бўлган тўқнашувларга олиб келади. Туркиядаги курдлар, Ольстердаги ирландлар, Испаниядаги басклар ўз муаммоларини сиёсий методлар билан ҳал этиш имконига эга бўлмаган этнослар қўлга қурол олган ҳолатларга мисол бўла олади. Айниқса, ҳозирги кунда Туркияда курдлар томонидан содир этилаётган хунрезликларни мисол қилсак бўлади.

**3-савол: Экстремизм ва терроризмга қарши курашда ички ишлар органларининг вазифалари.**



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида “**Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳукуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди**” деб белгилаб қўйилган.



Президентиз Шавкат Мирзиёев “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асрар – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида “**Биз кўп жойларда жаҳолатга қарши маърифат ташаббуси билан чиқаяпмиз. Муқаддас Ислом динини никоб қилиб бошқа кўчаларга кириб кетаётган жоҳил кимсалар бир нарсани тушунмайди ёки тушунишни истамайди. Яъни Ислом фақат**

**нурли ҳаётга, илм – маърифатга, яхшиликка ундаиди. Ҳеч қачон хунрезлик, қотиллик, зўравонликка чақирмайди. Ана шу ҳақиқатни тан олмасдан, сохта ғояларга алданиб, заарли оқимларга кириш, террорчи бўлиш – бу Ўзбекистон халқига мутлақо тўғри келмайди”<sup>2</sup>-дея таъкидлаб ўтди.**

Юқоридагиларни инобатга олиб, кишилар, айниқса, ёшлар кўйидагиларга алоҳида эътибор қаратишлари зарур:

➤ мафкуравий таҳдидларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, гўёки ислом динини ўргатишни ваъда қилаётган шубҳали шахслар билан мулоқот қилмаслик, ноқонуний тарзда чоп этилган ёки тайёрланган диний мазмундаги адабиёт, диск, мобил телефонлардаги материаллардан фойдаланмаслик ва олиб юрмаслик, интернет тизимида экстремизм, терроризм ва миссионерликни тарғиб қиласидаги сайтлардан ёшларни муҳофаза қилиш;

➤ мустақил фикрга эга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга шахсларни тарбиялаш, ёшлар қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантириш орқали ҳар хил бидъат-хурофот амалларни фарқлаш, турли заарли оқим ва йўналишлар таъсири ҳамда ақидасига қарши иммунитет ҳосил қилиш;

➤ ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини шакллантириш, ёшлар онгида ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, эл-юрт шаънини ардоқлаш каби улуғвор фазилатларни камол топтиришда оила-маҳалла-таълим муассасалари ҳамкорлиги асосида иш ташкил этиш;

➤ бугунги ахборотлар алмашинуви жадал кечеётган вақтда диний масалаларга оид маълумотларни тўғридан тўғри қабул қилиш ва унга эътиқод қилишга шошилмасликни тавсия ва тарғиб қилиш ҳамда ахборот хуружлари асирига айланмаслик лозим;

➤ фуқароларда диний бағрикенглик, бошқа дин вакилларига ҳурмат, ўзаро биродарлик, миллатлараро тотувлик, дўстлик туйғуларини шакллантириш;

➤ аҳоли ўртасида дин ҳақида нотўғри салбий тушунча ва тасаввурлар уйғонишининг олдини олиш мақсадида ақида, ибодат ва бошқа диний масалаларга оид саволлар билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси уламолари, уларнинг вилоятлардаги вакиллари, маҳаллий имом-хатиблар ва диний соҳа мутахассисларига мурожаат қилиш;

---

<sup>2</sup> Шавкат Мирзиёев “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқидан. 2017 йил.

➤ экстремизм ва терроризм билан курашда, асосан хуқуқ-тартибот органларига суюниш, фақат жазо чораларини қўллаш орқали унга барҳам беришга интилиш мазкур салбий ҳодисанинг оқибати билангина курашиш деганидир. Бошқача айтганда, бундай йўлдан борилса, тараққиёт кушандаси бўлган экстремизм ва терроризмни озиқлантириб турган «илдиз»лар заараланмай қолаверади, маълум бир давр ўтиши билан улар янги «куртак»лар беришда давом этишини ҳисобга олиб, бундай манфур кучларнинг кирдикорларини фош этиш ва уларга қарши курашишда ҳар бир соҳа вакили ўзининг муносаб ҳиссасини қўшиш.

Ички ишлар органи ходимлари тураг жойларда, маҳаллаларда, мактаб, коллеж, лицей ва институтларда ўтказиладиган барча учрашувлар, бевосита мулоқотлар, турли кечалар ва йигинларда “Экстремизм ва терроризм инсоният кушандаси”, “Экстремизм ва терроризмнинг Марказий Осиё давлатларига таъсири” ҳамда “Огохлик – давр талаби” мавзуларида тарғибот-ташвиқот ишлари муентазам равишда олиб бориши зарур.



### **Ички ишлар органи ходими сифатида:**

1. Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ижтимоий-иқтисодий сиёsatнинг моҳияти ва бошқа мақсади фуқароларимизнинг тинчлиги ҳамда хотиржам турмуш тарзини таъминлашга қаратилганлигини,

Президентимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёsatнинг устувор ўйналишларининг мазмунини, кундалик иқтисодий қийинчиликларнинг ўткинчи эканлигини халқимизга, айниқса ёшларга кенг тушунтириб беришимиз лозим.

2. Экстремистик оқимлар ҳамда террорчилик ташкилотлари тарафдорлари томонидан конституцион тузумга қарши қаратилган хатти – ҳаракатларнинг олдини олишда Президентимизнинг «Жаҳолатга қарши – маърифат билан курашиш керак»-деган шиори асосида оммавий ахборот воситаларида мазкур оқимларнинг мафкурасини танқид қилиб, уларнинг кирдикорларини фош этувчи мақолалар билан фуқаролар йигинлари раислари, корхона ва ташкилот раҳбарлари, масjid имомлари, зиёлилар томонидан қилинган чиқишлилар ніҳоятда самарали бўлади. Бу тадбирни режа асосида, муентазам равишда олиб борилишини мутасадди раҳбарлар томонидан алоҳида назоратга олинниши шарт.

3. Республикамиз Конституциясида инсон хуқуқлари ва эркинликлари тўлиқ кафолатланган. Шу билан бирга, Жиноят Кодексида давлатимизнинг Конституцион тузумига қарши қаратилган жиноятлар учун қаттиқ жазо

чоралари белгиланганлиги, Давлат тузумига қарши жиноят содир этган шахслар нафақат ўзларига балки, ўзларининг фарзандлари ва набиралари тақдирига ҳам маънавий жиҳатдан салбий таъсир кўрсатаётганликларини тушунтириш лозим. Чунки уларнинг ҳаракатлари, аввало ўз она Ватанига ва халқига хиёнат қилишидан иборатdir.

**4.** Республикаизда қонун устиворлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш, миллати, дини, мансаби ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар қонун олдида барчанинг teng эканлигини тушунтириш, «Экстремизм ва тероризм», вайронкор ёт ғояларни халқ мутлақо қўллаб-қувватламаётганини айниқса, уларга нафрат билан қарашаётганини баъзи бир уларнинг изимиға юрмоқчи бўлганларга ўз вақтида етказиш.

**5.** Экстремистлар томонидан оммавий тартиббузарликларни тарғиб қилувчи ҳаракатларнинг олдини олиш тадбирларини ўтказиш, ушбу мақсадда ҳокимият, маҳалла ҳуқуқ тартибот масканлари, давлат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда халқ депутатлари билан ҳамкорликда меҳнат жамоалари ва ёшлар билан учрашувлар ташкил этиш. Бунда қишлоқ жойларида ўтказилаётган учрашувларга алоҳида эътибор бериш. Учрашув жараёнида экстремист ва террорчиларнинг асл ниятлари, уланинг орасида турган кучлар, мамлакат барқарорлигига, халқлар бирлигига, мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларга зарба бериш мақсадида олиб борилаётган ғайри қонуний, давлатимиз ва жамиятимиз манфаатига зид ҳаракатларни халққа тушунтириш керак.

**6.** Ҳар бир маҳалла фаоллари ўзларининг маҳаллаларидаги ҳисобда турган экстремистик оқим аъзолари билан якка тартибда учрашиб, тегишли тарбиявий ишлар олиб бориш, бу ишда ота-оналар ва яқин қариндошлар ташаббускорлигини таъминлаш, уларнинг таъсрини ҳисобда турган шахсга ўтказиш чораларини кўриш, имкон даражасида ҳисобда турган экстремистик оқим аъзоларини маҳалла фаоллари ва уларнинг мансабдор ҳамда обрўли қариндош-уруглари кафиллигига бериш.


**7.** Маҳалла раислари профилактика инспекторлари ҳамда инспектор-психологлар билан ҳамкорликда учрашувлар ташкил этиб, маҳаллада ҳурмат ва эътиборга лойиқ бўлган отахон ва онахонларни ёшларга насиҳат қилишга ундаш. Экстремизм ва терроризмнинг хавфи ҳақида фуқароларга тушунтириш ишларини йўлга қўйиш.

**8.** Маҳаллаларда, жамоат ва оммавий тадбирлар ўтказилаётган жойларда, меҳмонхоналарда, бозорларда кенг омма тўпланадиган истироҳат боғларида, йирик спорт мажмуаларида хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлаш борасида маҳаллий ҳокимият идоралари ва ички ишлар органлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.

**9.** Экстремизм ва терроризмга қарши кураш борасида, маҳалла фуқаролар йигинлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорлигимизни кучайтириб, уларнинг хушёргилини оширишимиз, улуғ мутафаккирларимизнинг бебеҳо меъросини халқимизга, ёшларимизга тушунарли қилиб, етказиб беришимиз керак. Фуқароларимиз Ислом динининг асл моҳиятини англаб етсаларгина, уларнинг онгида ҳар хил зарарли ғояларга ўрин қолмайди.

### Ўзингизни синанг!

**Экстремизм бу-... Терроризм бу-... Мутассиблик бу-...**  
**Экстремизмга қарши курашувчи органлар-...**  
**Терроризмга қарши курашувчи органлар -...**



### Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунини ўқиб ўрганиш.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунларини ўқиб-ўрганиш.

### Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида” ги қонуни қачон қабул қилинган?
2. Ўзбекистон Республикасининг Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида” ги қонунида нималар акс этган?
3. Экстремизм, фундаментализм, ақидапарастлик тушунчаларини изоҳлаб беринг.
4. Ўзбекистон Республикасининг Терроризмга қарши курашиш тўғрисида” ги қонуни қачон қабул қилинган?
5. Ўзбекистон Республикасининг Терроризмга қарши курашиш тўғрисида” ги қонунида нималар акс этган?
6. ИИО ходимларининг терроризмга қарши кураш борасида қандай вазифаларни бажаради?

## **З-МАВЗУ: ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ ТУШУНЧАСИ, МОХИЯТИ.**

**Семинар машғулоти (2-соат)**

### **“САВОЛ-ЖАВОБ” МЕТОДИ**

Метод мавзунинг ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар томонидан ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Уни қўллашнинг самарадорлиги савол-жавобларнинг аниқ, қисқа ва тушунарли тарзда ифода этилиши, айнан мавзуга доир бўлишига боғлиқ.

Таълим жараёнида методни қўллаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўқитувчи моҳияти ёритилган мавзуу юзасидан саволлар тайёрлайди



Ўқитувчи саволларни тингловчиларнинг эътиборларига ҳавола этади



Тингловчилар берилган саволларга жавоб қайтариш орқали мавзуни ўзлаштирганлик даражасини намойиш этади



Ўқитувчи тингловчиларнинг савол-жавобдаги иштирокларини таҳлил қилиб, баҳолайди ва машғулотга якун ясайди

### **САВОЛЛАР**

1. Эстремизм сўзининг луғавий маъноси нима?
2. Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунида экстремизмга қандай таъриф берилган?
3. Фундаментализм нима?
4. Мутаассиблик ҳақида тушунчангиз?
5. Ақидапарастлик ҳақида тушунчангиз?
6. Терроризм сўзининг луғавий маъноси.
7. Терроризмга қарши кураш бўйича давлат органлари.
8. Ўзбекистон Республикаси Йчки ишлар вазирлигининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари?
9. «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун тўғрисида маълумот беринг?
10. Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021–2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Миллий стратегияси қачон тасдиқланди?
11. Стратегиянинг мақсади нима?
12. АҚШ Давлат департаменти Ўзбекистонни диний эркинлик соҳасидаги Махсус қузатув рўйхатидан қачон чиқарди?

## 4-МАВЗУ: Ички ишлар органлари ходимларининг мантиқий фикрлашини ривожлантириш усуллари

Режа:

Маъруза машғулоти (2-соат)

**1-савол.** Ходимларни мантиқий фикрлашни ривожлантириш усуллари.

**2-савол.** Мантиқий тафаккурни ривожлантирувчи топшириклар.

**1-савол. Ходимларни мантиқий фикрлашни ривожлантириш усуллари.**



«Мантиқ» арабча сўз бўлиб, унинг халқаро муқобили логикадир. **Логика** грекча logos сўзидан олинган бўлиб, фикр, сўз, ақл, тушунча, фан, қонун маъноларини ифодалайди. Арабча мантиқ атамаси ҳам шу маъноларга эга.

Мантиқ ёки логика термини **икки маънода** ишлатилади:

1. Нарса ва ҳодисаларнинг муайян тартиби, боғланиши, изчиллиги, улар тараққиёт қонунларининг ўзаро боғланиши (объектив мантиқ ёки нарсалар, ташқи дунё мантифи) ҳамда тафаккур ёрдами билан вужудга келадиган фикрлар, тушунчалар ўртасидаги ўзаро алоқа, боғланиш ва изчиллик (субъектив мантиқ ёки фикрлар мантифи) маъноларида. Тафаккур ташқи оламнинг инсон онгидаги инъикоси бўлганлиги сабабли объектив ва субъектив мантиқ узвий алоқадорликни, бирликни ташкил этади.

2. Тўғри фикрлаш, тафаккур қилиш қонунлари, қоидалари, шакллари, усуллари ва методларини ўрганадиган фан маъносида. Мантиқнинг фан сифатидаги асосий **вазифаси** ҳақиқий билимларга эришиш шарт-шароитларини ўрганиш, фикрлаш жараёни тузилишини таҳлил қилиш, тўғри муҳокама юритишнинг мантиқий қоида ва методларини ишлаб чиқишидир.

Мантиқнинг илмий-тадқиқот **объекти** бўлиб билиш усули сифатидаги инсон тафаккури ҳисобланади. Унинг **предметини** эса инсонни ўраб турган ташқи оламни билиб олишга ёрдам берадиган тафаккур қонунлари, қоидалари, шакллари, усуллари ташкил этади. Мантиқ Фалсафа фани билиш назариясининг таркибий қисми сифатида билиш жараёнининг мантиқий таркибида тафаккурнинг ўрни ва ролини тадқиқ қиласр экан, тўғри тафаккурлаш маданиятини шакллантиришга хизмат қиласр. Билиш воқеликнинг, шу жумладан, онг ҳодисаларининг инсон миясида субъектив, идеал образлар шаклида акс этишидан иборат.

Билиш жараёнининг асосини ва охирги мақсадини амалиёт ташкил этади. Барча ҳолларда билиш инсоннинг ҳаётий фаолияти билан у ёки бу

даражада боғлиқ бўлган, унинг маълум бир эҳтиёжини қондириши мумкин бўлган нарсаларни тушуниб етишга бўйсундирилган бўлади. Билиш жараёнини амалга оширар экан, кишилар ўз олдиларига маълум бир мақсадни қўядилар. Улар ўрганилиши лозим бўлган предметлар доираси, тадқиқот йўналиши, шакллари ва методларини белгилаб беради. Билиш мураккаб, зиддиятли, турли хил даражаларда ва шаклларда амалга ошадиган жараёндир.

**Билиш** деб объектив оламнинг инсон онгига акс этиш жараёнига айтилади. Инсон билиши **икки шаклда** содир бўлади: Унинг дастлабки босқичини **хиссий билиш** – инсоннинг сезги органлари ёрдамида билиши ташкил этади. Бу босқичда предмет ва ҳодисаларнинг ташқи хусусиятлари ва муносабатлари, яъни уларнинг ташқи томонида бевосита намоён бўладиган ва шунинг учун ҳам инсон бевосита сеза оладиган белгилари ҳақида маълумотлар олинади.


**Ақлий (назарий, мантиқий билиш ёки абстракт тафаккур)** буюм ва ҳодисаларнинг ички сабаб ва қонуниятларини, моҳияти ва мазмунини ақл, тафаккур ёрдамида билиб олишдир. У билишнинг олий босқичидир.

**Тафаккур** дунёни, буюм ва ҳодисаларни умумлаштирилган, мавхум, бевосита тимсоллар, тушунчалар, ҳукмлар, хулосалар, назариялар ва билимлар орқали акс эттиради.

Тафаккур уч хил шаклда: тушунча, ҳукм (мулоҳаза) ва хулоса чиқариш шаклларида содир бўлади.

**Тафаккур шакли** фикрнинг мазмунини ташкил этувчи элементларнинг боғланиш усули, унинг структураси (тузилиши)дир.

Фикрлаш элементлари деганда, предметнинг фикрда ифода қилинган белгилари ҳақидаги ахборотлар тушунилади.



**Тафаккурнинг мантиқий шакли** деб фикрларимизнинг ички мунтазамлиги, муайян боғланиши ва изчиллигига айтилади.

**Фикрнинг тузилиши** деб унинг ички кўриниши, уни ташкил этадиган қисмларнинг ўзаро алоқаси усулига айтилади.

**Тафаккурнинг мантиқий таркибини икки томон ташкил этади:**

- 1) мазмuni ва
- 2) мантиқий шакли **Тафаккурнинг мазмуни** деб унда акс этган буюм ва ҳодисалар тўғрисидаги билимларга айтилади.

Тафаккурнинг мантиқий шакли ва мазмуни узвий бирликни ташкил қиласди. Фикрнинг тўғрилиги, ҳаққонийлиги унинг мантиқий шаклининг тўғрилигига ва аксинча боғлиқдир. Масалан: Ҳар қандай металл элементдир. Темир металлдир. Демак, темир элементдир. Бунда фикрнинг мазмуни чин, унинг мантиқий шакли эса тўғри қурилган, бир-бирига ўзаро мосдир. Аммо баъзан фикрнинг мантиқий шакли изчил, тўғри қурилган бўлса ҳам, унинг мазмуни ёлғон, хато бўлади. Масалан: Барча одамлар яхши одамлардир.

Безори одамдир.

Демак, безори яхши одамдир. Бунда фикрнинг мантиқий шакли тўғри, изчил, мунтазам қурилган бўлса ҳам, аммо унинг мазмуни хатодир. Чунки унда «Барча одамлар яхши одамлардир», деган умумий асос хато бўлганлиги сабабли «Безори яхши одамдир», деган ёлғон хулоса чиқади. Демак, тафаккурнинг мантиқий шакли ва мазмуни ҳар доим ҳам бир-бирига мос келавермайди. Улар ўртасида зиддият, номувофиқлик ҳам мавжуддир. Мантиқ тафаккурнинг мантиқий шакллари, йўллари, усулларини ўрганиш билан биргаликда тўғри айтилган фикрларнинг барчаси учун бир хил умумий қонунларни ишлаб чиқади.



**Тафаккур шакллари** офицер нутқини тўғри тузишнинг муҳим элементидир.

Инсоният азалдан муайян қонуниятлар, кетма-кетликлар, тартиблиликлар доирасида харакат қилган, яъни доимо ўзига хос мантиқийликка эга бўлган. Ҳеч бўлмагандан инсоннинг ўзи бу ҳодисалар тараққиётига мантиқий изоҳни топишга харакат қилган. Инсон тафаккурининг тараққиёти ҳам ҳамиша муайян мантиқийликка бўйсунган. Ҳақиқатан ҳам, атрофимиизда содир бўлаётган ҳодисалар, қолаверса тафаккуrimизда кечаётган жараёнлар ҳам маълум бир мантиқийликка эга эканлигини доимо ҳис қилиб турамиз. Бу ерда гап энг аввало, тафаккур қонунлари ва шакллари ҳақида боряпти. Тафаккурнинг шакллари ва қонунларини ўрганувчи фан мантиқ ҳисобланади. Инсонлар, ички ишлар органлари ходимлари фикр алмашаётганда тафаккур шаклларидан тўғри фойдаланиши улар нутқининг мантиқийлигини англатади.



**Тафаккурнинг шакллари бу - тушунча, хукм ва хулоса.** Инсонлар нутқда шу шакллардан фойдаланиб, ўз фикрларини ифодалашади. Нарса ва ҳодисаларнинг муҳим ва умумий белгиларини онгимизда акс эттиришни мантиқда «тушунча» деб аталади. Тушунча сўзларда ифодаланади.

Ходим фуқаролар билан муомала қилиб уларга тушунчаларни етказади, шу жараёнда уларга нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белгиларини гапириб беради. Масалан, «қонун», «хуқуқ» ва бошқалар. Қонун ҳақида гапириб, қонунга хос белгиларни айтиб бериши қонун ҳақида тушунча бериши ҳисобланади.

Ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан муомала жараёнида тафаккурнинг кейинги шакли – ҳукмлардан ҳам фойдаланади. Ҳукм нарса ва унинг белгиси ўртасидаги алоқадорликни тасдиқ ёки инкор маънода ифодаловчи тафаккур шаклидир. Ходим фуқаролар билан фикр алмашганда ниманидир тасдиқлайди ёки инкор қиласи, демак ҳукмлардан фойдаланишади.

Масалан, Ватанга хизмат қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи. Бу мисолда ҳар бир фуқаронинг Ватанга хизмат қилиши лозимлиги тасдиқланаяпти.

Ички ишлар органлари ходимлари тафаккурнинг энг мураккаб шакли – хулосадан ҳам фойдаланишади.

Хулоса тафаккур шакли бўлиб, мавжуд ҳукмлардан янги ҳукмларни келтириб чиқаришдир. Масалан:

Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари қонунларга бўйсунади.

О. Раҳматов Ўзбекистон Республикасининг фуқароси.

Демак О.Раҳматов қонунларга бўйсунади.

Ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан муомала қилиб фикр алмашганда хулоса чиқариб боради ва хулосадан фойдаланади.

Юқоридагилардан кўринадики, ходимлар муомала жараёнида тафаккур шаклларидан фойдаланар экан, аввало тафаккур шакли мантиқий жиҳатдан нима эканлигини англаш олгани мақсадга мувофиқдир.

Ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан муомала жараёнида бирон нарса ва ҳодиса ҳақида фикр алмашади. Фикр юритишда эса тафаккур қонунларига англанган ёки англанмаган ҳолда риоя қиласи, акс (риоя қилмаган) ҳолда фикрлари тушунарсиз бўлиши мумкин, бунда мантиқий хатоликлар келиб чиқади. Тафаккур қонунларига англанган ҳолда риоя қилингани маъкул, чунки тафаккур қонунлари фикрларнинг тўғрилигини, изчиллигини таъминлайди. Тафаккурнинг тўғрилиги мантиқий қонунлар билан шартланган.

**Тафаккур қонунлари** фикрлар ўртасидаги ички, муҳим, зарурий ва барқарор алоқадорликларнинг акс этишидир. Тафаккурнинг асосий қонунлари айният, зиддиятсизлик, учинчини истисно ва ҳоказо.

**Айният қонуни** бирон нарса ва ҳодиса ҳақида билдирилган тушунча ёки ҳукм муҳокама давомида ўзгармай шу нарса ва ҳодисага айнанлигича қолишини тақозо этади. Масалан, «Ўзгалар мулкини яширин тарзда ўзлаштириб олиш» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг моддасида кўрсатилган қилмиш» деган иккала ҳукмда ўғрилик ҳақида фикр боряпти. Бу ҳукмлар ҳажм жиҳатдан teng.

**Айният қонуни** фикрларимизнинг аниқлигини ифодалайди.

Тафаккурга хос мезонлардан бири – унинг зиддиятсиз бўлишидир. Зиддият фикрни чалғитиб, билиш жараёнини қийинлаштиради.

Муайян нарса ёки ҳодиса тўғрисидаги мулоҳаза бир вақтнинг ўзида ўзгариб, бошланғич мулоҳазага зид келиши мумкин эмас.

**Зиддиятсизлик қонуни** қуйидагича ифодаланади: бир нарса ёки ҳодиса ҳақида айтилган икки сифишимайдиган ҳукм бир вақтда ва бир хил нисбатда

чин бўлиши мумкин эмас.

Масалан, «**Барча жиноятлар ўзига хос хусусиятга эга**». «**Ҳеч бир жиноят ўзига хос хусусиятга эга эмас**». Бу иккита ҳукм ўзаро қарама-қарши муносабатда ва уларнинг иккаласи ҳам бир вақтда чин бўлиши мумкин эмас.

**Учинчини истисно қонуни** зиддиятсизлик қонунининг давоми бўлиб, фикрнинг тўлиқ мазмунини қамраб олувчи икки зид ҳукмдан бири чин, иккинчиси ёлғон, учинчисига ўрин йўқ эканлигини ифодалайди. Масалан, барча ички ишлар органлари ходимлари юридик маълумотга эга. Баъзи ички ишлар органлари ходимлари юридик маълумотга эга эмас. Бу иккала ҳукмдан бири чин, иккинчиси ёлғон, учинчисига ўрин йўқ.

Учинчини истисно қонуни зиддиятсизлик қонунидан фарқли равишда фақат ўзаро зид муносабатдаги ҳукмларда амал қиласди. Зиддиятсизлик қонуни сингари учинчини истисно қонуни ҳам фикрлаш жараёнида зиддиятга йўл қўймасликни, изчилликни ифодалайди.

Фикрнинг асосланганлиги, исботланганлиги етарлича асос қонунининг талаби бўлиб, у қўйидагича ифодаланади: – Ҳар қандай фикр ёки мулоҳаза агар у етарлича асосланган бўлса ёки ҳар бир фикр ўз исботига, далилига эга бўлгандагина чин деб ҳисобланади. Фикрнинг чинлигини кўрсатишида шахснинг ёки бутун инсониятнинг ҳаётий тажрибалари ёки чинлиги исботланган бошқа ҳукмлар асос вазифасини бажариши мумкин. Масалан, «Терговчилар жуда синчков бўлишади, чунки улар ҳар бир жиноятга боғлик бўлган нарса жиноятни очишда катта аҳамиятга эга бўлишини билишади».

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, агар ички ишлар органлари ходимлари муомала жараёнида тафаккур шакллари ва тафаккур қонунларидан тўғри фойдаланадиган, ҳар бир тушунчани ўз маъносида, ўз ўрнида ишлатадиган бўлса, фикрларни ифодалаш жараёнида тафаккур қонунларига риоя қиласдиган бўлса, бу унинг нутқини мантиқий эканлигини акс эттиради.

**2-савол.      Мантиқий      тафаккурни      ривожлантирувчи  
топшириқлар**

### 1-топшириқ



Франциялик кучли бир қиморбоз бор экан. Ўз юртида тенги қолмаганлиги сабабли Лас Вегаста қимор ўйнашга борибди. У ерда ўйин бошлангандан сўнг ҳамма нарсасини бирма-бир ютқиза бошлабди. Шу

зайлда у бор-будидан айрилибди. Ёлгон бўлмасин, унда 1 миллион европлик машина қолибди.

Франциялик одам уни шу ҳолга солган рақибига шундай ўйин таклиф қилибди:

- Ҳозир сен билан бир ўйин ўйнаймиз. Агар сен ютсанг, менинг 1 миллион европлик машинамни оласан, акс ҳолда ҳамма нарсамни қайтариб берасан.

Аввалига Лас Вегаслик қиморбоз рози бўлмаган бўлса-да, кейинчалик фойда кўриши мумкинлигини ўйлаб, ўйнашга рози бўлибди.

Франциялик шартини айтибди:

- Ҳозир янги 52 талик карта олиб келасан, унинг ичидан бирини танлайман. Қайси карта чиққанини Франциядаги хотиним тўғри топади.

Рақиби янги карта олиб келибди. Франсуз қиморбоз янги картадан бирини танлаганида туз қарға чиқибди. Шунда ҳалиги франциялик одам:

- Мана хотинимнинг рақами, исми Луиза, ундан сўранг, айтиб беради, - дебди.

Шундан сўнг Лас Вегасликлар телефон қилиб, сўрашибди:

- Алло, сизни Лас Вегасдан безовта қиляпмиз. Сиз мисе Алфонсонинг аёли Луизамисиз?

- Ҳа, нима ишингиз бор менда?

- Ҳозир эрингиз бир карта танлади, у қандай карта танлаганини тахмин қила оласизми?

- Бир дақиқа.

Шундан сўнг аёл ошхонага бориб келиб, танланган карта туз қарға эканлигини топибди.

Сизнингча, аёл картани қаердан топган?

## 2-топширик



Қишининг ёмғир ёғаётган совук кунларидан бирида катта саройга эга бўлган аристократлардан бири ўлдирилибди. Дедектив қотилнинг унинг саройидагилардан бири эканлигини билади. Ва қотилни топиш учун ҳамма билан гаплашиб чиқмоқда:

Ошпаз:

- ошхонада овқат пишираётган эдим, вафот этгани ҳақидаги хабар келди.

**Боғбон:**

– Боғдаги гулларни сугораётган эдим, хўжайнинг ўлимидан хабардор қилишди.

**Хотини:**

– Мен эримнинг хонасида эдим.

**Фаррош:**

– Мен уйларни тозалаётган эдим.

Сизнингча, аристократни ким ўлдирган?

### **3-топширик**

Денгизнинг соҳилга яқин қисмидаги қайиқлардан бирида қотиллик рўй беради. Бу жиноятни соҳилдан кузатиб турган гувоҳлардан бири мархумнинг қандайдир жисм билан уриб ўлдирилганини, ўша жисм билан марҳум биргаликда денгизга улоқтирилиб юборилганини айтади.

Ғаввослар денгизда қидирув ишлари натижасида мархумнинг мурдасини топишади-ю, аммо унга урилган жисмни топа олишмайди.

Сизнингча, қотил у одамни нима билан уриб ўлдирган эди?

### **4-топширик**



Уч ўғри катта микдордаги пулни ўғирлашибди. Улар пулни серия рақамларидан таниб қолмасликлари учун вақтингча ишлатмасликка қарор қилишибди. Шу сабабли пулни ўзлари тунаган меҳмонхона рўйхатхонасига бериб қўйишади. Рўйхатхона ходимига: “Учаламиз бирга келмасак, пулни берма”, – деб қаттиқ тайинлашади.

Орадан бироз вақт ўтди. Рўйхатхонага яқин жойда улардан иккитаси стол тенниси ўйнаб, учингчиси эса китоб ўқиб ўтиради. Шунда теннис ўйнаётганларнинг тўпи рўйхатхонага қараб отилиб кетди. Китоб ўқиб ўтирган тўпни олиб бериш баҳонасида рўйхатхонага келди-да, ходимдан пулни сўради. Рўйхатхоначи: “Учовингиз келмасангиз, бермайман”, – деган эди, у шерикларига қараб: “Бермаяпти”, – деб бақирди. Шериклари теннис тўпини сўрайапти, деб ўйлаб, рўйхатхоначига узокдан: “Бер”, – деб бақиришди. Рўйхатхона ходими пулни бергач, ҳалиги ўғри пулни олиб, қочиб кетди.

Шундан сўнг қолган икки ўғри рўйхатхона ходимидан пулни талаб қилишди ва уни судга беришди. Рўйхатхоначи суддан бир гапни айтиб кутилди.

Сизнингча, рўйхатхоначи судда нима деганлиги учун қутилади?

## 5-топшириқ



Беш киши 5 қаватли уйнинг 5-қаватида карта ўйнашаркан, бири ҳар хил қилиқлар қила бошлади ва охирида дераза ёнига келиб, у ердан тушиб кетди. Ерга тушганда унинг олдига югуриб келган полиция ходимларига “Мени Жамшид ўлдирди”, –деди-ю, жон берди.

Полиция ходимлари юқорига чиқиб, эшикдан кирибоқ Жамшиднинг қўлига кишан солишиди.

Полиция ходимлари Жамшидни қаердан танишган?

## 6-топшириқ



Том исмли одамнинг аёли уйидан ўлик ҳолда топилди. Вокеа жойига етиб келган полиция ходимларига эри шундай қўрсатма берди:

– Эрталаб аёлимга бу оқшомни кафеда ўтказишими, у эса уйда ўтиришини тайинлаб йўлга чиқдим. Мен кафега кетарканман шамол эса бошлаган эди. Дарёнинг кўпригидан ўтиб олгач, шундай бўрон бошландики... Кафега етиб бориб қарасам, у ерда электр токи узилган, қаҳвахона ёпилган эди. У ерда бирпас кутиб тургач, фойдаси йўқлигини сезиб уйга қайтдим. Қарасам, кўприкни тўфон учириб юборган. Мажбуран дарёдан сузиб ўтдим. Уйга келсам, уйда ҳам электр симлари узилиб қолган, эшиклар қулфланган. Эшикни тақиллатдим, ҳеч ким очмади, ойнани тақиллатдим ҳеч ким очмади. Мажбуран эшикни синдириб ичкарига кирдим. Ҳаммаёқ қоронғу, чўнтағимдаги гугуртни ёқиб, атрофга қарадим, хотиним йўқ, чақирсам жавоб бермаяпти. Ошхонага кирсам, у қонга беланиб ётган эди...

Бу қўрсатмадан сўнг полиция ходимлари Томни қўлига кишан уриб,

қамоққа олишибиди.

Сизнингча, полиция ходимлари Томнинг қотил эканлигини қаердан билишган?

### 7-топширик



Бир аёлнинг жасади топилди. Асосий айбдор сифатида унинг эри қўлга олинади. Одам ўз аёлини ўлдирмаганини тергов жараёнида ҳеч кимга исботлай олмайди. Шундан сўнг гумондор ҳеч қайси судда ютқизмаган адвокатни топиб, ўзига ёллади.

Иш судга ошибб, суд куни келгач, адвокат шундай йўл тутибди: “Хозир мен З гача санайман, З деганимда эшикдан сиз ўлди деб айтаётган аёлнинг ўзи кириб келади”, - дебди ва санай бошлабди: “1, 2, 3”

Эшикдан ҳеч ким кирмабди. Шунда адвокат судяга шундай дебди: “Ўртоқ судя, сиз ҳам аёлнинг ўлганига ишонмадингиз ва менинг гапимдан сўнг эшикка қарадингиз”.

“Тўғри айтасиз”, - дебди судя ва айбланувчини жиноятчи сифатида жазолашга қарор қилибди.

Сизнингча, судя нимага асосланиб айбланувчини жиноятчига айлантириди?

### 8-топширик



Фарб ўлкаларидан бирида машхур банкирлардан бири ўз хонасида ўлик ҳолда топилди. Воқеа жойига етиб келган полиция хонага кирганида дераза пардалари ёпилган, хона қоронғу, ўликнинг олдида аудио магнитофон ва стол лампаси ёниқ ҳолда турар эди. Ўликнинг қўлида пистолет.

Полиция ходимлари бу воқеани ўз жонига қасд қилиш дея баҳоладилар. Улардан бири аудиомагнитофонни ёққанида, ундан банкирнинг овози эшитилди: “Мен бундай ҳиссиятлар билан яшай олмайман!”. Гап тугагач, магнитофондан пистолетнинг овози эшитилди.

Полиция ходимлари воқеани ҳали ҳам ўз жонига қасд қилиш дея

баҳоларкан, ўша ердаги детективлар бунинг қотиллик эканини айтишди.

Сизнингча, изқуварлар бу фикрга келишларида нимага асосланишган?

### 9-топшириқ



Бир одам уйининг ижараси учун 50 доллар тўлаши керак. Ундан ташқари банқдан олган 10 доллар қарзини ҳам қайтариб бериши керак. Лекин, аксига олиб, бу одамда фақатгина 10 доллар пул бор, холос. Шундан сўнг у бир йўл ўйлаб топибди. Кўлидаги 10 долларликни худди ўзидай қилиб, 5 та нусхада кўпайтирибди. Бир қараганда пулнинг сохталигини билиш қийин эди. Аввал банкка бориб, қарзини қайтиб берибди. Банкир қиз шубҳаланса-да, асоси йўқлиги сабабли сохта пулни олиб қолибди. Кейин у пулнинг қолганини олиб, уйининг ижараси учун тўлашга борибди. Лекин уй эгаси пулнинг сохталигини сезиб қолибди.

Банкир аниқлай олмаган пулдаги сохталикни уйнинг эгаси қандай билган?

### 10-топшириқ



Катта меҳмонхоналардан бирида ўғрилик ҳодисаси кўпайиб кетади. Ўғрининг ишчилардан бири эканлиги маълум бўлса-да, ишчилар сони жуда қўплиги сабабли ким эканлигини аниқлаб бўлмасди. Бундай ҳодисалардан зада бўлган меҳмонхона бошлиғи детектив ёллабди. Унга меҳмонхонадан бир хона бориб, ўғрини топса, шу хонани умрбод ўзига беришни ваъда қилибди.


Детектив бошлиқ томонидан тухфа қилинган хонада газета ўқиб ўтирганида эшиги тақиллабди. Детектив газетадан бошини кўттармай: “Киринг”, – дебди. Эшик очилиб, бир одам бошини ичкарига тиқиб: “Узр, бу ўзимнинг хонам деб ўйлабман”, – деб жавоб берибди. Детектив тезда ўрнидан туриб шу одамни ушлабди ва ҳаммага унинг ўғри эканлигини эълон қилибди.

Сизнингча, детектив ўғрини нимага асосланиб ушлаган?

## Ўзингизни синанг!

Мантиқ-...      Логика-...  
Айният қонуни-...  
Учинчини истисно қонуни -...

Тафаккур қонунлари-...  
Зиддиятсизлик қонуни-...



### Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Ички ишлар органлари ходимларининг мантиқий фикрлашини ривожлантириш усуллари мавзусини ўқиб ўрганиш.
2. “Юридик психологиядан практикум” китобини ўқиб ўрганиш.

### Назорат учун саволлар:

1. Мантиқ деганда нимани тушунасиз?
2. Тафаккур деганда нимани тушунасиз?
3. Тафаккур шаклларини тушунтириб беринг.
4. Тафаккурнинг асосий қонунларини айтиб беринг.

## **4-МАВЗУ: Ички ишлар органлари ходимларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантириш усуллари**

**Семинар машғулоти (2-соат)**

### **МАНТИҚИЙ МЕТОД**

**Методнинг мақсади:** тингловчиларни мустақил ва мантиқий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларни жамлаб улардан назарий ва амалий тушунча ҳосил қилишга, жамоага ўз фикри билан таъсир эта олишга, уни маъқуллашга, шунингдек, мавзунинг таянч тушунчаларига изоҳ беришда эгаллаган билимларини қўллай олишга ўргатиш.

### **МАНТИҚИЙ САВОЛЛАР**

1. Учта шифокор Роберт уларнинг акаси эканини айтмоқда. Роберт эса унинг умуман акаси йўқлигига ишонтиряпти. Хўш, уларнинг қай бири ёлғон гапирди?
2. Ҳовузда 10 та балиқ бор эди. 2 таси чўкиб кетди. 4 таси сузиб кетди. 3 таси нобуд бўлди. Нечта балиқ қолди?
3. Икки нафар эркак шахмат ўйнамоқда. Улар 5 та партия ўйнашди. Ҳар бири 3 тадан партияда ғолиб бўлди. Қандай қилиб?
4. 1000 ва 40 ни қўшинг. Яна 1000 ни қўшинг. Энди 30 ни қўшинг. Яна 1000 қўшинг. Энди 20 ни қўшинг. Яна 1000 қўшинг. Энди 10 ни қўшинг.
5. Нима шаҳар ва далалар орқали ўтади, бироқ ҳеч қачон ҳаракатланмайди?
6. Ота ва ўғилнинг ёшини қўшса 66 ҳосил бўлади. Отанинг ёши – ўғил ёшининг тескариси. Улар неча ёшда?
7. Ҳафта кунларининг номи ва рақамлардан фойдаланмасдан бешта кунни кетма-кет айтишга ҳаракат қилиб кўринг.
8. Беш опа-сингилнинг ҳар бири иш билан банд. Биринчиси китоб мутолаа қиласпти. Иккинчиси таом тайёрлайяпти. Учинчиси шахмат ўйнайпти. Тўртинчиси кир ювяпти. Бешинчиси-чи?

### **МАНТИҚИЙ ТОПШИРИҚЛАР**

#### **1-топшириқ.**

– Воеа мана шу ерда юз берди, – деди кассир аёл. – Ҳамма чипталарни сотиб бўлгач кассани кулфладим. Сўнг йўлакдаги қўзгуга қараб соч турмагимни тўғриладим.

У театрнинг захира эшигини кўрсатиб давом этди:

– Манави эшик ёнидан ўтиб кетаётганимда эшик зарб билан очилиб, бошимга қаттиқ урилди. Шу заҳоти хушимдан кетдим. Ўзимга келганимда кассадаги пуллар ўғирланганини айтишди.

– Хоним, – кесатди инспектор Варнике, – томоша тугади! Қаранг-а, тузуккина актрисалик қобилиятингиз бор экан. Шунга қарамай сизни хибсга

олишга мажбурман. Яхшиси, ҳамтовоқларингиз кимлигини айтинг.

**Савол: Варнике қайси ҳолатга асосланиб кассир аёл ўғирликда иштирок этган деган холосага келди?**

### **2-топшириқ.**

Доктор Квин келганида, Жонатан Абелъ полициячи билан гаплашиб ўтарган эди:

– Эр хотин Дюпонлар ҳозир шаҳар ташқарисидаги қўргонида туришибди. Менга эса шаҳардаги уйларини қўриқлаб туришимни тайинлаб кетишган. Бундан икки соатлар олдин ул-бул харид қилгани дўконга чиқдим. Қайтиб келсам, уй ёнидаги дараҳт соясида шубҳали шахс турибди. У менга тўппонча ўқталиб, эшикни очишимни буюрди. Ичкарига кирганимдан сўнг мени кабинетга олиб кириб, оёқ-қўлимни боғлади. Кейин яrim соатча хонадонни тинтиб чиқди. Ҳойнаҳой, қўлга илингулик ҳамма нарсани олиб кетган бўлса керак. Чунки бир неча марта кўчага чикиб, яна қайтиб кирганини эшитдим. Ниҳоят, эшикни қулфлаб чикиб кетди.

Мен қўл-оёғимни бўшатишга харчанд уринсам ҳам, бунинг уддасидан чиқа олмадим. Оғзимга тиқилган латтани бир амаллаб туфлаб ташладим-да, овозим борича ёрдамга чақира бошладим. Бақирганимни эшитиб, тасодифан кўчадан ўтиб кетаётган бир одам уйга кириб, мени бандилиқдан озод қилди. Шунақанги хурсанд бўлдимки, аста қўяверасиз. Вақтни ғанимат билиб, дарҳол полицияга қўнғироқ қилдим.

– Сизни озод қилган одамни танийсизми? – сўради Квин.

– Ўйқ, уни умримда биринчи марта кўришим. Аҳволим яхшилигини кўриб дарҳол кетиб қолди.

– Ёлғончилик ҳам эви билан-да, – дея кесатди доктор Квин.

**Савол: – Нега доктор Квин хизматкорни ёлғончиликда айблаяпти?**

### **3-топшириқ**

Том исмли одамнинг аёли уйидан ўлиқ ҳолда топилди. Воқеа жойига етиб келган полиция ходимларига эри шундай қўрсатма берди:

– Эрталаб аёлимга бу оқшомни кафеда ўтказишимни, у эса уйда ўтиришини тайинлаб йўлга чиқдим. Мен кафега кетарканман шамол эса бошлаган эди. Дарёning кўпригидан ўтиб олгач, шундай бўрон бошландики... Кафега етиб бориб қарасам, у ерда электр токи узилган, қаҳвахона ёпилган эди. У ерда бирпас кутиб тургач, фойдаси йўқлигини сезиб уйга қайтдим. Қарасам, кўприкни тўфон учириб юборган. Мажбуран дарёдан сузиб ўтдим. Уйга келсам, уйда ҳам электр симлари узилиб қолган, эшиклар қулфланган. Эшикни тақиллатдим, ҳеч ким очмади, ойнани тақиллатдим ҳеч ким очмади. Мажбуран эшикни синдириб ичкарига кирдим. Ҳаммаёқ қоронғу, чўнтағимдаги гугуртни ёқиб, атрофга қарадим, хотиним йўқ, чақирсан жавоб бермаяпти. Ошхонага кирсам, у қонга беланиб ётган эди...

Бу қўрсатмадан сўнг полиция ходимлари Томни қўлига кишан уриб, қамоқقا олишибди.

**Сизнингча, полиция ходимлари Томнинг қотил эканлигини қаердан билишган?**

## 5-МАВЗУ: Ички ишлар органлари ходимларнинг нутқ маданиятини ривожлантириш усуллари

Режа:

Маъруза машғулоти (2-соат)

**1-савол.** Ички ишлар органлари ходимларининг нутқ маданияти.

**2-савол.** Ички ишлар органлари ходимлари нутқига қўйиладиган талаблар.

**1-савол. Ички ишлар органлари ходимларининг нутқ маданияти.**

Ички ишлар органлари ходимларининг ўз олдига қўйган мақсадларига эришишида муомала маданияти, айниқса нутқ маданияти ўзига хос аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқсан ҳолда биз нутқ маданиятининг мазмуни, ички ишлар органлари ходимлари нутқига қўйиладиган талаблар, нутқ маданиятида мантиқийликнинг ўрни ва нутқ маданиятининг аҳамияти ҳақида сўз юритамиз.

Даставвал нутқ маданияти нима, унинг хом ашёсини нима ташкил қилишини аниқлаб олишимиз зарур.

**Нутқ маданияти тушунчаси** кўп элемент ва ҳолатларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, бу тушунчага ҳар бир тадқиқотчи ёки ҳар бир нотик ўзича ёндашади ва тушунтиради. Шунинг учун ҳам нутқ маданияти тушунчасини муайян бир таъриф доирасида ифодалаш бирмунча мураккабдир.

Нутқ маданияти муомала маданиятининг таркибий қисмидир, муомала маданиятига нутқ маданиятидан ташқари ташқи кўриниш ва хулқ маданиятлари ҳам киради.



**Нотик бу санъаткордир**, шу сабабли у ўз касбига санъаткор сифатида ёндашади. Шундай бўлса-да нотиклик санъати билан шуғулланувчи кўпчилик назариётчилар ҳамда машхур нотиклар нутқ маданиятининг қўйидаги хусусиятларини эътироф этадилар.

Уларнинг фикрича, нутқ маданияти:

- **биринчидан**, инсон умумий маданиятининг бир қисмидир, зотан маданиятсиз одамда нутқ маданияти ҳам бўлмайди;

- **иккинчидан**, у нотикнинг ўзидағи илм ва билимни бошқаларга етказиш усулидир;

- **учинчидан**, объект ва субъект, нотик ва тингловчи ўртасидаги муносабатни муайян қоида ва тартиблар доирасида кечиши жараёнидир;

- **тўртинчидан**, объектнинг субъектга, нотикнинг тингловчига етказадиган ахборотларни, маълумотларни шунчаки тўкиб ёки қалаштириб

ташлаш эмас, уларни дилдан чиқариб, мўътадил маром, севинч, ҳаяжон, куюниш, ачиниш, афсусланиш каби хилма-хил ҳолатларда тингловчиларга етказиш жараёнидир.

Бинобарин, нутқ маданияти муайян мавзуни содда, тушунарли, равон тилда, шу билан бирга, муайян ҳиссий ҳолатлар воситаси ҳамда таъсирида тингловчиларга етказиш жараёнини ташкил этади.

Бу жараёнда нутқ билан боғлиқ равища илмий, грамматик, лексик, ҳиссий ва ҳоказо кўплаб сўз ҳамда қоидаларни ўз ўрнида ва ўз мазмунида мунтазам ҳолда ишлатиш зарурдир.

Ички ишлар органлари ходимлари орасида фуқароларни, уларнинг кимлар эканликларини, қасб-корларини, ҳохиш-истакларини, нималарга мойилликлари ва қизиқишиларини, ўй-фикрларини, ташвишларини илғаб олиш ва шуларга мос гап топа билиш қобилияти алоҳида ўрин эгаллайди.

Ички ишлар органлари ходимлари нутқининг паст-баландлиги ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Уларнинг нутки шундай жаранглаши лозимки фуқаролар қалбига гўёки ноёб бир малҳам бўлиб кириб бориши керак, бунинг натижасида ходимлар, фуқаролар ички ишлар органлари ходимларини доно, кўпни кўрган, билимдон, юрагида кири йўқ, олижаноб инсон деб тан олишдан бошқа иложи қолмаслиги лозим.

Ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар олдида нутқ сўзламоқчи бўлса, унга олдиндан тайёрланиши лозим. У аввало нутқ матнини тайёрлаши, матн тайёрланганидан кейин уни ўқиб беришдан кўра ўз фикрини сухбат шаклида баён этса, унинг таъсирчанлиги анча ошади. Нутқ бир маромда бўлиши, шу билан бирга фуқаролар сонининг кам-кўплигига қараб ходимнинг овози паст, баландроқ ёки баланд жаранглаши лозим. Нутқда ишлатиладиган сўзлар, иложи борича, барча фуқароларга тушунарли бўлиши, соҳага тааллуқли бўлмаган сўзлар, шунингдек талаффузи қийин атамалар, иборалар мумкин қадар ишлатилмаслиги керак. Булардан ташқари, ички ишлар органлари ходимларининг талаффузи мусаффо бўлиб, ҳар бир сўз, театр актёри дикцияси сингари янгилик ўз мазмунида отилиб чиқиши даркор. Ланж сўзлар, чала-ярим талаффузлар нутқ маданияти учун ёт унсурлардир.



Нутқ сўзлаётганда ходим ўзини эркин ҳис этиши лозим. Шу билан бирга нутқ давомида ортиқча ҳаракатлар, имо-ишоралардан сақланиш керак. Акс ҳолда фуқароларнинг эътибори нутқ мазмунига эмас, балки кўпроқ ходимнинг хатти-ҳаракатига оғиб кетиши мумкин.

Фуқаролар олдида нутқ сўзлашда ходимнинг кийими ҳам ораста бўлмоғи жоиздир. Кийимнинг янги бўлиши шарт эмас, лекин у тоза, бежири, дазмолланган ва ходим жуссасига қуйиб кўйгандай ярашиғлиқ

бўлгани яхши. Кийимнинг низомлар талабларига мувофиқ бўлишига ҳам эътибор бериш керак.



Нутқ маданиятида **«Ким гапиряпти?»** **«Қандай гапиряпти?»** **Нима ҳақда гапиряпти?»** каби саволларга тўғри жавоб топиш ва унга амал қилишга катта аҳамият берилади.

Кўпчилик донгдор нотиқлар бу саволларнинг иккинчисига, яъни **«Қандай гапиряпти?»** саволига бериладиган жавобни нутқ маданиятининг асосий мезонларидан бири деб ҳисоблайдилар.

Бундай муносабат мантиқан тўғри. Чунки, айтиладиган фикр, етказилаётган ахборот ва маълумотлар қанчалик мароқли ва бадият билан сайқаллашган бўлса, нутқнинг таъсир кучи шунчалик ошади. Албатта, бу ўринда гап асосий эътибор мароқ билан гапириш устида эмас, мавзуу мазмунини мароқли, бадиий эҳтирос билан фуқароларга етказиш устида боряпти. Бу эса нутқ маданиятининг муҳим қадриятларидан биридир.

Ички ишлар органлари ходимлари ўз фаолиятида нутқ маданиятининг асосий меъёрларига эътибор беришлари ва уларга риоя қилишлари зарур талаблардан биридир. Сабаби, улар ўз хизматлари моҳиятига қўра, биринчидан, ички ишлар тизимида факат ўз касби билан эмас, балки ёш авлод тарбияси билан ҳам шуғулланадилар; иккинчидан, ички ишлар органлари ходимларининг аксарият фаолияти жамоатчилик орасида ишлаш билан боғлиқдир. Шу сабабли, йиғинларда, маҳаллалар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашув ҳамда бошқа хилма-хил тадбирларда сўз айтиш, фикр билдириш, нутқ сўзлаш зарур бўлиб қолади.

Айтиш жоизки, ички ишлар тизими ходимларининг хизмат тартиботлари ҳамда фаолиятининг тезкор хусусиятларини ҳисобга олганда, нутқ маданиятининг **«а»** дан **тортиб «я»** гача барча тартиб-коидаларига, кўпдан-кўп унсурларига баъзан риоя эта олмасликлари табиий ҳолдир. Лекин, бари бир, фикрнинг мусаффолиги, сўзларнинг ўз мазмунига қўра ишлатилиши, товушнинг тиниқлиги каби муҳим талабларга эътибор берилиши фойдадан ҳоли бўлмайди.

## 2-савол. Ички ишлар органлари ходимлари нутқига қўйиладиган талаблар

Ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролар билан муомала жараёнини асосини нутқ ташкил қиласди. Нутқ ёрдамида уларга бирор фикрни етказади. Ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан муомала жараёнида ёки фуқаролар олдида нутқ сўзлаганда тушунарли, оддий сўзлардан фойдаланадилар. Ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролар билан муомаласининг **35 фоизини** вербал муносабатлар ташкил

қилади. Шунинг учун ҳам сўзни муомала жараёни талабларидан келиб чиқиб қўллаш, уни мавзу мазмунига мослаб талаффуз қилиш нутқ маданиятининг асосий қоидаларидан биридир.

**Ҳар сўзниңг ўз жойи бор,**

**Ҳар нуқтаниңг – макони,**

деган ҳалқ мақоли бежиз айтилмаган.



Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат хусусияти улардан нутқ маданиятини ўзларида яхши шакллантиришни, сўздан самарали фойдаланишни тақозо қилади. Фуқаролар ички ишлар органлари ходимлари билан муомала қилганда уларда **4 минутга** етмасдан ходим ҳақида фикр шаклланади.

Шундан келиб чиқиб, ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан муомала жараёнида ширин сўзлашга ҳаракат қилишлари лозим. Ички ишлар органлари ходимлари фақатгина фуқаролар билан муомала жараёнида эмас, балки ўз ҳамкаслари билан ҳам ширин сўзлашга ҳаракат қилишлари керак.



Амир Темурнинг «Темур тузуклари»да муомала, ширинсўзлик ҳақида шундай фикрлар берилган. Амир Темур ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмаган. Ўз «Тузукларида» ғазаб ва қаттиқўллик билан қилинган муомалани тангри таолонинг ғазабига дучор бўлиш, ўз ҳолини танг қилишдир, деб ёzáди. **«Ширин сўз айтиб ганимни имонга киритгин», «Тил қиличдан ўткир, бир калима ширин сўз қилични қинга киритар»,-** дейди.

Ширин сўзниңг хосияти ҳақида кўплаб шеърлар битилган. Масалан:

Яхши сўздан кўргайсан меҳру вафо,  
Номуносиб қулдан етгай жафо.

Фаҳш сўздин тилни хомуш айлагил,  
Балки кўнглингдин фаромуш айлагил.

Ҳар сўзиқим содир бўлса бемаҳал,  
Етгай андин обрўйингга халал.

### X. Кошифий

Сўз инсоннинг қандай одам эканлигини ўзида акс эттирувчи ёрқин мезондир. Сўзга қараб предмет, ҳодисаларни билиб олиш, инсоннинг қандай одам эканлигини пайқаш мумкин. Жумладан. ички ишлар органлари ходимларини ҳам билиб олса бўлади.



Буюк мутафаккир Алишер Навоий сўзнинг маъно-моҳияти ва кучига қуидагича юксак баҳо беради:



Сўз инсон маъно-мазмунининг акс-садоси ҳисобланади. Захириддин Муҳаммад Бобур сўзнинг бу хусусиятини қуидагича таърифлайди:

**Ҳар вақтки, қўргансан менинг сўзимни,  
Сўзимни ўқиб англагайсан ўзимни.**

Сўзнинг бу хусусияти, яъни сўзига қараб одамнинг қандайлигини англаб олиш халқимиз орасида, айниқса Шарқ мумтоз поэзиясида синовдан ўтган ҳақиқатлардан биридир.

**Маъдани инсон гавҳари сўздурур,  
Гулшани одам самари сўздурур.  
Ҳам сўз ила элга ўлимдан најот,  
Ҳам сўз ила топиб ўлик тан ҳаёт.**

Ўзбек шеъриятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бундан мақсад юқорида айтганимиз – сўзнинг ғоятда кучли қудрат соҳиби эканлигини тан олиш ҳамда ундан унумли фойдаланишдир.

Шу сабабли ички ишлар органлари ходимлари оғиздан чиқадиган сўзларига эҳтиёт бўлиши, имкон қадар ижобий, эзгу сўзларни ишлатиши лозим.

**Ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан муомала жараёнида ҳар бир сўзни ўйлаб, салмоқлаб, эҳтиёткор бўлиб ишлатиши керак.**

Кўриниб турибдики, сўзга қайси нуқтаи назардан ёндашмайлик, у нутқ маданиятида, ҳатто оддий мулоқот жараёнларида ҳам асосий хом ашё бўлиб ҳисобланади. Фақат бу хом ашё ички ишлар органлари ходимлари томонидан яхши ишланиши, сайқалланиши ва ўз ўрнида ишлатилиши лозим. Шунда у фақатгина хом ашё эмас, сеҳрли бир қудратли кучга айланиб, ходимлар, фуқаролар диққатини ўзига ром қила олади.

Ички ишлар органлари ходимлари муомала жараёнида, айниқса нутқ жараёнида оҳангга жиддий қарамоғи лозим. Чунки оҳанг орқали кўп нарсага эришиш ёки кўп нарсани йўқотиш мумкин. Олимларнинг фикрига кўра ҳар қандай ахборотнинг **38 фоизи** одамларга оҳанглар, ургулар ва сўзларни талаффуз қилиш усули ёрдамида етказилар экан. «**Гап сўзда эмас, оҳангда**» – дейди рус олими В.Г. Белинский. Ички ишлар органлари ходимлари нутқининг ёқимли, ёқимсизлиги, ўринли, ўринсизлиги, фуқароларни ўзига ром этиши ёки уларни бездириши оҳангга боғлиқ жараёндир.

Ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан тўғридан-тўғри муомала олиб борар экан, нутқда фикр-мулоҳазаларини қисқа, лўнда, тушунарли қилиб ифодалashi керак. Нутқ жараёнида имо-ишора, қўл


ҳаракатлари, тўхтам(пауза)лардан ўринли фойдаланиш лозим. Айтиш жоизки, юқоридаги фикрлар ички ишлар органларида хизмат қилаётган барча ходимларга тааллуқлидир. Лекин озодликдан маҳрум қилинганлар билан ишлаш ички ишлар органлари ходимларидан ўзига нисбатан масъулиятни янада оширишни талаб қиласди. Чунки озодликдан маҳрум қилинганлар оммадан ажралиб ўзига нисбатан ҳурмат билан муомала қилишни, нутқ маданияти қоидаларига риоя қилишни талаб қилишади. Улар мутахассисликка оид тилни ҳам бироз ўзлаштириб олишади. Бу эса – ички ишлар органлари ходимларидан мутахассисликка оид тилни, юридик атамаларни чукурроқ ўзлаштиришни талаб қиласди.

Ички ишлар органлари ходимлари ўз нутқида юридик атамалардан тўғри, унумли, тушунарли фойдаланишга, ҳукуқшуносга хос фазилатларни эгаллашга интилиши керак. Ходим ҳар бир юридик атаманинг маъносини билиб ишлатиши лозим.

**Ҳукуқий атамаларнинг асосий манбаи – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳисобланади.** Чунки Конституция тили сиёсий-ҳукуқий тил ҳисобланиб, унинг ҳар бир моддасидан жой олган ҳукуқий атамалар ўрнини алмаштириш мумкин эмас. Конституциямиз тили ўзининг содда ва аниқлиги, лўнда ва равонлиги билан юридик тилнинг юксак намунаси саналади. Ички ишлар органлари ходимлари ўз қасбига оид юридик атамаларни мукаммал билиши учун тинимсиз изланиши, ўқиши лозим. Шу ерда Азизиддин Насафий «**Комил инсон**» номли китобида ёзган: **«Билгилки, комил инсон қўйидаги тўрт нарсага мукаммал шаклда эга бўлган инсондир. Уларнинг биринчиси – яхши сўз, иккинчиси – эзгу фаолият, учинчиси – гўзал ахлоқ, тўртинчиси - илм».** Юкорида Насафий айтган тўрт фазилат ички ишлар органлари ходимларида ҳам бўлиши керак.

Шу билан бирга ички ишлар органлари ходимларининг нутқи аниқ, зиддиятсиз, изчил, етарлича асосланган, мантиқий, соф ва бой бўлиши зарур.

Бундан ташқари, ички ишлар органлари ходимлари нутқ сўзлаганида қўйида келтирилаётган қоидаларга амал қилишлари фойдадан холи эмас. Бу қоидалар орқали ҳар қандай аудиторияни, меҳнат жамоасини ва турли тоифадаги шахсларни ўзига жалб қила олади ва улар билан муносабатга киришиш имкониятига эга бўлади.



### Улар қўйидагилар:

1) ҳар доим эркин сўзлашга интилинг, сўзлашдан олдин ҳаяжонланмасликка ҳаракат қилинг. Чунки эркин сўзлаган одам

хаяжонланмайди;

**2)** нутқ сўзлашдан олдин пухта тайёргарлик кўринг. Яхши тайёргарлик аъло нутқ гаровидир. Нутқ муддати қисқа бўлсин, шунда унга тайёрланиш учун имконият кўпаяди;

**3)** ҳар қандай нутқингизнинг давомийлиги **20 дақиқадан** ошмасин. Ундан ошиб кетса, зерикарли бўлади;

**4)** гапириб ўйламанг, балки ўйлаб гапиринг;

**5)** кўпроқ тингланг, шунда кўпроқ нарсани билиб оласиз. Тинглай олиш ҳам санъат. **«Сўз – кумуш, сукут – олтин»** нақлига амал қилинг;

**6)** ўзингизда қатъиятни шакллантириш учун кўпроқ машқ қилинг. Яъни, энг аввало, ўз яқинларингиз, ҳамкасларингиз олидида нутқ сўзлаб кўринг;

**7)** бирор бир жойда нутқ сўзлайдиган бўлсангиз, камроқ овқатланинг, чунки кўп овқатланиш фикрлашни сусайтиради;

**8)** омма олдида сўзлашдан олдин унинг сценарийсини олдиндан тахминий режалаштириб олиш яхши. Аммо ташқи таъсирларни ҳам инобатга олиш зарур. Масалан: нутқ сўзлаганингизда сизга тасодифан савол беришлари мумкин. Шунинг учун гапираётган гапингиздан қандай хулосалар чиқиши мумкинлигини олдиндан англаб олинг;

**9)** сиз қандай аудиторияда нутқ сўзлашингиз мумкинлигини олдиндан билганингиз маъқул. Чунки уларнинг ёши, касб-кори, яшаш жойи, эҳтиёжларини олдиндан билиш, нутқингизнинг жонли чиқишига асос бўлади;

**10)** ҳар доим регламентга риоя қилинг. Бунинг учун нутқингизнинг кенг ва тор шаклларини ўйлаб қўйганингиз маъқул. Бунда кўпроқ статистик маълумотлар ва кам ишлатиладиган мураккаб терминлардан фойдаланишга ҳаракат қилинг;

**11)** шуни ёдда тутингки, ҳар қандай нутқнинг боши, ўртаси ва охири бўлади. Энг асосийси, сиз нутқингизни қандай тугатиш ҳақида ўйланг;

**12)** сиз нотиқсиз, биринчи жумлани ва нутқнинг хулоса қисмини ўйлашга мажбурсиз, қолган гапларни ўз йўналишида боғлаб кетаверишингиз мумкин;

**13)** расмий ҳужжатларни, нотаниш матнларни ўқиб беришингиз мумкин. Нутқнинг бошқа турлари эса ўқилганларни мустаҳкамлайди. Яъни, юқорида кўрсатилган матнлардан ташқари қўшимча нутқ матнини ёзиш шарт эмас. Чунки ёзган матнингиз гапиришингизни қийинлаштиради. Тажрибасиз нотиқ ёзилганлардан ниманидир тушуриб қолдиришдан қўрқиб, баттар хатога йўл қўйиши мумкин;



**14)** оммавий тадбирларда нутқ сўзлашдан олдин ўзингизнинг ташқи кўринишингизга эътибор беринг. Иложи борича дадил, вазмин ва қоматни тик тутиб гапиришга ҳаракат қилинг;

**15)** сиз гапирганингизда ҳаяжонлансангиз асло қўрқманг ҳар қандай ақлли одам ҳам омма олдига чиққанида ҳаяжонланиши табийй, сиз ҳаяжонни сўзларга, эмоцияга ўтказишга ҳаракат қилинг ва маърузангиз эмоционал ва жозибали бўлишига интилинг;

**16)** жуда қаттиқ ҳаяжонланиш зарарли. Ундан қочиш керак. Чиқиши қилишдан олдин яхши нарсалар ҳақида ўйланг ва нутқ мазмунидан ўзингизни чалғитинг. Аудитория ҳақида ўйлаб ваҳима қилманг. Агар бунинг иложини тополмасангиз ёки чалғиши ёрдам бермаса, қўлларингизни елка кенглигига қўйиб, бармоқларингизни букинг. Сўнгра сакраб, бир қанча ҳаракатлар қилиб, орқага чалқайинг. Агарда бунинг ҳам иложини тополмасангиз, оёқларингиз бармоқларини кучли ҳаракат қилдиринг;

**17)** нутқ олдидан ва гапираётган пайтингизда сув ичманг, сув юрагингизга кераксиз юк бўлади ва овозингизни бўғади. Чиқиши қилишдан кераксиз гаплардан гаплашманг;

**18)** гапириш вақти келганда ташқи кўринишингизни тўғрилаб, дадил қадамлар билан нутқ сўзлаш лозим бўлган жойни эгалланг;

**19)** устингиздаги кийим-кечакларингиз кенг ёки ўта тор бўлмасин, пойафзалингиз оёқларингизни сиқиб қўймасин, галстугингиз бўйнингизни бўғиб қўймасин. Либосларингиздаги кенглик ва торлик эркин гапиришингизга ва ўзингизни эркин тутишингизга халақит беради;

**20)** ўзингизни тўғри тутинг, елкангизни бироз буринг. Иягингизни бироз кўтариб, бошингизни тўғри тутинг. Оёқларингиз елка кенглигига бўлсин. Қўлларингизни қорин устида сиқиб ушламанг, букламанг, бармоқларингизни чалкаштирманг, қўлларни орқага қилманг, чўнтакка тиқманг, оёқларингизни чалиштирманг;



**21)** нотиқ қотиб турмаслиги, қўлларини эркин тутиши, гапираётган пайтда қўлларини силкитмаслиги, жуда қотириб гавдага ёпиштириб ҳам турмаслиги лозим. Гапириш темпини, овозни мазмунга қараб ўзгартириб туриши керак. Нутқ юмшоқ ва ишончли бўлиши, лекин жуда чўзилиб кетмаслиги керак;

**22)** гапираётганда оғизни меъёрида очиб гапириш, меъёрида нафас олиш ва чиқариш лозим. Овозни аудиториянинг катта-кичиклигига қараб мослаш, ўта баланд овозда қичқириб гапирмаслик керак;

**23)** овозни юқорига ва пастга йўналтирманг, тингловчиларга тўғри

йўналтиринг;

**24)** имкони борича микрофондан фойдаланманг: микрофон аудиториядагилар билан тўғридан-тўғри боғланишга халақит беради;

**25)** аудиторияга табассум билан юзланинг, улар диққат билан сизга боқмоқда. Уларга кучли назар ва хуш кайфиятда кўринасиз;



**26)** оз фурсат жимлик сақланг. Агар шовқин бошланса, жимликни чўзинг ва бирдан аудиторияга қаттиқ назар ташланг;

**27)** нутқингизни юмшоқ ва енгил қилиб бошланг. Кучли зарб билан бошламанг, бўлмаса нутқингизни яқунлашга кучингиз етмай қолади, тингловчиларнинг ҳам тоқати тоқ бўлади;

**28)** гапираётганингизда унутманг, сизни эшитишни истаган одамларга мурожаат қиляпсиз, нимани ёсангиз ҳам сифдираверадиган қофозга эмас;

**29)** ўзингизни тутиб ишонч билан гапирсангиз сизни ҳам завқ билан тинглашади;

**30)** темп оралигини сақлаган ҳолда баланд овозда гапиринг. Кенг ва муҳим маълумотни қисқа вақтга сифдиришга уринманг. Шошиб гапирган нотиқ маълумот беришдан қўрқади ва минбардан тушириб юборишларини кутади;

**31)** гапираётган вақтингизда аудиторияни кузатинг. Тингловчиларнинг диққати сизга қаратилган. Бироқ нутқингиз давомида бир шахсга ҳадеб мурожаат қилаверманг, чунки ҳар бир тингловчи қайси нуқтага қараётганингизни, кимга қараб гапираётганингизни кузатиб турибди;

**32)** катта аудиториядан қўрқманг, кичик аудиториядан қўрқинг. Аудитория қанча катта бўлса, ишонтириш шунча осон бўлади;

**33)** ортиқча гапирманг. Нотиқ ниманини гапирса, омма шуни гапиради, нимани ўйласа, шуни ўйлайди. Шунинг учун нотиқ нима гапиришини ҳамиша ўйлаб гапиради. Лекин у нимани ўйласа, ҳаммасини гапиролмайди. Гапириб улгурмайди;

**34)** инсоневар бўлинг иложи борича қисқа гапиринг, нутқнинг оммабоп жаранглаши тингловчиларнинг бутун борлиғига таъсир қилади. Айни дамда тингловчилар айтилаётган нарсаларнинг ўzlари учун энг керакли эканлигини англайди;

**35)** иложи борича адабий тилда гапиришга одатланинг, чет эл сўзларидан имкон даражасида камроқ фойдаланишга ҳаракат қилинг;

**36)** бир сўзни қайта-қайта такрорлашдан қочинг, бу ёмон иллат;

**37)** нутқингизни сўз билан эмас, жумла билан безашга одатланинг. Жумлалар бир-бирига мантиқан боғлансин. Бошлаган жумлангизни якунига етказинг. Гапираётган жумлаларингизнинг узун-қисқалигини аудитория ва хонанинг кенглигига қараб тузинг. Аудитория қанча катта бинода бўлса, гапираётган жумлаларингизнинг ўртача узунлиги шунча қисқа бўлиши керак;

**38)** нутқда сўз ва жимликнинг (пауза) ўрни галма-галдан алмашиниб туриши керак. Жим туриш сўз ва жумланинг тузилишига вақт ажратиш демакдир. Жим туришда аудиториянинг сизнинг фикрларингизга бераётган баҳосини англайсиз. Аммо тўғри келган жойда тинимсиз жимлик ҳам ярашмайди. Жимлик аудиториядан жавоб кутаётган пайтингизда керак;

**39)** оммабоп нутқ оҳангга боғлиқ: оҳанг жумлаларга аъзо бўлган сўзга сайқал беради. Нутқ мазмунига нотиқнинг муносабатини белгиловчи оҳанг табиий ва ишончли бўлиши керак. Оҳангни ҳеч қачон жумлалар охирига сурманг;

**40)** нотиқ оммабоп нутқ сўзлаётганда ўзини булбулдай ҳис этмаслиги керак. Сиз одамларнинг фойдасига гапиряпсиз, ўзингизни кўз-кўз қилиш учун эмас. Шунинг учун ҳамма вақт нутқингиз устида ишланг, унинг аудиторияга таъсирини қузатинг. Одамларнинг маълум гуруҳи сизни қўллаш-қўлламаслигини аниқланг. Сизга эътиборлими ёки паришонхотирми, қизиқиб эшитяптими ёки аҳамиятсиз, дўстонами ёки зўрма-зўракими эканини қузатинг. Нотиқ гапираётганда аудиторияда нима бўлаётганини кўриб туриши лозим ва ўз вақтида аудитория ҳолатини изга солиб туриш керак;

**41)** агар аудиторияда шовқин кўтарилса, овозингизни баландлатмасдан, аксинча, пасайтиринг ёки жимгина аудиторияга диққат билан қаранг;



**42)** залдаги қочириқ гаплардан қўрқманг. Нутқ сўзлаётганингизда дискуссияга йўл қўйманг. Мўлжалдаги гапларингизнинг ҳаммасини айтишингиз шарт. Нутқ давомидами ёки ундан кейинми, сизга берилган саволларга жавобни аниқ, тушунарли, қисқа қилинг, тўлиқ жавоб бериш шарт эмас;

**43)** ҳар қандай нутқнинг якуни дадил ва мустаҳкам бўлсин. Яқунловчи оҳангда овозни кўтариб керакли гапларнинг ҳаммасини айтганингизни сездиринг, аудиториянинг диққат-эътибори учун миннатдорчилик билдиришни унутманг.

## **Ўзингизни синанг!**

**Нотиқ-...**

**Нотиқлик санъати-...**

**Нутқ маданияти-...**

**Ходимлари нутқига қўйиладиган талаблар-...**

### **Мустақил таълим учун топшириқ:**

1. “Нотиқлик санъати” китобини ўқиб ўрганиш.
2. Ички ишлар органлари ходимларнинг нутқ маданиятини ривожлантириш усуллари мавзусини ўқиб ўрганиш.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Нутқ маданияти деганда нимани тушунасиз?
2. Нутқ маданиятини хусусиятларини биласизми?
3. Нутқ маданиятида қандай саволларга жавоб топиш керак?
4. Ички ишлар органлари ходимлари нутқ сўзлаганида қандай қоидаларга амал қилишлари фойдали?
5. Ички ишлар органлари ходимлари нутқига қўйиладиган талаблар?
6. Амир Темурнинг «Темур тузуклари»да муомала, ширинсўзлик ҳақида қандай фикрлар берилган?

## 5-МАВЗУ: Ички ишлар органлари ходимларнинг нутқ маданиятини ривожлантириш усуллари

### Семинар машғулоти (2-соат)

#### “БЛИЦ-СҮРОВ” МЕТОДИ

“Блиц-сўров” (инглизча “бліц” – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гурухли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, ўқувчи (тингловчи)ларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

Машғулотларда методни қўллаш қўйидагича кечади:

Ўқитувчи ўрганилган мавзу, муайян таркибий қисмлар  
моҳиятининг очиб берилишини талаб этадиган  
саволларни ишлаб чиқиб, ўқувчилар  
эътиборига ҳавола қиласди

Ўқувчи (тингловчи)лар берилган  
саволга қисқа муддатда лўнда, аниқ жавоб беради

Гурух (жуфтлик)да ишлашда бир нафар ўқувчи берилган саволга  
жавоб қайтаради (унинг гуруҳдошлари жавобни  
тўлдиради, (бироқ, фикрлар такорланмаслиги лозим)

Методни қўллашда мавзуга доир таянч тушунчалар, асосий ғояларнинг  
моҳияти ўқувчи (тингловчи) лар томонидан оғзаки, ёзма ёки тасвир (жадвал,  
диаграмма) тарзида ёритилиши мумкин.

Ўқитувчи “Блиц-сўров” методини турли кўринишда машғулотларда  
қўллаши мумкин. Бу ўқитувчининг касбий маҳоратига боғлиқ. Қўйида  
**“Ички ишлар органлари ходимларининг нутқ маданиятини  
ривожлантириш усуллари”** мавзуси асосида жадвал келтирилади:

#### “Блиц-сўров” жадвали

Саволлар	Жавоблар
1 Ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар олдида нутқ сўзламоқчи бўлса...?	
2 Нутқ сўзлаётганда ходим ўзини...?	
3 Нутқ маданиятида каби саволларга	

	тўғри жавоб топиш ва унга амал қилишга катта аҳамият берилади...?	
<b>4</b>	Ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролар билан муомала жараёнини асосини нима ташкил қиласди?	
	Ходимларининг фуқаролар билан неча фоизини вербал муносабатлар ташкил қиласди?	
<b>6</b>	Фуқаролар ходим билан муомала қилганда неча минутга етмасдан уларда ходим ҳақида фикр шаклланади?	
<b>7</b>	«Ширин сўз айтиб ғанимни имонга киритгин»-деган сўзлар муаллифи ким?	
<b>8</b>	«Тил қиличдан ўткир, бир калима ширин сўз қилични қинга киритар»-деган сўзлар муаллифи ким?	
<b>9</b>	Нотиқ бу...?	
<b>10</b>	«Гап сўзда эмас, оҳангда»-деган сўзлар муаллифи ким?	
<b>11</b>	Нутқ сўзлашдан олдин...?	
<b>12</b>	Ҳар қандай нутқингизнинг давомийлиги неча дақиқадан ошмаслиги керак?	
<b>13</b>	Сўз – кумуш, сукут –...?	
<b>14</b>	Оммавий тадбирларда нутқ сўзлашдан олдин нимага эътибор бериш шарт?	
<b>15</b>	Нутқ сўзлаётганда нимага йўл қўймаслик керак?	

# **КОРРУПЦИЯ – ИЧКИ МАЪНАВИЙ ТАҲДИД – ЎҚУВ МОДУЛИ**

## **1-МАВЗУ: «КОРРУПЦИЯНИНГ МАЗМУН-МОХИЯТИ»**

**Режа:**

**Маъруза машғулоти (2-соат)**

**1-савол.** Коррупция: унинг келиб чиқиш илдизи.

**2-савол.** Коррупцияни ривожлантирувчи омиллар.

**3-савол.** Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунида ички ишлар органи ходимларининг вазифалари.

### **1-ўқув саволи. Коррупция: унинг келиб чиқиш илдизи.**

**“Давлат тузумини ичидан емирадиган ижтимоий барқарорлик кушандаси бўлган коррупция балосига қарши, бюрократиянинг ҳар қандай кўринишларига, одамларни менсимаслик, маҳаллийчилик ва гурухбозлик иллатларига қарши барчамиз кескин кураш олиб боришимиз керак.**

**Мен ишонаман – кўпни кўрган, мард ва олижаноб, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимиз билан биргаликда Янги Ўзбекистонни – инсон тинч, озод ва фаровон яшайдиган давлат ва жамиятни албатта барпо этамиз”**

**Шавкат Мирзиёев.**

Коррупциянинг тарихий ўзаклари жуда жуда қадимга бориб тақалиб, бу ҳол қабилада маълум мавқега эга бўлиш учун қабила сардорларига совғалар бериш одатидан келиб чиқкан деб тахмин қилинади. Ўша даврларда бу нормал ҳолат сифатида қабул қилинган. Бироқ давлат аппаратининг мураккаблашуви ва марказийлашуви коррупциянинг давлат ривожланишига катта тўсиқ эканлигини кўрсатди. Коррупцияга қарши курашган биринчи давлат сифатида қадимги Шумер давлати тан олинади. Қадимги давлатларни айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг порахўрлиги қаттиқ ташвишга солганлиги бизгача сақланиб қолган манбалардан маълум. Чунки бу ҳолат давлатнинг обрўсига жуда қаттиқ путур етказарди. Дунёнинг етакчи динларида ҳам биринчи навбатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг порахўрлиги қаттиқ қораланади. Жумаладан, Инжилда “Совғаларни қабул қилма, чунки совға кўрни кўрадиган қилади ва ҳақиқатни ўзгартиради”

дейилган бўлса, Қуърони Каримда “**Бошқаларнинг мулкини ноҳақ йўл билан олмангиз ва бошқаларга тегишли бўлган нарсаларни олиш учун ўз мулкингиздан ҳокимларингизга пора қилиб узатмангизлар**” дейилган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб жамият давлат бошқарув аппаратининг иш сифатига тоборо қўпроқ таъсир кўрсата бошлади. Бу ўша даврда қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Жумладан, **1787 йилда қабул қилинган АҚШ Конституциясида пора олиш АҚШ президентини импичментга тортиш мумкин бўлган икки жиноятнинг бири сифатида кўрсатиб ўтилган**. Сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва уларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрнининг ошиб бориши XIX-XX асрларда ривожланган давлатларда коррупциянинг дунёning бошқа мамлакатларига нисбатан анча камайишига олиб келди.



**Коррупция** — бу жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллатdir. Мазкур иллат демократия ва хуқуқ устуворлиги асосларига путур етказади, инсон хукуклари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўскенилик қиласи, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради.

Халқ тилида соддагина қилиб - порахўрлик, кенг маънода коррупция, деб аталувчи ҳодиса барча ислоҳотлар илдизига болта ураркан, ушбу мақолада уни келтириб чиқарувчи сабаб ва қарши кураш чораларини таҳлил этамиз.

### Аудиторияга савол: Хўш коррупция деганда нимани тушунасиз?



«**Коррупция**» атамаси лотинча *«corruptio»* сўзидан келиб чиқкан бўлиб, «бузиш», «сотиб олиш», «емирилиш» деган маъноларни англатади.

БМТнинг Коррупцияга қарши курашга оид маълумотномасида: **«Коррупция – шахсий мақсадда фойда олиш учун давлат ҳокимиютини суистеъмол қилиш»** эканлиги кўрсатилган.

Порахўр(лик) шахсий манфаат, ғаразли мақсад йўлида ҳар қанча товламачилик қилишга ҳозири нозир маънавий қашшоқ кимсага хос иллат.


Илмий адабиётларни ўрганиш шундан далолат берадики, коррупцияни, амал қилиш даражаларига қўра, қўйи, юқори ва вертикал коррупцияга ажратиш мумкин.

## **Ҳозир вақтда коррупция:**

- иқтисодий ривожланишга путур етказиши;
- демократик институт ва қонуннинг устунлиги принципини кучсизлантириши;
- жамоат тартибини бузиши ва жамият ишончини йўқотиши, бу билан уюшган жиноятчилик, терроризм ва инсоният хавфсизлигига нисбатан бошқа таҳдидларнинг гуллаб-яшнашига имкон беришини барча тан олган.

**Коррупциянинг келиб чиқиши сабаблари.** Коррупция – глобал ҳодиса, ундан заар кўрмаган мамлакат йўқ, лекин коррупциялашув даражаси турли мамлакатларда ҳар хил. Бу коррупция илдизлари чукур бўлишидан гувоҳлик беради.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунчилиги БМТнинг Коррупцияга қарши қураш конвенциясида кўрсатилган коррупция билан боғлиқ барча жиноий актларни қамраб олади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси юқорида қайд этилган конвенцияда кўрсатилмаган коррупция билан боғлиқ жиноий актларни ҳам назарда тутади.



Мутахассислар буларга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг **167, 175, 205, 206, 207, 208, 209, 210, 211, 212, 213, 214, 230, 236, 241-1, 243-** моддаларини киритиш мумкинлигини таъкидлайдилар.

## **Коррупция иккига бўлинади:**


**1. Қўйи коррупция** ҳокимият ва бошқарув органларининг ўрта ва қўйи даражаларида энг кўп тарқалган бўлиб, амалдорлар ва фуқароларнинг доимий ўзаро муносабати билан (рўйхатдан ўтиш, жарималар, лицензия ва турли рухсатномалар олиш кабилар) боғлиқ.

**2. Юқори коррупция** ҳокимият органларида ишловчи сиёsatчилар, олий мартабали амалдорларни қамраб олади ҳамда юқори баҳога эга бўлган қарорлар қабул қилиш (қонунларни, давлат буюртмаларини лоббилаш ва қабул қилиш, мулкчилик шаклларини ўзгартириш ва шу кабилар) билан боғлиқ. Аксарият ҳолларда коррупция битимидан манфаатдор бўлган иккала томон битта давлат ҳокимияти органига мансуб бўлади. Масалан, қуий турувчи давлат органининг амалдори юқори турувчи бошлиғига у пора берувчининг коррупциявий ҳаракатларини ёпиб туриши ёхуд қўшимча молиявий ресурслар, ваколатлар бериши кабилар эвазига пора беради.

**Коррупция жиноятчиликнинг энг хавфли шакли** бўлиб, алоҳида белгиларга эга. Бир томондан у тизимли ҳодиса сифатида уюшган, ғаразли, иқтисодий ҳамда касбий жиноятчиликнинг таркибий қисми ҳисобланади ва улар билан боғлиқдир. Бошқа томондан, у жиноий жавобгарлик назарда тутилган аниқ жиноятлар мажмуи ҳисобланади. Совет қонунчилиги «коррупция» тушунчасини тан олмаган бўлса-да, ўша давларда «лавозим

жиноятлари» деган тушунча мавжуд эди. Уларнинг аксарияти бугун коррупция ҳисобланади.

Коррупция иқтисодий ва ижтимоий хавфсизликка кескин таҳдид солувчи тўсиқ вазифасини ўтайди. Коррупция иқтисодий тараққиётнинг кушандаси сифатида эътироф этилган, чунки у жамиятда камбағалликни келтириб чиқаради. Сабаби ривожланиш учун мўлжалланган жамиятнинг ҳалол ва фидокорона меҳнати билан топилган маблағларни ўзига жалб қиласди. Натижада тенгсизлик ва адолатсизлик ривожланиши учун қулай замин яратади. Бу ижтимоий кескинликни келтириб чиқаради, жамиятда ижтимоий зўриқиши пайдо бўлади ва оммавий тартибсизликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.



**Коррупция** – жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллат. У демократия ва хукуқ устуворлиги асосларига путур етказади, инсон хукуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қиласди, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради.



### Коррупциянинг жамиятга салбий таъсири

- Фуқароларда сиёsatга ишонч қолмайди;
- Иқтисодиёт таназзулга учрайди;
- Хукукий тизимга путур етади;
- Ҳокимиятга нисбатан норозилик кучаяди;
- Таълим тизими таназзулга учрайди.

**Аудиторияга савол: Коррупциянинг жамиятга қандай таҳди迪 бор деб ўйлайсиз?**

**Коррупциянинг жамиятга таҳди迪 ҳақида** тўхталиб ўтадиган бўлсак, фуқароларда мансабдор шахсларга, сиёsatга ишонч қолмаслиги натижасида барқарор давлат бекарор давлатга айланиши мумкин. Буни биз

Қозоғистондаги, Шри-Ланка, Венесуэлла давлатларидағи ҳолаттарни мисол келтиришимиз мүмкін.

ХХ асрнинг иккинчи ярмига келиб коррупция халқаро муаммога айланди. Бир мамлакат доирасида илдиз отган коррупция бошқа мамлакатларнинг ривожланишига салбий таъсир қўрсатмоқда. 1994 йилнинг 31 декабрида «Financial Times» газетаси дунё ахолисининг коррупцияга оид саводхонликни ошириш мақсадида **1995 йилни «Коррупция йили»** деб эълон қилганлиги кўпчиликка маълум. Бирлашган Миллатлар ташкилоти эса коррупцияга оид саводхонликни ташвиқот қилиш учун **9 декабряни «Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни»** деб таъсис этди ва ушбу кун 2004 йилдан бошлаб нишонланиб келинади.

**БМТнинг Коррупцияга қарши кураш конвенцияси** 2003 йил 31 октябрь куни қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг мазкур конвенцияга **2008 йил 7 июль куни** кўшилган. Бугун дунёнинг 158 та давлати ушбу конвенциянинг аъзоси ҳисобланади.

“Transparency International” халқаро нодавлат ташкилоти томонидан Ўзбекистон Республикаси **2022 йилда 180 давлат орасида 31 балл билан 126-ўринни** эгаллади. 2021 йилда 140-ўринда эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июнда ПФ-6013-сонли фармонига асасан **Коррупцияга қарши курашиш агентлиги** ташкил этилди. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунади.

## 2-ўқув саволи. Коррупцияни ривожлантирувчи омиллар

Ушбу иллатни тадқиқ қилган бир қатор йирик мутахассислар қўйидаги факторларни коррупцияни юзага келтирувчи омиллар сифатида кўрсатади.

**Икки хил маънони англатувчи қонунлар** — ушбу вазият ҳуқуқни қўлловчи мансабдор шахс томонидан қонунларни турлича қўллаш имконини яратади. Шунингдек, айрим мутахассислар жиноят, маъмурий қонунчиликдаги “вилка” санкцияларни ҳам коррупцияга қулай шароит яратиши мумкинлиги ҳақида фикр юритишган. Яъни, санкциянинг аниқ миқдори йўқлиги судъяда уни ўз ҳоҳишига қараб қўллашга шароит яратиб беради.

**Аҳоли ҳуқукий саводхонлигининг пастлиги** — аҳоли томонидан қонунларни билмаслик ёки тушунмаслик мансабдор шахсга ўзининг шахсий манфаати йўлида қонунлардан фойданишга қулай шароит яратади.

**Мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг нотинчлиги** — мамлакатдаги нотинчлик биринчи навбатда аҳоли онгода ҳаётда юксак турмуш даражасига эришишнинг асосий усули қонунга хилоф фаолият билан боғлиқ, деган мутлақо ахлоққа зид нуқтаи назар шаклланишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида коррупцияга қулай шароит яратади.

## Аудиторияга савол: Хўш, коррупция қандай омиллар сабаби ривожланади?

Агар коррупцияга барҳам берилмаса, эртанги кунимиз қандай бўлади



### Коррупцияни ривожлантирувчи омиллар

- Менталетит;
  - Таниш билишчилик;
  - Маҳаллийчилик;
  - Аҳолининг давлатни назорат қилишдаги суст иштироки;
  - Мамлакат юқори бошқарув органларининг аҳолидан узилиб қолганлиги;
  - Фуқароларнинг хуқуқий маданиятининг пастлиги;
  - Мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг нотинчлиги;
  - Инфляциянинг юқори даражаси;
  - Иқтисодиётнинг давлат томонидан назорат қилиниши;
  - Ойлик маошнинг пастлиги;
  - Қонунчиликдаги камчиликлар;
  - Диний билимларнинг саёзлиги;
- (Ҳалол нима-ю ҳаром нима эканлигини билмаслик)
- Одамларнинг моддиятга ўта берилиши.

**3-ўқув саволи. Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунида ички ишлар органи ходимларининг вазифалари.**

“Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун 2017 йил 3 январь куни тасдиқланган ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди. Қонун ЎРҚ-419 билан рўйхатга олинган.

**Ушбу қонуннинг мақсади** коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

#### **Қонунда асосий тушунчалар:**

**коррупция** - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини қўзлаб моддий ва номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши.



**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** - коррупция аломатлариға эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун хужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**манфаатлар тўқнашуви** - шахсий (бевосита ёки бевосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг хуқуклари ва қонуний манфаатлар и ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

### **Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари**

- ❖ Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари куйидагилардан иборат:
  - ❖ конунийлик;
  - ❖ фуқаролар хуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги; очиклик ва шаффоффлик;
  - ❖ тизимлилик;
  - ❖ давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги;
  - ❖ коррупциянинг, олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги;
  - ❖ жавобгарликнинг муқаррарлиги.

**Аудиторияга савол: Ўзбекистон Республикасида қайси органлар коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширади?**



**Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари қуйидагилардан иборат:**

- ❖ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- ❖ Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;
- ❖ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
- ❖ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

❖ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти.

❖ Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун хужжатларига мувофик, бошқа давлат органлари ҳам амалга оширади.

### **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўз ваколатлари доирасида: коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупция билан боғлиқ, жиноятлар бўйича тезкор-кидирув фаолиятини, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширади;

коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғади ҳамда таҳлил қиласи, тегишли давлат органларига зарур ахборотни тақдим этади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган хукуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

аҳоли ўртасида жамиятда хукуқий онгни, хукуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган хукуқий тарғиботга доир фаолиятда иштирок этади;

коррупцияга оид хукуқбузарликлар тўғрисидаги статистика маълумотларининг ҳисоби юритилишини ва таҳлил қилинишини таъминлайди.

### **Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этишга доир чора-тадбирлар**

Давлат органларининг ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, давлат органларининг ходимлари ўзининг бевосита раҳбарини дарҳол ҳабардор қилиши керак. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

Давлат органларининг маҳсус бўлинмалари ёки одоб комиссиялари манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга оширади.

### **Жаҳон мамлакатларида коррупцияга қарши курашнинг қўйидаги усуллари мавжуд.**

**Ички назорат** —бу усул бошқарув аппаратининг ўзида назоратни кучайтирувчи тузилмалар (ҳар хил ички инспекциялар ва бошқа назорат органлари тузиш орқали) яратиши тақазо этади. Бу тузилманинг асосий вазифаси ходимларнинг ички этикет қоидаларига риоя қилишини назорат қилишdir. Ҳозирги кунда бизнинг юртимизда ҳам бир қатор хукуқни муҳофаза қилиш органларида айнан шу вазифани бажарувчи ички

тузилмалар яратилган.

**Ташқи назорат** — бу усулда ижро аппаратидан мустақил тузилмаларнинг мустақиллигини ошириш назарда тутилиб, айнан ушбу тузилмалар орқали коррупцияга қарши самарали қураш олиб борилади. Яъни, суд ҳокимиятининг максимал даражада мустақиллигига эришиш оммавий ахборот воситаларига кўпроқ эркинлик бериш ва ҳ.к.

**Сайлов тизими орқали қурашиш** — демократик давлатларда сайланган вакилларни коррупция учун жазолашнинг асосий усулларидан бири кейинги сайловларда унга овоз бермаслик ҳисобланади. Коррупцияга сайловлар орқали таъсир ўтказиш энг самарали усул ҳисобланади.

### Ўзингизни синанг!

Коррупция...

Пора...

Манфаатлар тўқнашуви...

ИИО ходимларининг коррупцияга қарши қурашда ваколатлари...



### Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши қурашиш тўғрисида”ги қонунини ўқиб ўрганиш.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарорини ўқиб ўрганиш.

### Назорат саволлари

1. Коррупция тушунчасининг мазмун-моҳиятини изоҳлаб беринг.
2. Коррупция нима учун маънавий таҳдид деб аталади?
3. Ички ишлар органи ходимлари коррупцияга қарши қурашда қандай вазифаларни бажаради?
4. Ходимлар орасида коррупция билан боғлик ҳолатларини олдини олиш учун қандай ишларни олиб бориш керак?

## 1-МАВЗУ: КОРРУПЦИЯНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Семинар машғулоти (2-соат)


### “БАЛИҚ СКЕЛЕТИ” ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРИ (ГО)

График органайзер ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Уни қўллашда ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларда мантиқий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш қўнималари ривожланади.

#### “Балиқ скелети” график органайзери фойдаланиш қуидагича амалга оширилади:

- ўқитувчи ўқувчи (тингловчи)ларни Гони қўллаш шарти билан танишитиради;
- ўқувчи (тингловчи)лар кичик гуруҳларга бириктирилади;
- гуруҳлар топшириқларни бажаради;
- гуруҳлар ўз ечимларини жамоага тақдим этади;
- жамоа гуруҳларнинг ечимлари юзасидан муҳокама уюштиради

Ўқувчи (тингловчи)лар топшириқларни қуидаги тасвир асосида бажаради:



Ўқитувчи “Балиқ скелети” методидан семинар, амалий машғулотларда фойдаланиб самарали натижага эришса бўлади. Бунинг учун ўқитувчи ўтиладиган мавзуси юзасидан долзарб муаммони танлайди ва гуруҳларга эълон қиласди.

#### Муаммо:

1. Ходимлар фаолиятида порахўрлик, таъмагирлик ҳолатлари.
2. Коррупцияни ривожлантирувчи омиллар.
3. Коррупциянинг жамиятга таҳдииди.

## 2-МАВЗУ: «ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ХУЛҚ АТВОРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ»

Режа:

Маъруза машғулоти (2-соат)

**1-савол.** Ҳалоллик, шукр, қаноат, сабр тушунчаларининг моҳияти.

**2-савол.** Ички ишлар органлари ходимларини ҳалоллик руҳида тарбиялаш.

**1-савол: Ҳалоллик, шукр, қаноат, сабр тушунчаларининг моҳияти.**

Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимиизга қўйган юксак мэрраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак.

Шавкат Мирзиёев.

«Одам боласи бу ёруғ оламга ёмонлик, ҳаром иш, жиноят, хиёнат қилиш учун келмайди. Унда мақсад, масъулият, дахлдорлик ҳисси доим улуғвор. Шу боис пешона тери, ҳалол хизмати билан яхшиларга ёндашади. Кимни баҳтли, деб ҳисоблаш мумкин, деган саволга юонон файласуфи Суқрот шундай жавоб берган экан: «Кимда ҳалол фикр ва ўткир зеҳн бўлса, ўшани». Демак, ҳалоллик фикрдан бошланмоғи керак. Ҳалоллик шунчаки инсоний фазилат эмас, балки маънавий покланиш жараёни, ғуур, метин ирода, сабр-қаноат, ўзини ўзи назорат қилиш, ички ва ташқи фазилатлар уйғунлигидир.

**Аудиторияга савол: Ҳалоллик, пешона тер деганда нималарни тушунасиз?**

«Ҳалол» – арабча сўз бўлиб, рухсат этилган, йўл қўйилган, қонуний, асосли, тўғри, виждонли одам маъносида ҳам, шариат ҳукмига мувоғиқ эса, ичса, фойдаланса бўладиган; ҳаром эмас деган мазмунга ҳам эга.



«Ҳалоллик» кишининг ўзига қарашли, ўз меҳнати билан, пешона тери тўкиб топилган, хиёнат, фирромлик кабилардан ҳоли демакдир. Куръони карим, ҳадислар ва шариат кўрсатмалари инсон маънавий-маърифий камолотининг асоси бўлган ахлоқ-одоб тарбиясининг барча кирраларини ўз ичига олган.

Сирасини айтганда, ҳадислар маънавий-ахлоқий тарбияга оид фикрларнинг муқаммал тўпламидир. Куръони карим, ҳадисларни, шариат кўрсатмаларини ўрганар эканмиз, уларда ахлоқий камолот, ҳалоллик ва поклик, иймон ва виждон билан боғлиқ бўлган бирорта ҳам муҳим масала эътибордан четда қолмаганини кўрамиз. Айниқса ислом ҳаром ва ҳалол масаласига мусулмонлар эътиборини қаратади. Шариатда Оллоҳ томонидан қилинишига руҳсат этилган амаллар, ишлар ҳалол дейилади. Ҳаром эса, аксинча, қилинишига руҳсат этилмаган ишлар ва амаллардир. Одатда, ҳалқимиз «ҳалол» ва «ҳаром»ни ейиладиган ва ичиладиган нарсаларга ишлатиб келган. Шариатда ижозат этилган ҳамма нарсалар, ейиладиган озиқовқатлар, қилинадиган ишлар ҳалол деб ҳисобланган. Ижозат этилмаган нарсалар, ишлар ва амаллар эса ҳаромдир. Оллоҳ ҳаром этилган ишларни қилувчиларга бу дунёда ёки қиёмат кунида жазосини албатта бериши айтилган.

Худо бизга қўйган талаб битта – иймонли бўлиш, ҳалол яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш. Ҳар қайси инсон қаерда бўлмасин ва қайси вазифани бажармасин, у вилоят раҳбарими, туман ҳокимими, хўжалик ёки корхона раҳбарими, оддий косиб ёки деҳқонми – мартабаси ва касбидан қатъи назар, ўзини ҳаром-ҳариш ишлардан тийсин ва ўз жойида ўз вазифасини ҳалол бажарсин”.



[Шу ўринда Искандар Зулқарнайнинг қилган васияти билан танишсак:](#)

Искандар Зулқарнайн шундай деган экан;  
- Мен вафат этгач мозорга олиб бораётганда қўлимни тобутдан чиқариб қўйинглар, токи ярим дунёни эгаллаган бўлсада, у дунёга қуруқ қўл билан кетаётганимни одамлар кўриб қўйсин.

Искандар Зулқарнайнинг бундан 25 аср олдин қилиб ўтган васияти ҳозирги кунда ички ишлар органлари ходимлари учун ибрат вазифасини ўтаса не ажаб.



**Низомий Ганжавий** ўзининг «Хамса» асарида меҳнатнинг инсон ҳаётининг боши ва асоси деб атаб «Биз дунёга сафсата сотиш учун эмас, балки меҳнат учун келганмиз. Ҳалол турмушинг меҳнатдир. Ҳар қандай оғир мاشақатли меҳнат таъмагирликдан, бирорларнинг инъом-эҳсонига тобе бўлишидан афзалдир»-дейди, ва:

**Ўзга хизматига чўзмайин қўлин,  
Қўл кучидан ризқ топмоқлик йўлим,  
Ўз ризқин меҳнати келмас ҳеч малол,  
Фақат меҳнат ила топган нон ҳалол.**

Низомий Ганжавий яна: “Халқим меҳнатининг маҳсулини ейиш билан қорнингни тўлдир, куртдек шишир. Лекин унутмагинки, бир кун келади, унда еганларни қустириш учун, уларни бармоқقا айлантириб буғзингга тиқадилар”-дэя, ўз замонасининг одамларини ҳалол меҳнат қилишга, ҳаромдан ҳазар қилишга, бирорнинг ҳаққини емасликка чақиради.

Халқимизда сақланиб келаётган бир мақолда юқоридаги мавзуга алоқадор фикр таъкидланади: **«Яримта ноним – роҳати жоним»**. Мақолнинг сиртқи ва бирламчи маъноси озгина бўлса ҳам, ҳалол ризқ топган одам қалб ҳаловатини сезиши ҳақида. Буни бошқача томондан таърифлаш ҳам мумкин: қанчалик бойиб кетсанг-да, қалбингга губор туширадиган ишни қилишдан сақлан, шунда олдингдаги ҳалол ризқингни роҳатланиб, маза қилиб ейсан.

Лекин дунё тамаддунида ўзига хос салмоқقا эга бўлган донишманд ҳалқимизнинг мақоли бор: **«Арzonнинг шўрваси татимас»**.

Яқин ўтмишда ота-боболаримиз рўзгор тебратаман, деб ўз уйларидан чиқишида аёллари уйда ўнлаб қиз-ўғил фарзандлари бўлса ҳам, турмуш ўртоғига қарата: **«хўжайин, оиласизга, фарзандларимизга фақат ҳалол ризқ олиб келинг, бизлар бу дунёда очарчиликка чидаймиз, лекин охиратнинг азобига чидай олмаймиз»**-дэя, ҳалол ризқка жуда қаттиқ эътибор қаратишганлар. Тозаликка, ҳалолликка шу даражада эътибор берганки, ҳаттоки, ариқларда оқаётган сувлардан одамлар эҳтиёjlари учун истеъмол сифатида фойдаланганлар. Момолар совчиликка боришмоқчи бўлсалар, бўлажак келиннинг ҳовли супиришини кузатишганлар. Қизлар ахлатларни ариқ томонга супуришмаса, совчиликка боришганлигини ҳозирги кунда кексаларимиз хотирлаб ўтади.

Атрофга қарайлик, кимнингдир боласи ўғирлик қилиб, қамалган. Кимнингдир боласи жиноят қилиб, қочиб юрибди. Яна кимнингдир қизи фахш кўчасига кириб кетган... Бу кўргиликларнинг илдизи қаердан сув ичади? «Қозонингга меҳнат ҳосилидан бўлак ҳаром-хариш нарса тушмасин, билъакс, уни истеъмол қилган фарзандлар ота-онасига бемехр, бемуруват бўладилар», деган оддий ҳақиқатни билмайдиганлар кўпми орамизда? Ҳаром ботқоғига ботиб ётганларга бало ҳам урмаяпти, сотувчи-харидор можароси

денгиздан бир томчи-ку, демоқчимисиз?

**«Расулуллоҳ (с.а.в.) ўз ҳадисларида пора олган ҳам, пора берган ҳам дўзахий эканини таъкидлаганлар.** Поранинг тури кўп. Масалан, пора – ҳақи бўлмаган ишни бажариш учун ишнинг бошида турган раҳбарларни ҳаром йўлга, файриқонуний йўлга бошлиш, тўғри йўлдан кўз юмиш, ноҳақлик қилиши учун бериладиган пул ёки моддий манфаатдорлик. Натижада ҳар икки томон ҳаром ишга қўл урган бўлади.

Хоҳ суд, хоҳ солиқ, хоҳ божхона, хоҳ ҳокимият маъмурияти бўлсин, хоҳ олий ўқув юрти ёки шу каби бошқа жой бўлсин, у ерда давлат томонидан ҳар бир фуқаронинг ҳақини хисоб-китоб қиласиган, ишчиларга маош берадиган ходим ёки ходимлар бўлади. Бу ходим, албатта, қонун асосида ишлаши, ҳар бир фуқаро ҳақини кўз қорачиғидек асрashi керак. Лекин пора бериб, ўз ишини бажарадиган киши: «Сенинг халқнинг ҳақи билан ишинг бўлмасин, лавозимингни ҳам ўйлама, мен сенга шунча пора бераман, менинг ишимни бажар. Ноҳақ бўлсан ҳам ишим битсин. Мен сени кўрмадим, сен мени кўрмадинг, тамом-вассалом!», – деб ишини бажариб кетганлар оқибатини, дўзах оловини ўйламайдиларми? Олганлар-чи?! Гугурт чўпининг олови бармоқни куйдирса, неча кун азоб чекилади, а? Жаҳаннам олови-чи?

Инсонни ҳалол яшashi ёки ҳаром яшashi бу биринчи навбатда кишининг нафсига боғлиқ»<sup>3</sup>.

Ҳазрати Аҳмад Яссавий ҳикматларида илгари сурилган ахлоқий панд-насиҳатлардан молпарастликни фош этиш, кишиларни инсофли, диёнатли, иймонли бўлишга чақиришда фойдаланиш ўринли. Яссавий инсон ҳаётидаги катта кураш - нафсни таслим этишга хизмат қиласиган кураш деб ҳисоблаган. Нафсга мағлуб шоҳ - қул, нафсдан устунликка эришган ғариф - шоҳдир, деб айтади. Нафс инсон учун катта ёвдир. Шу ёвнинг бошини янчган, уни енгган, нафсга таслим бўлмаган кишининг ғурури ва инсоний қадр-қимматини ҳеч ким поймол қила олмайди, деб билган. Ўз ҳикматларидан бирида шундай дейди:

**Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,  
Йўлдан озиб, тойиб, тўзиб гумроқ бўлур.  
Ётса - турса шайтон билан ҳамроқ бўлур....**

У нафс бандаларига қаратса «Нафсни тебгил, нафсни тебгил эй бадкирдор» деб мурожаат этади, ва

**«Нафсим мени йўлдан уриб хор айлади,**

**Термултириб ҳалойиққа зор айлади»,** - деб нафс бандаларини танқид этади. Нафс инсондаги бутунликни, иймонни синдиради, маънавий жиҳатдан жарликка қулатади. Шу боис «Нафсни таниб меҳнат етса роҳат», - деб хитоб қиласиган. Бу ғоялар бизнинг ҳозирги кунимиз, тарбиямиз учун гоят муҳим.

Ҳар бир инсон ўзига-ўзи савол берадиган вақт келди. Қандай савол бўлиши мумкин. Мен кимман? Бу ёруғ оламга нимага келдим? Шу бугун давлат, жамият, ҳалқ манфаати учун нима иш қилдим?-деган саволлар. Ҳар


<sup>3</sup> Икромов Ш.Т. Юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юрга садоқат, адолат, ҳалоллик фазилатларини ва муомала маданиятини камол топтириш. Т.: 2014.

бир инсон бу саволларга қуйидагича жавоб излаши: «Мен инсонман, инсон. Менда ҳеч қайси ҳайвонда йўқ нарса ақл бор, онг бор, фикрлаш бор. Мен нима учун шундай неъматларни қадрига етиб «ИНСОН» бўлишга ҳаракат қилмайман. Давлат, жамият томонидан белгилаб берилган қонун ва ахлоқ мезонларини бузаман. Менинг инсон эканлигим каерда қолди. «Эҳ», «аттанг», «қанийди»-деган сўзларни кеч бўлмасидан олдин ҳаракатни ҳозирдан бошлаш керак.

Маълумки, Бобур Мирзонинг отаси Умаршайх Мирзо темурий ҳукмдорлардан бири эди. Бобур ўз хотираларида отасининг нақадар адолатли ва ҳалол одам бўлганини кўрсатувчи шундай маълумотни келтириб ўтади. Қай бир йили Хитойдан Фарғонага келаётган минг кишилик карvon Ўш тоғларида қор кўчкини остида қолиб ҳалок бўлади. Умаршайх Мирзо дарҳол одамларини юбориб, карvonнинг юкларини назорат остига олдиради. Эгалари ҳалок бўлган шу молларни икки йилдан зиёд эҳтиётлаб сақлайди. Хуросон ва Самарқандга махсус одам юбориб, карvon эгаларининг меросхўрларини дараклатиб топтиради ва уларни ўз мамлакатига чақиририб, молларни тўлалигича қўлларига топширади.

Бундай мисолларни ўтмишдаги оддий одамлар ҳаётидан ҳам қўплаб келтириш мумкин. Худога минг шукрки, ҳозир ҳам ҳаётимизда шу эзгу тушунчалар барқарор ва устувор. Шунинг учун ҳам биз йўлимизда тўсик бўлиб турган, халқимизнинг, фуқароларимизнинг ҳақли равишда норозилиги ва қаҳрғазабига сабаб бўлаётган баъзи бемаъни ишларни таг-томири билан йўқотиш ҳақида очиқ, ошкора гапиряпмиз.

**Сабр.** (*арабча – аччиқ, чидам, бардош*) инсон маънавиятининг таркибий қисми бўлиб, ошиқмасдан кутиш ёки ўзини тия олиш, тоқат, чидам-бардош, иродада ва қаноат қилишни билдиради.



**Мавлоно Жалолиддин Румий:** «Сабр имон туфайли бошқаларга тож бўлади. Шунинг учун сабри йўқнинг имони ҳам бўлмайди».... «Унингдек тасбех йўқдир. Сабр қил, асл тўғри тасбех шудир. Сабр қил, сабр тангликнинг, изтиробнинг калитидир»<sup>4</sup>, деган фикрни билдирган.

<sup>4</sup> Жалолиддин Румий. Қалб кўзингни оч.... / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Бозорова. – Т., 2010. – Б.109.

Ички ишлар органлари ходимлари фаолияти турли ностандарт вазиятларда, қутилмаган ҳодисалар жараёнида кечади. Шу боис ҳам ходимнинг турли-туман зиддиятли ва тўсатдан юз берадиган воқеа-ҳодисаларга бардош кўрсата олиши талаб этилади.

### **Сабрга оид ривоят:**

Нақл қилишларича, бир амир подшоҳ билан бир иш юзасидан машварат қилаётган эди. Иттифоқо унинг кўйлаги ичига бир чаён тушиб, дам-бадам ниш ура бошлади, унинг баданига барча заҳарларини сочиб, азоб берди. Лекин амир сўзидан тўхтамади ва юзида ҳеч қандай ўзгариш ҳам содир бўлмади, сўзи ақл доирасидан ва хикмат қоидасидан ташқари чиқмади. Уйига қайтиб боргандан сўнг, чаённи кўйлаги остидин чиқарди. Бу хабар подшоҳга етди, у таажжубланиб, ҳайрон бўлди. Эртаси куни амир хизматга келганида подшоҳ деди: «Ҳар киши ўзига етган зарарни даф этиш чорасини кўради, сен ўтган кун чаён зарарини ўзингдин нима учун даф этмадинг?». Амир: «Мен сендеқ подшоҳ билан ҳамсуҳбат бўлиш шарафидан бир чаён захрининг алами туфайли воз кечадиган киши эмасман. Агар бутун бир чаённинг ниши захрига сабр эта олмасам, эртага жанг майдонида душманнинг ўткир тифи зарбига қандай қилиб тоқат қила оламан», – деб жавоб берди. Бу сўз подшоҳга хуш келиб, унинг мартабасини баланд қилди ва амир бир муддат сабр қилғанлиги сабабидан муроду мақсадига етди.



Халол хизмат қилиш ва турмуш кечиришда қаноатнинг ўрни ҳам бекиёсдир. **Қаноат** борасида ҳазрат Навоий шундай дейди: «Қаноат бир чашмаки, суви олган билан куримас, у бир хазинаки, сарфлаган билан нақди камаймас, у бир экинзорки, ундаги уруғлар иззату шавкат ҳосилини беради ва у бир дарахтки, муҳтожизсизлик ва хурмат мевасини тугади. Ундан кўнгилга очиқлик ва кўзга равшанлик етади.

Қаноатли дарвешнинг қотган нони тамагир шоҳнинг тўкин дастурхонидан яхшироқдир. Шоҳ бу олмасдан бергувчидир, гадо сочмасдан тергувчидир.

**Иш кўплиги-ю, вақт йўқлигидан нолиманг. Вақт кўплиги-ю, иш йўқлигидан қўрқинг. Одамни абгор қиласидиган нарса –бекорчилик.**

**Сабр** – барча шароитларда мувозанатни сақлаш, бошга тушган мусибатларга шикоят қилмай, бардош билан, нафснинг қуллик вазифаларини адо этиш ва ҳаромдан сақланишга мажбурлашдир.



**Шукр** эса Аллоҳ таолонинг беадад лутф ва эҳсонларига нисбатан Унга миннатдорлик ифодаси сифатида қулликни эътироф этган ҳолда Унга йўналишдир.

Хулоса ўрнида, қайси жамиятда ҳалол фуқаролар қўпайса, ўша ерда баҳт ва фаровонлик хукм сўради. Дил, тил ва амал бирлиги масаласи ҳам ҳалоллик тушунчасида қамраб олинади. Ҳозирги кунда давлатимиз миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, одамларни ҳалол, инсофли, адолатли бўлишга чақириш, жамият маънавий устуворлигининг муҳим жиҳати ҳисобланади.

## **2-ўқув саволи. Ички ишлар органлари ходимларини ҳалоллик руҳида тарбиялаш.**

Ҳалоллик инсонни улуғлайди ва обрўсини оширади. Шу боис ҳам ҳалоллик ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятининг бош мезони ҳисобланади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномада “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинmas экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланmas экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан

**курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”, деб таъкидлади.**

Бу Ватанимиз тараққиётини жадаллик билан олға суриш учун коррупция илдизларига болта уриш, ҳар бир одам ўз олдига ҳалолликни бош вазифа қилиб қўйиши лозимлигини, ҳалол бўлмаган одамларни мажозий маънода, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш зарурлигини англатади. Хўш, “ҳалоллик вакцинаси” нима ва у қандай эмланади?

Назаримизда, “ҳалоллик вакцинаси” инсон қалбига игна билан эмас, иймон нури орқали ўтиб, унинг виждонини поклайди. Ҳар қандай инсонга қондан ва она сути орқали “ҳалоллик вакцинаси” сингиб боради. Демак, инсон ҳалол бўлиши учун унинг иймони бутун бўлиши лозим. Ҳар бир одам ўз ишини ҳалол бажарса, у “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланган бўлади. Ана шундай иммунитетни шакллантириш вазифаси аввало ота-оналар, мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари ходимлари, шунингдек, ҳалқимизнинг зиёли, маънавиятли қисми зиммасига юкланди.

Иймонли одам ҳаром луқма, бирорвинг ҳақини ейишдан, ҳаром ишлар қилишдан тийилади, чунки унинг виждони поклиги бунга йўл қўймайди. Ва албатта, у ота-онаси, қариндош-уруглари, ҳалқи ва Ватани учун фидойилик билан ҳалол меҳнат қиласи, ҳалол луқма топиб, фарзандларига едиради.

Минг афсуски, яқин вақтгача “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмаган одамлар порахўрликка, таниш-билишчиликка берилиб кетиши натижасида коррупция ҳолатларига йўл қўйишиди. Бу ҳолат, барча соҳаларда бўлгани каби, таълим муассасаларига кириб келиши кечирилмас ва ачинарли ҳолат саналади. Олий таълим муассасаларида таниш-билишчилик, тоға-жиянчилик асосида ўқиши битириб, диплом олган мутахассис, яна шу асосда ишга жойлашиб ҳам оларди. Илмни пухта эгалламаган “мутахассис”дан нимани ҳам кутиш мумкин. Бундайлар ишлайдиган соҳа оқсайди, ривожланиш бўлмайди, охир-оқибатда жамиятни ботқоқликка қараб тортади.



**Абдулла Авлоний “Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”** – дея таъкидлаган.

Тарбия бир кунлик эмас, балки бир умрлик жараёндир. Аслида биз улкан миллий ва диний қадриятларга, миллий урф-одатларга эга бўлган буюк ҳалқмиз. Миллатимизда азал-азалдан иймон, эътиқод, виждон, диёнат, ор-номус, шарм-ҳаё, уят, инсоф, орият, андиша, ғуур, ифтихор, шижаат, сабр-тоқатлилик, бағрикенглик, меҳмондўстлик ва ҳалоллик каби инсонийлик хислатлари шакллантирилган.

Бу хислатларнинг барчаси бизнинг миллий қадриятларимиз ва маънавиятимиз саналади. Шу сабабли, биз уларни сақлашимиз, ривожлантишимиз ва фарзандларимиз қалбига доимий сингдириб боришимиз зарур.

Коррупцияни ҳозирги кунгача ҳеч қандай жазо, ҳеч қандай хавф олдини ололмаган. Бунинг ягона йўли – “ҳалоллик вакцинаси”. Яъни, ҳалоллик инсоннинг онгу шуурида бўлиши лозим. Уни эса пайдо қилиш керак бўлади. Йилнинг номида “маърифат” сўзи иштирок этаётгани ҳам шундан. Очкўзликни, ебтўймасликни фақат маърифат билан енгиш мумкинда. Миллатнинг юзлаб йиллар давомида йиққан билими, тажрибаси, маънавий қадриятлари, албатта, “ҳалоллик вакцинаси”ни пайдо қилиш учун етарли бўлади.

Жамиятни кузатсак, кўп мансабдор шахсларни муомаласини, юриш туришини кўриб инсонни дилида ҳавас ўйғонади. Кейин қараб кузатилса, мансаб ваколатини сустеъмол қилиб, давлатга жуда катта зарап етказганини эшитиб, гувоҳи бўламиз. Наҳотки, инсон онгли мавжудод бўлиб, ўйлаб кўрмаса. Ўйлаш учун Ватанини, аждодларини тарихини чуқур билиши керак. Мустақилликка эришмасимииздан олдин, Ўзбекистон СССРнинг «дала томорқаси» эканлигини ҳамма билади. Ватандошларимизни қул қилиб ишлатиб, Ватанимизнинг бор бойлигини талади, ташиб кетди. Мустабид тузум даврида ота-боболаримизнинг «ўз гўштини ўз ёғига қовуриб» пешона териси билан ишлаб топган бор мол-мулкини тортиб олишди, яна уларга бу ҳам етмаганидек тухмат тошларини отишди. Ўз юртларида пешона тери билан топган ризқларини ўз қўллари билан «катта оғалари»га тутқазишга мажбур қилдилар.

Энди Ватанимиз озод ва мустақил бўлганида орамизда «айрим кимсалар» ўз юртининг ва ўз ватаношларининг ҳаққига хиёнат қилиб, мансаб ваколатидан фойдаланиб, давлат мулкини ва ватандошлари ҳаққини била туриб, онгли равища англаш талон-тарож қилаётганлигини кўриб турибмиз. Наҳотки, инсон зоти ҳеч ўйлаб кўрмайди. Ўзига-ўзи: «Мен сустеъмол қилаётган бу мол-мулклар, Ватанининг мол-мулклари, мен сустеъмол қилаётган мол-мулклар ватандошларимнинг, миллатдошларимнинг мол-мулклари. Мен нима қиляпман ўзи? Ватан ишониб, мени шу мансабга лойик топганида, мен Ватан, халқ, жамият учун эмас, бу Ватан мен учун, бу халқ менинг оилас, менинг нафсим учун хизмат қилсинми? Мен сустеъмол қилаётган мол-мулклар қанчадан қанча инсонларнинг машақратли меҳнати эвазига тўпланган мулк-ку!»-дея, фикр юритса, яхши бўларди.

Мансаб ваколатидан фойдаланиб бир инсонга «қилган яхшилик эвазига» таъма қилиш қандай оқибатларга олиб келишини, ҳаёти, тақдири бир зумда ўзгариб, ҳар бир инсон ўзига ўзи душманлик қилиб қўйиши мумкинлигини бир ўйлаб кўриш керак.

Шу ўринда бир фикр юритсак, давлатнинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, фуқаролардан таъмагирлик йўли билан пора олиш қайси инсоннинг бу азиз умрини бир сониясига алмashiшга тўғри келади. Ҳеч қайси инсоннинг. Пора олиш, пора бериш ёки воситачилик қилиш бу дунёда жиноят эканлиги, бунинг учун жавоб муқаррар эканлиги жиноят кодексида белгилаб қўйилган. Қонунни тушунган, ўзини англаган, ҳаромдан ҳазар қиладиган инсон бу каби жиноятларни қилмайди ва ўзига

жиноятчи деган тамға босилишидан қўрқади. Бундай инсонлар эртасини ўйлади, ота-онасини, қариндош-уругларини, шириндан-шакар фарзандларини ўйлади. Уларнинг эртанги кунига доғ туширишга йўл қўймайди.

Ўз жигилдони пайида бўлган одамни, қорнини тўйғазиб олган молга ўхшатишган. Шундай экан, ички ишлар органлари ходимлари **хуқуқни муҳофаза қилиш органи вакили** бўлиб, ҳалолликка доимо эътибор қаратиб, ҳеч қачон давлат томонидан чиқарилган қонунларни бузмаслик, қонунларга хурмат руҳида ўзи тарбияламоғи шарт.

Ўзбекистон мустақил бўлиб, инсон хуқуқлари ва эркинликлари қадрланган ҳозирги шароитда, бир Ватанда яшаб, фуқароларга нисбатан мансаб ваколатидан фойдаланиб, пора олиш шу ватандошга нисбатан **хиёнат** эканлигини вақтида тушуниб этиш керак.



### **Ривоят қилишларича,**

уч-тўрт ёшли гўдак қўшнисиникидан тухум олиб чиқиб онасига беради. У бу қилмишининг ўғирлик эканини билмайди. Тухум кўзига чиройли кўрингани учун олган. Ҳаром ва ҳалолнинг фарқига бориши лозим бўлган, аммо, бунга амал қилмайдиган жоҳил она эса, боласини қайтариш ўрнига тухумни унинг қўлидан олиб:

— Менинг ақлли болагинам, онасига меҳрибон ширингинам, — деб алқайди.

Бола эса, қўшнисиникидан тухум ўғирлаб олиб чиқишини одат тусига киритади. Чунки онасининг мақтовларидан бу ишни хайрли деб билади. Оқибатда бола улғайгани сайин ўғирлик миқдори ҳам орта боради. Тухумдан товуққа, товуқдан қўйга... Нихоят, у ашаддий жиноятчига айланади-ю, қўлга тушиб ўлимга хукм қилинади. Она эса ёлғиз ўғлига шафқат қилишларини сўраб ёлборади. Онанинг илтижолари эътиборсиз қолдирилиб, ўғри йигит дор остига келтирилди. Унга: «Сўнгги тилагингни айт, бажарайлик», — дедилар. Йигит: «Ўлимим олдида онажонимнинг тилларидан бир ўпай», — деб илтимос қилди. Онани яқин келтирдилар. Йигит онасининг тилини ўпиш ўрнига тишлаб узуб ташлайди. Оломон: «Бу қаттол бунча бемеҳр экан», — деб уни лаънатлайди. Шунда йигит: **«Мени жиноят йўлига буриб, дор остига олиб келган шу тилдир. Аввал у жазо олмоғи керак эди»**, — деган экан, деди.

Шу ўринда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романидаги ёзилган қуйидаги сўзлар келтириб ўтсак. **«Бир хил одамлар бор: у эшикдан кириб бу эшикдан чиқиб кетаётганида қўлидан келганча савоб иш қиласди. Ҳаёт деган иморатга ақалли битта ғишт қўйиб кетади. Яна бир хиллари бор: ўша иморатдан ақалли битта ғишт ўғирлаб кетгиси келади. Ўғирлаб-ку, ҳеч қаёққа боролмайди, нариги эшик олдига борганда барибир ташлаб кетади. Икки орада иморатни**

**бузгани қолади...».**

«Менинг нафсим балодур, ёнар ўтга соладур» деган нақлда нафснинг оғир оқибатлари назарда тутилади. Тарихдан маълумки қанчадан қанча шоҳлар ҳам ўз нафси туфайли салтанатлари инқирозга юз тутган. Шоҳни гадо қилган ҳам шу нафс. Инсон давлатни мулкини нима учун талон-тарож қиласди, порани нима учун олади? Ўз нафсига қул бўлганидан олади. Шу жойда ақл нафсдан устун келганида эди, тарбия мустаҳкам бўлганида эди, давлатни мулкини талон-тарож қилмасди, пора олмасди, таъма қилмасди. Не ажабки, камбағалда пул йўқ, бойда эса, хотиржамлик.

### **МАЪЛУМОТ ЎРНИДА:**



Пора канда бўлмаса пароканда бўласан, деган нақл тасвири хаётий фаолиятимизда ўз аксини топаётгани рост. Айнан шу нақл ҳалол ва виждонли ходимларнинг шиоридир.

Самарқанд мунтазам йўл патруль хизмати масканида ўз ишини олиб бораётган Кармана тумани ИИБ ЖҚБ тезкор вакили Б.Т.Рахимов томонидан жорий йилнинг 28 ноябрь куни соат 12:00 ларда фуқаро

К.М ёнидан «гашиш» ва «героин» гиёхвандлик моддаларини олиб ўтаётганлиги аниқланиб, тадбир иштирокчилари томонидан далилий ашёлар билан қўлга олинди. Пайтавасига қурт тушган К.М жиноят иши ҳужжатларини «босди-босди» қилиш ва уни қўйиб юбориши учун тезкор ходимга 1000 АҚШ доллари миқдорида пора таклиф қилди.

Ходим Б.Т.Рахимов мазкур ҳаракатлар конунга зид эканлиги ҳамда ҳолатни оғирлаштиришга олиб келишини айтса ҳам пора таклиф қилишда давом этди.

Тезкор ходимнинг билдиргисига асосан Шахсий хавфсизлик ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида фуқаро Н.М айтилган пуллардан 500 АҚШ доллари ҳамда 498000 сўмини бераётган вақтда далилий ашёлар билан қўлга олинган.

Хулоса ўрнида, қайси жамиятда ҳалол фуқаролар қўпайса, ўша ерда баҳт ва фаровонлик ҳукм сўради. Дил, тил ва амал бирлиги масаласи ҳам ҳалоллик тушунчасида қамраб олинади. Ҳозирги кунда давлатимиз миллий-маънавий қадрияtlарни тиклаш, одамларни ҳалол, инсофли, адолатли бўлишга чақириш, жамият маънавий устуворлигининг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Ички ишлар органлари ходимлари оилада, иш жараёнида, жамиятда доим ҳалол бўлишга интилишимиз, хизмат вазифаларимизни бажаришда фуқароларга ҳеч қандай таъмагирлик қилмаслигимиз, машаққатли ва шарафли хизматимиз давомида ҳар қандай қийинчиликларни сабр-бардош билан енгиб ўтиш, доимо ўтган кунимиздан, Ватанимиз тинчлигидан беҳисоб Оллоҳга шукрлар айтиб, Ватанимиз ривожига ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим.

Захириддин Мұхаммад Бобурни бутун Ҳиндистон яхши ном билан хотирлайды. Нимагаки Бобур Ҳиндистонни нафсига қул бўлиб таламади, бузмади, балки тиклади ва қурди. Сабаб шу. Бизни ҳам Ватан, халқ яхши эслashi учун «яхши ички ишлар ходими» деган номга сазовор бўлишимиз учун ўзимиз доимо кеча-ю-кундуз шу Ватанинг, шу халқнинг хизматида бўлишимиз керак экан.

Демак, ички ишлар органлари ходимлари жамиятда инсонларни ҳақ-хуқуқларини ҳимоячиси бўлиб, турли хуқуқбузар ва жиноятчилар билан профилактик тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориб уларни хулқ-атворини тузатишга ҳаракат қиласди. Бизлар турли хуқуқбузар ва жиноятчиларни хулқ-атвори билан биргаликда ўзимизнинг ҳам хулқ-атворимизни тузатсак, эртанги йўлимидан адашмаймиз, бутун умр афсус қилишимизга ҳожат қолмайди.

### Ўзингизни синанг!

Ҳалоллик бу-...  
Қаноат бу-...  
Сабр бу-...

Ҳаром бу-...  
Нафс бу-...  
Шукр бу -...

- Мустақил таълим учун топшириқ:**
- Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунини ўқиб ўрганиш.
  - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарорини ўқиб ўрганиш.

### Назорат саволлари

- Ҳалоллик, шукр, қаноат, сабр тушунчаларининг ҳақида тушунчангиз.
- Ҳалоллик ҳақида аждодларимиздан қолган қандай ривоятларни биласиз?

## 2-МАВЗУ: «ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ХУЛҚ АТВОРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ»

Семинар машғулоти (2-соат)

### “САВОЛ-ЖАВОБ” МЕТОДИ

Метод мавзунинг ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар томонидан ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Уни қўллашнинг самарадорлиги савол-жавобларнинг аниқ, қисқа ва тушунарли тарзда ифода этилиши, айнан мавзуга доир бўлишига боғлиқ.

Таълим жараёнида методни қўллаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўқитувчи моҳияти ёритилган мавзу  
юзасидан саволлар тайёрлайди



Ўқитувчи саволларни тингловчиларнинг  
эътиборларига ҳавола этади



Тингловчилар берилган саволларга жавоб қайтариш  
орқали мавзуни ўзлаштирганлик даражасини намойиш этади



Ўқитувчи тингловчиларнинг савол-жавобдаги иштирокларини таҳлил  
қилиб, баҳолайди ва машғулотга якун ясади

### САВОЛЛАР:

1. Ҳалоллик деганда нимани тушунасиз?
2. Шукр деганда нимани тушунасиз?
3. Қаноат деганда нимани тушунасиз?
4. Сабр деганда нимани тушунасиз?
5. ИИОда узоқ йиллар хизмат қилишнинг шарти нимада деб ўйлайсиз?
6. Нафс нима, нафс балоси нима?
7. Ҳалққа садоқат билан хизмат қилиш ҳақида тушунчангиз?
8. Сизнингча ҳалол луқма нима-ю, ҳаром луқма нима?
9. Инсоннинг энг хавфли душмани ўз нафси бўлади, деган гап бор, шу ҳақда тушунчангиз?
- 10.ИИО ходимларида қандай ахлоқий фазилатлар шаклланиши зарур деб биласиз?

## **САВОЛЛАР:**

- 1.** Порахўрликка қарши курашнинг қайси усулини таъсирчанрок деб хисоблайсиз?
- 2.** ИИОда коррупцияни келиб чиқиши сабаби нимада деб ўйлайсиз?
- 3.** Пулга жуда ҳам муҳтожсиз, коррупция билан боғлиқ вазиятга дуч келган бўлсангиз, қандай йўл тутасиз?
- 4.** ИИО халқчил тузилмага айланишида коррупциянинг салбий таъсири борми?
- 5.** ИИО ходимлари орасида коррупция ҳолатларини нол фоизга тушуриш учун нима ишларни амалга ошириш керак?
- 6.** Ҳаром луқма едиришни фарзанд тарбиясида таъсири борми?
- 7.** Ҳалоллик ва ҳаромхўрлик ҳақида қандай ривоятлар биласиз?
- 8.** Коррупциянинг жамиятга қандай таҳди迪 бор?
- 9.** Тасаввур қилинг, сизни пора олиш жинояти билан ушлади, биринчи кўзингизни олдига нима келади. Тафаккур қилинг.
- 10.** “Кам кам хўр, ҳамиша хўр”, “Таша, яша”, “Давринг келди давронингни сур”, “Узумини е боғини сўрама”...давом эттиринг. Шарҳлаб беринг?

### 3-МАВЗУ: «КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ЖАХОН ТАЖРИБАСИ»

Режа:

Маъруза машғулоти (2-соат)

**1-савол.** Халқаро майдонда коррупцияга қарши кураш тажрибаси

**2-савол.** Коррупцияга қарши курашиш соҳасида айрим Европа, АҚШ ҳамда Осиё давлатлари тажрибаси

**1-савол: Халқаро майдонда коррупцияга қарши кураш тажрибаси**



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида **«Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласи. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар»**, деб белгиланган.

Асосий қонуннинг бу талблари давлат ҳокимияти, давлат хизмати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият механизмларида ёки уларнинг соҳаларида мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширади, давлат аппаратининг фуқаролар олдидаги мажбуриятларини белгилаб беради. Давлат аппарати тизимида хизматчилар ва мансабдор шахсларнинг ўз манфаатини кўзлаб, ўз ваколатларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиши порахўрлик, талон-торож бошқача айтганда, уюшган ёки коррупциявий жиноятчиликнинг ижтимоий хавфлилиги айнан шу тизим бузилишига ёки заарланишига сабаб бўлади. Давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳукукий тизимида путур етказади.

## **Аудиторияга савол: Хўш коррупцияга қарши курашда халқаро институтлар ичида универсал ташкилот қайси ташкилот хисобланади?**



Таъкидлаш ўринлики, **коррупцияга қарши курашда халқаро институтлар ичида универсал ташкилот** - **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти** муҳим роль ўйнайди.

БМТ томонидан қабул қилинган коррупцияга қарши курашга йўналтирилган ҳужжатлар ичида 2003 йил декабрь ойида қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенция катта аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Коррупцияга қарши кураш конвенциясига 2008 йил 7 июль куни кўшилган.

Шу қаторда ҳозирда коррупцияга қарши курашишга ўзларининг фаолиятида алоҳида эътибор бериб келаётган қуйидаги халқаро ташкилотларни кўрсатиб ўтиш мумкин: БМТ, Европа Иттифоқи, Жаҳон банки, Трансперенси Интернейшнл халқаро нохукумат ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Америка Давлатлари ташкилоти, Африка Иттифоқи, Араб давлатлари лигаси, Бутунжаҳон божхона ташкилоти ва бошқалар. Ушбу ташкилотлар томонидан коррупциянинг олдини олиш, унга қарши қурашишда ҳамкорлик қилиш ва бошқа давлатларни, халқаро бизнес ташкилотларини коррупцияга қарши курашга жалб қилишга қаратилган қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинган.

Ҳозирда ушбу ташкилотлар томонидан ёки улар иштирокида коррупцияга қарши курашиш бўйича бир қатор халқаро шартномалар мавжуд. Коррупцияга қарши курашда халқаро миқёсда қабул қилинган ва давлат хизмати сифатини кўтариш ҳамда давлат хизматчиларининг фуқаролар олдиғаги масъулиятини ошириш ва ахлоқий жиҳатдан кўтаришга қаратилган халқаро ҳужжатларга қўшилиш, уларга амал қилиш ҳар қандай давлат учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси ўз ички ва ташқи сиёсатини юритишда халқаро ҳуқуқ нормаларига устуворлик беради. XX асрнинг 90-йиллари бошидан халқаро ва минтақа доирасида коррупцияга қарши кураш билан боғлиқ шартномалар қабул қилина бошланди. Масалан, Америкааро коррупцияга қарши конвенция 1996 йил 29 марта қабул қилинган; Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан

➤ 1997 йил 21 ноябрда қабул қилинган “Халқаро тижорат битимларида хорижий давлатлар мансабдор шахсларини сотиб олишга қарши кураш тўғрисида”ги;

➤ Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси томонидан 1999 йил 27 январда

қабул қилингандай “Коррупция учун жиноий жавобгарлик”;

➤ 2003 йил 12 июлдаги Африка Иттифоқининг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш түғрисида”ги, БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка ҳамда коррупцияга қарши кураш” каби конвенциялар шулар жумласидандир.

МДХ доирасида эса, унга аъзо давлатлар томонидан 2003 йил 15 ноябрда 22-15 қарорга мувофиқ, “Коррупцияга қарши сиёсатнинг қонунчилик асослари түғрисида”ги модел (қонун) қабул қилинганди.

**Коррупция** - ҳар қандай давлатнинг сиёсий тузулиши, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражасидан қатъи назар, бутун дунёда глобал муаммо ҳисобланади.

Жумладан, яқин ўтмишда Осиё қитъасида жойлашган Жанубий Корея, Туркия ва Покистон давлатларининг собиқ раҳбарларига ва юқори мартабали мансабдор шахслари ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилганликлари учун уларга нисбатан парламент томонидан текширувлар ўтказилган. Франция, Германия, Буюк Британия, Италия, Япония ва АҚШ каби ривожланган мамлакатларда ҳам давлат хизматидаги мансабдор шахсларнинг коррупциялашуви тез-тез учраб туради. Мисол учун, 90-йилларнинг иккинчи ярмида Германияда 2 мингга яқин мансабдор шахсларга нисбатан пораҳўрлик ҳолатлари бўйича расман жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов қилинганди. АҚШнинг Оқ уй маъмурияти эса, доимий равишда сиёсий компаниялар учун ажратилган маблағлардан ноқонуний равишда фойдаланилганлиги ҳақидаги айловлар билан курашиб келади.

Ҳар бир мамлакат, халқ “жиноят” ва “коррупция” каби тушунчаларни ўз дунёқараши, тафаккури ва менталитети даражасига кўра ҳар хил тасаввур қиласиди. Айрим мамлакатларда коррупция пораҳўрликнинг синоними ҳисобланади, айрим мамлакатларда эса у кенгроқ - давлат ҳокимияти ва ҳатто жамиятнинг маънавий инқизози сифатида талқин этилади. Сўзимизнинг исботи тариқасида бу масалани бир неча мамлакатлар мисолида кўриб чиқамиз ҳамда тегишли хулосалар чиқарамиз. Зотан, Президентимиз такрор-такрор таъкидлаганидек, “**Биз турли мамлакатлар иқтисодиётининг ўзига хос тараққиётини катта диққат-эътибор билан ўрганамиз, жаҳон амалиёти ва жаҳон тафаккурида тўпланган энг яхши тажрибаларни ўзимизда қўллашни ор билмаймиз, аксинча, бундай интилишни ҳар жиҳатдан рағбатлантирамиз**”. Ҳар томонлама ва тизимли равишда ёритилишини таъминлайди.

## **2-савол: Коррупцияга қарши курашиш соҳасида айрим Евropa, АҚШ ҳамда Осиё давлатлари тажрибаси**

Барча хорижий мамлакатлар амалиётида коррупциянинг олдини олишда самарали криминологик тадқиқотлардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилади. Хусусан, Скандинавия давлатлари - Дания, Финляндия, Исландия, Норвегия ва Швеция адлия вазирлари томонидан 1962 йилда

ташкил этилган Криминология бўйича Скандинавия кенгаши бу мамлакатларда жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини шакллантиришда иштирок этишади.



Бу борада **Дания** тажрибасига кўра, 2002 йилда қабул қилинган “Коррупция тўғрисида” ги Дания Конуни коррупциянинг олдини олиш чоратадбирларининг устуворлигини белгиловчи, таъсирчан огоҳлантирувчи хусусиятга эга бўлган асосий нормативхуқуқий ҳужжатdir.

Хусусан, ушбу қонуннинг қоидалари Дания ҳукумати вакилларини ҳар иили ўз мол-мулки ва шахсий даромадлари тўғрисидаги маълумотларни нашр этишга, хорижий компанияларда акцияларга эга бўлишни тақиқлашга мажбур қиласди, бу уларнинг бошқарув фаолиятининг ошкоралиги ва шаффофлигини, коррупцион ҳолатларини олдини олишга ёрдам беради.

Коррупцияни олдини олишнинг муҳим омили шундаки, мамлакатда давлат хизматчилари юқори даражадаги ижтимоий муҳофазага эга: улар бепул тиббий хизмат ва таълим олиш ҳуқуқига ва ижтимоий кафолатларга таянишлари мумкин, бу эса коррупцион ҳаракатлар эҳтимолини сезиларли даражада камайтиради.

**Маълумот учун:** 2020 йилда Жаҳон банки ва Форбс журнали томонидан Дания Европада бизнес учун энг яхши жой сифатида этилган. Эътиборли томони шундаки, Дания давлатида коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида ташкилот “агентлик” мавжуд эмас.



**Гонконгда** ташкил этилган Коррупцияга қарши курашувчи мустақил комиссия мазкур фаолиятда муваффақиятли ва кескин чораларни амалга ошира оловчи институтларга намуна бўлиши мумкин. Ҳокимият идоралари фаолиятини синч-ковлик билан – расмий институтлар, алоҳида фуқаролар томонидан мониторинг қилиб бориш, шунингдек, айборларни суд таъкиби Гонконгдаги коррупцияга қарши курашнинг асоси сифатида хизмат қиласди.



**АҚШда** коррупцияга қарши курашга қаратилған махсус қонун хужжати қабул қилинганды. “**Foreign Corrupt Practices Act**” деб номланған мазкур қонун хужжати Америка компанияларини шартномалар түзишдә имтиёзлар ва кафолатлар олишда хорижий мансабдор шахсларга пора берганлик учун жавобгарлигини белгилайды.

Инсон ресурсларини бошқаришда мансабни суиистеъмол қилиш аломатларига бархам беришда ўзига хос тенденцияларни амалга оширган давлатлардан бири АҚШ бўлиб, ушбу давлатда коррупцияга қарши қонунчилик анчайин муросасиз характерга эга. АҚШда давлат хизматчилари орасида коррупция профилактикасини таъминлаш мақсадида, «Маъмурий ахлоқ» қоидалари ишлаб чиқилган. Унга кўра, давлат хизматчиси лавозим маоши суммасининг 15 фоизидан юқори бўлган ҳақ эвазига ташки ўриндошлиқ асосида бошқа жойда ишлаши тақиқланади. Бу чеклов АҚШ сенати аъзоларидан ташқари барча мансабдор шахсларга тааллуқли ҳисобланади.

АҚШнинг коррупцияга қарши курашиш стратегиясининг яна бир муҳим қоидаси бу – мансабдор шахснинг совға олишига нисбатан тақиқ қўйилғанлигидир. Коидага мувофиқ, барча давлат идораси ходимларининг бир календарь иш йили мобайнида умумий қиймати 100 АҚШ доллардан ошадиган совғаларни қабул қилиши тақиқланади (АҚШ Конгресси ходимлари 250 АҚШ долларгача). Бундан ташқари, Маъмурий ахлоқ қоидаларига биноан, саёҳат билети шаклида совға олишга ҳам чеклов бор. Бунда, мамлакат ичида саёҳат қилишда 3 кун (икки кечада), чет элга эса, 7 кунгача (олти кечада) чегара белгиланган. Бундай чеклов ҳаттоқи сенаторнинг оила аъзоларига ҳам татбиқ қилинади.

**Финляндияда** махсус коррупцияга қарши кураш ҳақида қонун мавжуд эмас, коррупцияга қарши курашувчи махсус орган ҳам тузилмаган. Коррупцияга умумий жиноятчиликнинг бир қисми қабилида кураш олиб борилади. Финляндия Конституцияси, Жиноят кодекси, Фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонун, маъмурий бошқарувга оид йўриқномалар ва бошқа қонуности хужжатлар коррупциянинг олдини олишга қаратилған хужжатлар ҳисобланади. Буларнинг орасида энг муҳими Ахлоқ қоидаларидир.

Финляндияда коррупциянинг олдини олишга қаратилған хужжатлар ижроси устидан назорат мамлакат Президенти томонидан тайинланадиган, бироқ, мутлоқ мустақил фаолият юритувчи Адлия канцлери ва парламент вакили Омбудсман томонидан олиб борилади. Улар бутун ҳокимият тармоқлари фаолиятини назорат қилиш ваколатига эгалар.


Юқори мартабали мансабдор шахсларни айблаш ҳақидаги жиноят ишлари маҳсус ташкил этилган Давлат суди томонидан кўриб чиқилади. Бу суд ҳаттоқи давлат раҳбарига нисбатан бўлган ишларни ҳам кўриб чиқиши мумкин. Унга - Адлия канцлери, парламент вакили Омбудсман, ҳукумат вакиллари, Олий суд ва маъмурӣ суд судъялари аъзо бўлиши мумкин. Иккинчи Жаҳон Урушидан кейин Давлат суди бор - йўғи бир марта ҷақирилган холос.

Давлат хизматчилари сони унчалик кўп эмас. Айниқса, 90-йилларда кейин давлат хизматчилари сони деярли тенг яримига, яъни 230.000 дан 127.000 га қисқартирилган. Финляндияда давлат хизматчиларини коррупциялашувидан сақловчи муҳим омиллардан бири - уларнинг моддий ва ижтимоий таъминланганигидадир.



**Финляндияда** оммавий ахборот воситалари ижтимоий назоратнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қиласи. Ҳукумат эса оммавий ахборот воситаларига нафақат эркинлик яратиб берган, балки ҳар бир эълон қилинган коррупция ҳолати бўйича аниқ чораларни кўриб боради. Финляндия коррупцияга қарши бир қанча ҳалқаро хужжатларга қўшилган, ҳалқаро ташкилотлар ва бошқа давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини фаол олиб боради.

Давлат ҳокимияти органларини коррупциянинг зарарли таъсиридан сақлаш зарурияти АҚШ ҳукуматини коррупцияга қарши курашни XIX асрдаёқ давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилашга мажбур қилган. Лекин бу йўналишдаги ишлар фақат XX асрнинг ўрталарига келиб фаол тус олди. Шу нарса диққатга сазоворки, АҚШ қонунларида нафақат давлат хизматчиси ўз вазифасини бажариши чоғида юзага келадиган манбаатлар тўқнашуви, балки давлат ҳокимияти органларида ўз хизматини тўхтатган шахс билан шундай ҳолатнинг рўй бериши ҳам назарда тутилган.



**Францияда** давлат хизмати тизимидағи коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам бериш мақсадида XX асрнинг 90-йилларида сайланган барча давлат хизматчиларига ва коррупция таъсирига берилиши мумкин бўлган жамоат хизмати кадрларига ўз мол-мулки ва даромадлари ҳақида мустақил идораларга маълумот бериш мажбуриятини юклаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бундан ташқари, давлат аппарати юқори мартабали ходимларининг даромадлари ва мол-мулки ҳақидаги декларациялар кенг миқёсда ошкор этилишини таъминлайдиган ҳуқуқий ва ташкилий асослар яратилди. Маъмурий муассасада имзоланган муносабатлар ёки улар томонидан берилган рухсатлар ҳақида кенг жамоатчиликка ахборот бериш шакллари ишлаб чиқилди. Кўча ҳаракати қоидаларини бузганлик учун шу жойнинг ўзида жарима тўлаш тақиқланди. Давлат хизмати тизимидағи коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам бериш усули сифатидаги давлат назоратининг самарадорлигини ошириш мақсадида префектураларнинг қонунийликка риоя этилиши устидан назорат олиб борадиган хизматларда банд бўлган ходимларининг сонини кўпайтириш ва малакасини ошириш, шунингдек префектураларнинг хизматларига мазмуни коррупция хавфини кучайтирадиган хужжатларни бажариш муддатини кечикириш ҳуқуқини бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. Франция ҳукумати Ҳисоб палатаси ваколатларини кенгайтириш, шунингдек корхоналарнинг ўз ходимларини коррупция хавфидан сақлаш учун ички аудит ва назорат тадбирлари ўтказиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-кувватлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундан ташқари, Франция ҳукумати Адлия вазирлиги қошида Коррупцияга қарши кураш марказий хизмати ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.



**Хитой** Жиноят кодексига кўра, коррупция дейилганда, ўзлаштириш, босиб олиш, алдаш йўли билан ёки жамоат мулкини давлат хизматчилари томонидан бошқа ноқонуний усуллар билан хизмат мавқеидан фойдаланиб олиши тушунилади. Хитой қонунчилиги коррупция жиноятлари учун айборларга ўлим жазосидек энг оғир жазони назарда тутади.



**Швеция** Transparency International халқаро ташкилотининг коррупцияни қабул қилиш индекси бўйича 180 мамлакат орасида 5-уринда туради.

Швеция қонунчилиги пора олишни давлат секторидаги пора ва хусусий сектордаги пора сифатида ажратади.

Швецияда давлат секторидаги пораҳўрлик оғирроқ жиноят ҳисобланади.

Швециядаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун санкциялар оғир эмас. Ушбу санкциялар дунёning кўплаб нуфузли мамлакатларидаги жиноят қонунчилигидан анча енгил ҳисобланади. Швеция давлат бошқарувидаги

коррупцияга қарши курашнинг муваффақияти швед жамиятининг таълимидир.

Швецияда жамоатчилик назорати коррупцияга қарши курашда мухим рол ўйнайди. Бунда оммавий ахборот воситаларининг хам ўрни катта, чунки улар шахснинг мавқеидан қатъий назар, дарҳол коррупциянинг барча ҳолатларини ошкор қилишади.

Швецияда коррупцияга қарши энг нуфузли жамоат бирлашмаси Швециянинг Коррупцияга қарши кураш институтидир. Институт 1923 йилда ташкил этилган.

2003 йилда Швеция прокуратурасида коррупцияга қарши курашиш миллий тармоғи ташкил этилди ва 2012 йилда коррупцияга қарши курашиш миллий полиция тармоғи ташкил этилди. Коррупцияга қарши курашда Швеция фуқаролари ҳамда коррупция ҳақида маълумот берувчи оммавий ахборот воситалари мухим ўринга эга.



**Нидерландия** дунёда коррупция даражаси энг паст давлатлар қаторига киради. Мазкур давлатда коррупцияга қарши кураш тизими қуидагиларни ўз ичига олади. Коррупция ҳолати аниқлангач, коррупциявий ҳаракатнинг оқибатлари мухокама қилинади ва уларга қўлланган жазолар мунтазам равишда эълон қилиб борилади.

Ички ишлар вазири ҳар йили коррупция фактлари ва коррупцияга алоқадор шахсларни жазолаш чоралари тўғрисида парламентга ҳисобот беради.

Мамлакатда коррупциявий ҳолатлар юзага келиши мумкин бўлган «нуқта»ларни кузатиб бориш ва бу жойларда шахсларнинг фаолиятини назорат қилиш тизими ишлаб чиқилган.

Шунингдек, расмий ахлоқ қоидаларининг бузилиши учун жавобгар мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тизими яратилган.

Коррупциявий ҳаракатлар учун асосий жазо — давлат ташкилотларида ишлаш ҳуқуқидан ва барча ижтимоий имтиёзлардан маҳрум бўлишdir. Шунингдек, жарима ва ўз вазифасидан вақтинча четлатиш жазоси ҳам қўлланилади.

#### **Энг мухим ташкилотларда, хусусан, вазирликларда:**

- ❖ ички хавфсизлик хизмати мавжуд бўлиб, уларнинг вазифаси амалдорларнинг хатосини аниқлаш, уларнинг қоидаларни қасдан ёки тасодифан бузишини ўрганиш ҳисобланади;
- ❖ коррупция содир этиши мумкин бўлган лавозимларга шахсларни танлаш тизими яратилган;
- ❖ миллий хавфсизлик тизимига тегишли бўлмаган, коррупцияга оид барча материаллар оммага эълон қилинади;

- ❖ коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат хавфсизлиги тизими яратилган ва у коррупцияни аниқлаш учун катта ваколатларга эга;
- ❖ барча даражадаги мансабдор шахслар ўзларига маълум бўлган коррупцияни рўйхатга олишлари шарт, бу маълумотлар ички ишлар ва адлия вазирликларига юборилади;
- ❖ коррупцияга қарши курашда оммавий ахборот воситалари катта роль ўйнайди. Чунки улар коррупция ҳолатларини фош этади ва улар хақида суриштирув олиб боради.



**«Коррупцияни тўхтатиб қолишининг энг осон усули мансабдор шахсларнинг ўз билганларича ҳаракат қилишлари имкониятларини камайтиришда»** деган эди.

Сингапурда (Молия вазирлиги) 1973 йил июл ойидан бошлаб маҳсус коррупцияга қарши кураш Дастури амалга оширила бошланган. Дастурда қисман куйидагилар назарда тутилган эди:

- ✓ фуқаролар ва ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни турли хил сансалорликлар ва судрашларга йўл қўймаслик мақсадида такомиллаштириш;
- ✓ юқори турувчи мансабдор шахсларнинг қуи турувчи мансабдор шахслар устидан назоратни амалга оширишда ошкораликни таъминлаш;
- ✓ барқарор коррупциявий боғланишларнинг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ротациясини киритиш;
- ✓ тўсатдан текширишлар ўтказиш;
- ✓ коррупцияга қарши курашда муҳим ҳисобланган маълумотларнинг маҳфийлигини таъминлаш;
- ✓ коррупцияга қарши кураш чоралари мажмуини ҳар 3-5 йилда қайта кўриб чиқиш.

Сингапурда эса, коррупцияга қарши кураш асосий йўналиши бўлган маҳсус орган мавжуд. У Коррупцияга қарши кураш бўйича тергов бюроси деб аталади. Ушбу мустақил орган Сингапур иқтисодиётининг давлат ва хусусий секторида коррупциянинг олди олинишини ўрганади.

Бюро хукumat амалдорлари мансабини суиистеъмол қилган ҳолатларни текширади ва тегишли органларга зарур чораларни кўриш учун хабар қиласи. Бюро бошқарув тизимидағи камчиликларни аниқлаш учун давлат органлари иш услубларини ўрганади.

Агар бундай бўшлиқлар коррупцияга ва суиистеъмолчиликка олиб

келиши мумкин бўлса, Бюро ушбу бўлинмалар раҳбарларига чора кўришни тавсия қиласи.

Сингапур давлати коррупцияга қарши сиёсатининг асосий ғояси «инсонни коррупцияга ундейдиган ҳолатларни бартараф қилиш»дан иборат. Бунга бир қатор тамойиллар орқали эришилади:

1) давлат хизматчиларининг иш ҳақини хусусий секторда муваффақиятли ишлаётган шахсларнинг ўртача ойлик иш ҳақи билан тенглаштириш;

2) давлат органлари мансабдорларининг мулки, активлари ва қарзлари бўйича йиллик ҳисботларини назорат қилиш. Хусусан, прокурор коррупцияга қарши қонунчиликни бузганликда гумон қилинган шахсларнинг ҳар қандай банк ҳисоб рақамларини, акцияларини текширишга ҳақли;

3) юқори лавозимдаги мансабдорларнинг маънавий юксаклигини таъминлаш;

4) иқтисодий ривожланишда дуч келинадиган маъмурий тўсиқларни бартараф этиш.

Германияда муайян функциялардан қатъи назар, давлат хизматчилари ўз вазифаларини бутун жамият манфаати учун холис ва адолатли бажариши шарт.

Мазкур мамлакатда коррупцияга қарши курашнинг биринчи вазифаси расмий сирларни сақлашдан иборат. Давлат хизматчиси, шунингдек, ўз фаолияти давомида унга маълум бўлган маълумот ва ҳақиқатларни сир сақлаши талаб этилади.

Давлат хизматчиси рухсат олмасдан туриб гувоҳлик беришга, ҳатто судда ҳам баёнот беришга ҳақли эмас. Давлат хизматчиси хизмат кўрсатишдан бошқа ҳар қандай иш учун олдиндан юқори даражадаги раҳбарининг розилигини олиши талаб қилинади.

Давлат хизматчиси учун рухсатномалар фақат илмий муассасаларда ва ўқитиши ҳамда тадқиқотлар билан боғлиқ фаолият учун талаб қилинмайди. Давлат хизматчилари бирон-бир тадбиркорлик фаолияти билан шахсан ёки ваколатли вакиллари орқали шуғуланиш ҳукуқига эга эмас.

Федерал ҳукумат қонун кучига эга қарор чиқариш йўли билан давлат хизматчиларининг ўриндошлиқ асосида ишлаш тартибини белгилайди. Унда қайси фаолият давлат хизмати деб ҳисобланади ёки унга тенглаштирилади; давлат хизматчиси қўшимча иши учун ҳақ оладими; давлат хизматчиларининг қайси тоифалари рухсатнома олишга мажбур каби масалалар аниқлаштирилади.

Агар хизматга оид муносабатлар тугатилгандан сўнг давлат хизматчиси ўзининг охирги беш йиллик хизмат фаолияти билан боғлиқ ишда ишласа, охирги хизмат жойида буни эълон қилиши керак. Унинг фаолияти, агар хизмат манфаатлари учун зарар етказиши мумкин бўлса, тақиқланади.

Бу тақиқ давлат хизматининг энг юқори инстанцияси томонидан жорий этилади ва хизмат муносабатлари тугаганидан кейин 5 йил ўтгач, тугайди.

Давлат хизматчиларининг зиммасига юклатилган вазифаларни

бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги оқибатлари батафсил тартибга солинади. Давлат хизматчиси, Федерал интизомий ҳуқуқ ҳақидаги низомга мувофиқ, ўз вазифаларини бажариш тартибини бузган деб топилса, жиноят содир этган ҳисобланади.

Коррупцияни қабул қилиш индекси 2022 / Transparency International Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг эътибор қартишича, Ўзбекистон мазкур индексда сўнгги 6 йил давомида ўсиш суръатларини қайд этаётган (2017 йилда 22 баллдан 2022 йилда 31 баллгача) давлат сифатида Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақаси аксилкоррупция ислоҳотларини тизимли равишда амалга ошираётган давлатлар қаторида қайд этилган.

### **2022 йил якунлари бўйича рейтингда коррупция даражаси энг паст мамлакатлар сифатида қўйидагилар кўрсатилган:**

1. Дания – 90 балл
2. Финландия – 87
2. Янги Зеландия – 87
4. Норвегия – 84
5. Сингапур – 83
5. Швеция – 83
7. Швейцария – 82
8. Нидерландия – 80
9. Германия – 79
10. Ирландия – 77
10. Люксембург – 77

Собиқ СССР мамлакатлари орасида коррупция даражаси энг паст давлат – Эстония (рейтингда 14-ўрин). Литва 33-, Латвия 39-, Грузия 41-ўринни эгаллаган. Беларус 91-, Украина 116-, Россия 137-ўринда қайд этилган.

Марказий Осиё давлатларидан Қозогистонда 101-, Ўзбекистон 126-, Қирғизистон 140-, Тожикистон 150-, Туркманистон 167-ўринда.

Япония ва Буюк Британия 18-, АҚШ 24-, БАА 27-, Саудия Арабистони 54-, Хитой 65-, Ҳиндистон 85-, Туркия 101-ўринда кўрсатилган.

Рейтингни 12 балл билан Сомали (180-ўрин) якунлаб берган. Энг охирги ўринларда Сурия, Жанубий Судан, Венесуэла, Яман, Ливия ва КХДР ҳам бор.

“Дунё миқёсидаги ўртacha балл 100 дан 43 ҳолатида ўн йилдан ортиқроқ вақтдан бери ўзгармай турибди. Мамлакатларнинг учдан икки қисмидан кўпроғи 50 дан камроқ балл тўплади, 26 таси эса ўз тарихидаги энг паст кўрсаткичларни қайд этди. 2012 йилдан кейинги даврда айрим мамлакатлар биргаликдаги саъй-харакатлар ёрдамида, қийинчилик билан ўз натижаларини яхшилаган бўлса-да, 155 та давлат коррупцияга қарши курашда ё жиддий ютуққа эришмади, ёки янада ёмонроқ натижаларни қайд этди”, – дейилади

Transparency International ҳисоботида.

### Ўзингизни синанг!

Коррупцияга қарши қурашда Сингапур тажрибаси-...

Коррупцияга қарши қурашда Дания тажрибаси -...

Коррупцияга қарши қурашда Финландия тажрибаси-...

Коррупция даражаси энг паст мамлакатлар -...



### Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши қурашиш тўғрисида”ги қонунини ўқиб ўрганиш.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-211-212-моддаларини ўқиб ўрганиш.

### Назорат саволлари:

1. Коррупцияга қарши қурашиш соҳасида айрим Европа, АҚШ ҳамда Осиё давлатлари тажрибаси ҳақида нималарни биласиз?
2. Ривожланган давлатларнинг коррупцияга қарши қураш соҳасидаги тактика ва методикаси ҳақида тушунчангиз?
3. Илгор давлатларнинг қонунчилигига коррупцияга қарши қураш масалаларида ўрганиш бўлган жиҳатлар нималардан иборат?

## З-МАВЗУ: «КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ЖАХОН ТАЖРИБАСИ»

Семинар машғулоти (2-соат)

### “БЛИЦ-СҮРОВ” МЕТОДИ

“Блиц-сұров” (инглизча “бліц” – тезкор, бир зумда) методи берилған саволларға қысқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилған саволларға жавоблар жамоавий, гурухли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мүмкін. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, ўқувчи (тингловчи)ларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

Машғулотларда методни қўллаш қўйидагича кечади:

Ўқитувчи ўрганилган мавзу, муайян таркибий қисмлар  
моҳиятининг очиб берилишини талаб этадиган  
саволларни ишлаб чиқиб, ўқувчилар  
эътиборига ҳавола қиласи

Ўқувчи (тингловчи)лар берилған  
саволга қысқа муддатда лўнда, аниқ жавоб беради

Гурух (жуфтлик)да ишлашда бир нафар ўқувчи берилған саволга  
жавоб қайтаради (унинг гуруҳдошлари жавобни  
тўлдиради, (бироқ, фикрлар такрорланмаслиги лозим)

Методни қўллашда мавзуга доир таянч тушунчалар, асосий ғояларнинг  
моҳияти ўқувчи (тингловчи) лар томонидан оғзаки, ёзма ёки тасвир (жадвал,  
диаграмма) тарзида ёритилиши мүмкін.

Ўқитувчи “Блиц-сұров” методини турли кўринишда машғулотларда  
қўллаши мүмкін. Бу ўқитувчининг касбий маҳоратига боғлиқ. Қўйида  
**“Коррупцияга қарши курашда жаҳон тажрибаси”** мавзуси асосида  
жадвал келтирилади:

#### “Блиц-сұров” жадвали

Т.Р	Саволлар	Жавоблар
1	Коррупцияга қарши курашда халқаро институтлар ичида универсал ташкилот бу?	
2	2003 йил 31 октябрда	

	БМТнинг қандай конвенцияси қабул қилинган?	
3	Америкааро коррупцияга қарши конвенция қачон қабул қилинган?	
4	Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасида «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатлариға хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар» деб белгиланган?	
5	Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Коррупцияга қарши кураш конвенциясига қачон кўшилди?	
6	Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан “Халқаро тижорат битимларида хорижий давлатлар мансабдор шахсларини сотиб олишга қарши кураш тўғрисида”ги конвенция қачон қабул қилинган?	
7	Европа Кенгаши Вазирлар кўмитаси томонидан қабул қилинган “Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида”ги конвенция қачон қабул қилинган?	
8	2003 йил 12 июлдаги Африка Иттифоқининг коррупцияга доир қандай конвенцияси қабул қилинган?	
9	БМТнинг 2003 йил 12 июлдаги коррупцияга доир қандай конвенцияси қабул қилинган?	



## САВОЛЛАР:

1. Коррупцияга қарши курашда Сингапур тажрибаси ҳақида тушунчангиз?
2. Коррупцияга қарши курашда Хитой тажрибаси ҳақида тушунчангиз?
3. Коррупцияга қарши курашда АҚШ тажрибаси ҳақида тушунчангиз?
4. Коррупцияга қарши курашда Нидерландия тажрибаси ҳақида тушунчангиз?
5. Коррупцияга қарши курашда Финляндия тажрибаси ҳақида тушунчангиз?
6. Коррупцияга қарши курашда Дания тажрибаси ҳақида тушунчангиз?
7. Коррупцияга қарши курашда Швеция тажрибаси ҳақида тушунчангиз?
8. Коррупцияга қарши курашда Германия тажрибаси ҳақида тушунчангиз?
9. Коррупцияга қарши курашда Гонконг тажрибаси ҳақида тушунчангиз?
10. 2022 йил якуnlари бүйича рейтингда коррупция даражаси энг паст мамлакатларни санаб беринг?

# ГЕОСИЁСИЙ МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИ ВА МАФКУРАВИЙ КУРАШ – ўқув модули

## 1-МАВЗУ: ХХI АСР ВА ЯНГИ ГЕОСИЁСИЙ ВАЗИЯТ

Режа:

Маъруза машғулоти (2-соат)

**1-савол.** Геосиёсат тушунчаси.

**2-савол.** Марказий Осиё геосиёсий марказ сифатида ва иқтисодий салоҳияти.

**3-савол.** Мафкуравий таҳдидларга қарши курашда ички ишлар органлари ходимларининг вазифалари

**1-ўқув савол. Геосиёсат тушунчаси.**

**Аудиторияга савол: Хўш геосиёсат деганда нимани тушунасиз?**



**Геосиёсат**, географик сиёсат бу сиёсатшунослик фанидаги назария. Геосиёсат термини муайян бир мамлакат ўрни, табиий бойликлари, иклими ва бошқа географик омилларининг давлат ташки сиёсатига (географик-сиёсий стратегияси ва ҳ.к.га) муайян таъсирини ифодалаш учун ишлатилади.



“Сиёсий география”га немис олими **Фридрих Ратцель** (1844- 1904) 1897 йилда ёзган “Сиёсий география” асарида асос солган, “геосиёсат” тушунчасини бўлса, тахминан йигирма йилдан сўнг асли швед бўлган германшунос олим Рудольф Челлен (1864-1922) илмий адабиётга киритган, деб ҳисоблашади.



Рудольф Челлен ўзининг “Давлат ҳаётнинг шакли сифатида” асарида геосиёсатни **“конкрет маконда жойлашган, доим кенгаядиган ва ривожланадиган, географик ва биологик организм – давлат ҳақидаги таълимот”** сифатида таърифлаган.

Ратцелнинг айтишича, геосиёсат давлатнинг ўз атрофига, кўшниларига, биринчи навбатда, жойлашган маконига муносабатини ўрганади ва географик макон муносабатларидан (атрофдаги оламдан) келиб чиқадиган масалаларни ҳал этишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Россиялик тадқиқотчи Э.А.Поздняковнинг фикрича, амалий геосиёсат давлатнинг ҳудуд муаммолари, сарҳадлари, аҳолиси билан бирга, у молик бўлган стратегик заҳираларнинг жойлаштирилиши ва фойдаланилишига оид барча нарсаларни ўрганади. Шундай қилиб, Поздняковнинг фикрича, **геосиёсат – макон устидан назорат ҳақидаги билимлар тизимини ўрганадиган фандир.**



Ҳозирги вақтда геосиёсат фақат жаҳон тартиботининг ўзгартирилишида асосий ғоя ва қурол эмас, етакчи мамлакатларнинг стратегик сиёсатини ва инсониятнинг келажакдаги қисматини башорат этишда калит ролини ўйнайди.

АҚШнинг “Американа” геосиёсий қомусида геосиёсат географик, тарихий, сиёсий ва бошқа омилларнинг биргаликдаги таъсирини тадқиқ этиш билан давлатнинг стратегик куч-қудратини ўрганувчи фан сифатида таърифланган.

**Аудиторияга савол: “Катта еттилик” давлатларига қайси давлатлар киради?**



**“Буюк еттилик”** – Буюк давлатларни бирлаштирган халқаро сиёсий ташкилот. “Еттиликка” АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия ва Канада киради. Бу мамлакатларнинг раҳбарлари глобал стратегик масалаларни мухокама этиб олиш учун мунтазам равишда учрашиб туришади.

**Геоиқтисодий қутблар** – XX асрнинг охирларида иқтисодий ва технологик тараққиётнинг З – Шимолий Америка, Ғарбий Европа ва Осиё-Тинч океани қутби шаклланди. Мутлақ иқтисодий қудратга эга бўлган АҚШ макроиқтисодий кўрсаткичларига кўра жаҳонда иккинчи ўринда турадиган Япониядан анча илгарилаб кетди.

Халқаро статистиканинг маълумотларига кўра, глобал иқтисодиёт иирик куч марказлари билан учинчи мингийилликка қадам қўйди. Жаҳон ЯИМнинг ярмидан кўпроғи ана шу куч марказлари ҳиссасига тўғри келади.

Жаҳон ЯИМда раҳнамо давлатларнинг улуши қуидаги: АҚШ – 21%, Фарбий Европа – 20 %, Хитой – 12%, Япония – 7,5%. Хитойнинг жаҳон ЯИМдаги ҳиссаси 1980- 2000 йиллар орасида тўрт баробар кўпайди.

## Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган ҳалқаро ташкилотлар МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ (МДҲ)

**Аудиторияга савол: МДҲ қачон ташкил топган ва ташкилотга қайси давлатлар аъзо?**



1991 йил 8 декабрда Минскда Белоруссия, Россия, Украина томонидан СССРнинг тугатилганлиги тўғрисидаги хужжатни имзоладилар. Шу билан Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ташкилоти тузилди. 1991 йил 21 декабря битимга **Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон** қўшилди.

Хозирда ташкилотга кирувчи давлатларнинг аҳолиси **283** млн. кишини ташкил этади. Уларнинг **29,4** фоизи саноат ва қурилишда, **21,5** фоизи қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқчилик соҳасида ишлайди.

МДҲнинг қуидаги органлари ташкил қилинган: Давлат бошлиқлари кенгashi Ҳукумат бошлиқлари кенгashi, Ташқи ишлар вазирлари кенгashi Давлатлараро иқтисодий қўмита, маркази

Парламентлараро ассамблея (**Санкт-Петербург**) ва доимий ишловчи органи Мувофиқлаштирувчи маслаҳат қўмита (**Минск**) ҳисобланади.

Хозирда ташкилотга **9** та мамлакат аъзо бўлиб, улар **Россия, Белорус, Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон ҳамда Ўзбекистон.**

Шунингдек, Туркманистон кузатувчи мақомига эга.

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ (ШХТ)

**Аудиторияга савол: ШХТ қачон ташкил топган ва ташкилотга қайси давлатлар аъзо?**



**Хитой, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон** давлатлари ўртасида 2001 йил 15 июнда ташкил этилган. Унинг асосий мақсади аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш ҳамда сиёсий, савдо-иктисодий, илмий-техникавий, маданий, шунингдек, таълим, энергетика, транспорт, туризм, муҳофаза қилиш ва бошқа соҳалардаги самарали ҳамкорликни йўлга

кўйищдан иборат.

2003 йилда эса ШХТ Котибияти (**Пекин**) ва Минтақавий Аксилтеррор тузилмаси (**Тошкент**) ташкил этилди.

Евроосиё худудининг **61 фоизини**, дунё аҳолисининг тўртдан бир қисмини ташкил қилган мамлакатлар иштирокидаги Янги ташкилот қабул қилган биринчи ҳужжат “Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотини тузиш тўғрисидаги Декларация”, “Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги Конвенция бўлди.

Бугунги кунда жаҳонда нуфузи ортиб бораётган ташкилотга **8 та - Ўзбекистон, Россия, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Хитой, Покистон ва Ҳиндистон** давлатлари аъзо. Шунингдек, Афғонистон, Мўғалистон, Эрон ва Белоруссия давлатлари кузатувчи ҳамда Арманистон, Камбоджа, Озайбайжон, Непал, Туркия ва Шри-Ланка давлатлари музокаралар бўйича шерик мақомига эга.

2022 йил сентябр ойида Техрон ШХТга аъзо бўлиш тўғрисидаги меморандумни имзолаган эди.

## ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ

**Аудиторияга савол: Туркий давлатлар ташкилоти қачон ташкил топган ва ташкилотга қайси давлатлар аъзо?**



**Туркий давлатлар ташкилоти** деб номланувчи халқаро тузилма туркий тилли халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида 2009 йил 3 октябрда имзоланган «Наҳчivan шартномаси» асосида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши номи билан Озарбайжон, Қирғизистон, Қозогистон ва Туркия ҳамкорлигига ташкил этилган эди.

Венгрия мазкур ташкилотга 2018 йилда кузатувчи мақоми билан қўшилди. 2018 йилнинг 30 апрелида Ўзбекистон ҳам бу кенгашга аъзо бўлиш истагини билдири ва **2019 йил 14 сентябрда ташкилотнинг тўлақонли аъзосига айланди**. Туркманистон ҳам ташкилотда кузатувчи давлат мақомига эга.

**Ташкилотнинг мақсад ва вазифалари** Нахчivan шартномасининг 2-моддасида баён қилинган бўлиб, жумладан қуидагиларни камраб олади:

- томонлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш;
- минтақада ва унинг ташқарисида тинчликни таъминлаш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш;
- ташқи сиёsat масалалари бўйича умумий позицияларни қабул қилиш;
- умумий мақсадларга тааллуқли барча соҳаларда самарали минтақавий ва икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш;
- аъзо давлатлар ўртасида савдо ва инвестициялар учун қулай шароитлар яратиш;
- қонун устуворлигини таъминлаш, самарали бошқарув ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларини муҳокама қилиш;
- фан, техника, таълим ва маданият соҳаларида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш;
- оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни ва янада интенсив мулоқотни ривожлантириш;
- ҳуқуқий масалалар бўйича ахборот алмашинувига кўмаклашиш.

## **2-савол: Марказий Осиё геосиёсий марказ сифатида ва иқтисодий салоҳияти.**

Минтақанинг геосиёсий мавқеи бир неча омилларга боғлиқ. Мумтоз геосиёсий назарияга кўра ҳар бир минтақанинг геосиёсий мавқеи қуидагилар билан белгиланади:

- географик жойлашуви ва табиий–иқлим хусусиятлари;
- иқтисодий салоҳияти;
- шу худудда яшовчи халқларнинг қатъий равишда табиий–географик омиллар таъсири остида шаклланган менталитети ҳамда анъаналари;
- ушбу хусусиятлар таъсирида шаклланган сиёсий тузумнинг табиати.



Минтақанинг географик жойлашуви ва майдони хусусида қуидаги фикрни айтиш мумкин. Марказий Осиё Farbda Каспий дengизидан шарқда Хитойнинг Шинжонъ мухтор туманига қадар Шимолда Қозоғистондан то Покистонга қадар худудни эгаллаган улкан географик бирлик бўлиб, Евроосиё текислигининг марказий қисмини ўз ичига олган 4 млн. кв. кмлик улкан худудни эгаллайди.

Россия, Эрон ва Хитой каби геосиёсий нуқтаи–назардан муҳим давлатлар билан чегарадош бўлган минтақада бор йўғи 60 миллион атрофида аҳоли истиқомат қиласди. Бу рақамга Афғонистон аҳолисини қўшадиган бўлсак, демографик кўрсаткич 2020 йилда 100 миллион атрофида бўлади.

**Аудиторияга савол: Хўш Марказий Осиё давлатларининг  
географик жойлашуви ҳақида тушунчангиз?**

<b>Ўзбекистон</b>		
<b>1</b>	<b>Жойлашуви</b>	Афғонистон шимолида жойлашган Марказий Осиёнинг марказидаги республика. Қитъа ичида жойлашган очиқ денгизга чиқиш йўллари йўқ.
<b>2</b>	Умумий майдони	449,8 км.кв
<b>3</b>	Қуруқлик майдони	426,800
<b>4</b>	Сув майдони	22 000 км.кв.
<b>5</b>	Қуруқликдаги чегараларининг умумий узунлиги	6221 км
<b>6</b>	Афғонистон билан	137 км
<b>7</b>	Қозогистон билан	2203 км
<b>8</b>	Қирғизистон билан	1099 км
<b>9</b>	Тожикистон билан	1161 км
<b>10</b>	Туркманистон билан	1621 км
<b>11</b>	Табиий захиралари	газ, нефт, кўмир, олтин, уран, кумуш, мис, қўрғошин, цинқ, вольфрам, молибден

<b>Қозогистон</b>		
<b>1</b>	<b>Жойлашуви</b>	Қозогистон Марказий Осиёда жойлашган бўлиб, Хитойнинг шимоли–гарбий тарафини ҳам ишғол этган. Очиқ денгизга чиқиш йўлларига эга эмас.
<b>2</b>	Умумий майдони	2 724 902 км кв
<b>3</b>	Қуруқлик майдони	2 677 002 км кв
<b>4</b>	Сув майдони	47 500 км кв
<b>5</b>	Қуруқликдаги чегараларининг умумий узунлиги	12 012 км
<b>6</b>	Хитой билан	1533 км
<b>7</b>	Россия билан	6 846 км
<b>8</b>	Қирғизистон билан	1 051 км
<b>9</b>	Ўзбекистон билан	2 203 км
<b>10</b>	Туркманистон билан	379 км
<b>11</b>	Табиий захиралари	табиий газ, улкан нефт захиралари, кўмир, темир рудаси, олтин, уран, кумуш, мис,

		қүргошин, цинк, кобальт, хром, молибден, боксит, марганец.
--	--	--

<b>Киргизистон</b>		
<b>1</b>	<b>Жойлашуви</b>	Марказий Осиёда Хитойнинг ғарбида жойлашган мамлакат. Очиқ денгизга чиқиш йўлларига эга эмас
<b>2</b>	Умумий майдони	199 951 км кв
<b>3</b>	Қуруқлик майдони	195 451 км кв
<b>4</b>	Сув майдони	7200 км кв
<b>5</b>	Қуруқликдаги чегараларининг умумий узунлиги	3878 км
<b>6</b>	Хитой билан	858 км
<b>7</b>	Тожикистон билан	870 км
<b>8</b>	Қозогизистон билан	1051 км
<b>9</b>	Ўзбекистон билан	1099 км
<b>10</b>	Табиий захиралари	гидроэнергетик захиралари, кўп миқдорда олтин ва бошқа нодир метал захиралари, маҳаллий аҳамиятга эга кўмир, нефт, газ захиралари, нефелин, симоб, қўргошин, висмут, цинк. Қирғизистонда ер юзида энг йирик табиий равища ўсуви ёнғоқ ўрмонлари мавжуд.

<b>Туркманистон</b>		
<b>1</b>	<b>Жойлашуви</b>	Марказий Осиёда Каспий денгизининг Қозогистон ва Эронга тегишли қирғоқлари орасида жойлашган мамлакат. Қирғоқ чегарасига эга эмас. очиқ денгизга чиқиш йўллари йўқ.
<b>2</b>	Умумий майдони	491 200 км кв
<b>3</b>	Қуруқлик майдони	481 176 км кв
<b>4</b>	Сув майдони	10 024 км кв
<b>5</b>	Қуруқликдаги чегараларининг умумий узунлиги	3 736 км
<b>6</b>	Каспий бўйлаб қирғоқлари узунлиги	1768 км
<b>7</b>	Эрон билан	992 км
<b>8</b>	Афғонистон билан	744 км
<b>9</b>	Қозогизистон билан	379 км
<b>10</b>	Ўзбекистон билан	1621 км
<b>11</b>	Табиий захиралари	табиий газ, нефт, кўмир, сера, туз.

Тоҷикистон		
<b>1</b>	<b>Жойлашуви</b>	Марказий Осиёда Хитойнинг гарбидаги жойлашган мамлакат. Очик денгизга чиқиш йўлларига эга эмас.
<b>2</b>	Умумий майдони	141,400 км.кв
<b>3</b>	Қуруқлик майдони	137,158 км.кв
<b>4</b>	Сув майдони	4242 км.кв
<b>5</b>	Қуруқликдаги чегараларининг умумий узунлиги	3651 км
<b>6</b>	Хитой билан	414 км
<b>7</b>	Афғонистон билан	1206 км
<b>8</b>	Қирғизистон билан	870 км
<b>9</b>	Ўзбекистон билан	1161 км
<b>10</b>	Табиий захиралари	гидроэнергия, маълум миқдорда нефт, уран, қўргошин, цинк, сурма, қўнғир кўмир, симоб, вольфрам.

Марказий Осиёга нисбатан АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари, ХХР, Россиянинг манфаатлари мавжуд, аммо уларнинг ёндашувлари бирбиридан фарқ қиласди. Шу туфайли, Марказий Осиёдаги минтақавий мувозанат бир давлат билан таъминланиши мумкин эмас. Марказий Осиё давлатлари ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш йўлидан боришлиари зарур. Тарихий, маданий, диний, илмий омиллардаги умумий хусусиятлардан, ягона инфратузилмадан фойдаланган ҳолда табиий равишдаги минтақавий интеграция Марказий Осиёни халқаро ҳамжамият олдида янги қиёфада намоён этади. Мумтоз геосиёсий жараёнларнинг илдизлари, мақсадларини чуқур тушунган ҳолда ҳамлакор, тажовузкор мазмундаги ҳар қандай ташқи геосиёсий дастурларни ўз вақтида бартараф этишлари талаб этилади.

### Марказий Осиёнинг демографик ва иқтисодий салоҳияти.

Ўтган асрнинг биринчи чорагидан бошлаб то сўнги 10 йиллигига қадар Марказий Осиёнинг асосий ҳудуди дунёдаги етакчи давлатларнинг геосиёсий таъсиридан холи ҳолда жадал геосиёсий жараёнлар чегарасидан ташқарида қолган. Бу даврда Ўрта Осиё ва Қозогистон шўро давлатининг таркибий қисми сифатида тўлигича фақат Россиянинг миллий манфаатлари чегарасида бўлган. Марказий Осиё дунё миқёсидаги етакчи давлатлар учун геосиёсий жиҳатдан юқори аҳамиятга эга бўлсада, тизимнинг ёпиқ табиати бу минтақа билан бевосита алоқа бўлишига йўл қўймаган. Шунинг учун, шўро тизимнинг емирилиши ўз–ўзидан Марказий Осиё геосиёсий аҳамиятининг кўтарилишига олиб келди. Бу жараён минтақанинг ташқи дунё билан халқаро сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларининг кескин ривожланганлигига кузатилди. Албатта бунга нафақат сиёсий, балки улкан иқтисодий асос ҳам бор. Узоқ йиллар давомида хом ашё базаси бўлиб келганлигига қарамасдан,

Марказий Осиё минтақаси табиий захиралар бўйича ҳозирга қадар дунёдаги энг бой худудлардан ҳисобланади. Бу кўрсаткич минтақанинг иқтисодий салоҳиятининг улкан эканлигидан далолат берса, минтақанинг маданий, тарихий, илмий–маънавий бойлиги унинг моддий имкониятларидан кам эмаслигини кўрсатмоқда.



Маълумки, «манфаатлар тўқнашуви» анча йиллар мобайнида Афғонистон худудида рўй бериб келди. Геосиёсий қарама-қаршилик саҳнасининг Каспий атрофи ёки минтақанинг бошқа худудларига кўчиш эҳтимоли бот бот қайд этилади. Янги–янги энергетика захираларини излаб топишга бўлган эҳтиёж етакчи давлатларни ушбу захираларнинг дунё бўйича энг бой худудлари томон, хусусан Марказий Осиё томон чорлаб туради. Табиий захираларга бой Марказий Осиёда миллатлараро, худудий негизда турли муаммоларнинг келиб чиқаришга уринишлар бўлиши табиий.<sup>5</sup> З.Бзежинскийнинг “Евросиё болқонлари” борасидаги фикри мустақиллик даврида узоқ йиллар маҳаллий олимларнинг диққатини тортган эди<sup>6</sup>. Бундай башоратларга қарамасдан, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги “совуқлик” турли омиллар туфайли урушга айланмади.

Туркманистон минтақа атрофига кечаётган асосий геосиёсий жараёнларда бетарафликни афзал кўради. Қирғизистон ва Тоҷикистон мустақиллик йилларида геосиёсий таъсир остида рўй берган мураккаб жараёнларни бошидан кечирди. Бу минтақадаги давлатларнинг иқтисодий имкониятлари ва сиёсий ривожланиши етакчи давлатлар томонидан доимий кузатувда эканлигини кўрсатади. Шунга қарамасдан минтақа давлатлари имкон қадар кўп векторли ташқи сиёsat олиб бормоқда.

### **Хулоса қилиб айтганда минтақанинг геосиёсий мавқеи қуйидаги омиллар билан белгиланмоқда:**

Марказий Осиёнинг геосиёсий мавқеи аввало унинг иқтисодий имкониятларидан келиб чиқмоқда. Бу борада энг манфаатли ҳамкорлар билан иш олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Минтақада етакчи давлатларнинг манфаатлари шаклланиб бормоқда. Буни минтақа давлатларининг ташқи савдо шериклари билан экспорт-импорт кўрсаткичлари намоён этади<sup>7</sup>.

<sup>5</sup> Бзежинский З. Великая шахматная доска. Москва. «Международные отношения» 2000. -Б. 151.

<sup>6</sup> Хасанов У. Региональная безопасность и национальные интересы (центральноазиатский регион). - М.: 2004. -С. 65.

<sup>7</sup> <https://www.adb.org/publications/key-indicators-asia-and-pacific-2017>



Марказий Осиёда диний, миллатлараро муносабатлар, худудий муаммолар, сув тақсимотига оид масалалар ташқи қучлар томонидан қўллаш мумкин бўлган минтақавий беқарорлик омили бўлиб қолади. Шу нуқтаи-назардан, миллатлараро муносабатларда барқарорликни сақлаш минтақавий хавфсизликнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, минтақада сув тақсимоти масалаларида ҳукumatлараро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Республикалар ўртасида чегаралаш ишларини охирига етказиш ва бу масалада муаммо қолдирмаслик бутун минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлайди. Минтақада коммуникацион тизим яратиш унинг иқтисодий ва сиёсий аҳамиятини ошишига олиб келувчи омилдир. Бунга республикалар манфаатларининг солишириш, мунтазам музокаралар орқали эришиш мумкин.

Таълим, маданият ва маърифат, фуқаролик институтларининг ўзаро ҳамкорлик ҳам минтақавий барқарорликнинг муҳим омилдир. Хорижий ташкилотлар амалга ошираётган фаолият ва тадбирларнинг минтақа ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсири илмий ва амалий тадқиқотлар обьекти бўлиб қолади. Минтақанинг иқтисодий имкониятларини ишга солища геосиёсий рақобат омилини мунтазам ҳисобга олиш зарур. Зеро давлатлар беихтиёр бундай рабоқатга қўшилиб кетиши ва геосиёсий қарама-қаршилик обьектига айланиб қолиши мумкин. Бу эса республикалар ўртасида қийинчилик билан ўрнатилган ҳамкорликка путур етказади.

Геосиёсий рақобатга қўшилиш иқтисодий гигантлар манфаатларининг қурбонига айланиб қолишига олиб келишини Украина мисолида кузатилди. Тенг манфаатлар асосида ҳамкорлик ўrnата билиш дунё иқтисодий тизимиға тадрижий ҳамда қонуниятли интеграциялашувга, шу билан бирга минтақа геосиёсий аҳамиятининг янада кўтарилишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг алоҳида, мустақил мамлакати мақомида, бошқа давлатларнинг ҳам суверенлигини эътироф этади, уларнинг худуд ва чегараларини даҳлсизлигини хурмат қиласида. Айни вақтда у ўзининг ягона геосиёсий тизим, макон сифатида яхлитлигини ҳар қандай ёвузлардан ҳимоя этади ва ўзгалар томонидан хурмат қилинишини талаб қиласида.

## Ўзингизни синанг!

Геосиёсат бу-...  
МДҲ бу-...  
ШҲТ бу-...  
Туркий давлатлар ташкилоти бу -...  
Марказий Осиё давлатлари бу-...



### Мустақил таълим учун топшириқ:

1. “XXI аср ва янги геосиёсий вазият” мавзусини ўқиб-ўзлаштириш
2. “Катта шахмат доскаси” китобини ўқиб ўрганиш.

### Назорат саволлари:

1. Геосиёсат деганда нимани тушунасиз?
2. Манфаатлар тўқнашуви деганда нимани тушунасиз?
3. Марказий Осиёнинг демографик ва иқтисодий салоҳияти ҳақида тушунчангиз?



## 1-МАВЗУ: XXI аср ва янги геосиёсий вазият

### Семинар машғулоти (2-соат)

**Бизнинг минтақадаги ўзаро яқинлашувимиз ва ҳамкорликни кенгайтиришимиз – бу замон талаб қилаётган ва орқага қайтмайдиган жараён эканлигини таъкидламоқчиман. У қатъий сиёсий танловга асосланган бўлиб, чуқур тарихий омилларга эга ва кимнингдир манфаатларига қарши қаратилган Эмас.**

**Шавкат Мирзиёев**

### Ақлий ҳужум методи

Ақлий ҳужум - методи бирор муаммони ечишда ўқувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали методдир. Ақлий ҳужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида ўқитувчи томонидан берилган саволга ўқувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Ўқувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга ўқувчилар ўз жавобларини қофоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. «Ақлий ҳужум» методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гурухлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

«Ақлий ҳужум» методи ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Ўқувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.
2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда –янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.
3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

#### «Ақлий ҳужум» методининг босқичлари:

1. Ўқувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Ўқувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Ўқувчиларнинг фикр-ғоялари (магнитафонга, видеотасмага, рангли қофозларга ёки доскага) тўпланади;

4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гурухланади;
5. Юқорида кўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.  
«Ақлий ҳужум» методини қўллашдаги асосий қоидалар:

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
3. Билдирилган фикр-ғояларни тўлдириш ва янада кенгайтириш мумкин.

### **1-гуруҳга саволлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси қачон мустақил бўлган?
2. Ўзбекистон Республикасининг қаерда жойлашган?
3. Геосиёсат деганда нимани тушунасиз?
4. Анклав ва эксклав деганда нимани тушунасиз?
5. Ўзбекистонда нечта эксклавлар мавжуд?
6. Геосиёсий мақсадлар деганда нимани тушунасиз?

### **2-гуруҳга саволлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси нечта давлат билан чегарадош?
2. Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон билан чегара узунлиги неча км?
3. Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон билан чегара узунлиги неча км?
4. Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистон билан чегара узунлиги неча км?
5. Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон билан чегара узунлиги неча км?
6. Ўзбекистон Республикасининг Туркманистон билан чегара узунлиги неча км?

### **3-гуруҳга саволлар:**

1. Ўзбекистон Республикасида нечта миллат вакиллари истиқомат қиласиди?
2. Ўзбекистон Республикасининг аҳоли сони қанча?
3. Мустақилликдан кейин Ўзбекистонда қандай геосиёсий ҳаракатлар содир бўлди?
4. Сизнингча, геосиёсий мақсадларни амалга оширишнинг терроризм билан алоқаси борми?
5. Геосиёсий мақсадларни амалга оширишдан қўзланган мақсад нима?
6. ШҲТга аъзо давлатларни санаб беринг?

## 2-МАВЗУ: Мафкуравий курашнинг замонавий кўринишилари

Режа:

Маъруза машғулоти (2-соат)

**1-савол.** Жамият тараққиёти ва хавфсизлигига рахна соловчи ижтимоий-ахлоқий иллатлар

**2-савол.** Миллий маънавиятимизга ёт ғоялар тарғиботида қўлланилаётган усул ва воситалар

**Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шиҷоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир.**

Амир Темур

**1-савол. Жамият тараққиёти ва хавфсизлигига рахна соловчи ижтимоий-ахлоқий иллатлар ҳамда бузғунчи ғоялар**

Ҳар қандай жамият, ҳар қандай миллат ўзига хос бўлган азалий қадрияtlари, фазилатлари билан фахрланади, уларни келгуси авлодларга бус-бутун қолдиришга ҳаракат қиласи. Шу билан бирга, беш қўл баробар бўлмаганидек, жамиядаги муайян иллатлар ҳам бўладики, қанчалик ўз вақтида уларга барҳам бериб, тузатишга ҳаракат қилинса, жамият тараққиёти учун шунча фойда бўлади.

Қуйида жамиятимизда учраб турадиган айрим ана шундай иллатлар, образли қилиб айтганда, миллатимиз саломатлигига, келажагига рахна соладиган касалликлар ҳақида сўз юритамиз:

**Аудиторияга савол: Жамият тараққиётига рахна соловчи қандай ижтимоий-ахлоқий иллатларни биласиз?**



**Лоқайдлик.** Лоқайдлик ҳамма замонларда, ҳамма жамиятларда бирдек қораланадиган ижтимоий иллат ҳисобланади. Айниқса, жамиядаги юз бераётган ўзгаришларга, душманларнинг миллий манфаатларимизга зид бўлган ҳаракатларига, душманга хизмат қилувчи миш-мishларга нисбатан лоқайдлик - хавфсизлигимизга лоқайдлик, лоқайдликнининг сотқинликка тенг энг оғир кўринишилариdir.

Зеро душман тарқатаётган миш-мишлар жамиятда миллатни бир жону бир тан қилиб, мустақилликни ҳимоялашга сафарбар қилишдек мұқадdas ишимиз чиппакка чиқаришга қаратилған бўлиб, улар одамлар орасида келажакка ишончсизлик уйғотишига, давлат сиёсатини обрўсизлантиришига, одамларнинг ўзини Ватан, миллат ҳимоясидан четга тортишига сабаб бўлиши мумкин. Миш-мишлар воситасида олиб бориладиган курашларда ёлғонни ҳақиқатга ўхшатиш; хусусий фактни умумлаштириш (экстраполяция); кичик хатодан катта ёлғон ясаш; такрорлайвериш; туйғуни ақлдан устун қўйиш; ҳукumatни халққа ёмон кўрсатиш; объектга таниш, қадрдон маълумотларни ишлатиш орқали ўзига ишонтириш ва бошқа шу каби услублар қўлланаяпти. Биз бу усусларни таъсирсизлантиришимиз керак.

Азалдан маълумки, бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқди. Чунки душманнинг кимлиги, асл қиёфаси сиз учун олдиндан маълум бўлади. Бироқ лоқайд ва бепарво одамнинг қиёфасини бирданига билиб бўлмайди. Шунинг учун у ичингизда юриб, сизга қарши тиш қайрайдиган душманлар учун имконият яратиб беради.

**Буюмпарастлик.** Бугун жамиятимизда буюмпарастлик иллатининг илдиз отаётгани, гоҳида арзимаган мебел ва бошқа нарсалар учун ёш оилаларнинг ажралиб кетаётгани, маънавий ҳаёт бир чеккада қолиб, моддий ҳаётнинг биринчи ўринга қўйилаётгани ташвишли ҳолат ҳисобланади.

Бугунги оддий оиланинг моддий эҳтиёжи 20 йил олдинги оиланинг эҳтиёжидан бир неча баробар катта. Олдин бир оиласида яшаш учун уй, телевизор, автомобиль, оила аъзоларига бир сидра кийим-кечак, мактабда ўқийдиган фарзандларига ўқув куроллари керак бўлган бўлса, бугун юқоридагилардан ташқари турли-туман замонавий компьютер қурилмалари (модем, принтер ва х.к.), яна минг бир хил уй анжомлари, ҳар бир оила аъзосига замонавий уяли телефон, телефоннинг ўзига яна қандайдир қурилмалар керак бўлмоқда. Фарзандлар катта бўлиши билан эҳтиёжлар ҳам каттараверади.

Бу эса оила бошлиқларини оиланинг моддий эҳтиёжларини қондириш учун тинимсиз ишлашга мажбур қилиб, фарзандларнинг тарбияси билан шуғулланишига, уларнинг маънавий эҳтиёжлари қондиришига вақт етишмаслигига олиб келмоқда.

Айрим ота-оналардан фарзандларининг тарбияси, билим олишлари борасида нима қилаётганликлари сўралса, фалон сўмга хусусий репетитор ёллагани, яна фалон сўмга спорт тўгаракларига ёздирганлигини айтади. Бироқ ҳеч бир ўқитувчи ёки мураббий ота-она берган тарбияни бера олмайди. Мехнатсеварликни, ҳалолликни, камтарликни, ҳар бир ютуққа ўз кучи ва меҳнати билан эришишнинг ўз гашти борлигини фарзанд энг аввало, ота-онасидан ўрганади.



**Ичкиликтозлик.** Европада бир йилда спиртли ичимликларга 105 миллиард доллар пул сарф қилинар экан. Бу ичимлик сувига нисбатан 10 баробар кўпни ташкил қиласи. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, Ер юзида ҳар 10 сонияда 1 нафар бўкиб спиртли ичимлик ичган одам ўлар экан.

Бу бир йилда 3 миллион 300 минг инсонни ташкил қиласи. Бу бир кичик давлат ахолисига тенг кўрсаткич. Ичкиликтозликнинг энг хавфли жиҳати шундаки, у инсонни соғлиғига, иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатиб, оила ва жамиятдаги обрўсидан мосуво қиласи, охир-оқибатда уни фаҳш ва жиноят кўчасига бошлади.



**Кашандалик.** Битта сегарета умрни 5,5 дақиқага қисқартиар экан. Кашанда 14-18 дона сегарета чекиб умрининг 13-14 йилидан айрилар экан. Битта сегаретада 8-9 мг никотин бўлади. 5 дона сегаретадаги никотин одамни ўлдириш учун кифоя, лекин чекканда оғзидан чиқиб кетар экан. 2050 йилга келиб 40 миллионга яқин кашандалар сил касаллигидан вафот этиши мумкинлиги айтиб ўтилмоқда.



**Гиёхвандлик.** Аслида, гиёхвандликка йўл биринчи сигаретанинг биринчи тортиимидан бошланади. Сигаретдан аста-секин ичкиликтозлик ундан сўнг эса ахлоқий бузуқлик оқибатида наша чекишга ўтилади. Нашага кучли тобелик юзага келади. Аста-секин одам хуморини наша билан қондиролмай қолади. Гиёхванд моддани томирига уради.

Гиёхвандлик таҳди迪 четдан туриб, онгли равишда ўзига ёшларни тортишга ҳаракат қилмоқда. Чунки ёшлар қизиқувчан, ҳаёт неъматларини тотиб кўришга интилевчан, аммо оқибатларини ўйлашга киришмаган бўлишади.

БМТ халқаро эксперлари ва Интерпол маълумотларига кўра, наркобизнесга сарфланган бир доллар 12240 доллар фойда келтирас экан. Наркотик моддалар савдоси йиллик ҳажми – 288 миллиард долларни ташкил қилмоқда.

Расмий маълумотларга кўра, жаҳонда гиёхвандлик касалига мубтало бўлган 70 миллион киши бор экан. Шу муносабат билан, эксперлар наркотик модда - геноцид қуроли, аслида аллақачон бошланиб кетган тўртингчи жаҳон урушининг таъсирчан қуроли, деган фикрда яқдилдиранлар.

Наркотиклар - истеъмолчини буғзидан олиб ўлдирадиган идеал

товардир.

Гиёхвандлар муаммоси серқиёфа. Улар орасида экстаз ёки метамфетаминалар таъсирида уч кеча-кундуз жазавада тинмай ўйин тушадиган талабалар ҳам, риталин (метилфенидат)га мубтало бўлган мактаб ўқувчилари ҳам, хапдорисиз бир кун ҳам чидай олмайдиган уй бекалари ҳам, кокаинга ўрганиб қолган йирик фирма бошлиги ҳам бор. Ушбу умумий оғатнинг бизнинг жамиятга кириб келиши ҳам “оммавий маданият” тажовузи билан боғлиқ.

Расмий маълумотларга кўра, гиёхванд моддаларни асосан 12-25 ёшлилар истеъмол қилишар экан. Бинобарин, бу – гиёхванд моддаларни тарқатиш учун маҳсус танланган аудитория. Амалий фойда олиш мақсадида ўсмирларни ўлдириш, вақти-соати келиб, жаҳон тарихидаги одамхўрлик, кулдорлик, инсон социдан тўшак, терисидан абажур ишлаб чиқарадиган концентрацион лагерлар сингари ҳодисалар орасидан “муносиб” ўрин эгаллайди. Болаларни мақсадли танлаш бениҳоя ахлоқизлиkdir. Бироқ, маркетинг стратегияси нуқтаи назаридан, у бенуқсон, чунки нима қиларини билмай юрган ўсмирлар сон-саноқиздир. Ахир, ёшлар етарли билимга ва дунё манзараси ҳақида ўз тажрибасига асосланган тасаввурга эга эмас”<sup>8</sup>.

**Бузуқчилик (фахш).** Ғарб мамлакатларида ўтган аср ўрталарида оммалашган “эркин муҳаббат” гояси бугун айни ҳосилга кирган. Дунёдаги барча асосий динлар инсонлар орасидаги, жумладан, эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларнинг маданий меъёрларини ҳам яратган. Бунинг тасдигини ислом дини мисолида яхши биламиз. Христиан дини ҳам ўз қавмларини биологик, тубан ҳоҳишлиардан тийилиш, атрофдагиларни эъзозлаш, севиш рухида тарбиялаган.

“Оммавий маданият” эса аксинча “жинсий эркинлик” тарафдори. Унинг наздида қачон, қаерда, ким билан, нима билан қандай муносабат ўрнатилади? Бунинг аҳамияти йўқ. Ана шу ғоя XX асрнинг 50-60-йилларида АҚШ ва Фарбий Европада сексуал инқилобни бошлаб берди. Бу аслида “Оммавий маданият”нинг христианликка, Худога қарши хуружи бўлди. Бугун Худо уларни жазоламоқда. Бузуқи йигитлар 20-30 ёшида нотавон, енгилтабиат қизлар эса бепушт бўлиб қолмоқда”<sup>9</sup>.

Ҳомиланинг олдини олишнинг ишончли ва қўл етадиган усулларининг яратилиши ҳам муҳим омил бўлиб, бу ҳол жинсий алоқадан, бола бўлишидан чўчимай, хузур олиш мақсадида фойдаланиш имконини берди. “Оммавий маданият” ташкилотчилари томонидан: “Истакни психологик майлга боғлиқ бўлмаган ҳолда қондириш зарур, ҳар кимнинг ҳар кимга ҳаққи бор, ҳеч ким ҳеч кимнинг истагини рад этолмайди”, деган холоса чиқарилганди.

Натижада бугун ривожланган мамлакатларда оиланинг аҳамияти пасайиб бормоқда: ажralишлар сони, никоҳдан ўтмаётган катта ёшли ёлғизлар хиссаси, фарзандсизлар ҳамда камфарзанд эр-хотинлар сони ортиб

<sup>8</sup> Гоибназаров Ш. «Оммавий маданият» Т., 2012 йил

<sup>9</sup> Назаров К. «Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти». Т., 2007 йил.

бормоқда. Демографлар ҳамда социологларни оила келажакда тугаб битиши тұғрисидаги холосаларга олиб келмоқда<sup>10</sup>.

Хозирги кунда Ғарбнинг бир қатор давлатларида жумладан, Испания, Нидерландия, Италия, Франция ва АҚШда бугун бир жинсли шахслар никодан үтиб, бемалол яшашиб. Ғарб мамлакатлари раҳбарларига бир жинсдагиларнинг никохи бүйича Рим папаси хат йўллаб уларни бу ҳаракатдан сақланиш кераклигини айтган. Улар Рим папасининг хати инсон ҳуқуқларини топталиши деб жар солиши. Евроиттифоқнинг адлия ва хавфсизлик комиссарлигига номзод италиялик депутат Бутириони “бесоқолбозлик гуноҳ, хотинлар ўз эрларидан бола туғишлари керак” дегани учун у комиссарликка сайланмади. Туркия давлатида эр-хотин орасидаги хиёнат учун қамоқ жазоси қонунини Парламентга муҳокама қилиш учун қўйгандан Евроиттифоқнинг норозилигига учради. Рус проваслав черковининг олдинги раҳбари П.Алексей ҳам улар томонидан қаршиликка учради. Испанияда бир жинсдагиларга бола асраб олиши ҳақида қонун чиқди. Бундай гайритабиий “оила”да тарбияланган боладан келажакда нима кутиш мумкин.

Ёки ўз жинсини ўзгартиришни ҳоҳлаётган болалар ва ўсмирлар сони ортаётганлигини, бу ҳолни уларнинг ота-оналари ҳамда шифокорлар қўллаб-кувватлаётганликлари, АҚШ ва Европа сиёsatчилари ҳамда жамоат арбоблари бу ҳақда қизғин баҳс ва мунозаралар олиб бораётганлиги ҳақида хабарлар берилмоқда.

Хозирги пайтда асосий таркибий қисми зўравонлик, жиноят оламини романтиклиштириш, сексуал инқилоб натижаларини улуғлаш билан кечадиган имиджлар ва реклама образлари тизимидан иборат бўлган “оммавий маданият” энг аввало, ҳаётий қадриятлари ҳамда йўналишлари ҳали қарор топмаган ёшлар муҳитига тиқиширилади. Бу эса ҳозирги ёшларда ҳаётга истеъмолчиларча муносабатдек пассив ижтимоий позициянинг шаклланишига олиб келади, оқибатда ёшлар жиноят, гиёхвандлик, ичкиликбозлик ва бузуқчилик оламига киради, ахлоқий тубанлашади.



**Одам савдоси.** Одам савдоси ноқонуний қурол-яроғ ва гиёхванд моддалар савдосидан кейинги ўринда турадиган “даромадли бизнес”га айланди. Бугун одам, унинг органлари товар сифатида сотилмоқда. Дунё миқёсида ҳар йили одам савдоси 12 миллиард долларгача даромад келтиряпти. Унинг қурбонлари асосан аёллар ва болалардир.


Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра дунёда ҳар йили таҳминан **2 млн. 700 минг нафар шахс** одам савдосининг қурбонига айланмоқда. **Ҳар йили 600 минг нафардан 800 минг нафаргача аёллар ва болалар алдов йўллари** билан чет элларга олиб кетилиб сотиб

<sup>10</sup> Гоибназаров Ш. “Оммавий маданият” Т., 2012 йил

юборилмоқда.

Минг афсуски, бугун одам савдоси қурбонларига айланган, Малайзия, Истроил, БАА, Туркия, Россия, Қозогистон, Италия каби мамлакатларда фохишалик билан шуғуллунаётган аёллар орасида ўзбек қизлари ҳам бор. МДХ, Марказий ва Шарқий Европадан Ғарбий Европа ва АҚШга бир йилда бир миллион қиз жувонлар экспорт қилинади.


Одам савдоси инсоннинг эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахлсизлигига путур етказади, уни турли хўрлик ва камситишларга дучор этади. Ушбу жиной фаолият ортида мажбурий меҳнат, қуллик, мажбурий донорлик, ҳарбий тўқнашувларда фойдаланиш, фохишабозлик билан шуғулланишга мажбурлаш каби қабих қилмишлар мужассамдир.



**Эгоцентризм**-(лот. “ego”–мен, “centrums”–марказ) маъносини англатади. Эгоцентризм шахсни ўзининг шахсий мақсадлари, фикрларига таяниб, бошқа одамларнинг ҳолатини ва тилини воқеаликнинг таъсирини холис қабул қилолмайди. Эгоцентризмда барча жараёнлар марказида шахсий манфаат ётганлиги яққол кўзга ташланади.

Эгоцентризм шахсий мавқеи сифатида ўзга-ларнинг истак ва ҳохиши билан ҳисоблашмаслик, ўз фикрининг нотўғрилигини билса ҳам ўзгаларнинг фикрини инобатга олмаслик гоясига асосланади.

Ахлоқсизлик ва худбинликнинг бир кўриниши бўлиб, фақат ўз манфаатларини ўйлаб яшаш, бошқа хеч нарсани тан олмаслиkdir.



**Миссионер** “миссио” феълидан олинган бўлиб, “юбориш”, “вазифа топшириш”, миссионар эса “вазифани бажарувчи” деган маъноларни англатган. Миссионерлик умумий маънода бирор динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилиш ходисасини англатади. Миссионерлик асосан, христианликка хосдир.

**Асосий мақсади:** ҳудудлардаги халқларни инжиллаштириш орқали уларнинг бирдамлигига путур етказиш, ички низоларни келтириб чиқариш орқали уларнинг ривожланишига тўскенилик қилиш ва қарам этишдан иборат.

Умуман олганда, бу услуб давлат ва жамиятни парчалаш, уни таназзулга юз туттириш, маънан қашшоқлаштириш, ўз муаммолари билан машғул қилдириб, мамлакатнинг бошқа мухим вазифаларидан чалғитишининг энг яхши воситаларидан ҳисобланади.

**Прозелитизм** атамаси эса бирон-бир динга эътиқод қилувчи инсонни ўз динидан воз кечишга ва ўзга динини қабул қилишга қаратилган

ҳаракатларни англатади. Шунингдек, ўз динидан воз кечиб бошқа динга ўтиши ҳам прозелетизм деб аталади.



### **Ахборот хуружи.**

Ахборот-психологик хуруж – ҳозирги замон дунё сиёсатининг асосий воситаларидан, сиёсий ва иқтисодий ҳукмронликка эришиш, аҳолининг психологик (рухий) ҳолатига мақсадли таъсир ўтказиш усулларидан биридир.

Таъсир қилишнинг асосий дастаклари-китоблар, кинофильмлар, телевидение, интернет, ОАВ нашрлари. “Ахборот уруши”ни оддий рекламадан фарқлайдиган жиддий белгиси шуки, бунда асосий мақсад қарши тарафга нисбатан унинг мақсади ва унга етишиш воситаларидан тўлиқ фойдаланишига тўсқинлик қилиш, чалғитишидир. Ҳаттоқи тинч осуда мамлакатларни ва халқларини кулгига қолдириб, уларга нисбатан ёлғон ишлатиб, жамиятда уларнинг юзларини қора қилиш, обрўсизлантириш йўлларини топиб, амалга оширишидир



### **“Демократия экспорти”.**

Бугунги кунда халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун “эркинлик ва демократияни олға силжитиши” ниқоби остида амалга ошираётган, узоқни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, англаш катта аҳамият касб этади.

### **Мақсади:**

Биринчидан, айрим қудратли давлатларнинг муайян мамлакатларни иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан ўзига тобе қилиши;

Иккинчидан, муайян ривожланиб келаётган ёш давлатлар ва худудларнинг ер ости ҳамда ер усти бойликларига эгалик қилиш;

Учинчидан, айрим минтақалардаги тинч ҳаётни издан чиқариш;

Тўртинчидан, ҳокимият тепасига айнан қудратли давлатларнинг манфаатларига хизмат қиласидиган кучларни келтириш.

Бир сўз билан айтганда, “Эркинлик ва демократияни олға силжитиши” ниқобидаги таҳдид мустақил давлатни ўзга бир давлатга қарам қилишидир.

### **2-савол: Миллий маънавиятимизга ёт ғоялар тарғиботида қўлланилаётган усул ва воситалар**

Аввалги бобларда таъкидланганидек, бугунги кунда муайян кучлар томонидан турли ғаразли ғоя ва мафкуралар турли-туман усул ва воситаларни қўллаган ҳолда, “ниқобланган” тарзда тарғиб қилинмоқда ва бир қарашда уларнинг заарли таъсирини англаб етиш анча мушкул. Масаланинг

муракаблиги шундаки, бугунги глобаллашув даврида бу жараённи бутунлай тақиқлаб, тўхтатиб бўлмайди. Фақатгина аниқ мақсадли таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишлари орқали ёш авлоднинг маънавий-маърифий, сиёсий-хуқуқий билимларини, ҳаётий тажрибаси ошириш, уларда ватанпарварлик, огоҳлик, хушёрлик фазилатларини, чин фуқаролик позициясини шакллантириш билан ушбу иллатларга қарши курашиш мумкин.

Бугунги кунда ёт ғояларни тарғиб қилиш, ёшларнинг маънавий оламни бузишда қуйидаги восита ва усуllibардан фойдаланилмоқда:



### Телевидения.

Энг катта аудиторияга, таъсир этиш имкониятларига эга ОАВларидан бири – телевидения ҳисобланади. Бугун ҳар бир хонадоннинг турини телевизор эгаллаган.

Айниқса, сунъий йўлдош ва кабел телевидениелари орқали намойиш этилаётган фильм ва сериаллар жангарилик, зўравонлик, беҳаёлик ва

эгоистик ғояларни тарғиб қилишда асосий рол ўйнамоқда. Уларнинг аксариятида Ғарб маданияти ва турмуш-тарзи ҳаммабоп, этalon маданият сифатида одамлар онгига сингдирилмоқда. Дунёнинг турли минтақаларида юз берадиган воқеа-ҳодисалар Ғарб мамлакатлари манфаатлари нуқтаи-назаридан кўпинча нохолис талқин қилинмоқда.

Россия ва Ғарб телеканалларидаги турли ток-шоуларда Шарқ дунёсида инсоннинг шахсий ҳаётига оид, оила сири ҳисобланадиган мавзулар катта аудиторияларда очик-ойдин муҳокама қилинмоқда. Ачинарли томони улардан кўр-кўrona ўrnak олиб миллий телеканалларимизда намойиш этилаётган шу каби кўrsatuvlarда эр-хотин, қайнона-келинлар бир-бирларини омма олдида “фош этишмоқда”.

Деярли барча оилаларда севиб томоша қилинадиган давлат ва хусусий телеканалларда намойиш этилаётган сериаллар ичида тарбиявий жиҳатдан қимматга эгалари билан бирга, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга мос келмайдиган, турмуш-тарзимиз ва ахлоқий нормаларимизга тамомила тескарилари ҳам анчагина. Бугун айрим ўзбек оилаларида туғилган чақалоқларга “Эсмеральда”, “Жумонг”, “Ишани”, “Камилла” каби исмларнинг қўйилаётгани ҳам ушбу сериалларнинг турмуш-тарзимизга қанчалик таъсир кўрсатаётганидан далолат беради.



**Мусиқа ва кино.** “Оммавий маданият” энг аввало мусиқа ва унинг янги замонавий жанрлари орқали тарғиб қилинганини аввалги мавзуларда таъкидлаб ўтилган эди. Ҳозирги кунда кўплаб FM радиолари ва тижорий телеканалларда берилаётган қўшиқлар ва видеоклиплар, улардаги маъносиз сўзлар, клиплардаги ўзларини санъат осмонидаги юлдуз ҳисоблайдиган эстрада хонандаларининг миллий маънавиятимизга мос бўлмаган кийиниши, ўзини тутиши, бачкана қилиқлари ёшлар учун салбий маънода ўрнак бўлмоқда.

Кино бугунги кунда санъатдан даромад топишга қаратилган улкан индустряга, яъни саноатга айланди. Кино санъатининг тобора тижоратлашуви туфайли Ғарб киночилари ўз фильмларида зўравонлик, шафқатсизлик, бехаёлик сахналарини акс эттириб, шу йўл билан томошабинларни экранга жалб қилишга, катта даромад кўришга ҳаракат қилишмоқда.

Тадқиқотчиларнинг фикрича бадиий жиҳатдан юқори савиядаги, чуқур сюжетли, ижодий жиҳатдан кўп қуч сарфланадиган фильмларни ишлаб чиқиши узоқ вақтни, иқтидорли актёрларни жалб этишини талаб қиласди. Албатта бу юқори даромад топиш учун ҳаракат қилаётган киночилар учун кўлай эмас. Унинг ўрнига уруш, зўравонлик ва шаҳвоний сахналардан иборат фильmlар орқали бадиий ва ижтимоий ривожланмаган аудиториянинг эътиборини кўпроқ жалб этиш мумкин. Бунинг оқибатида ёшлар ўртасида эгоистик ғояларнинг, ахлоқий бузуқликнинг кенг тарқалиши, жиноятчиликнинг ўсиши кузатилади. Дунёнинг кўплаб давлатларида ёшлар ўртасидаги жиноятларнинг кўпайишига экранлардаги зўравонлик сахналари ҳам сабаб бўлмоқда.

Бу масаланинг бир томони холос. Маълумки, кино санъати тарғибот воситаси сифатида кучли руҳий-эмоционал таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Кино муаллиф мақсадига мувофиқ томошабинда бирон-бир персонажнинг тарихдаги ҳақиқий ролидан қатъи назар, унинг “адолатлилиги”, ҳақлиги тўғрисидаги тасаввурни ҳосил қила олади. Бунда кишига тарғибот таъсири яширин равишда, эмоционал даражада, онг назоратидан ташқарида юз беради. Бу холатда ҳеч қанақа оқилона қарши далил-исботлар иш бермайди.

Ўтган аср ўрталаридан АҚШда ҳукмрон элита кинематографиянинг тарғиботчилик салоҳиятини англаб, ундан ўз мафкурасини тарғиб қилишда унумли фойдалана бошлади. АҚШ Давлат департаментининг бир таҳлилий мактубида айтилишича, “Америка фильмлари яхши ниятлар элчиси бўлиб, солиқ тўловчиларга уларнинг бир центлик ҳам оғирлиги тушмайди. Улар жаҳон аҳлига америкача турмуш тарзини тушунтириб беради, бу эса сиёсий, маданий ва тижорат нуқтаи назаридан бебаҳо ишдир”.

Шу вақтдан бошлаб Голливуд Американинг тарғибот мақсадларини

ривожлантириш йўлида унинг сиёсатининг қудратли ва ишончли қуролига айланди.

Бу айниқса, 80-йилларда Америкада жуда оммалашиб кетган Вьетнамдаги урушдан кейин яратилган фильмларда яққол кўринади. АҚШнинг Вьетнамга қарши олиб борган урушдаги мағлубияти аҳоли орасида ўз раҳбариятининг сиёсатидан норозилик туғдирди. Шу боис бундай фильмларнинг пайдо бўлиши муҳим ижтимоий муаммолар ҳамда яқин ўтмишдаги тарихни “қайта ёзиш, урушни бошқача ҳал этиш” ҳамда АҚШнинг қудрати ва ахлоқий устунлигига дарз кетган ишончнинг ўрнини экранда намоён бўладиган қаҳрамонлар жасорати ҳисобига тўлдириш билан изоҳланади. “Рембо, Дастрлабки тўклилган қон” (1985) ва “Қора йўлбарслар” (1978) ўз жанри бўйича культ даражасидаги фильмлардир. Уларнинг сюжети ўхшаш, бош қаҳрамон ўн йиллар ўтгач, аввалги Америка ҳукумати “сотган” ўз жанговар ўртоқларини асирилкдан кутқариш учун Вьетнамга қайтиб боради. Бу фильмларда въетаамликлар образи иблисларча тасвирланган, шу боис америкалик ҳарбий асириларни қутқариш жараёнида уларнинг қириб юборилиши гўё адолат тантанасидек кўринади. Умуман олганда, бу картиналарнинг мафкуравий вазифаси Рейган даври қадриятларини қайта баҳолаш бошланганини намойиш этади”<sup>11</sup>.

Маълумки, бу фильмларни кўпчилик, айниқса, ёшлар мароқ билан томоша қиласидилар. Сир эмаски, аксарият одамлар табиатида, хулқ-авторида мана шундай хатти-ҳаракатларга оз бўлса-да мойиллик бўлади.

Онги шаклланиб улгурмаган аксарият ёш томошабинлар бундай фильмлардан кўпинча турли ёвузлик, йиртқичлик, шафқатсизликларни ўрганади, холос. Натижада уларнинг дийдаси қотади, калбидан тошбағирлик, зўравонлик, ахлоқсизлик каби иллатлар жой олганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ҳатто шундай томоша ва фильмларнинг қаҳрамонларига кўр-кўrona тақлид қилишни истайдиган йигит-қизлар ҳам топилади. Чунки улар бундай уйдирма талқинлар таъсирида қўл ураётган иши қандай аянчли оқибатларга олиб келишини тушуниб етмайди. Афсуски, бизнинг телевидениямизда ҳам шундай фильмларни намойиш этишга ортиқча ружу қўйилмоқда.



**Реклама.** Тадқиқотларга кўра, инсон ўз хаёти давомида ўртacha 3 миллиондан зиёдроқ рекламага дуч келар экан. Телевидение, радио, газета, журналлар, интернет, билбордлардаги реклама бугунги кунда инсонлар онги учун курашнинг энг кучли воситасига айланди.

Реклама саноати инсонлар онгини манипуляция қилишнинг ўта самарали усул ва воситаларидан фойдаланмоқда.

Масаланинг иқтисодий томони ўз йўлига, лекин рекламаларда тарғиб қилинаётган айrim маҳсулотлар ва ғоялар инсоннинг соғлиғи, яшаш тарзи ва

<sup>11</sup> Гоибназаров Ш. “Оммавий маданият” - Т., 2012 й. 87-бет.

маънавий оламига ҳам салбий таъсир кўрсатиши ўз исботини топган.

Масалан, Red Bull, Energizer ва шу каби энергетик ичимликлар рекламасини олайлик. Ушбу ичимликлар куч-қувват бағишловчи эфектга эга деб реклама қилинади. Бутун дунёда ушбу ичимликни истеъмол қилувчиларнинг ўртacha ёши 14-18 ни ташкил қилас экан. Бунинг оқибатида ҳали организми тўла шаклланмаган ўсмирларнинг бу ичимликларни меъёридан ортиқ ичиш оқибатида нобуд бўлганларини ҳам кузатиш мумкин.

Футбол бўйича жаҳон чемпионати трансиляцияси вақтида намойиш этиладиган рекламага ишлаб чиқарувчилар жуда катта пул тўлаши бежиз эмас, сабаби етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган жуда катта аудитория катта ҳаяжон билан уларни томоша қиласди. Бинобарин рекламанинг таъсир доираси ва кучи ҳам катта бўлади. Ана шу чемпионат пайтида намойиш этилган машхур футболчилар иштирокидаги “Пепси” ичимлиги рекламасида футболчи (Л.Месси) бир қариянинг “пепси”сини яширинча, яъни ўғирлаб олиб ичади. Хўш, нима бўпти, дейишингиз мумкин. Гап шундаки, бу ҳолат томошабин психологиясига таъсир қиласди, айниқса, Мессини ўз кумири деб билиб, соч турмагигача унга ўхшатишга ҳаракат қиласидиган, тақлидга мойил ёшлар бу ўғирликни табиий, ижобий ҳолат сифатида қабул қиласди.

Ёки фаст-фудлар, тез тайёрланувчи лапша, чипс каби маҳсулотлар рекламасида шундай лавҳа ва сўз (шиор)лар ишлатиладики, улар аста-секин ушбу маҳсулотларга дастлаб мойилликни, бора-бора эса тобеликни вужудга келтиради. Аксарият талабаларнинг “Роллтон” лапшасини истеъмол қилишлари бор гап, бу ҳол қизиқчилар томонидан ҳам кулгу остига олинган. Дарҳақиқат, у икки жиҳати билан талабага қулай: биринчидан, арzon; иккинчидан тез тайёрланади. Бироқ, охир-оқибат бу маҳсулотларни кўп истеъмол қилиш соғлиқ учун зарар келтиради, қолаверса, инсондаги дангасалик кайфиятини янада кучайтиради.



### Мультфильмлар.

Ёш бола

атрофидаги оламни образлар орқали тасаввур қиласди ва англайди, улар асосида ўзининг шахсий дунёқараш моделини қуради.

Психологларнинг тадқиқот натижаларига кўра баъзи хорижий мультфильмлардаги аёл образидаги қаҳрамонлар шундай яратилганки, ушбу мультфильмларни сурункали равишда томоша қилиш ёшларнинг онгиди авлод ва насл қолдириш функцияларини сўндиришга олиб келади.

Ҳамма ёқимли нарсалар ҳам фойдали бўлавермайди. Шундай экан, журналист олима В.Қаршибоева ибораси билан айтганда “ёқимли... ва хавфли” маҳсулотлар ёт ғоялари билан фарзандларимиз онгини ўзгартиришига бефарқ қараб туриш мумкин эмас.

Эндинга олам ҳақидаги тасаввурлари, ўзига хос одат ва характерлари шаклланаётган ёш болалар мультфильмларда кўрган воқеаларни бир умр

эслаб қолади, мультфильм қаҳрамонлари беихтиёр тақлид қилишга уринади ва энг аҳамиятли томони бу даврда ана шундай мультфильмлар таъсирида ёш болада шаклланган одатлар кейинчалик ҳам сақланиб қолиши мумкин.

Биргина мисол, Россиядаги айрим газеталар “Маша ва айик” мультифильмидаги түполончи, тиниб тинчимас, ўз айтганини қилдирмасдан кўймайдиган “Маша” образининг ёш болалар психологиясига салбий таъсир кўрсатаётганлиги ҳақида ёзиб чиқдилар ва болаларга ушбу мультифильмни кўрсатмасликни тавсия қилдилар.



### **Интернет ва ижтимоий тармоқлар.**

Бугунги кунда интернет тармоғи қамров доирасининг кенглиги, таъсир қилиш имкониятлари юқорилиги (тасвир, овоз, матн уйғунлиги, ахборотни юклаб олиш, қайта кўриш, бошқаларга улашиш), фойдаланишининг нисбатан қулай ва арzonлиги (жой танламайди, оддий телефон ва траффик бўлса, бас) билан “оммавий маданият” тарғиботида асосий ўринни эгалламоқда.

“Ахборот асри” деб ном олган XXI асрда жамият ва мамлакат тақдири аҳоли томонидан асосан интернет ва ОАВ орқали кириб келаётган маълумотларни қандай қабул қилишларига ҳамда ушбу хабарларга қандай муносабат билдиришларига боғлик бўлиб қолмоқда. Бу борада таникли хинд давлат арбоби Маҳатма Гандининг **“Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини маҳкам беркитиб ўтира олмайман. Чунки унга тоза ҳаво кириб туриши керак ва шунинг баробарида, эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб, хонадонимни ағдар-тўнтар қилиб, ўзимни йиқитиб ташлашини ҳам хоҳламайман”** деган сўzlари бугунги глобаллашув шароитида айниқса долзарбdir.

Интернет бугунги кунда улкан ахборот манбаига, маълумот олишининг энг самарали воситаларидан бирига айланган. Интернет тармоғи орқали ўқувчилар ўзларининг билимларини ошириши, тенгдошлари билан мулоқотга кириши мумкин. Албатта, шак-шубҳасиз интернет кунлик ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллайди. Лекин, ҳар қанча ютуқларини таърифламайлик, интернетнинг ҳам ёшлар тарбиясига солбий таъсири мавжуд, буни инкор қилиб ёки бунга кўз юмиб бўлмайди.

Интернетнинг ёшлар тарбиясига салбий таъсири сифатида қуйидаги мисолларни келтириб ўтиш етарли бўлади: порнографияга оид, пиротехника, суицид, наркотик моддаларни сунъий йўллар билан тайёрлаш ва унинг инсон организмига таъсирига оид сайtlар ва ушбу сайтларда мазкур масалаларни муҳокама қилиниши ҳамда бу нарсаларга қизиқиши орқали уларнинг хаёти ва соғлиғига путур этиши мумкин.

Ёшлар ўртасида Интернетнинг энг кўп тарқалган хизматларидан бири – бу чат, форум ва турли ижтимоий тармоқларда бошқа инсонлар билан

мулоқот қилиш. Бундай мулоқотларнинг энг хавотирли жиҳати шундан иборатки, бунда ёшлар билмасдан хавфли инсонлар билан мулоқот ўрнатишлари мумкин. Чунки виртуал мулоқотда ҳар ким аноним ҳолатда мулоқот юритиши мумкин ва ким аслида кимлигини аниқлаб бўлмайди. Бундай ҳолатларда ўсмиirlар турли радикал оқимлар ва диний секталар таъсирига тушиб қолиши мумкин. “Учинчи кучлар” минглаб километр узоқликда оқ-қорани танишга улгурмаган ғўр ёшларни қўғирчоқ мисол ўйнатмоқда”<sup>12</sup>.

Бугун дунё ахолисининг 82 фоизи, ёшларнинг 90 фоизи асосий ахборот манбаи сифатида интернет тармоғига мурожат қилмоқда. Маълумотларга кўра, Интернет тармоғида ўз жонига қасд қилишни тарғиб қилувчи 9 минг, порнографик мазмундаги 4 мингдан зиёд сайтлар мавжуд экан. Хусусан, террорчилар томонидан интернетдан фойдаланиладиган сайтлар 10 йил аввал 20 та бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 7 мингтадан кўпроқни ташкил этади.

Халқаро эксперталар дунё миқёсида 38 фоиз бола зўравонлик руҳидаги сайтлар, 26 фоиз бола миллатчилик характеридаги веб-саҳифаларни кузатишини маълум қилганлар. Ўзбекистонда мутахассисларнинг фикрича, “Odnoklasniki.ru” сайтига кунига 200 минг, “Facebook”ка 90 минга яқин, “Мой мир” порталига 40 минг нафардан ортиқ киши ташриф буюради.

Интернет ва компьютер ўйинлари асирига айланиш касаллигига чалинган ўсмиirlар ҳаётдан, маънавий қадриятлардан тамом узилиб, бутунлай ўйинларга берилиши ёки балл йигишга, қиморга ва ютуқ-совға олиш каби ўткинчи фойдасиз ишларга муккасидан кетишлари мумкин.

### Ўйинчоқлар.



Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида ушбу масала тўғрисида ҳам қимматли фикрлар билдирилган: “Бир қараганда, бу муаммо арзимас нарса бўлиб туюлиши мумкин. Лекин ҳар қайси гўдак илк бор оламни ўз атрофидаги ашё ва буюмлар, жумладан, ўйинчоқлар орқали англашини инобатга оладиган бўлсак, уларнинг инсон тарбиясидаги ўрни бекиёс экани аён бўлади. Ўйинчоқлар образи боланинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрланиб, унинг онгига бир умр сақланиб қолади. Гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай

<sup>12</sup> Мухаммад А.Я. «Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя»-Т., 2015 йил.

йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга куриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг болаликда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсгани билан белгиланади”<sup>13</sup>.

Бугун компьютер болаларимиз қўлларидағи миллий қўғирчоқ, ўйинчоқларни тортиб олишга интилаётир. Демак, болаларимиз ўйнаётган компьютер ўйинларидағи образлар, боланинг мурғак тасаввурида бир умр сақланиб қолади.



**Компьютер ўйинлари.** 2011 йилдаги ҳисоб-китобларга кўра, компьютер ўйинлари орқасидан келган даромад Америка киносаноатини ҳам ортда қолдирган. Хўш ниманинг ҳисобига? Албатта, сизу бизнинг, болаларимизнинг таги пуч қизиқишлиари ҳисобига.

2002 йил америкалик Шон Вилли исмли 21 ёшли йигит ўзини ўзи пешонасидан отиб ўлдириди. Аниқланишича, у компьютер ўйинига муккасидан кетган эканни ўша ўйинда ютқазиб, йиққан баллари ва мукофотларидан ажралганига чидаёлмай, ўз жонига қасд қилгани маълум бўлди. Бу каби салбий ҳолатлар дунёнинг турли мамлакатларида ёшларнинг кучли стресс натижасида умрига зомин бўлмоқда<sup>14</sup>.

Чунки жангари ўйинлар оламига боғланган ўсмирнинг қизиқиши доираси тораяди. Уни келажак, ҳаёт, Ватан, ўқиши, спорт, санъатнинг ранг-ранг олами эмас, жангари ўйинларнинг жангари олами “ютиб юборади”. У реал ҳаётга виртуал ҳаётдан олган жангари хулосалари билан қарай бошлайди. Унинг ниятларида асоссиз жizzакилик, тундлик ғолиб бўла боради. Бу эса уни синфдошлари, қўшнилари, тенгдошлари билан муносабатларини бузади. Ҳеч бўлмаганде у атрофида бўлаётган ўзгаришларга, янгиликларга, ўзининг, халқининг, Ватанинг келажагига лоқайд бўла боради.



**Дафтарлар ва бошқа буюмлар.** Ўтиш давридаги ўспириналар ўзининг табиати бўйича ўта таъсирчан бўлишади. Бугунги кунда номақбул рекламаларни чет давлатларда ишлаб чиқарилган ўқувчиларнинг ёзув дафтарларида ҳам кўришимиз мумкин.

Улардаги жозибадор, эҳтиросли суратлар ва турли жангари фильмларнинг “қаҳрамонлари” намуна ва ўрнак сифатида тарғиб қилиниши орқали ёшларимиз онгига миллий қадриятларимизга зид ғояларни

<sup>13</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият». 2008 йил.

<sup>14</sup> Тулепов А. «Интернетга ин қурган ўргимчаклар». –Т., 2013 йил.

сингдириши мумкин.

**Байрамлар.** Сўнгги пайтларда ёшларимиз орасида ғайритабиий бир байрам нишонланиб келинмоқда. Ҳар йилнинг 14 февралида мактаб ва коллеж ўқувчилари, олийгоҳ талабалари ўртасида “день Валентин” ёки “Севишганлар куни”ни нишонлаш одат тусига кирган.



Бу сохта байрамни нишонлайдиганларнинг ўртача ёши 16-25 ёшни ташкил қиласди. Улар ушбу кун билан боғлиқ маълумотлар билан қизиқиб кўрмасдан, унинг тарихини ўрганмасдан туриб онгсиз равища миллий қадриятларимизга тўғри келмайдиган ҳаракатларни содир қилишади.

Бу байрамнинг пайдо бўлиши ҳақида турли талқинлар мавжуд. Ривоятларга кўра, Рим императори Клавдий II уруш пайтида оиласиз, фарзандсиз эркак ватан учун яхши жанг қиласди, деб ёш йигитларга уйланишни, кизларга эса турмушга чиқиши тақиқлаб қўяди. Ўша пайтларда оддий роҳиб бўлган Авлиё Валентин эса мавжуд тартибни бузиб, яширинча никоҳ ўқишида давом этади. Унинг бу қилмиши тезда фош бўлади ва у қамоқقا олинниб, ўлим жазоси тайинланади. Қамоқда у турма нозирининг қизи Жулия билан танишади. Ўлими олдидан унга севги изҳори ёзилган юрак шаклидаги “валентинка”ни юборади. Уни 269 йил 14 февраль куни қатл қилишади.

Католик черковнинг баъзи епархияларида бу кун байрам эмас, балки “Авлиё Валентинни хотирлаш куни” сифатида нишонланади. XIX асрда Буюк Британияда қўлбола валентинкалар ишлаб чиқарила бошланди. Бу эса кейинчалик АҚШда байрамларнинг тижорийлашувини бошлаб берди. Севги мавзуси ҳам тижоратлашди. Ундан кўп ва тез фойда олиш мумкинлигини билиб олишади. Севгили сўзлар уфурган янги байрамлар пайдо бўла бошлайди.

Бугунги кунда қиммат нарҳларда сотилаётган турли шакллардаги ранг-баранг “валентинка”лар севги ва садоқат каби илоҳий туйғуларни ифодаламай, балки энг аввало, катта даромадни кўзлаб ишлаб чиқарилмоқда.

Масаланинг яна бир нозик томони шундаки, ўша Авлиё Валентиннинг тутган йўлида ҳам, шунингдек, у вафот этган куннинг байрам сифатида нишонланишида ҳам на диний ва на шарқона одоб-ахлоқ нуқтаи назаридан

биз учун ўрнак бўладиган жиҳат йўқ.

Яна бир шундай ҳолат, Хэллоуин байрами таъсирида мактаб, коллеж ўқувчиларинг қўрқинчли ниқоблар кийиб, кўчаларда юришлари кузатилмоқда. Ваҳоланки, бу байрам ҳам бизнинг миллий қадриятларимизга мутлақо тўғри келмайди. Бу аслида, Европадаги кельт қабилаларининг қадимий байрами бўлиб, қишининг биринчи куни – 31 октябрни кутиб олиш, яъни қўрқинчли қора кучлар келиши билан изоҳланади. АҚШда, Фарб мамлакатларида шу куни ёшлар ниқоблар кийиб олиб, намойишлар ўtkазадилар. Ҳар йили АҚШда ушбу байрам тадбирларидан 2,5 миллиард доллар фойда олинади.

Бир сўз билан айтганда, ота-боболаримиздан мерос қадрият ва анъаналаримизга, миллий менталитетимизга мос бўлмаган, ўзида ҳеч қандай эзгу ғояни мужассам этмаган, маълум қучлар томонидан иқтисодий фойда илинжида тарғиб қилинаётган бу каби байрам ва шоуларнинг ёшларимиз ўртасида нишонланишига асло бефарқ қараб бўлмайди.

### Ўзингизни синанг!

**Миссионерлик бу-...**

**“Демократия экспорти” бу-...**

**Лоқайдлик бу -...**

**Эгоцентризм бу-...**

**Ахборот хуружи бу -...**



#### Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Мафкуравий қурашнинг замонавий қўринишлари мавзусини ўқиб ўрганиш.
2. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мавзуга тааллуқли нутқларини ўқиб ўрганиш.

#### Назорат саволлари:

1. Миссионерлик деганда нимани тушунасиз?
2. Космополитизм ҳақида тушунчангиз?
3. Эгоцентризм деганда тушунчангиз?
4. Бир жинсли никоҳдан қўзланганган мақсад нимада?
5. ЛГБТ деганда нимани тушунасиз?

## 2-МАВЗУ: Мағқуравий қурашнинг замонавий қўринишилари

Семинар машғулоти (2-соат)

### ЗИНАМА-ЗИНА

#### Машғулотни ўтказиш тартиби:

- ўқитувчи машғулот бошлангунга қадар ўқув материалини бир неча кичик мавзуларга бўлиб олади (масалан, 2 ёки 3 та, 4 ёки 5 та ...);
- ўқитувчи ўқувчиларни мавзулар сонига қараб 3-5 кишидан иборат кичик гурӯҳларга ажратади (гуруҳлар сони 4 ёки 5 та бўлгани маъқул):
  - ўқитувчи ўқувчиларни машғулотнинг мақсади ва унинг ўтказилиш тартиби билан таништиради. Ҳар бир гурӯҳга қоғознинг чап қисмида кичик мавзу ёзуби бўлган варажлар тарқатилади;
  - ўқитувчи гурӯҳ аъзоларини тарқатма материалда ёзилган кичик мавзулар билан танишишларини ва шу мавзу асосида билганларини фломастер ёрдамида қоғоздаги бўш жойга жамоа билан биргаликда фикрлашиб ёзиб чиқиш вазифасини беради ва вақт белгилайди;
  - гурӯҳ аъзолари биргаликда тарқатма материалда берилган кичик мавзуни ёзма (ёки расм, ёки чизма) кўринишида ифода этадилар. Бунда гурӯҳ аъзолари кичик мавзу бўйича имкон борича тўлароқ маълумот беришлари керак бўлади;
  - тарқатма материаллар тўлдирилгач, гурӯҳ аъзоларидан бир киши тақдимот қиласи. Тақдимот вақтида гурӯҳлар томонидан тайёрланган материал, албатта, аудитория (синф) доскасига мантиқан тагма-таг (зина шаклида) илинади;
  - ўқитувчи гурӯҳлар томонидан тайёрланган материалларга изоҳ бериб уларни баҳолайди ва машғулотни яқунлайди (тақдимот вақтида бошқа гурӯҳ аъзолари ҳам тақдимот қилинган мазмунга ўзларининг фикрларини билдиришлари мумкин).

**Изоҳ:** ўқув машғулотининг бундай ташкил этилиши ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ўтилган ва ўзлаштирилган мавзуларни эслашга, уларни ёзма (расм ёки чизма кўринишида) баён этишга, фикрларни умумлаштиришга ўргатади.

#### Ўқитувчиларнинг иш тажрибасидан:

Ижтимоий-ахлоқий иллатлар ҳақида тушунчангиз.

Ҳар бир иллат ҳақида билганларингизни илмий, назарий, амалий тарзда оғзаки ёзма шаклда ифода этинг.

**Ижтимоий - ахлоқий иллатлар**

**Лоқайдлик**

**Буюмпаратстлик**

**Ичкиликтозлик**

**Гиёхвандлик**

**Кашандалик**

**Бузукчилик**

**Одам савдоси**

**ЛГБТ, Эгоцентризм, Миссионерлик,  
“Ахборот хуружи”**

**Ёт ғоялар тарғиботида қўлланилаётган усул ва воситалар ҳақида тушунчангиз. Ҳар бир усул ва воситалар ҳақида билганингизни илмий, назарий, амалий тарзда оғзаки ёки ёзма шаклда ифода этинг.**

**Ижтимоий - ахлоқий иллатлар**

**Телевидения**

**Мусиқа ва кино**

**Мультфильмлар**

**Реклама**

**Интернет ва ижтимоий тармоқлар**

**Ўйинчоқлар**

**Компьютер ўйинлари**

**Байрамлар**

### 3-МАВЗУ: Ички ишлар органлари ходимларида мафкуравий иммунитетни юксалтириш

Режа:

Маъруза машғулоти (2-соат)

**1-савол.** Мафкуравий иммунитет ва профилактика

**2-савол.** Ички ишлар органлари ходимлари мафкуравий таҳдидларга қарши курашда вазифалари

**“Миллий тарихни миллий рух билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур”**

**Шавкат Мирзиёев**

#### 1-савол: Мафкуравий иммунитет ва профилактика


**Иммунитет** деганда ташқаридан бошқариладиган ғояга ёки айтиладиган воқеа-ҳодисага қарши ҳимоя, ниманидир олдини олиш, унга қарши курашиш кўникмасининг ҳосил бўлиши тушунилади.



**Иммунитет** – лотинча – озод бўлиш, қутилиш деган маънода ҳам келади. Мутахассис олимларнинг таъкидлашича, иммунитет инсон вужудининг турли инфекцион касалликларга бўш келмаслик ҳолатини ифодалайди.

Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда асосий восита билимдир. Лекин билимлар ҳар хил бўлади. Уларни фойда-зиёнлигини ажрата билиш лозим.

Бугунги кунда мафкуравий кураш олиб борувчилар ҳам билимга таянадилар. Бироқ, улар миллий ғояни ўзига сингдирмаган, ғоявий бўшлиқقا эга бўлган ёшлар онгини эгаллашга ҳаракат қиласидилар. Улар ёшларни эътиборини тортадиган устида чиройли ниқоби бор “оммавий маданият” каби тушунчаларни тарғиб қилиш, ёйиш орқали ўз мақсадларига етишга интилишади.



**Мафкура** – қудратли курол. Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда миллий қадриятларнинг роли бекиёс. Халқимзга ҳос бўлган миллий қадриятлар мафкуравий иммунитетнинг асосий манбаи ҳисобланади. Ҳар бир ўзини тарбияли, мукаммал деб ҳисоблаган инсонда – Истиҳола бўлиши шарт.

Инсон истиҳола қилиш, яъни қайси гапни қачон, кимларнинг олдида айтиш мумкину қаерда гапирмаслик зарурлигини билиши керак. Айтган гапи билан ўзи билмаган ҳолда, бегуноҳ инсонни ҳафа қилиб қўйиши мумкинлигини ҳис қилиши лозим.

Мафкуравий иммунитетни ҳосил қилишнинг яна бир манбаларидан бири андишадир. Ўғилми-қизми, каттами-кичикми инсон андишали бўлсин. Андишасизликни афсуски, бугунги айрим ёшлар замонавийлик белгиси, деб тушунадилар. Андишасизлик фақат гап қайтаришда, хоҳлаган гапини гапираверишидагина эмас, балки баъзи ёшларни жамоат жойларида калта шортиқ, калта юбкада, йигитлар қулогига, кўлига сирға, узук тақиб олишида, одамлар билан муомаласида ҳам кўринади.

Андишасизлик бизга асосан, интернетда берилаётган турли хил ёлғон хабарлар, мақолалар, кўрсатувлар, кинолар орқали кириб келмоқда. Афсуски, айрим ота-оналар фарзандларидағи андишасизликни ботирлик, ақллилик, деб ўйладилар. Ақлли, тарбияли, билимли инсон андишасизлик қила олмайди ахир.

Уят, ибо, ҳаё, виждон, ор-номус, ҳурмат, садоқат, иззат-икром, эҳтиёткорлик каби аҳлоқий нормалар мавжуд. Ўзини баркамол инсонман, деб билган кишида бу тўлиқ шаклланган бўлиши керак.

Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда ёт ғоялар кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишига қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига оладиган мафкуравий профилактиканинг ўрни катта.

Болага илк ёшидан бошлаб нима яхши, нима ёмон, уларга қандай муносабат билдириш керак, деган саволларга асосланган боғча, мактаб тарбияси, ундан кейин ижтимоий тарбия йўлга кўйилсагина ҳар бир миллат соғлом, ишончли, мустаҳкам иммунитетга эга бўлади. Демак, мафкуравий иммунитет – давлат ва миллатнинг маънавий бирлиги, маънавий соғломлигини ҳимоя қилувчи ғоявий қалқон вазифасини бажаради.

Жамиятнинг ўз эртаси ва келажагига ишончи ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди. Бунинг замирида миллат баҳт-саодати йўлида, демак ҳар бир

фуқаро манфаатидан келиб чиқувчи маҳсус фаолият – мафкуравий тарбия ётади. Мафкуравий тортишувлардаги ғояни оммалаштириш услублари – мафкуравий тарбия услубларидир. Бу баҳсада пировард натижани илмга асосланган тарғибот ва ташвиқот ҳал қиласи. Шу тариқа мафкуралар кураши – ғоялар тарғиботи ва ташвиқоти тортишувига айланади. Жамиятга ёт мафкуралар ўз ғояларини бирданига олиб кира олмайди. Улар аввало маҳв қилиниши керак бўлган миллат азалдан ишониб келган қадриятларга ишончини, умидини сўндиради. Бунинг учун миллат ишониб келган қадриятлар ёмонланади, обрўсизлантирилади. Натижада мафкуравий иммунитетни синдиришнинг биринчи босқичи амалга ошади – миллат ўзи ишониб келган ғоялар, қадриятларга бефарқ муносабатда бўла бошлайди. Бўшлиқ ана шундай яратилади, “очиб олинади”.

Мафкуравий бўшлиқ ҳосил бўлгач, энди унинг ўрнини тўлдирувчи ёт ғоялар жозибали тасвирлана бошланади. Бузғунчи ғояга хос “янгилик” ва у бераётган ваъдалар одамлар қулоғи ва кўзи орқали онг ва қалбига кира бошлайди. Мафкуравий бўшлиқ шу тариқа тўлдирила бошланади. Ёлғон ғоя одамлар онгига ўрнашса, у ҳам амалий кучга айланади.

Ҳозирги фан ва технологиялар равнақи даврида бошқа кишиларнинг онги ва қалбига яширин, гараз мақсад билан таъсир қўрсатишни ифодалашда манипуляция кенг ишлатилмоқда. Ушбу вазиятда шахс ва унинг мафкуравий иммунитетига таъсир қўрсатиш жараёни манипуляция тушунчасида акс этади.


Бунда биринчидан, “даъватчи”нинг таъсири шахсга нисбатан зўрлик ва куч ишлатмасдан, балки маънавий, психологик хусусиятга эга бўлади; иккинчидан, бу таъсирда асл мақсад яширин қолади. Шунинг учун ҳам “ислом дини никобида” деган ибора ишлатилади; учинчидан, ғоявий манипуляция, зимдан таъсир қўрсатувчидан маҳорат ва билимни талаб қиласи. Шундай экан, ғоявий манипуляцияни мафкуравий кураш, ёт мафкуралар томонидан қўлланилаётган таъсир технологиясининг таркибий қисми, деб аташ мумкин. Яъни манипуляция одамни у ёки бу ишни қилишга эмас, (тарғибот ва ташвиқотдан фарқли ўлароқ), балки шу ишни қилишга хоҳиши, истак уйғотишга хизмат қиласи.



**Мафкуравий профилактика** – ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган турли шакллардаги ғоявий – тарбиявий, маънавий – мафкуравий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун ғоявий тарбия тизимини қамраб олади. Мафкуравий профилактика ғоявий бўшлиқни тугатиш, мафкуравий парокандаликни олдини олиш ёки бирор-бир ҳудуд, қатлам, гурухни ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан халос қилиш мақсадида амалга оширилади.

Бунда ғоявий таъсирнинг хилмахил усул ва йўлларидан фойдаланилади, турли воситалар қўлланилади. Мафкуравий профилактика тезкор ва қисқа суръатларда ёки аста-секин, босқичма-босқич амалга оширилиши мумкин. Биринчи ҳолатда зудлик билан чора-тадбирлар қўллаш лозим бўлса, иккинчи ҳолда, доимий ва событ қадамлик билан иш олиб бориш кўпроқ натижা беради. Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда ҳам мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. Зоро, у моҳиятан, ёт ғояларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишига қаратилган чоратадбирларга таянади. Таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот тизими мафкуравий профилактикани амалга оширишга ёрдам беради. Соғлом мафкурани халқ қалби ва онгига сингдиришга хизмат қиласидиган ижтимоий тузилмалар, оила, мактаб, маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳам унда ўз ўрнига эга.

## 2-савол: Ички ишлар органлари ходимлари мафкуравий таҳдидларга қарши курашда вазифалари



Мафкуравий таҳдидлар профилактикасини самарали ташкил этиш учун қуйидаги чора-тадбирларни сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Улар:

**Аудиторияга савол: Ички ишлар органлари ходимлари мафкуравий таҳдидларга қарши қандай кураш олиб бориши зарур?**

**биринчидан**, замонавий олий ўкув юртларида маънавий-маърифий ишлар мазмуни уларни янада такомиллаштиришни, яъни мафкуравий муаммоларни ва ғоявий кураш масаласини янада чуқур илмий-педагогик таҳдил қилиш, ёшларда амалий мафкуравий кўникмаларни шакллантириш йўлларини яхшилаш, уларни мафкуравий тарғиботга тайёрлаш методларини ишлаб чиқиши талаб этади;

**иккинчидан**, ўз келажагини ўйлаган ҳар бир инсон, халқ оммавий ахборот воситалари орқали узатилаётган хабарларни текшириб, ҳаёт билан

таққослаб, шундан кейингина қабул қилиши зарур. Шу боис ҳар бир инсон ахборот олиш, ундан фойдаланиш ва узатиш маданиятига эга бўлиши шарт;

**учинчидан**, интернет орқали тарқатилаётган барча шаклдаги хабарларнинг чинини ёлғонидан ажратиб олиш учун мустақил фикрлашни талаб этилади. Мустақил фикрлаш мафкуравий иммунитет, юксак маънавият, гоявий ва информацион таҳдидларга қарши курашнинг бош омилидир;

**тўртминчидан**, экстремизм мафкураси ва қўпорувчилик-террорчикликка қарши курашда аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар билан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларни изчил, чуқур ўйланган тизим асосида ташкил этиш зарур;

**бешинчидан**, фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динимизга соғлом муносабатни қарор топтиришимиз зарур;

**олтинчидан**, ёшлар дунёқарашида соғлом эътиқод, ишонч ва миллий қадриятлар устувор, урф бўлиши учун уларда ёт мафкураларга қарши иммунитетни шакллантириш зарур;

**еттингчидан**, ёшларни ҳаёт ҳодисаларини дунёвийлик, илмийлик қоидалари асосида таҳлил қилиш ва баҳолашга одатлантириш;

**саккизинчидан**, ёшларни бузғунчи мафкураларга ҳар доим, ҳамма жойда муросасиз бўлишга тайёрлаш зарур;

**тўққизинчидан**, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш педагог кадрларнинг гоявий-назарий ва услубий тайёргарлигига ҳам боғлиқ. Ҳар бир ўқитувчи, энг аввало, миллий гоямизнинг тарғиботчиси бўлиши керак. Албатта, бу масъулиятли ишда профессор-ўқитувчиларнинг шахсий намунаси, маънавияти, ҳаётга бўлган гоявий-сиёсий муносабати катта роль ўйнайди;

**үнинчидан**, интернет тизимида мафкуравий таҳдидларни, жумладан, экстремизм, терроризм ва миссионерликни тарғиб қиласиган сайлардан ёшларни муҳофаза қилиш;

**ўн биринчидан**, мустақил фикрга эга, соғлом негизда шаклланган дунёқарашиба мустаҳкам иродага эга шахсларни тарбиялаш, ёшлар қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантириш орқали ҳар хил бидъат-хурофот амалларни фарқлаш, турли диний оқим ва йўналишлар таъсири ҳамда ақидасига қарши иммунитет ҳосил қилиш;

**ўн иккинчидан**, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини шакллантириш, ёшлар онгида ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, эл-юрт шаънини ардоқлаш каби улуғвор фазилатларни камол топтиришда оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлиги асосида иш ташкил этиш;

**ўн учинчидан**, бугунги ахборотлар алмашинуви жадал кечеётган вақтда диний масалаларга оид маълумотларни тўғридан тўғри қабул қилиш ва унга эътиқод қилишга шошилмасликни тавсия ва тарғиб қилиш ҳамда ахборот хуружлари асирига айланмаслик лозим;

**ўн тўртинчидан**, фуқароларда диний бағрикенглик, бошқа дин вакиллари га хурмат, ўзаро биродарлик, миллатлараро тотувлик, дўстлик туйғуларини шакллантириш;

**ўн бешинчидан**, аҳоли ўртасида дин ҳақида нотўғри салбий тушунча ва тасаввурлар уйғонишининг олдини олиш мақсадида ақида, ибодат ва бошқа диний масалаларга оид саволлар билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси уламолари, уларнинг вилоятлардаги вакиллари, маҳаллий имомхатиблар ва диний соҳа мутахассисларига мурожаат қилиш;

**ўн олтинчидан**, экстремизм ва терроризм билан курашда, асосан ҳуқук-тартибот органларига суюниш, фақат жазо чораларини қўллаш орқали унга барҳам беришга интилиш мазкур салбий ҳодисанинг оқибати билангина курашиш деганидир. Бошқача айтганда, бундай йўлдан борилса, тараққиёт кушандаси бўлган экстремизм ва терроризмни озиқлантириб турган «илдиз»лар заарланмай қолаверади, маълум бир давр ўтиши билан улар янги «куртак»лар беришда давом этишини ҳисобга олиб, бундай манфур кучларнинг кирдикорларини фош этиш ва уларга қарши курашишда ҳар бир соҳа вакили ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш;

**ўн еттингчидан**, интернетдаги «танишлар» аноним, ёши, насаби, асл мақсади номаълум шахслар бўлиб, аксарият ҳолатларда улар динга қизиқувчан аёлларга «ёқиб қолиш» ва улар учун «ҳақиқий мусулмон», «орзудаги қаҳрамон» бўлиш сирларини яхши ўзлаштирган бўладилар.

### Ўзингизни синанг!

Иммунитет-...

Мафкура-...

Мафкуравий профилактика-...

Маънавий иммунитет-...

### Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Ички ишлар органлари ходимларида мафкуравий иммунитетни юксалтириш мавзусини ўқиб ўрганиш.
2. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя китобини ўқиши.

### Назорат саволлари:

1. Иммунитет деганда нимани тушунасиз?
2. Мафкуравий иммунитет ҳақида тушунчангиз?
3. Мафкуравий профилактика деганда тушунчангиз?
4. ИИО ходимларининг мафкуравий таҳдидларга қарши вазифалари.

### **З-МАВЗУ: Ички ишлар органлари ходимларида мафкуравий иммунитетни юксалтириш**

**Семинар машғулоти (2-соат)**

#### **“САВОЛ-ЖАВОБ” МЕТОДИ**

Метод мавзунинг ўқувчи (tinglovchi) ва курсантлар томонидан ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Уни қўллашнинг самарадорлиги савол-жавобларнинг аниқ, қисқа ва тушунарли тарзда ифода этилиши, айнан мавзуга доир бўлишига боғлик.

Таълим жараёнида методни қўллаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўқитувчи моҳияти ёритилган мавзу  
юзасидан саволлар тайёрлайди

Ўқитувчи саволларни тингловчиларнинг  
эътиборларига ҳавола этади

Тингловчилар берилган саволларга жавоб қайтариш  
орқали мавзуни ўзлаштирганлик даражасини намойиш этади

Ўқитувчи тингловчиларнинг савол-жавобдаги иштирокларини таҳлил  
қилиб, баҳолайди ва машғулотга яқун ясади

#### **САВОЛЛАР:**

1. Иммунитет деганда нимани тушунасиз?
2. Мафкуравий иммунитет деганда нимани тушунасиз?
3. Мафкуравий таҳдидларга қарши инсонда нима булиши зарур?
4. Фоявий бўшлиқни нима билан тўлдириш лозим?
5. Инсон онги ва қалби учун кураш деганда нимани тушунасиз?
6. ИИО ходимларининг мафкуравий таҳдидларга қарши курашда вазифаси нимадан иборат?
7. Мафкуравий таҳдид нима?
8. Маънавий таҳдид нима?
9. Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш деганда тушунчангиз?
10. Синалмаган отнинг сиртидан ўтма, деганда нимани тушунасиз?

# **ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАДАНИЯТ ВА ХИЗМАТ ИНТИЗОМИ КОДЕКСИ - ЎҚУВ МОДУЛИДАН МАВЗУЛАР БҮЙИЧА ТАХМИНИЙ ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

## **1.1-мавзу бўйича**

1. “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон Қарор қачон қабул қилинган?

2. “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон Қарор нечта иловадан иборат?

3. “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон Қарорнинг 1-иловаси қандай номланади?

4. ИИОлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси нечта боб ва нечта банддан иборат?

5. ИИОлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодексининг 1-боби қандай номланади?

6. ИИОлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодексининг 2-боби қандай номланади?

7. Ходимларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкини?

8. Ходимлар акциядорлик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларига қонунчиликда белгиланган талаблар доирасида эгалик қилиши мумкини?

9. Ходимлар хизмат фаолияти давомида қандай ҳолларда совға олиши мумкин?

10. Ходимлар хизматдан ташқари вақтларда қандай салбий иллатларга йўл қўймаслиги керак?

## **1.2-мавзу бўйича**

1. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси қайси меъёрий ҳужжатда тасдиқланган?

2. Ички ишлар органларида хизмат интизомига оид талаблар Кодекснинг қайси бобида белгиланган?

3. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси нималарни белгилайди ва қандай масалаларни тартибга солади?

4. Нималар, ходимлар томонидан қонунчилик талаблари ва Кодекс

қоидалари бузилишига асос бўла олмайди?

5. Ички ишлар органлари ҳарбий тузилмалари бошлиқлари ва ҳарбий хизматчиларининг ҳарбий хизмат ҳамда ҳарбий хизматдан ташқари фаолияти одоб-ахлоқи ва интизомига қўйиладиган талаблар яна қандай меъёрий ҳужжат билан тартибга солинади?

6. Кодексда белгиланган қоида ва талаблар ходимларнинг ..... га йўналтирилган. Нуқталар ўрнини тўлдиринг.

7. Ҳар бир ходимга қачондан бошлаб Кодекс қоида ва талабларини билиши, уларга қатъий ва сўзсиз риоя қилиши мажбурий ҳисобланади?

8. Хизмат интизоми бўйича ҳар бир ходим зиммасига юклатиладиган мажбуриятларнинг айримларини кўрсатинг.

9. Ички ишлар органлари ишчи ва хизматчиларининг меҳнат ҳамда меҳнатдан ташқари фаолиятида одоб-ахлоқи ва интизомига қўйиладиган талаблар қандай ҳужжатлар билан тартибга солинади?

10. Хизмат интизоми бўйича ҳар бир ходим зиммасига юклатиладиган мажбуриятларнинг айримларини кўрсатинг.

### **1.3-мавзу бўйича**

1. Ички ишлар органларида бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари Кодекснинг қайси бобида белгиланган?

2. Ходим хизмат вазифасини бажариш пайтида кимга бўйсинади?

3. Ходимга энг яқин бўлган раҳбар бу-...?

4. Ходимлар хизмат бўйича бўйсунадиган, шу жумладан, вақтинча бўйсунадиган раҳбарлар бу-...?

5. Бошлиқ ўзи раҳбарлик қилаётган ички ишлар органи бўлинмасида нималарга шахсан жавобгар ҳисобланади?

6. Ходим қонунга яққол зид бўлган (хизмат фаолиятига алоқадор бўлмаган) буйруқ ёки топшириқ олганда кимга хабар бериши шарт?

7. Ходим буйруқ ёки топшириқнинг бажарилгани тўғрисида кимга хабар беради?

8. Ходим буйруқ ёки топшириқни бажариш имконияти бўлмаган тақдирда кимга хабар беради?

9. Бошлиқ нималарга мажбур?

10. Бошлиқ хизмат интизомини мустаҳкамлаш борасида нималарга мажбур?

### **1.4-мавзу бўйича**

1. Ички ишлар органларида касбий маданият ва хизмат интизомини таъминлаш Кодекснинг қайси бобида белгиланган?

2. ИИОларини рағбатлантиришда қуидагилардан қайслари рағбатлантириш чораларига кирмайди?

3. Туман (шаҳар) ички ишлар органлари, транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармалари, жазони ижро этиш муассасалари, тергов

хибсоналари бошлиқлари, бригада ва батальон командирлари, миңтақавий мувофиқлаштириш марказлари раҳбарлари, шунингдек, уларга тенглаштирилган раҳбарлар қандай интизомий жазо чораларини қўллаш ҳукуқига эга?

4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосарлари — департамент бошлиқлари (ўз йўналишлари бўйича худудий ва тармоқ ички ишлар органлари ходимларига нисбатан), Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, ИИВ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти ҳамда таълим муассасалари бошлиқлари, шунингдек, уларга тенглаштирилган раҳбарлар қандай интизомий жазо чораларини қўллаш ҳукуқига эга?

5. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари — Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошлиғи ички ишлар ходимларига нисбатан қандай интизомий жазо чораларини қўллаш ҳукуқига эга?

6. Рағбатлантириш тариқасида муқаддам қўлланилган қандай интизомий жазо муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин?

7. Ички ишлар органлари хизматига қабул қилиш ва хизматдан бўшатиш ваколатига эга бошлиқлар ходимларга нисбатан қандай интизомий жазо чораларини қўллаш ҳукуқига эга?

8. Кўл остидаги ходимларига нисбатан ўз ваколатларига кирмайдиган рағбатлантириш чораларини қўллаш зарурияти туғилган ҳолатда бошлиқ юқори турувчи раҳбарга бу ҳақда нима киритади?

9. ИИВ таълим муассасалари магистратура босқичи тингловчиларига нисбатан қандай интизомий жазо чоралари татбиқ этилмайди?

10. Интизомий жазо қўллашдан аввал ходимдан ёзма тушунтириш олинниши лозим. Агар ходим ушбу тушунтиришни беришдан бош тортса, тегишли равищда нима расмийлаштирилади?

## 1.5-мавзу бўйича

1. “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми Кодекси”нинг 6-бобини қандай номланади?

2. “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми Кодекси”нинг 7-бобини қандай номланади?

3. Ҳар бир ходим бошлиқнинг унга нисбатан қонунга зид ёки ноҳақ харакатлари устидан кимларга шикоят қиласи?

4. Ходимнинг шикоятида баён этилган масалаларни ҳал этиш ваколатига кирмайдиган юқори турувчи раҳбар ушбу мурожаатни неча кун муддатда ваколатли идорага юборади?

5. Юқори турувчи раҳбарга ёки хизмат жойидаги шахсий хавфсизлик бўлинмасига қонунчиликни бузиш фактлари ёхуд ўзига нисбатан ноҳақ муносабатда бўлингандиги ҳақида мурожаат этганлиги учун кўл остидаги ходимни таъқиб этган бошлиқ қандай тартибда жавобгарликка тортилади

(агар унинг хатти-ҳаракатлари жиноий жавобгарликка олиб келмаса)?

6. Ходимларнинг шикояти неча ой ичида ҳал этилади?
7. Ходимларнинг шикояти қўшимча текширув талаб этмайдиганлари эса зудлик билан, бироқ келиб тушган кундан эътиборан неча кундан кечиктирган ҳолда кўриб чиқилади?
8. Кодекс нормаларининг бажарилиши устидан назорат ким томонидан амалга оширилади?
9. Ходимларнинг шикояти қўшимча текширув талаб этмайдиганлари қанча вақт ичида ҳал этилади?
10. Ҳар бир ходим бошлиқнинг унга нисбатан қандай ҳаракатлари устидан юқори турувчи раҳбар мурожаат қилишга ҳақли?

## **МАЊНАВИЙ-МАЊРИФИЙ ТАЙЁРГАРЛИК -ЎҚУВ МОДУЛИДАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА ТАХМИНИЙ ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

### **2.1-мавзу бўйича**

1. Концепциянинг асосий мақсади нимадан иборат?
2. Ички ишлар органларида мањнавий-мањрифий ишлар қандай концептуал ғоя асосида ташкил этилади?
3. Мањнавий-мањрифий ишларни амалиётга узлуксиз татбиқ этиш бўйича ички ишлар органларининг асосий субъектлари?
4. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 30 йиллигига бағишиланган санада қандай китоб тайёрланиб нашр этилди?
5. Малака ошириш институти тингловчиларида мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш мақсадида қандай махсус курслари ўқитилади?
6. Ички ишлар органлари тизимида ҳар ҳафтада қандай тадбирлар комплекси ташкил этилади?
7. Ички ишлар органларида мањнавий-мањрифий ишлар нечта йўналишларда олиб борилади?
8. “Ички ишлар органларида мањнавий-мањрифий ишларни ташкил этиш Концепцияси” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қайси сон қарори асосида тасдиқланган?
9. ИИВ томонидан қандай идоравий кўкрак нишони таъсис этилди?
10. Ренессанс сўзининг луғавий маъноси нима?

### **2.2-мавзу бўйича**

1. “Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, тилини, санъатини йўқ қилсанг бас, тез орада унинг ўзи таназзулга учрайди” деб ким айтган?
2. “Хоқоним, агар бирор мамлакатни босиб олиб, у ерда узоқ ҳукмронлик қилмоқчи бўлсангиз, даставвал ўша ерда яшаётган ҳалқни ўз тарихий маданиятидан маҳрум этинг, мањнавий бухронни кучайтиринг. Ўз

маданиятидан бебаҳра бўлиб, маънавий қашшоқлик ҳолатига учраган халқ уюшмайди, ички низолар гирдобига ўралади, сизга қаршилик кўрсата олмайди. Бундай ҳолга келган халқни, мамлакатни идора қилиш қийин бўлмайди”-деган сўзлар муаллифи кимга тегишли?

3. «Бу ерда ҳар қандай қўшинни тўзғатиб юборадиган бир қудратли куч бор: бу туркистонликларнинг кечмиш хотираси... Демакки, уларнинг биргина ўзини енгиш кифоя эмас, хотираларини, тарихини ҳам енгмоқ керак»-деган сўзлар муаллифи ким?

4. Космополитизм деганда нимани тушунасиз?

5. “Қабиласининг номини, етти отасини танимаганларни қул-марқуқ дерлар” сўзлар муаллифи ким?

6. Босқинчиларнинг азалий шиори нима?

7. Ички таҳдидлар тўғри кўрсатилган қаторни топинг?

8. Ташқи таҳдидлар тўғри кўрсатилган қаторни топинг?

9. “Камиkadзе” деганда нимани тушунасиз?

10. Сепаратизм деганда нимани тушунасиз?

## **2.3-мавзу бўйича**

1. Экстремизм сўзининг луғавий маъноси нимани англатади?

2. «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қачон қабул қилинган?

3. “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунда “экстремизм”га қандай таъриф берилган?

4. Мутаассиблик сўзининг луғавий маъносини нимани англатади?

5. «Мехр» инсонпарварлик операцияси қачон бошланди?

6. 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон ташаббуси асосида қандай резолюцияни қабул қилди?

7. Ўзбекистон Республикасида ташкилотни экстремистик ташкилот деб топиш қандай тартибида амалга оширилади?

8. Терроризм сўзининг маъноси нимани англатади?

9. «Терроризмга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қачон қабул қилинган?

10. “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунда “террорчи” га қандай таъриф берилган?

## **2.4-мавзу бўйича**

1. Логика сўзининг луғавий маъноси нимани англатади?

2. Мантиқнинг илмий-тадқиқот обьекти бўлиб билиш усули сифатидаги нима ҳисобланади?

3. Билиш деб нимага айтилади?

4. Тафаккур нечта шаклда содир бўлади?

5. Тафаккурнинг мазмуни деб нимага айтилади?

6. Тафаккурнинг мантиқий шакли деб нимага айтилади?

7. Фикрнинг тузилиши деб нимага айтилади?

8. Тўғри тафаккур деб нимага айтилади?
9. Тафаккурнинг асосий қонунлари нималар киради?
10. Беш опа-сингилнинг ҳар бири иш билан банд. Биринчиси китоб мутолаа қиляпти. Иккинчиси таом тайёрләяпти. Учинчиси шахмат ўйнаяпти. Тўртингиси кир ювяпти. Бешинчиси-чи?

## **2.5-мавзу бўйича**

1. Антик даврнинг буюк нотифи Цицерон инсонни олий даражага кўттарувчи икки восита бор, деб тъкидлаган. Буларга...?
2. Ички ишлар органлари ходимлари учун тавсия этилган “Нотикълик санъати” китобининг муаллифи ким?
3. Нотик бу...? Нуқталар ўрнини тўлдиринг?
4. Нутқ маданиятида қандай саволларга тўғри жавоб топиш ва унга амал қилишга катта аҳамият берилади?
5. Ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролар билан муомаласининг неча фоизини вербал муносабатлар ташкил қиласиди?
6. «Тил қиличдан ўткир, бир калима ширин сўз қилични қинга киритар»-деган сўзлар муаллифи ким?
7. «Гап сўзда эмас, оҳангда»-деган сўзлар муаллифи ким?
8. Ходим нутқи мантиқ қоидаларига мувофиқ бўлиши учун қандай талабларга жавоб бериши лозим.
9. Ходим нотикълигидан қандай мақсадлар кўзланади?
10. Чинакам муомала маданияти ва катта маҳорат ниманинг маҳсули?

## **КОРРУПЦИЯ – ИЧКИ МАЛЬНАВИЙ ТАХДИД – ЎҚУВ МОДУЛИДАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА ТАХМИНИЙ ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

## **2.6-мавзу бўйича**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинган?
2. Коррупция сўзи Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунида қандай таърифланган?
3. Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Коррупцияга қарши кураш конвенциясига қачон қўшилган?
4. «Коррупция» сўзининг луғавий маъноси нимани англатади?
5. “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонунига асосан коррупцияга қарши кураш бўйича фаолиятни нечта орган амалга оширади?
6. Коррупциянинг жамиятга қандай таҳди бор?
7. Қандай омиллар коррупцияни ривожлантиради?
8. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги кимга бўйсунади?
9. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги қачон ташкил этилди?
10. Коррупциянинг жамиятга қандай салбий таъсири бор?

## **2.7-мавзу бўйича**

1. Сабр сўзининг лўғавий маъноси нимани англатади?
2. Ҳалолнинг зидди нима?
3. “Жамиятимизнинг барча аъзолари, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимиизга қўйган юксак мэрраларга эриша олмаймиз”, деб ким айтган?
4. Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шахри” асарида “фуқаролик жамиятини қуришда тўғаноқ бўладиган муаммолардан бири...” деб нимани назарда тутган?
5. Қайси саркарда вафотидан кейин қабристонга олиб бораётганда икки қўлини тобутидан чиқариб қўйишни васият қилган?
6. “Менда иккита йўл бор эди: биринчиси - ўғирлаш ҳамда дўстларимни ва қариндошларимни “Forbes” рўйхатига киритиш, бу билан ҳалқимни қуп-қуруқ ер устида қолдириш, иккинчиси – бу ҳалқимга хизмат қилиш ва мамлакатни дунёнинг энг яхши мамлакатлар ўнталигига киритиш. Мен иккинчисини танладим...” деб ким айтган?
7. «Менинг нафсим балодур, ...» Нуқталар ўрнини тўлдиринг?
8. “Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” – деган сўзлар муаллифи ким?
9. «Биз дунёга сафсата сотиш учун эмас, балки меҳнат учун келганмиз. Ҳалол турмушинг меҳнатдир. Ҳар қандай оғир машаққатли меҳнат таъмагирликдан, бирорларнинг инъом-эҳсонига тобе бўлишидан афзалдир», деган сўзлар муаллифи ким?
10. “Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак” деб ким айтган?

## **2.8-мавзу бўйича**

1. Коррупцияга қарши курашда ҳалқаро институтлар ичида универсал ташкилот қайси ташкилот ҳисобланади?
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг неchanчи моддасида «Давлат ҳалқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласди. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», деб белгиланган?
3. Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Коррупцияга қарши кураш конвенциясига қачон қўшилган?
4. “Transparency International” ҳалқаро нодавлат ташкилоти томонидан Ўзбекистон Республикаси коррупция ҳолати бўйича 2022 йилда 180 давлат орасида неchanчи ўринни эгаллади?
5. БМТнинг 2003 йил 31 октябрда қандай конвенцияси қачон қабул қилинган?
6. «Коррупцияни тўхтатиб қолишининг энг осон усули мансабдор шахсларнинг ўз билганинчалик ҳаракат қилишлари имкониятларини камайтиришда» деб ким айтган?
7. “Transparency International” ҳалқаро нодавлат ташкилоти томонидан 2022 йил якунлари бўйича рейтингда коррупция даражаси энг паст бўлган давлат қайси?

8. Қайси давлатда махсус коррупцияга қарши кураш ҳақида қонун мавжуд?

9. Америкааро коррупцияга қарши конвенция қачон қабул қилинган?

10. 2022 йил якунлари бўйича рейтингда коррупция даражаси энг юкори қайси давлат кўрсатилган?

## **ГЕОСИЁСИЙ МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ВА МАФКУРАВИЙ КУРАШ – ЎҚУВ МОДУЛИДАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА ТАХМИНИЙ ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

### **2.9-мавзу бўйича**

1. “Бу дунё ҳақиқатдан ҳам кураш майдонига, соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ эса бу курашнинг қуроли” деган сўзлар муаллифи ким?

2. Геосиёсат тушунчасини биринчи бор илмий муомалага ким киритган?

3. Мумтоз геосиёсий назарияга кўра ҳар бир минтақанинг геосиёсий мавқеи нималар билан белгиланади?

4. Ўзбекистон Республикасининг умумий майдони қанча?

5. “Бизнинг минтақадаги ўзаро яқинлашувимиз ва ҳамкорликни кенгайтиришимиз – бу замон талаб қилаётган ва орқага қайтмайдиган жараён эканлигини таъкидламоқчиман. У қатъий сиёсий танловга асосланган бўлиб, чуқур тарихий омилларга эга ва кимнингдир манфаатларига қарши қаратилган эмас” деган сўзлар муаллифи ким?

6. Ўзбекистон Республикаси Афғонистон давлати билан чегаралар узунлиги неча км.ни ташкил этади?

7. Ўзбекистон Республикаси Тожикистон давлати билан чегаралар узунлиги неча км.ни ташкил этади?

8. Марказий Осиёга нисбатан қайси давлатларнинг манфаатлари мавжуд?

9. Геосиёсий рақобатга қўшилиш иқтисодий гигантлар манфаатларининг курбонига айланиб қолишига олиб келишини қайси давлат мисолида кузатилди?

10. Геосиёсий манфаатлар тўқнашувидан асосий мақсад нимада?

### **2.10-мавзу бўйича**

1. Экспертлар нимани геноцид қуроли, аслида аллақачон бошланиб кетган тўртинчи жаҳон урушининг таъсирчан қуроли, деган фикрда яқдилдирлар?

2. Битта сегаретада қанча мг никотин бор?

3. Азалдан маълумки, қандай одам душмандан ҳам хавфлироқдир?

4. Жамият тараққиётига рахна соловчи ижтимоий иллатларни кўрсатилган қаторни топинг?

5. “Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижаотли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир” деган сўзлар муаллифи ким?

6. Миссионерлик сўзининг луғавий маъноси нимани англатади?

7. Миссионерликнинг асосий мақсади нимадан иборат?
8. “Демократия экспорти” мақсади нимадан иборат?
9. “Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини маҳкам беркитиб ўтира олмайман. Чунки унга тоза ҳаво кириб туриши керак ва шунинг баробарида, эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб, хонадонимни ағдар-тўнтар қилиб, ўзимни йикитиб ташлашини ҳам хоҳламайман” деган сўзлар муаллифи ким?
10. Психологларнинг тадқиқот натижаларига кўра баъзи хорижий мультфильмлардаги аёл образидаги қаҳрамонлар шундай яратилганки, ушбу мультфильмларни сурункали равишда томоша қилиш ёшлиарнинг онгида нимани сўндиришга олиб келади?

## **2.11-мавзу бўйича**

1. Иммунитет сўзининг луғавий маъноси нимани англатади?
2. Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда асосий восита нима?
3. Қандай шахсларни онгини эгаллаш осон кечади?
4. Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда ниманинг роли беқиёс ҳисобланади?
5. “Миллий тарихни миллий рух билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшлиаримизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан куроллантиришимиз зарур” деган сўзлар муаллифи ким?
6. Мафкуравий профилактика нима мақсадда амалга оширилади?
7. Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда ниманинг ўрни катта?
8. Нималар гоявий ва информацион таҳдидларга қарши курашнинг бош омилидир ҳисобланади?
9. Ёшлиар юрагига нималарни сингдиришимиз зарур?
10. Геосиёсий манфаатлар тўқнашувидан асосий мақсад нимада?

## ГЛОССАРИЙ

**Кодекс** (лот. codex) — ижтимоий муносабатларнинг муайян бир турдаги соҳасини тартибга солувчи системалаштирилган ягона қонун ҳужжати.

**Маданият** (арабча Мадина-нурланган шаҳар) инсон фаолияти ва шу фаолиятнинг аҳамиятини белгиловчи рамзий қурилмалар ва асарлар мажмуидир.

**Интизом** — кишилар, жумладан, меҳнат жамоаси аъзоларининг жамиятда таркиб топган ҳуқуқ ва ахлоқ меъёрларига, шунингдек, бирон-бир ташкилот талабларига жавоб берадиган муайян хулқ-автор ва ўзини тутишга оид тартиб қоидалар.

**Ҳарбий интизом** – бу барча ҳарбий хизматчиларнинг қонун, ҳарбий Низомлар томонидан, командирлар (бошлиқлар) буйруқлари билан белгиланган тартиб ва қоидаларга қатъий ва аниқ риоя этилишидир.

**Бошлиқ** — идора, ташкилот, муассасага раҳбарлик қилувчи шахс, раҳбар.

**Хизматчи** – идора, ташкилот, муассасада ишловчи киши.

**Танбеҳ** — юклатилган вазифаларни, бошлиқнинг топшириқлари ва услубий қўрсатмаларни бажармаган, хизмат кийимини кийиш қоидаларини бузган ходимларга нисбатан.

**Ҳайфсан** — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Кодекс талабларини, хизмат гувоҳномасидан фойдаланиш, фуқаролар ҳамда ҳамкаслари билан муомала маданияти қоидаларини бузган, белгиланган кун тартибига мунтазам равища амал қилмаган ва хизмат мажбуриятларини бажармаган, жамоадаги маънавий-руҳий муҳитга салбий таъсир кўрсатган ходимларга нисбатан.

**Қаттиқ ҳайфсан** — амалдаги ҳайфсан интизомий жазоси бўлган ходимларга нисбатан, касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Кодекс нормаларини такороран бузганлиги учун.

**Лавозим маошининг эллик фоиздан қўп бўлмаган микдорда жарима** — амалдаги интизомий жазоси бор-йўқлигидан қатъи назар, касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Кодекс нормаларини қўпол равища бузган, хизмат бурчига масъулиятсиз ёндашган, иш самарадорлиги паст бўлган ходимларга нисбатан.

**Махсус унвонини бир поғона пасайтириш ёки эгаллаб турган лавозимидан озод этиш** — амалдаги интизомий жазоси бўлган, касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Кодекс нормаларини қўпол равища бузган, хизматни ўташга лоқайдлик билан муносабатда бўлган, юклатилган хизмат мажбуриятларини

бажармаган ходимларга нисбатан.

**Гауптвахтада ҳибсда ушлаб туриш** — интизомий жазонинг қатъий чораси сифатида ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш учун асос бўладиган ножӯя хатти-ҳаракатни содир этган ходимларга нисбатан.

**Ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш** — хизмат интизомини кўпол равища бузган, ички ишлар органи ходими шаънига путур етказувчи хатти-ҳаракат содир этган, интизомий жазо чораси мавжуд бўлган тақдирда, мунтазам равища хизмат интизомини бузган, қонун ҳужжатларида белгиланган чеклов ва тақиқларга риоя этмаган ходимларга нисбатан.

**Ариза** – ҳукуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат.

**Таклиф** – давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат.

**Шикоят** – бузилган ҳукуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат.

**Аноним мурожаат** – жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган манзили (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек, уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат.

**Электрон мурожаат** – белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан Вазирлик ёхуд унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари расмий веб-сайтларида жойлаштирилган мурожаат.

**Концепция** (лотинча conception – ўзбекча тўплаш, бирлаштириш; тизим; ибора маъноларини англатади) тушунчасини қарашлар, фикрлар йўналиши тизими; фикр юритиш, дунёни тушуниш, англаш усули деб тушуниш мумкин.

**Ренессанс** сўзи французча Renaissance – ўйғониш; қайтадан юзага келиш, тикланиш маъноларини англатади. Инсониятнинг маънавий ва ғоявий тараққиётидаги ўйғониш, кўтарилиш даври.

**Тарбиявий ишлар** ватанпарварлик, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, оиласий-маиший тарбия ҳамда якка тартибдаги тарбиявий чоратадбирлардан иборат.

**Тарғибот-ташвиқот ишлари** ходимларга мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ишларнинг мазмун ва моҳиятини тушунтириш, ички ва ташқи сиёсатнинг тенденциялари ҳақидаги маълумотларни тизимли равища етказиб борищдан иборат.

**Психологик фаолият** ходимларнинг руҳий ҳолатини кузатиш ҳамда уларнинг шахсий фазилатлари ва жамоадаги муносабатларини касбий

бурчини самарали бажаришга йўналтиришдан иборат.

**Ижтимоий-хуқуқий фаолият** ходимлар, фахрийлар ва уларнинг оила аъзоларининг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларга ҳар томонлама моддий ва маънавий кўмаклашишга қаратилган тадбирлардан иборат.

**Маданий тадбирлар** ходимлар онгода миллий маданиятимиз ва қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром ҳис-туйғуларини ошириш, юксак эстетик дид ва ахлоқий меъёрларни шакллантириш, Ўзбекистон халқининг бой тарихи, маданияти, анъаналари ва урф-одатларига ҳурмат, миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналарини оммавий тадбирлар (музей, театр, кино, истироҳат боғлари, концерт ва бошқа тадбирларга ташрифлар) орқали сингдиришдан иборат.

**Манқурт** – ўзининг кимлигини, қайси уруғ-аймоқдан эканини, исмини, болалик кезларини, ота-онасининг кимлигини бутунлай ёддан чиқарган бўлиб, ўзининг одамлигини ҳам унутиб юборади. У нотавон ва забонсиз бўлгани учун ҳам мутлақо итоаткордир

**“Камикадзе”** (японча – “худолар шамоли”) – атамаси дастлаб, иккинчи жаҳон уруши даврида душманнинг кема, танк ва бошқа стратегик обьектларига зарар етказиш мақсадида сафарбар қилинган ўзини қурбон қилувчи япон ҳарбий учувчиларига нисбатан қўлланилган.

**Таҳдид** деганда инсонлар учун моддий ёки маънавий зарар етказувчи, унинг ҳаётига, келажагига раҳна соловчи омиллар, хавф-хатарлар тушунилади.

**Ички таҳдидлар** – бу жамият ичида юзага келувчи, жамиятдаги бирликка, давлат ва жамият ўртасидаги алоқаларга салбий таъсир кўрсатувчи, фуқароларда норозилик ва давлат ҳокимиятига ишончсизлик уйғотувчи, давлат ва жамиятнинг нормал алоқаларини издан чиқарувчи хатарлардир.

**Ташқи таҳдидлар** деганда мамлакат ташқарисидан туриб, турли воситалар орқали унинг суверенитетига дахл қилиш, жамиятда нотинчлик, ишончсизлик келтириб чиқариш, халқаро майдонда давлатни ва ҳокимият органларинини обрўсизлантиришга қаратилган фитналар, ҳаракатлар тушунилади.

**Маънавий таҳдид** деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим.

**Мафкуравий таҳдид** деганда, хукмронлик, тажовузкорлик, босқинчилик, экстремизм, ақидапарастлик ва бошқа шу каби вайронкор ғояларни аҳолининг муайян қатлами, айниқса, ёшлар онгига турли усул ва воситалардан фойдаланиб сингдириб бориш, уларда жамият ва унда умумқабул қилинган ижтимоий, ахлоқий ва ҳатто диний қоида-нормалар, давлат ҳокимияти ва унинг идора усуллари ҳақида нотўғри муносабат

шакллантиришга, қисқа қилиб айтганда, жамиятнинг ижтимоий онгини заҳарлашга қаратилган хатти-ҳаракатлар тушунилади.

**Ахборот хуружи.** Ахборот-психологик хуруж – ҳозирги замон дунёсиёсатининг асосий воситаларидан, сиёсий ва иқтисодий хукмронликка эришиш, аҳолининг психологик (руҳий) ҳолатига мақсадли таъсир ўтказиш усулларидан биридир.

**Ғоявий бўшлиқ**-муайян шароитда жамият, ундаги тоифа ва қатламлар онгига содир бўладиган ғоясизлик, мафкуравий вакуум холати.

**“Оммавий маданият”** инглизча “Popular culture” (“оммабоп, кенг тарқалган, ҳамма учун очиқ маданият”) атамасидан олинган бўлиб, дастлаб XX аср ўрталарида Фарбий Европа ва АҚШда вужудга келган. “Оммавий маданият” халқ оммасига ҳеч бир халқнинг миллий қадрият ва урф-одатларига тўғри келмайдиган бузғунчи ғояларни сингдиришга ҳаракат қиласиди.

**Мафкуравий иммунитет** – давлат ва миллатнинг маънавий бирлиги, маънавий соғломлигини ҳимоя қилувчи ғоявий қалқон вазифасини бажаради. Мафкуравий иммунитет маънавий, маърифий, сиёсий, иқтисодий билимларни оддийгина қабул қилиб олишини эмас, балки уларни онгли равишда тушуниб етишни, бу билимлардан замонавий ижтимоий воқеаларга мафкуравий қурашлар воқелигидан келиб чиқиб, муносабат билдириш кўникмаларини шакллантириш, айрим носоғлом ғояларга жавоб бериш, уларни қабул қиласлик лаёқатидир.

«**Экстремизм**» лотинча «ақл бовар қилмас даражада», «ҳаддан ошиш», кескин фикр ва чораларни ёқлаш, кескин чораларга тарафдорлик маъноларини билдиради.

**Экстремизм** — ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳокимиятни зўрлик ишлатиб эгаллашга ва унинг ваколатларини ўзлаштириб олишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатишига қаратилган ҳаракатларнинг ашаддий шакллари ифодаси.

**Экстремист** — экстремистик фаолиятни амалга оширишда иштирок этаётган, шунингдек экстремистик фаолиятда иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёхуд Ўзбекистон Республикаси худуди орқали ҳаракатланишни амалга оширган шахс.

**Экстремистик гурӯҳ** — олдиндан тил биритириб экстремистик фаолиятни амалга ошираётган ёки уни содир этишга суиқасд қилаётган икки ёки ундан ортиқ шахс;

**Экстремистик материал** — экстремистик фаолиятни амалга оширишга ошкора даъват қиладиган ёхуд шундай фаолиятни амалга ошириш зарурлигини асослаб берадиган ёки ошкора оқлайдиган, тарқатиш учун мўлжалланган хужжат ёки ҳар қандай воситадаги бошқа ахборот.

**Экстремистик ташкилот** — экстремистик фаолиятни амалга оширганлиги туфайли ўзига нисбатан фаолиятини тугатиш ёки тақиқлаш

тўғрисида суднинг қонунда назарда тутилган асослар бўйича қонуний кучга кирган қарори қабул қилинганд ташкилот.

**Терроризм** (лотин. «қўрқув», «даҳшат») – маълум ёвуз мақсадлар йўлида, куч ишлатиб, одамларни жисмоний йўқ қилишдан иборат бўлганояга асосланган зўравонлик усули.

**Террорчи** — террорчилик фаолиятини амалга оширишда иштирок этаётган, шунингдек террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёхуд Ўзбекистон Республикаси худуди орқали ҳаракатланишни амалга оширган шахс.

**Террорчилик гурухи** — олдиндан тил биритириб террорчилик ҳаракатини содир этган, бундай ҳаракатга тайёргарлик кўрган ёки уни содир этишга суиқасд қилган шахслар гурухи.

**Террорчилик ташкилоти** — икки ёки ундан ортиқ шахснинг ёки террорчилик гуруҳларининг террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун барқарор бирлашуви.

**Террорчилик фаолияти** — террорчилик ҳаракатини уюштириш, режалаштириш, тайёрлаш ва амалга оширишдан, террорчилик ҳаракатига ундашдан, террорчилик ташкилотини тузишдан, террорчиларни ёллаш, тайёрлаш ва қуроллантиришдан, уларни молиялаштириш ва моддий-техника жиҳатидан таъминлашдан иборат бўлган фаолият.

**Халқаро терроризм** — бир давлат худуди доирасидан ташқарига чиқадиган терроризм.

**Мантиқ, логика** — тўғри тафаккур юритишнинг асосий қонунлари ва шакллари ҳақидаги фан.

**Тафаккур қонунлари** фикрлар ўртасидаги ички, муҳим, зарурий ва барқарор алоқадорликларнинг акс этишидир. Тафаккурнинг асосий қонунлари айният, зиддиятсизлик, учинчини истисно ва ҳоказо.

**Айният қонуни** бирон нарса ва ҳодиса ҳақида билдирилган тушунча ёки ҳукм муҳокама давомида ўзгармай шу нарса ва ҳодисага айнанлигича қолишини тақозо этади.

**Айният қонуни** фикрларимизнинг аниқлигини ифодалайди.

**Зиддиятсизлик қонуни** бир нарса ёки ҳодиса ҳақида айтилган икки сифишимайдиган ҳукм бир вақтда ва бир хил нисбатда чин бўлиши мумкин эмас.

**Учинчини истисно қонуни** зиддиятсизлик қонунининг давоми бўлиб, фикрнинг тўлиқ мазмунини қамраб олувчи икки зид ҳукмдан бири чин, иккинчиси ёлғон, учинчисига ўрин йўқ эканлигини ифодалайди.

**Нутқ -тилнинг** фикр ифодалаш ва алмашиш жараёнларида амал қилиши, тилнинг алоҳида ижтимоий фаолият турисифатидаги муайян яшаш шакли.

**Нотик** - жамоат олдида нутқ сўзловчи, воизлик билан шуғулланувчи киши, профессионал нотик. Нотиклар чукур билим, юксак маданият ва маҳсус ижрочилик салоҳияти (чиройли ва таъсирчан овози, аниқ ва равшан талаффуз, ўз замонаси учун етакчи тилларни мукаммал билиш ва б.) га эга

бўлган.

**Ички ишлар органларининг ходимлари** - ички ишлар органларида хизмат қилаётган, махсус унвон берилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ички ишлар органининг ходимиdir.

**Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ти Қонунда коррупция** - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ва номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш.

**Пора олиш-яъни** давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий манфаатдор бўлиши

**Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** - коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун хужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**Манфаатлар тўқнашуви** - шахсий (бевосита ёки бевосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуклари ва қонуний манфаатлар и ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

**«Ҳалол»** – арабча сўз бўлиб, рухсат этилган, йўл қўйилган, қонуний, асосли, тўғри, виждонли одам маъносида ҳам, шариат ҳукмига мувофиқ эса, ичса, фойдаланса бўладиган; ҳаром эмас деган мазмунга ҳам эга.

**«Ҳалоллик»** кишининг ўзига қарашли, ўз меҳнати билан, пешона тери тўкиб топилган, хиёнат, фирромлик кабилардан ҳоли демакдир.

**Сабр.** (арабча – аччиқ, чидам, бардош) инсон маънавиятининг таркибий қисми бўлиб, ошиқмасдан кутиш ёки ўзини тия олиш, тоқат, чидам-бардош, ирода ва қаноат қилишни билдиради.

**«Коррупция»** атамаси лотинча «*corruptio*» сўзидан келиб чиқкан бўлиб, «бузиш», «сотиб олиш» деган маъноларни англатади.

**БМТнинг Коррупцияга қарши қуашга оид маълумотномасида:** «Коррупция – шахсий мақсадда фойда олиш учун давлат ҳокимиятини суистеъмол қилиш» эканлиги кўрсатилган.

**Геосиёсат** – муайян бир мамлакат ўрни, табиий бойликлари, иқлими ва бошқа географик омилларининг давлат ташқи сиёсатига (географик-сиёсий стратегияси ва ҳ.к.га) муайян таъсирини ифодалаш учун ишлатилади.

**Геосиёсий мақсадлар** - Муайян давлатнинг ўз мавқеи ва таъсирини ўзга ҳудуд ва минтақаларда кучайтиришга қаратиласан сиёсатни ифодалайди.

**Анклав** – худуди бошқа давлат ерлари билан ўраб олинган давлатнинг худуди ёки худудининг бир қисми. Бир томондан денгизга туташган анклавга баъзан ярим анклав ҳам дейишади.

**Махаллийчилик** – бир мамлакат доирасида турли географик ҳудудда яшовчи аҳоли манфаатларини устун қўйиш асосида бошқа ҳудудда яшовчи аҳоли манфаатларига даҳл қилиш, айирмачилик ғояларини илгари суриш.

**Мутаассиблик** (араб. – “чукур кетиш”) ўз фикр-мулоҳаза ва дунёқараши тўғрилигига ўта қаттиқ ишониб, бошқа диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлишни англатади.

**Сепаратизм** – лотинча “сепарус” сўзидан олинган бўлиб, алоҳида ажралиб чиқиши, алоҳида бўлишга интилиш демакдир. Бу хокимиятни нокунституциявий йўллар билан қўлга киритишга интилевчи кучларнинг сиёсатга аралашишларини билдиради.

**Эгоцентризм**-(лот. “ego”–мен, “centrums”–марказ) маъносини Англатади. Эгоцентризм шахсни ўзининг шахсий мақсадлари, фикрларига таяниб, бошқа одамларнинг ҳолатини ва тилини воқеаликнинг таъсирини холис қабул қилолмайди.

**Миссионер** “миссио” феълидан олинган бўлиб, “юбориш”, “вазифа топшириш”, миссионар эса “вазифани бажарувчи” деган маъноларни Англатган. Миссионерлик умумий маънода бирор динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилиш ходисасини англатади.

**Прозелитизм** атамаси эса бирон-бир динга эътиқод қилувчи инсонни ўз динидан воз кечишга ва ўзга динини қабул қилишга қаратилган ҳаракатларни англатади.

**Ахборот хуружи** Ахборот-психологик хуруж – ҳозирги замон дунё сиёсатининг асосий воситаларидан, сиёсий ва иқтисодий ҳукмронликка эришиш, аҳолининг психологик (руҳий) ҳолатига мақсадли таъсир ўтказиш усулларидан биридир.

**«Шовинизм»** атамаси миллатчиликнинг ўта агрессив шаклини ифодалайди. Ўзга миллатларни камситиш, ўз миллатини бошқа миллатдан устун қўйиш, миллий қалондимоғлик иллатларини ўзида мужассам этади.

**Космополитизм** (юн. «kosmopolites» – жаҳон фуқароси) — «жаҳон фуқаролиги» деб аталган ғояни тарғиб қилувчи мафкура.

**Иммунитет** деганда ташқаридан бошқариладиган ғояга ёки айтиладиган воқеа-ҳодисага қарши ҳимоя, ниманидир олдини олиш, унга қарши курашиш кўникмасининг ҳосил бўлиши тушунилади. Иммунитет – лотинча – озод бўлиш, қутилиш деган маънода ҳам келади. Мутахассис олимларнинг таъкидлашича, иммунитет инсон вужудининг турли инфекцион касалликларга бўш келмаслик ҳолатини ифодалайди.

**Мафкуравий профилактика** – ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган турли шакллардаги ғоявий – тарбиявий, маънавий – мафкуравий ишлар мажмую бўлиб, у бутун ғоявий тарбия тизимини қамраб олади.

## **ФОЙДАЛАНИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – 2023 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни. 2017 йил 3 январь.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги «Терроризмга қарши курашиш тўғрисида »ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлдаги «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида »ги Қонуни.

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта ПФ-6196-сонли «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелда ПҚ-5050-сонли «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелда ПҚ-5076-сонли «Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва ахоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 июлда 2021–2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Миллий стратегияси.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари**

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 21 ноябрдаги «Ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 400-сон буйруғи

### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

1. Ш.Мирзиёев «Буюк келажигимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз». – Т., 2017 й.

### **V. Дарсликлар, Ўқув қўлланмалар**

1. Сирлиев Б.Н. Исмаилова Н., Хакимова И.М. Юридик психологиядан практикум. Ўқув қўлланма. – Академия, 2016.

2. Юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик фазилатларини ва муомала маданиятини камол топтириш: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014.

3. Тохир Малик. Одамийлик мулки. Тошкент, 2016.

4. Фойназаров Ш. «Оммавий маданият» Т., 2012 йил

5. Назаров Қ. «Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти». Т., 2007 йил.

6. Муҳаммад А.Я. «Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя»-Т., 2015 йил.

7. Тулепов А. «Интернетга ин қурган ўргимчаклар». – Т., 2013 йил.

8. Бжезинский З. Великая шахматная доска: Господство Америки и её геостратегические императивы.- М.: Международные отношения, 1998. 254 с.

9. Аушиева Е.Б. Геополитические интересы России и Китая в Центральноазиатском регионе. Дис. ... канд. полит. наук. Москва, 2003. 143 с.

10. Арифханов Ш.. Центральная Азия: региональная интеграция и безопасность/ -Т.: 2007. - С. 18.

11. Хантингтон С. Столкновение цивилизаций? // Полис. - М., 1994. - 1. - С. 33 - 48.

12. Хопкирк П. Большая игра против России: Азиатский синдром. – Москва: Рипол классик, 2004. –С. 4.

13. Чжен Кун Фу. Геополитика Казахстана. - Алматы: Жеты Жарғы, 1999. - С. 158.

### **VI. Интернет сайtlари**

1. <http://mvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ);

2. <http://ipkmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти);

3. <http://akadmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси);

<http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).



**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ХОДИМЛАР  
БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БОШЛАНФИЧ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК  
ЎҚУВ КУРС УЧУН “ИЖТИМОИЙ - ГУМАНИТАР” БЛОКИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Мухаррир Н.Тасимов

---

Босишга рухсат этилди \_\_\_\_ 2023 й. Нашриёт-ҳисоб табоғи \_\_\_\_\_  
Адади \_\_\_\_ нусха. Буюртма № \_\_\_\_\_. Баҳоси шартнома асосида.

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,  
100213. Тошкент шаҳар Ҳусайн Бойқаро қўчаси, 27а-уй.